


Суот ДАРВИШ

# ФОСФОРЛИ ЖАВРИЯ



Суот ДАРВИШ

# Фосфорли Жаврия

*Роман*



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент — 2011

84(4 Тур.)  
УДК821  
И(5Ту)  
Д2201

*Туркчадан*  
**Бобохон**  
**МУҲАММАД ШАРИФ**  
*таржимаси*

Дарвиш, Суот.

Фосфорли Жаврия: Роман/Муқаддима: Б.М.Шариф; Туркчадан Б.М.Шариф таржимаси. — Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. — 208 б.

Истанбул гузалларидан бири бўлган Фосфорли Жавриянинг кўнглига ҳеч қутилмаганда ишқ савдоси тушади. У полициядан қочиб юрадиган, кечалари қайиқда нималарнидир ташийдиган бир йигитни севиб қолади. Бироқ Жаврия бу йигитнинг нима билан шуғулланиши у ёқда турсин, лоақал унинг исмини ҳам билмайди. Мазкур романда умри фохшалик билан ўтган Жавриянинг соф муҳаббат тўфайли покланиши тарихи ҳикоя қилинган.

И(5Ту)

ISBN 978-9943-03-348-1

© Тарж. Бобохон Муҳаммад Шариф.  
© Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011 й.

## «ҚОРАҚҰЛДА ОЙНА БОР!»

Совуқ иликларигача музлатиб юборганди. Маҳкамага олиб келишганидан бери ўн беш дақиқа ўтган эди. Хона ўчоқда ёнаётган қўмир тафтию одамларнинг ҳовуридан анча илиб қолганди.

Шунга қарамай Жаврия ҳамон дир-дир титрайди.

Бу титроқнинг совуқдан бошқа, яъни қўрқув ёки хавотир каби бирон ўзга сабаби йўқдай эди ҳарҳолда.

Жаврия... неча йиллар бўлдики, мана бу ва шунга ўхшаш қорақўлларнинг доимий мижози.

Бу кеча ҳаво ниҳоятда совуқ эди.

Қора ва жингалак сочларининг у ер-бу ери ҳўл.

У бундай кечаларга, Истанбулнинг рутубати иликларини ҳам музлатиб юборадиган изғиринли кечаларга: «Лаънати кечалар» дерди.

Одатда бундай кезларда ёғин-сочин ёғмас, бироқ кечанинг қоронғилиги ҳаводаги рутубатни чор тарафга пуркаётгандек туюларди.


Бу кеча Жаврияни, унинг таъбири билан айтганда, «хит»лар сочларининг йилтираши туфайли кўриб қолиб, қўлга туширган эдилар.

Қолбуки, Жаврия уларнинг ҳуштак товушини, оёқ сасини узоқдан эшитган ҳамона ўзини панага олган эди.

Аввалига татваса ичида тош йўлкани тақиллатганча қочиб кетаётган баланд пошна этик товуши эшитилди. Сўнгра иккита аёлнинг шарпаси пайдо бўлди. Бирови хўппасемиз, иккинчиси эса нозиккина... Семизи копток сингари зипиллаб қочиб борарди. Нозиги, янада тезроқ чопқиллаб, кўздан гойиб бўлиши лозим бўлгани эса ҳадеб қоқилар, югура олмаётган эди. У дуч келган жойга ўзини таппа ташлаб йиқиладиган бир аҳволда эди. Орқадан қувиб келаётган эркакларнинг оёқ товуши эшитиларди.

Семизи жуссасидан маълум. У Тўп Малоҳат... Ўшанинг ўзгинаси...

<sup>1</sup> Қ о р а қ ў л — полиция-маҳкамаси.



Уни қўлга тушириш осон эмас. Зим-зиё қоронғи кечада бақалоқ гавдаси бирпасда ғойиб бўлади-қолади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Қоядек қорайиб турган бинолардан бирининг эшигига ўзини урди-ю, кўздан ғойиб бўлди-қўйди.

Малоҳат Истанбулни беш қўлдай яхши билади. Қаерда бекиниш мумкин бўлган бир тирқиш, қаерда кўчадан кўчага ўтув ери бор, қаерда ичига кириб бекиниш мумкин бўлган ахлат қутиси-ю, қаерда орқа эшик орқали ошхонасига ўтиш мумкин бўлган майхона бор — ҳамма-ҳаммаси унга маълум.

Жаврия ҳам бу борада ундан қолишмайди, аммо Тўп Малоҳатга тенг келадигани Истанбулда йўқ.

Жаврия эшик олдида устма-уст қалаштирилган ту누ка ахлат қутиларининг орқасига бекинди. Тиззаларини букиб, гужанак бўлиб олди. Болдирлари, сонлари ва гавдаси устма-уст букланганга ўхшарди. Оппоқ юзи кўзга ташланмаслиги учун бошини тиззалари устига қўйди, қўллари билан тиззаларини қучоқлаб, болдирлари ва сонлари орасига тиқиб олди. Қўлга туширишган пайтда: «Агар Тўп Малоҳатни ушлаб олишганида хитлар мени тополмаган бўларди», деб ўйлаган эди.

Дарҳақиқат, Малоҳат боши берк кўчада бирдан йўқ бўлиб қолгач, полициячилар энди уни топиш учун эшикларга бирма-бир бош суқа бошлашганди.

Ерга пусган нозик қизни кўп ўтмай қўлга олишди.

Қўлга тушган заҳоти полициячи болохонадор қилиб сўкинди. Жаврия йўгон овозидан уни таниди. Жуссаси бу қадар кичик бўлган бу полициячининг товуши мунчалар йўгон бўлмаса!

Бунга барча ҳайрон бўларди. Овозининг йўгонлиги боис, унга «Довул Ойтан» дейишарди.

Сочини пана қилиш Жавриянинг хаёлига ҳам келмаганди. Ёдига тушган тақдирда ҳам бошини яширишнинг иложи йўқ эди.

Йўл четида, сал нарироқда кўча чироғи ёниб турарди.

Хуллас, ўша чироқ нури бошига тушиб, ҳўл сочларининг устида мингларча юлдузчалар ҳосил қилганди.

Полициячилар уни шу туфайли пайқаб қолишди. Зотан Жаврия илк дафъа полиция қўлига тушганида ҳам шундай бўлган эди.

Ўшанда ҳам у қочиб бекинган, бироқ сочларининг юлдузчалардек жимирлаши боис, қўлга тушганди.

Уни биринчи марта семиз ва кекса комиссар қўлга туширган эди.

Ўша кечаси комиссар қизга электр фонарини тўғрилаган онда сочлари юлдуздек жимирлаган ва комиссар: «Бу ерда бир фосфорли қиз бор экан, — деганди. — Ўрнингдан тур, Фосфорли, қани кўрайлик сени!» Шу-шу унинг исми Фосфорли Жаврия бўлиб қолди.

Унга бу лақаб берилишининг бошқа сабаблари ҳам бор эди.

Жавриянинг кўзлари, сочлари ва бутун борлиги, ҳақиқатан фосфорлангандек, атрофга нур таратиши шунга сабаб бўлди.

Қоронғида, бир чеккада мижоз кутиб тураркан, эркалар қоронғига қарамай, тўппа-тўғри унинг ёнига келишарди. Уни кўриб танлашгани учун эмас, албатта...

Қизлар: «Бунинг фосфори бор, — дейишарди. — Ҳаммадан бурун уни кўришади».

Дарҳақиқат, эркалар, худди фосфори бордек, барча қизлар орасидан айти уни танлашарди.

Улар қоронғида қизга яқинлашди дегунча унинг кўзлари, тишлари ялтир-юлтур порлаганини кўришарди.

Узоқда ёниб турган кўча чироғининг шуъласи унинг вужуди порлаши учун кифоя эди.

Қизлар уни қизганмасдилар... Фақат ўзлари унингдай бўлмаганликларидан афсусланишарди, холос.

— Ниманг бор ўзи, Фосфорли? — дейишарди.

Нимаси борлигини Жавриянинг ўзи ҳам билмасди. Фақат қизларга жавоб бериш учунгина:

— Фосфорим бор, — деб қўярди.

Оқшом парисига, кеча малагига бундан ортиқ ва бундан ҳам гўзал таъриф бериш мушкул.

Унинг гўзаллиги ҳам, исми ҳам чор тарафга машҳур эди.

«Фосфорли Жаврия...»

Истанбулнинг пастқам кўчалари, хилват жойлари, қабристонлари, қалъа деворлари, Такфур саройи харобалари-ю, полизларида у энг жозибали қиз эди.

Хотинбоз саёқлар уни бир-бирига тавсия қилишар, у билан айш-ишрат қилганини айтиб, мақтанишарди. Улар учун бундан зўр гап йўқ эди...

— Кеча Мажидиякўйда тонгга қадар Фосфорли билан роса ишрат қилдик-да. Берилиб ўйнаганида нур сочишини бир кўрсанг эди...

Жавриянинг рақсини кўрган киши унинг кўйида дали-демона бўлмай қолмасди.

Бу фосфорли парини деб қанчадан-қанча йигитлар муштлашмаган дейсиз...

Жаврия бугунга қадар қанчадан-қанча бўз йигитнинг жонига зомин, нечтасининг турмага тушишига сабаб бўлмади, дейсиз...

Буни фақат Оллоҳнинг ўзи билади, холос.

Фосфорлининг бу ишлардан хабари йўқ эди.

Бу кеча сочларининг йилтирашини кўриб, уни адашмай топган полициячи ориқ, узун бўйли, қотмадан келган киши эди.

У чўнтак фонарини унга тўғрилаб, юзини кўрар-кўрмас:

— Ие, бу сенмисан, Фосфорли?! — деди.

У Истанбулда машҳур бўлиб, шаҳар полициячилари уни яхши танишарди.

— Менман, комиссар ака, — дея қиз яширинган жойидан чиқди.

Аъзойи бадани дир-дир титрарди.

Титрамай бўладими? Устида енги калта кофта, йўл-йўл эски юнг юбкаси ҳам юпкагина бўлса.

Жаврия кечки аёзга чидамли бўлса-да, бир йил турмада ётиб, кўча совуғини унутгани учун титраётган бўлса ажаб эмасди.

Жаврия эшик соясидан чиқди дегунча Довул Ойтан:

— Ие, бу сенмисан, Фосфорли?! — дея синглисини кўргандек севиниб, уни кучди. Қизнинг ўпкаси тўлиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади.

Бироқ бу севинч ёшларига ўхшамасди.

Жаврия бўйнидан қучган қўлларнинг ниҳоятда ингичкалашганини, бош қўйган вужуд қуруқ суякка айланганини ҳис қилган эди.

— Йиғлама энди, бас қил... Кўзи очилмаган қизмидингки, қўлга тушганингдан уялиб йиғласанг.

Довул Ойтан унинг не сабабдан йиғлаётганини балки тушунмаган эди...

Кўча қоронғи, рутубатли ва совуқ. Жаврия ўзини ниҳоятда ғарибу нотавон ҳис қилаётганди...

Кундан-кунга заифлашиб бораётганини сезарди.

Кўнгли иссиққина бир ғўша топиб, ором олишни ич-ичдан кўмсаётган ушбу дамда, совуқ ва рутубатли қоронғи кечада полициячилар томонидан қувланиши илк дафъа унинг хўрлигини келтирган эди...

Полициячи қуруққина қилиб:

— Ўзингни гўлликка солмай қўяқол, — деди. Сўнг шеригига ўғирлиб: — Сен бунинг ёнидан жилма. Мен унисини топай, — деди.

Ойтан унинг қаёққа қочиб кетганини жуда яхши биларди.

Дармони бўлганида Жаврия ҳам ўша ёққа жуфтакни ростлаган бўларди...

Бироқ туфлиси хийла катта, бунинг устига, тиззаларида дармон йўқ.

Полициячи қўлини Жавриянинг бўйнидан олди. Қиз суянмаса ерга йиқилишини сезгани учун унга суяниб олди.

Шунда Фосфорли Жаврия ёнидаги бу вужуд иситмадан ёнаётганини ҳис қилди.

Бу вужуддан чиқаётган ҳарорат Жаврияга ёқиб тушгани учун у полициячининг пинжига кириб олди.

Полиция маъмури Малоҳатни ўйлаб боши қотмоқда эди. «Осмонга учиб кетмагандир!..»

Мантиққа кўра учмаслиги керак бўлган Малоҳат гўё учгандек ғойиб бўлган эди.

Унинг йўғон гавдаси қайси тирқишга кириб кетганини ким билди дейсиз...

Полиция маҳкамаси Бейўғли туманига қарашли бўлиб, кўча юзидаги тўрт қаватли бинода жойлашган эди.

Бу ташландиқ бино кўринишидан қачонлардир бирор юнонники бўлган бўлса керак.

Маҳкама биносининг эшик-ромлари, зинапоя тутқичлари ёнғоқдан ишланган.

Эшикдан олдин тош ётқизилган майдончага, у ердан гулқозлар сарғайиб кетган даҳлизга кирилади.

Юқорига олиб чиқадиган пиллапоялар ёнида ёнғоқдан ишланган ва нақшинкор ойнаванд эшик. Эшик қаршисидаги деворнинг қоқ ўртасида роми ёнғоқдан ишланган ва ўйма нақшлар билан безатилган тошойна бор эди. Бу баланд тошойнанинг икки томонида авваллари кийим илгичга ўхшаган бир нарсалар бўлган бўлса керак.

Ўша ердаги гулқозларнинг ранги унчалик ўнгмагани бундан далолат бериб туради.

Жаврияни илк бор бу қорақўлга олиб келишганида у севинчдан:

— Ҳаа... Қорақўлда ойна бор экан! — дея қарс урган ва дарҳол ойна томонга чопган эди.

Жаврия шу тошойнада ўз аксини биринчи марта бошдан-оёқ кўрганди.

Жаврия ўз аксини бошдан-оёқ кўришдан шу қадар завқландики, ҳатто қўлга тушганидан чекаётган надоматини ҳам унутди-қўйди.

Ҳа, қорақўлда ойна бор эди.

Ҳеч ким эътибор бермагани, ҳатто эрталабдан супуриб-сидиришга келадиган кекса фаррош хотин ҳам чангини артмагани учун ойна анча хира тортган эди.

Ойнага қараш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди.

Қандайдир ҳодисадан ҳаяжонланиб ёки асабийлашиб қорақўлга кириб-чиққан кишилар ойнага эътибор ҳам бермасдилар.

Қорақўлдаги бу ойна олдида фақат фоҳишалар андармон бўлишарди. Ахлоқ полицияси томонидан баъзан кечалари тўсатдан ўтказилган қидирув натижасида кўпгина фоҳишалар қўлга тушар ва ичкаридаги хона тўлиб кетарди. Ўша кечаси битта-яримта кисавур ё контрабандист, ёки қогил тутиб келтирилгудай бўлса, табиийки, қизларни ичкари хонага киритишмас, кўпчилигини даҳлизда қолдиришарди. Ўшанда қизлар тошойна олдида андармон бўлиб, юз-кўзини бўяшар, сочларини тарашар, пайпоқларини тортиб, таранглаштирар, жойилан чиқиб кетган кофталарини юбкасининг ичига тикишар ёки лоёй чапланган туфлиларини тупуклари ва рўмолчалари билан тозалар эдилар.

Жаврия бу ойнада ўзини илк бор кўрган куни эғнида пушти кўйлак бор эди. Бу кўйлакни унга қиморбоз Восиф қамалишидан бир ҳафта олдин ҳадя қилганди. Ўзиям кўйлакмисан кўйлак эди-да! Чап кўкрагининг устида юрак шаклида жажжигина гули бор.

Ўша кечаси бу ерга келтирилган қизлар ичида ярқ этиб кўзга ташланадигани, энг чиройлиси ва энг кўрками ҳам Жаврия эди.

Бу кеча бўлса эшикдан кириб, тошойна олдидан ўтаркан, Жаврия ранг-рўйининг афтода эканини кўриб-қўйиб ойнадан юз бурди. Ҳатто Довул Ойтан ҳам ундан кўркамоқ эди. Унинг эғнидаги бинафшаранг либос эгиланган бўлса-да, ҳарҳолда ипакдан тикилган.

Уларни орқадаги хонага олиб ўтишди. Хонада учта стол бор эди.

Икки стол бўш, учинчисида бўлса бошьяланг, лаблари дўрдоқ, олақўз муовин ўтирарди.

Унинг олдида сарикдан келган, тузуккина кийинган ёш йигит тикка турарди.

Сал нарироқдаги тахта ўриндиқдан оппоқ сочлари елкасига ёйилиб тушган, бир қошининг усти ёрилиб қонаган кекса аёл жой олган.

Аёл жуфтланган тиззаларини икки қўли билан қучоқлаб ўтирарди. Боши ҳам, кўзлари бир нуқтага қадалган.

Ундан нарироқда ялангоёқ, кўйлак-шими жулдур-жулдур бўлиб кетган бир қишлоқи бола йиғлаб турибди.

Муовин келганларга қайрилиб қарагани ҳам йўқ. У дағал товушда болага ўшқирди:

— Бас қил, увиллайверма!

Йиғи пичоқ кесгандай, бирдан тўхтади. Кўзёшлари ҳам тинди-қолди. Бола кир қўлининг орқаси билан кўзларини артди.

Муовин рўпарасидаги сариқ йигитга ўгирилиб:

— Бу хотин сенинг онанг бўлади!.. — дея нималарнидир тусунтира кетди.

Жаврия ҳеч қаёққа қарамай, бир четдаги тахта курсига ўтирди. Ойтан ҳам ёнига чўкди. Ўтирди дегунча Жавриянинг елкасига бош қўйди... Бир-икки дақиқа ҳам ўтмай пинакка кетди... Ора-сира сесканиб кўзини очиб кўяр, хонани назардан ўтказар, сўнг маъносиз кўзларини яна ўз-ўзидан сузилиб, юмиларди.

Хона иссиққина бўлса-да, Жаврия негадир ҳамон қалтирарди.

У иликларини ҳам музлатиб юборган совуқ туфайлигина қалтираётган эмасди. Ич-ичдан келаётган ва аъзойи баданини қалтиратаётган бу титроқнинг сабаби бир оз қўрқув бўлса, эҳтимол.

У бу кеча қорақўлга илк бор келтирилган оқшомдагидек қўрқаётгани шубҳасиз.

Ўша кечаси у не қилишини билмагани учун қўрққан бўлса, бу оқшом не қилишларини, бошига нелар тушиши мумкинлигини билгани учун қўрқаётган эди.

Ичида қўрқув бўлмаганида эди, у бу кеча қорақўлнинг иссиққина хонасига тушганидан заррача афсусланмаган бўларди.

Бутун аъзойи бадани бундай иссиққа муҳтож эди.

Қолаверса, бу ерда ёр-дўстлари, таниш-билишларини кўриши мумкин. Қиз уларни яқин қариндошини соғингандек соғинган эди.

Ойтаннинг иситмадан ёнаётган боши елкасини иситаётганди.

«Роса озиб-тўзибди. Аҳволи чатоқ, чўзилиб қолмаса гўрғайди», деб ўйлаб хўрсиниб қўйди.

Шу чоқ эшикдан қора сочлари ёйилиб елкасига тушган, кумушранг жулдур пўстин кийган, ширакайф хотин кириб келди.

«Тентак Марика!» — дея қаддини ростлаб, унга пешвоз чиқмоқчи бўлди.

Бироқ Ойтаннинг сесканиб тушганини кўриб, михлангандай жойида қотди-қолди. Муовинга билдирмай, Тентак Марикани ёнига имлади.

Бироқ Марика унга маъносизларча боқди. У оёғида зўрға турарди. Шамолда қолган қамишдек у ёқдан-бу ёққа чайқаларди.

«Бу оқшом ҳам бўкибди!» деб ўйлади Жаврия. Сўнг яна унга ишорат беришга чоғланди.

Аммо Марика эшик кесакисига суянганча бепарво тураверди.

Муовин бошини кўтариб, жаҳл билан унга тикилди.

— Яна-я?! Яна шу ҳолга тушибсан-да, Марика!

Марика шу заҳоти бидиллади:

— Худди шундай, Посом!...

— На уятни. на ҳаё-ҳижобни билади бу!

— Худди шундай, Посом!...

Ажабо, берилган саволларнинг маъносини тушунаётганмикан? Кулоғига гап кираётганмикан?

— Ҳой қиз, мен сенга нелар дедиму, сен не деяпсан...

Муовин гапини тугатмаёқ, Марика кўзини катта очиб, атрофга аланглади, сўнг сайрай кетди:

— Исмин Марика, отамнинг исми Йўргў... Онамники Ориф-ли... 925 йилда туғилганман. Истанбулликман, бошим очик, бола йўқ, уй йўқ, эр йўқ, ҳеч кимим йўқ...

— Жим бўл, ўтир бу ерга! — дея бир полициячи уни қўлидан ушлаб бир четдаги тахта ўриндиққа ўтқизди.

— Ўт бу ёққа, тартиббузарлик қилма!

Жаврия дугонасини чақирди:

— Марика, Марика, келсанг-чи бу ёққа.

У Жаврияга назар ташлади. Ўриндиққа чўкиб, бошини деворга тиради. Ярим очик кўзлари бир ёнга оғди.

Жаврия у билан сўзлашишдан воз кечди. Муовин устма-уст сигарета тутатаётганди.

Жаврия ўпкасини тўлдириб, тутун тортгиси келди. Оҳ... Қани энди бир мазза қилиб тортса. Кошкийди, бирор таниши келса-ю, сўраб олса..

Аста-аста нарироқ сурилди. Ойтаннинг кичик, заиф гавдасини ўриндиқ устига оҳистагина ётқизди.

Ўнг елкаси уюшиб қолган эди. Елкасини бир-икки бор ўйнатди.

Харҳолда бу елкасини Ойтаннинг боши анча иситган, шу билан бирга унинг теридан анча намланган эди.

Муовиннинг рўпарасида турган йигит анча асабий кўринарди.

У боя сигарета тутатмоқчи бўлган, бироқ муовин унинг қўлидаги сигаретани олиб, ўчоқ олдига отиб юборган эди.

Жаврия ўрнидан туриб, сигаретани олиш ниятида бир неча одим отди. Марикани ўриндиққа ўтқизган ёш полициячи ўшқириб берди:

— Ўртада тентирама!

— Нима, сен йўл назоратчисими, ака? — деди Жаврия. — Номерсиз йўлга чиқмаймиз биз! Айб қилган бўлсак, жазо паттасини ёзиб берарсан.

Эгилди. Сигаретани олиб, орқага қайтди ва илжайиб, полициячига:

— Тугаштириб олайлик, — деди.

— Сен ўша-ўша эски Фосфорлимисан?

— Ҳа, ўша ўзинг билган Фосфорлимиз, бир мўйимиз ўзгаргани йўқ.

— Қаерларга йўқ бўлиб кетдинг?

Жаврия тиржайиб жавоб берди:

— Чайқов бозорида эдим.

Полициячи кулди-да, унга бир сигарета узатди.

— Ташла қўлингдаги иркитни. Сен бизнинг эски, ҳурматли мижозларимиздан. Сенга битта янги сигарета берай.

Жаврия янги сигаретани олди. Аммо ташландиқ сигаретани қўлининг орқасига жойлаб қўйди.

Оппоқ тишларини кўрсатиб, полициячига ишва қилиб қўйди. Полициячи ёниб турган сигаретасини узатди, Жаврия тугаштириб олди.

Жаврия узун-узун тортиб, ўпкасини никотин тутунига тўлдирди. Боши сал айланди, кўзлари сузилди. Ўзини худди ўткир шароб ичгандай ҳис қилди. Кўзларини оҳиста юмиб, кайф қилиш мақсадида бир четга ўтиб ўтирди. Сигарета тез тугаб қолмасин дея, аста-аста тортишда давом этди.

Кўзлари юмуқ, оёқларини остига жуфтлаган, елкасини деворга тираган қўйи ўтирарди.

Ҳеч нарса ҳақида ўйлагиси келмасди, фақат сигарета кайфини сурса бўлди.

Энди дам оладиган хонаси келди. Иссиққина жойда ўтирибди. Сигаретаси ҳам бор.

Ўриндикда маза қилиб ўтирарди. Тошдек қотган суяклари аста-аста юмшаётгандек туюларди.

«Қанийди буларга инсоф кириб, ярим кечаси бизни мудириятга жўнатмасалар», деб ўйлади у. Шу ерда тунаб қолса қандай соз бўларди.

Шу иссиққина хонада маза қилиб ухлаб олган бўларди. Ҳақиқатан ҳам у дам олишга муҳтож эди.

«Бир йиллик қамоқ бизни ожизу нотавон бандага айлантирди-қўйди», деб хаёлидан ўтказди у.

Ўтир... Ўтир... «Шу Қизилой учун ҳам ўтир!...» Шу героин ишида унинг заррача гуноҳи йўқ. Чўтир Вали қаерда экан... Қаердан ҳам у қўлига пакетларни тутқазди-ю, қочди-кетди...

Фосфорли не бўлганини англаб ҳам етмай рўпарасида хитлар ҳозир у нозир бўлишган эди.

«Пакетларни чўз бу ёққа... «Қайси пакетларни?» «Қўлингдагиларни!» «Бу пакетлар меники эмас-ку...» «Ие, кимники бўлмаса?» «Буларни менга биттаси берди-ю, қочиб кетди...» «Ким эди у?»

Берган одамнинг ҳурмати, юз-кўзи, ор-номуси бор.

Уни сотиб, кўрган-билганларини полициячиларга, муовинга, кўча қоровулларига, терговчиларга айтса борми, Истанбул кўчалари унинг учун зиндонга айланган бўларди.

— Билмайман...

Жаврия шу сўзда туриб олди. «Мардга сотқинлик ярашмайди», деб ўйлади у.

Натижада, ўз таъбири билан айтганда, «Қизилой йўлига» бир йилга кесилди.

Бир йил қамоқда ўтиришнинг ўзи бўладими? Ундан кейин... яна икки йил Бўлуда ўтириши лозим эди. Икки йил Бўлуда!

Айтишга осон...

Ҳали энг ёмони бу эмасди.

Истанбулдан айрилиш ёмон... Қамоқда ўтириш ёмон... Бўлуда гурбатда яшаш ёмон... Жуда ёмон...

Бироқ энг ёмони бу эмасди.

Унинг учун энг ёмони Истанбулдан эмас... ундан айрилиш эди.

«У»ни эсларкан, юраги дуқуллаб кетди.

Бир йил йигирма кун бўлдики, ундан ҳеч бир хабар йўқ.

Унга не бўлганини, ҳалигача ўша ердами ёки йўқми — билмасди. Излаб бориш учун тун ярмидан оғишини пойлаганди.

Чунки у Жаврияга шундай деб тайинлаган.

Полиция қўлига тушмаганида эди...

Уни топа олармикан?

У бир йилдан бери шундан кўрқиб эзилди...

Аъзойи баданига бир оз иссиқ югурди... Сигарета тортиб, кайф қилди. Чўнтагида пули бўлсайди, сал илгарироқ муовин билан маъмурга чой келтирган қаҳвачига битта чой буюрган бўларди.

Бироқ... Чўнтагида лоақал сариқ чақаси ҳам йўқ. Қоронғида тентирашининг сабаби ҳам шу эди. «Бунга Истанбул дейдилар. Муллажиринг бўлмаса бир одим ҳам ота олмайсан. Бойлар юрти бу!»

Маъмур чойини ҳўпларкан, иссиқдан сузилган кўзлари билан қизга тикиларди.

У чойдан ҳўплади дегунча Жаврия беихтиёр қуруқшаган лабларини ялаб, ютиниб қўярди.

У дастурхон атрофида овқатланаётган кишиларни кузатиб, ютинаётган очкўз мушукка ўхшарди.

Ҳозир бу ерда ундан, Ойтан ва Тентак Марикадан бошқа кимса йўқ.

Боши кўксига тушган Марика бир четда мудраяпти. Ойтан бўлса ора-сира сесканиб кўзини очар, атрофга маъносиз назар ташлаб, яна уйқуга кетарди.

«Бу оқшом балки мудириятга жўнатмаслар, — деб ўйлади у. — Бўлар иш бўлди, думимиздан илиндик, энди ҳеч бўлмаса шу ерда тунай қолсак яхши бўларди. Исиниб олгандан сўнг бу изгиринда Юксакқалдиримгача пиёда бориш, кўприкдан ўтиш керак... У ер тўлиб кетгандир... Бунинг устига музлаб ҳам ётган бўлса керак...»

Эти жунжикди.

«Мен ҳам бошқаларга ўхшаб мизғиб олсаммикан?» Бироқ маъмур чойини ичиб бўлмагунча кўз юмолмаслигини тушунди. Яна уни томоша қила бошлади. Қани энди бир пиёлагина чой ичса!..

Чойқадаҳнинг тагида икки бармоқ бўйи чой қолган эди. Қиз чидай олмади.

— Акажон, — деди у. — Чойнинг охирини менга берақол.

Маъмур чойқадаҳни оғзига яқинлаштираётган жойида тўхтади. Бардақ<sup>1</sup>ни узатмоқчи бўлди, сўнг ҳарҳолда ниятидан қайтди ва сўради:

— Нима, бу оқшом ишлай олмадингми?

— Майда пулим йўқ, акажон... Ёнимда чек дафтарим бор...

Маъмур унга тикилди. Жаврия давом этди:

— Истасанг сенга чек ёзиб берай, банкага бориб оласан.

Зўр гап айтгандай тиржайди.

— Майли, Фосфорли. Чойчи келсин-чи, сўнг сенга битта чой буюрарман.

— Барака топ, акажон.

Қиз энди ўзини эмин-эркин тутиб, сўзлай бошлади:

— Дунё яхши одамлар туфайли омон турибди, — деди у. — Агар бу оқшом Жамил ака навбатчи бўлса чой буюриш у ёқда турсин, совқотиб ўлсин, деб деразаларни очиб қўйган бўларди.

---

<sup>1</sup> Бардақ — стакан.

Муовин қошини кўтариб:

— Овозингни ўчир! — деб ўшқирди.

— Ўчдим, ўчдим... Қизишманг, Муовинбей амаки!..

Жим қолди... Чойини кутиб ўтираверди. Ҳолбуки, у гапни айлантириб, бутун мудириятга олиб боришадими, йўқми — шуниси билиб олмоқчи эди.

Бу ердан у ерга боришнинг ўзи ҳеч гап эмас. Ҳатто эртасига ўтказиладиган тиббий кўрик ҳам ҳеч гап эмас... Бироқ касал чиқса-чи... Унда нима бўлади...

Турмадан чиқди дегунча касалхонага тушса... Ойлаб у ерда қолиб кетса...

Калласига урган фикрдан бирдан яйраб кетди. Касал чиқди — касалхонага ётди дегани... Касалхонада ётиш эса Истанбулда қолиш демак эди.

«Демак Истанбулда қолишим ва бир амаллаб, қочиб кетишим ҳам мумкин».

Оллоҳ қачон уни шу полициянинг қўлидан қутқараркин, қачон эмин-эркин нафас олиб, қўлларини соллантириб, Истанбул кўчаларини кезиб юраркин? Икки йил Бўлуда қолган тақдирда ҳам қайтиб келган куниеқ кўчаларда яна қувлашмачоқ бошлаган бўлмасмиди?..

«Биз ҳеч кимнинг арпасини хом ўрганимиз йўқ-ку. Оллоҳнинг кўчасини ҳукумат бизга чиқарган...» дея хўрсиниб қўйди у.

Эҳ, бу Бўлу. Аммо-лекин зап жой-да... Нақ дўзахнинг ўзи! У ердан пулсиз Истанбулга келиб олгунча не жафолар чекмади.

Ўша тўнгиз шофёрнинг кўнглини олишнинг ўзи бўлди. «Ўшанда юк машинасида совуқдан роса адабимни едим-да, — деб ўйлади у. — Шarti кетиб, парти қолган бу чолни ҳеч таъбим тортмади». Шофёр бир мўйсафид киши эди. Оғзида тиши, бошида туки қолмаган.

Бутун йўл бўйи Жаврия ичида: «Мен сенга кўрсатиб қўяман, туллак!» дер эди. Айтганини қилди ҳам. Истанбулга келди дегунча шофёрга билдирмай жуфтакни ростлаб қолди.

«Бу туллак ўзини қўярга жой топмаган бўлса керагов», деб ўйлаган сарй кулгиси қистарди.

Жавриянинг чўнтагида ҳемири йўқ. Аммо сиқилмаса ҳам бўлади, чунки энди у Истанбулда. Жаврия ички ҳаяжон билан:

«Тошу тупроғинга қўрбон бўлай, Истанбул!» деди ичида.

Йиғлай олсайди... Эҳтимол, хўнг-хўнг йиғлаган бўларди...

Ҳавода бошқача бир уфур, бошқача бир буй бордек туюларди.

Гүё ҳар тарафдан унга табассум қилишаётгандек, рўпарадан ошно, ёр-дўстлари чиқиб, уни олқишлаётгандек эди.

У ҳам барча-барчага табассум улашгиси, барчадан ҳол-аҳвол сўрагиси келарди.

Жаврия беш қўлдек биладиган бу улкан шаҳарга келган заҳоти ўзини мухташам саройининг ичида сайр қилаётган маликадек улуғ ва қудратли ҳис қилди.

Дўғончида бир оз айланди... Ёнига келган эркаклар билан уч марта Қорачааҳмадга бориб келди.

Улардан бири энлигина армиядан бўшаган Онадўли йигити эди. Иккинчиси аскар... Униси бўлса бир саёқ.

Нариги соҳилга ўтиш учун кема паттасигагина эмас, балки қорнини тўйдиришга ҳам етадиган пул ишлаб олди.

Ҳатто Ускудар бандаргоҳига келиб, сақич олди-да, денгиз бўйидаги ўриндиққа ўтириб, чайнай бошлади.

Электр нурлари остида тип-тиниқ мовий денгиз атлас каби жилланади. Кўк қўрғошин рангига кирган.

Кема тўлқинлар оғушида чайқала-чайқала сузиб боради.

Денгиздан ўткир моғор, балиқ, чиғаноқ ва туз ҳиди уфуради. У бу таниш ҳидни бир йилдан бери орзиқиб соғинган эди.

Изгиринга, совқотганига қарамай, ўзини шу мовий денгиз қучоғига ташлаб, мириқиб қулоч отиб сузиш истаги бутун борлигини енгиб бўлмайдиган даражада қамраб келарди.

Кеманинг қуйруғидан жой олди. Сақични чайнади-чайнади-да, хумори ёзилгач, денгизга туфлаб ташлади.

Не қиларини билмас, шу лаҳзада ҳатто Истанбулга нега келганини ҳам ўйламасди.

Хаёлан «жон-дилдан севган денгизим» деб ўйларкан, денгиздан анқиётган ҳидни ич-ичига ютмоқ учун чуқур-чуқур нафас олар эди.

У ниҳоят Истанбулга келган эди...

Истанбулда бўлмаганида, ҳатто бу шаҳардан умиди узилганида ҳам Истанбулга келиш, Истанбулга қовушиш учун минг боло-ю жафолар чекишга рози эди.

«Бир йил қамоқ, икки йил сургун. Охири кўринмайдиган бир боло-қу!» деб ўйлади у.

Тўғрисини айтганда, Жаврияга қамоқдан кўра сургун қаттиқ алам қилганди.

Қамоқда Истанбулга чиқиш у ёқда турсин, турмадан ташқарига бир одим ҳам чиқа олмасди.

Сургунда бўлса...

Оғизда эркинсан, бироқ истаган ишингни қилолмайсан...

Алам қилмайдими бу... Ҳақиқатан жуда ёмон ва чидаб бўлмай-  
диган бир ҳол эди.

Кўприкка кўзи тушди дегунча севинчдан бақириб юбораёзди.  
Ўзини зўрға босди. Узоқ айрилиқдан сўнг ота уйига келгандай  
ҳаяжонланарди.

Унинг болалиги шу кўприкнинг устида, остида ва атрофида ўтган  
ахир!

Хотирасида қолган илк нарса шу кўприк понтонлари. Шу понтон-  
ларнинг устида ўйнаб юрган кезларини эс-эс хотирлайди. Ёнида новча,  
оёқлари ориқ киши бўлгувчи эди. Ким эди у, ажабо, отасимиди?

Ўша киши уни етаклаб юрар, кечалари бўлса понтоннинг усти-  
да, бир чеккада қўланса денгиз ҳидини ҳидлай-ҳидлай, гужанак  
бўлиб ухлаб қолишарди. Уйғонганида устига ўша кишининг камзу-  
ли ёпиб қўйилганини кўрарди.

Яна бир нарсани эслайди. Бир ўлик понтон устида чўзилиб ётиб-  
ди... Оғзи очиқ... Оғзининг ичида пашшалар гужгон ўйнайди... Жав-  
рия ва бошқа болалар унинг устида. Жаврия хўнграб йиғлайди, бошқа  
болалар йиғламайди.

Нега?.. Бу мурда, ориқ, озгин оёқли ўлик, доим уни етаклаб  
юрадиган кишимиди? Уни бағрига олиб ухлатадиган, отам деб ўйлай-  
диган ва ким эканлигини билмайдиган кишими?

Нега бошқа болалар йиғламаяпти, нега фақат у йиғлаяпти?

Ана! Ана, бўғоз бандаргоҳи ҳам кўринди. Бир гал у ердан бир  
шода маржон топиб олган эди. Ям-яшил маржонларни кўзига қўйиб  
қуёшга қараганида қандай ажойиб товланарди.

Маржонни бўйнига осди-ю, ўзини кўриш учун Эминўнуга қараб  
чоғди. Дўкон ойнаси олдига борди. Кечалари ухлашдан олдин, мар-  
жонни бўйнидан олар, бағрига босиб ётарди.

Барча болалар бу яшил маржонга ҳавасманд эдилар. Ҳаммаси  
маржонни ундан тортиб олиш пайида бўлишарди.

Ниҳоят олдилар ҳам!..

Маржонни худди ҳозиргина тортиб олишгандай Жавриянинг ичи  
ачишиб кетди.

Кўприкка чиқар-чиқмас дарҳол ўша жойга... Нажотибей кўчаси  
томонга чоғгиси келди.

Бирок у Жавриянинг кундузи бу ерга келишини тақиклаб қўйган  
эди. «Кечаси келгин, унда ҳам орқангдан битта-яримтаси пойлаёт-

ган бўлмаса...» дея бир неча бор огоҳлантирганди. Авваллари у қизнинг бу ерга келишини ҳечам хоҳламасди. Бироқ Жавриянинг парвойи палак, қулоқ солгиси келмасди.

У одамларни тўхтамай таъқиб этадиган қайсар итга ўхшаб кетарди... Уни тўхтовсиз таъқиб қилар, ундан айрилишни истамасди.

Охири у ҳам Жавриядан қутулолмаслигини тушунди шекилли, уйига киришига ва баъзи кечалари тунаб қолишига рози бўлди.

Бу хотираларни эслаб, Жавриянинг бутун вужуди яйраб кетди.

Унинг хонасида қандай масъуд кечаларни бошдан ўтказмади... Ҳа, ўша кечалар ҳаётининг энг гўзал дамлари эди.

Шуларни ўйлаб, бирдан боши айланди ва ўз-ўзига:

— Вой жоним-эй, — деди. — Не бўлди ўзи менга? Худди кайфим ошиб қолганга ўхшайди-я...

Дуч келган кишига ундан сўз очгиси келар, бироқ ҳеч кимга оғиз оча олмасди. У ҳам ўзи ҳақида гапиришни ман этган. «Мени танишингни биров билмасин! Ҳеч кимга мен ҳақимда оғиз оча кўрма!» дея қайта-қайта огоҳлантирган. Жаврия: «Оғиз очмайман!» дер, қасам ичарди. Фақат келиб-кетинига у рухсат берса бўлди.

Ваҳоланки, у ҳаммага уни «эрим» деб айтишни истарди. Бироқ бу ғирт ёлғон бўларди. Жаврия ички бир хўрсиниш билан: «Лоақа! кўлимни ҳам ушлагани йўғу!» дея ҳаёлидан ўтказди.

Зотан бу Фосфорли учун, эҳтимол, можаронинг боши эди. Фоҳишаликни қачон бошлаганини ўзи ҳам эслай олмайди. Аллақачонлардан бери ёт эркакларга таслим этиб ўрганган вужудини янги бир эркакка топшириш Жаврия учун чўт эмас. Бироқ гап шундаки, бошқа барча эркаклар Жавриядан истаган нарсани у истамас эди.

«Тошу тупроғингга қурбон бўлай, Истанбул!» дея, балки юзинчи дафъа такрорлаганча кўприкдан ўтди.

Галатанинг Рихтимига келиб тўхтади. «У»: «Кундузи бу ерга келма!..» дерди. Ажабо, у ҳалиям ўша эски ҳовлида, омборлар орасидаги кичкинагина хонасидамикан?

У, бу хонада не қиларди ўзи?

Нега полициядан бу қадар қўрқарди?..

Уни нечоғли кўргиси келса-да, кундузи у томонга бормаслиги керак. Ахир, сўз берган!

Қолаверса, ўзи ҳам Истанбулга яширинча келган-ку. Сургундан қочиб келди-ку. Қулга тушса, уни тутиб тугри бўлуга жўнатишади.

Уни кўрса, ҳолу аҳволини билса бўлди, кейин уни қайтариб юборсалар ҳам майлига, афсусланмайди, бироқ ҳозир у изкуварларнинг кўзига кўринмай тургани яхшироқ.

Кўстининг майхонаси томонга бормоқчи бўлди. Барба ўша ердамикан, ажабо?... Уни кўрса бир қадаҳ ичкилик бериши турган гап.

Қамоқдан қутулдик, бу ҳазилакам гапми?! Барба жуда яхши одам-да. Уни кофир деганлар номаъқул бузоқнинг гўштини ебди! Шу Галатада Барбадан яхшироқ одам йўқ. Не топса фақиру фуқарога улашади. Кўстига билдирмай қанчадан-қанча яхшилик қиларди у.

Духоба ўғирлиги содир бўлганида Валиаддинга қўшилиб хонавайрон бўлишига сал қолганди. Ўшанда Барба Кўстига билдирмай уни бир ой майхонада сақлади.

Ҳамма нарса ойдинлашиб, айбдорлар қўлга тушганидан кейингина у Жаврияга рухсат берди.

Бунинг устига Барба қилган яхшилиги эвазига ҳеч нарса талаб қилмайди. Ҳеч қачон хижолатпазликка ҳам йўл қўймайди.

Хуллас, фаришта каби бир инсон, тамом-вассалюм.

Қолаверса, у қадар қари ҳам эмас. Бўлудан уни олиб келган шофёр ундан қарироқ эди-ку...

Худо урсин уни...

Жаврия умри давомида ҳеч бир эркакдан бу қадар нафратланмаган эди.

Бунақалар балонинг ўқи. Жаврияни учратиб қолса борми, ҳиқилдоғидан олиб: «Бу хотин менга касал юқтирди!» дея дўппослаши ҳеч гап эмас.

Юлдузнинг бошига тушган балоларни эслаб, титраб кетди. Юлдуз сариқ сочли, малаклардек хушрўй қиз эди. Бир аблаҳ: «Менга касал юқтирдинг!» дея Мажидиякўйда тош билан уриб бошини ёрди. Юлдузнинг жасадини кўрганлар юз-кўзи таниб бўлмас даражада уриб-ёриб ташланганини айтишганди.

Жаврия қўлидаги бардақни бир четга қўйди, сўнг ғужанак бўлиб, Ойтаннинг оёғи устига бош қўйди. Кўзлари юмилиб бораётганди. Бош қўйди дегунча кўзи илинди.

Қанча ухлади — билмайди. Лекин роҳат қилиб ухлади. Киши, эҳтимол, тўшакда бу қадар роҳатланиб ухламаса керак.

Тақир-туқурдан уйғониб кетди. Бирланига қаерда эканини биллолмай, атрофга аланглади.

Сўнг аста-секин ҳуши жойига келиб, ўзининг қорақўлда эканлигини англади.

Хона иссиқлигидан терлаган бўлса-да, эти увишаётган эди.

Уни ким уйготиб юборди, ажабо?

Буни билиш ниятида оёқ томонга кўз ташлади. Тўп Малоҳатга кўзи тушди. Йўғон гавдаси билан ўриндикни ағдариб юборган бўлса керак. Малоҳат уни кўрмаган, балки у томонга қарамаган ҳам. У болохонадор қилиб сўкиниб, муовиннинг жигига тегаётган эди.

Муовин:

— Ҳой қиз, дўппослайман лекин!.. — деб бақираётган эди.

— Дўппослармиш. Буни қара-я! Ол, ур! — дея бошини муовин томонга эгди. Муовин бўлса «Каллаварам» дегандай бош чайқади.

Жаврия ухлаган вақт ичида муовин ўрнидан кўзгалмаган бўлса керак. Юзлари заҳил, кўзлари ич-ичига ботган.

Ниҳоятда чарчаган кўринади. Соқоли ҳам анча ўсиб қолибди. Юзи икки соат аввалгидан кўра сарғайиб кетибди.

Хонадаги одамлар кўпайиб, шовқин кучайган. Ҳар томонда хотинлар. Эгнига сариқ, қора, малларанг эски-туски кийим кийган ўн-ўн бештacha хотин. Ораларида кумушранг пальтоли, пардоз-андоз қилмаган паст бўйли бир ёш қиз ҳам бор... Унинг ёнида кулранг пальто кийган бошьяланг ёш йигит...

— Тақсир, — дерди у, — сиздан ўтинаман. Бу қиз менинг қаллигим.

— Қаллигинг бўлса, Тошқишлоқ тарафда нима қилиб юрибсанлар?

— Қаллигим бўлганидан кейин хоҳлаган жойга боришим мумкин.

— Тушингни сувга айт, иш сен ўйлаганчалик осон эмас, жаноблари. Ҳозир қаллигингнинг отасини чақиртирамиз.

Ёш қиз бўкириб йиғлай бошлади.

— Отам қаллигим билан ҳатто кинога боришга ҳам рухсат бермайди. Комиссар жаноблари, у мени бу ерда кўрса ўлдирати.

Қизнинг гўрлигидан йигитнинг жаҳли чиқди. Аччиқ билан қаллигига деди:

— Нега энди ўлдирар экан? Мен сенга уйланаман-ку, ахир! Менга ишонмаса, сени менга унаштирармиди?

Қиз жавоб бермади. У ҳиқиллай бошлади. Муовин дағал товушда деди:

— Қизини сенга ишониб унаштиришди-ю, сен қизни пастқам жойга олиб бордингми? Бу ишончни суиистеъмол қилиш эмасми?!

Йигит асабийлашди.

— Маъмурбей, мени ҳақорат қилишга ҳаққингиз йўқ.

- Майли. Бошқа ишимиз кўп. Сиз анави ерга бориб ўтиринг.
- Биз кетишимиз керак.
- Бу энди бизга боғлиқ. Қизнинг отасини чақиртирамиз.
- Қиз энди уят-пуютни йиғиштириб, йиғи аралаш ёлвора бошлади:
- Бундай қилманг, Комиссарбей жаноблари, бундай қилманг.

Отамни чақиртирманг.

Жаврия яна кўзларини юмиб, мизғимоқчи бўлди. Бироқ энди кўзга уйқу келармиди. Кўча қизлари оз ухлайди. Қаердадир беш дақиқа мизғиб олишса бас, ҳордиги чиқади-қўяди. Шунга ўрганишган. Жаврия қаддини ростлади. Малоҳатнинг елкасидан туртди.

- Ҳой Малоҳат!.. Тўп... Дўмбоқ...

Малоҳат жаҳл билан ўгирилди. У осонликча қўлга тушавермас эди. Шу сабабдан бўлса керак, бу оқшом қаттиқ жаҳл чиққан эди. Бироқ Жаврияга кўзи тушар-тушмас, бирдан жаҳлдор юзи муло-иймлашди, пешонасидаги тутунлар ёзилди.

- Ие, шу ердამисан, Фосфорлим! — деб қичқирди у.

- Жим бўл... Шанғиллама.

— Шанғиллаётганим йўқ, сўзлаяпман, холос! — деди у. — Нима, кекирдагимизга ҳам хўжайинми булар? Ол-а! Қўйиб берсанг, унингни ўчиришди.

Жаврия унга кўз қисиб: «Бўш келма!» дегандай бош силкиди.

Малоҳат йўгон, семиз қўллари билан унинг елкасидан тутиб силкиди.

- Ниҳоят келибсан-да, пари! — деди у. — Бошим кўкка етди.

Нариги дунёга рихлат қилдинг, деб ўйлагандик. Не замонлардан буён кўринмай кетдинг.

Жаврия:

— Турмала эдим, — деб шивирлади. Сўнг овозини янада пасайтириб илова қилди: — Сургунда бўлдим, Истанбулга яширинча келдим. Хитлар биринчи кунинёқ қўлга туширишди.

- Аҳвол чатоқ, дегин.

— Нимасини айтасан. Шу ерга келтиришганидан бери чора топиш учун бош қотираман.

- Қайгурма, Жаврия. Бир йўлини топармиз.

Малоҳат яхши ва удабурон қиз. Муовинга кўз қирини ташлади.

Шу пайтда муовин:

- Кўп вайсаяпсан, сени алоҳида камерага тиқаман, — деди.

- Ҳаққингиз йўқ! Мен ҳам шу ватаннинг фарзандиман.

Жаврия унга «жим бўл» деб ишора қилимоқчи бўлди. Бироқ у молини сотиш тақиқланган кишидай ўзини ҳақ деб билаётган ва баҳсга киришиб кетган эди.

— Фоҳишахонадагиларга ўхшаб солиқ-полиқ тўламаслигимиз тўғри. Аммо биз майда корандамиз. Эшаги тушовига мос. Келиб-келиб шунга ҳам кўз тикиб қолдингларми? Энди биз ёмон ҳам бўлиб қолдикми? Мени яккаю ёлғиз қамаб қўярмиш-а!.. Ҳаққингиз борми бунга?.. Тушунмадим. Бирор марта ўғирлик, кисавурлик ёки фирибгарлик қилиб қорақўлга тушганмидим?.. Ёруғ юз билан кириб, ёруғ юз билан чиқдим. Виждоним пок, юзим ёруғ. Не ёмонлик қилдимки, мени тикиб қўйсанг. Истанбул кўчалари бировнинг томорқасими?.. Истаган киши кўча кезади. Тўп Малоҳат ҳам кезади. Эркинлик шуми?.. Истасам кундузи ухлаб, кечаси кезаман. Оёқларим ўзимники, ҳукуматники эмас. Булардан не жафолар чекмадик.

Охирида оғзини тўлдириб ҳақорат ҳам ёғдириб қўйди.

Муовин:

— Энди баённома ёзаман, — деди. — Ўз хизмат вазифасини бажараётган маъмурни ҳақорат қилганинг учун сени судга жўнатиб, турмага тиктираман.

— Қалам қўлингда, Муовинбей, истаганингни ёзавер. Аммо мен ҳам қўлимга қалам олсам борми... Порахўрликларингни фош қилмасам юрган эканман.

Қизлардан бири гапни ҳазилга буриш учун:

— Ие, сен ҳатто қўл ҳам қўя олмайсан-ку, — деди. — Хат-саводинг йўқ-ку!..

— Хат-саводим йўқми?.. Бўлмаса билиб ол! Кеча Қозикўй бан-даргоҳидаги ҳожатхона деворига каттакон қилиб имзо чекиб қўйдим. Ишонмасанг, эртага кечки овқатдан сўнг бориб кўрақол.

Хонада гулдурос кулгу кўтарилди. Муовин жаҳл билан маъмурга қаради. Маъмур:

— Жим бўлинг! — деб бақирди.

Кимдир киноя қилди:

— Сигнал чалиш тақиқланган. Ҳукумат қонунига кўра ман этилган, жим ўтиринг.

Жаврия ҳам уларнинг шовқин-суронига қўшилгиси келар, ўзини зўрга тутиб турарди. Қорақўлдаги тўполонларнинг бошида доим у тургувчи эди. У гафго чиқарар, муовин, комиссар ва маъмурнинг китиқ патига тегар, жаҳлини чиқарар, сўнг совутарди.

Малоҳатга ўхшаб олатасир, қўпол сўзлашни ҳам, кези келганда, мушукдек ялтоқланишни ҳам қойиллатарди.

Дугоналарини кулдирад, баҳридилини очарди.

Ҳозир бўлса жим ўтиргани яхши.

Уни таниб қолишларини истамасди.

Бу эшикдан кириш осону чиқиш душворлигини яхши биларди. Таниб қолишса, уни яна Бўлуга ёки ундан ҳам узоқроқ жойга бадарга қилишади.

Қолбуки, фикр-зикри «у»нда. «У»ни кўрмоқ истарди. Бир йил қамоқни уни кўрадиган кунни ўйлаб ўтказди. Бўлудан бу ерга келгунча қалбини шу умид чироғи ёриштирган эди.

Бу ерга келишга муваффақ бўлди. Энди уни кўрмай кетиши керакми?..

Айб ўзида. Фақат унинг ўзида.

Кўча-кўйда сандироқлашнинг не ҳожати бор эди.

Тун ярмидан оққунга қадар бирор жойда писиб ўтириши керак эди.

Бироқ сабри чидамади. Аксинча, Истанбулни кўрмоқ учун кирмаган тирқиши қолмади.

Аввало Бейўғлига борди. Тарлабошидан ўтди. Тақсим майдонига борди, обида олдида бир оз кезди, сўнгра Инўну боғида тахта ўриндиқ устида ўтирди, Кумушсувидан пастга. Дўлмабоғчага тушди, янги очилган йўлдан Ҳарбия ёнига чиқди, Тошқишлоқ тарафда бир оз нафас ростлагач, яна Инўну боғига келди, Тепаустидан пастга, тўғри Янгишаҳарга борди, бироқ яна орқага қайтди. Бўладиган иш эмас-да бу! Бунга ўзи ҳам биларди. Бироқ чидай олмади... Чунки бир йилни маҳбусликда ўтказган эди.

Бир йил темир эшик, темир панжара ортида тош йўлкалар бўйлаб ҳеч бир мақсадсиз кезиш ҳасрати билан яшади.

Ҳеч қандай айби бўлмаса-да, турмага тиқишгани унга қаттиқ алам қилган эди. Ваҳоланки, қўлига героин пакетларини тутқазган ўша ҳароми, қўлга тушишдан кўрққани учун, унга лоақал бир қути сигарета ҳам олиб келгани йўқ.

Жаврия «Қодир эгам бирорта қурт-қумурсқасини ҳам унутмайди!» деб ўйларди. Зотан, Жавриянинг яшаш учун Оллоҳдан ва ҳаётдан истагани ниҳоятда оз ва арзимаган нарсалар бўлиб, шундан ҳам бенасиб қолса, бу чинакамига марҳаматсизлик бўлурди.

Малоҳат ҳам шангиликни тўхтатиб, ўйга толди. Хонага яна олти нафар қизни олиб келишди. Уларнинг сони йигирма биттага етганди. Жаврия яна Ойтаннинг оёғига бош қўйиб, мизғиб олмоқчи бўлди.

Бирдан уни Малоҳат туртди.

— Жаврия, — деди у, — тур ўрнингдан, бир гап бор.

Жаврия истар-истамас тикланди.

— Муовин исм-писмларни ёза бошлади. Бу кеча бу ерда қолдиришмайди, мудириятга жўнатадиган бўлишди, шекилли.

Кўча изгиринини эслаб, Жавриянинг эти жунжикди.

— Хўш?..

— Сенга бир гап айтай. Кулоқ сол.

Паст товушда Жавриянинг кулоғига пичирлай бошлади.

— Мен қўлга тушдим дегунча, бизнинг Ковбой Нажиб дарров Юксакқалдиримга қочди. Мавронинг қаҳвахонаси бор-ку!.. Кулоғингга қуйиб ол, бепарво бўлма!.. Тепадан тушаётганимизда орқада қолишга ҳаракат қил. Мавронинг кўчаси қоп-қоронғи, дарҳол ўша ёққа қоч. Эсингда тут, учинчи эшик. Чапда... Учинчи эшик. Доим очиқ бўлади. Ўша ерга ўзингни ур. Эшикни қаттиқ ёпма. Ошиқ-маъшуфига ёғ суртилган, ғийқилламайди. Эшикни ёпган заҳоти девор ёқалаб ўнгга юр. Деразаларга дуч келасан. Улардан бири очиқ. Ўша ердан ичкарига кир. Эслаб қолдингми?

Жаврия ҳаяжон аралаш:

— Ҳа! — деб шивирлади.

— У ердан Мавронинг қаҳвахонаси орқасига, Шилпик Мустафонинг хонасига кирасан. Ковбой мени ўша ерда кутяпти. Унга аҳволни тушунтир. Сени мен юборганимни айт. Касал эмасман, айбим ҳам йўқ, мени эртагаёқ чиқариб юборишади. Сен у ерда қолиб кетма. Ён тарафда така томонга йўл бор. Такянинг чап томонидаги ҳовлидан Тўпхонага йўл чиқади. Ўша ердан чиқиб кет. Қолганини ўзинг биласан. Уқдингми?

— Уқдим, Тўпжоним.

— Кўрдингми, ўзимни фидо этипман. Аммо пандавақилик қиладиган пайт эмас, хушёр бўл!..

— Чўчима... Улдасидан чиқаман.

Бу пайтда муовин қизларнинг исмини битта-битта ёзишга киришган эди.

— Исинг нима?

— Гулноз.

У тишлари чириган, сочлари сариққа бўялган, эгнига оч-сариқ камзул илган, юз-кўзига бўёқ чаплаштирган бир хунук хотин эди.

Муовин унга қараб қўйди-да:

— На гул, на ноз... — деб минғирлади. — Отангнинг исми нима?

— Абдуллоҳ.

— Онангнинг исми?

— Ҳаво.

- Қаерликсан?
- Етимхонадан чиққанман.
- Неча ёшдасан?
- Ўн беш.
- Нима, нима?
- Майли, йигирма беш деб ёзақолинг.

Қизлардан бири қийқирди:

— Сотаман... Ким ошдига сотаман! Йигирма бешдан кўпроқ берадигани борми?

Бир занжи қиз:

— Эллик! — деб бақирди.

Сариксоч хотин ўрнидан ирғиб туриб, ўқдай отилиб борди-да, занжи қизнинг қулоқ-чаккасига шапалоқ тортиб юборди.

Икки полициячи ва муовин қизларни тинчитиш, жанжалкашларни бир-биридан айириш учун кўпам заҳмат чекмадилар. Занжи қиз маст бўлгани учун турган жойига йиқилган эди.

Бошқа вақтлари Жаврия бунақа ишларга жон-дилдан аралашиб, роса маза қилган бўлурди. Ҳозир бўлса унинг яккаю ягона орзуси полиция кўлидан қутулиб кетиш. Бошқа нарса ҳақида ўйламас, ўйлагиси ҳам келмасди.

Иш битиб, йўлга чиқишларидан олдин имкон қадар дам олиб, ҳордиқ чиқариш ниятида эди. Бундай иссиқ хонада ўтириш ҳар доим ҳам насиб қилавермайди-да.

Малоҳат ўрнидан туриб, супага чиқди. Супадаги тошойна олдида турволиб, бинафшаранг кўйлагини тортиб, ҳурпайган сочларини тузатаётган ёш қизга яқинлашди.

Қиз йигирма-йигирма беш ёшларда эди.

Қоп-қора сочлари занжиларникидек жингалак. Ўрга бўйли, сарвқомат, келишган қиз. Қошлари туташ, ниғоҳи жиддий. Бир ёноғида учта писка яраси, иккинчисида чипқон изи бор.

Малоҳат унинг пинжига тикилди ва:

— Етти Бало, — дели, — қулоқ сол, сенга бир гап айтай.

— Сўйлайвер, Тўпжоним.

Етти Бало Гулсаран ишончли қиз. Унинг асл исми Элиф бўлган, бироқ қиз бу исмни унчалик жарангдор топмай, ўзгартирганди. Етти Бало Гулсаран мард ва уддабурон қиз эди.

Малоҳатнинг барча қизлар ичида уни танлагани бежиз эмасди.

Гулсаранга Жавриянинг аҳволини тушунтирди. Сўнг улар ўзаро яна нималарнидир пичирлашди.

Малоҳат тўхтамай гапирар, униси тишининг оқини ҳам кўрсатмай, жиддий қиёфада «Ҳа, ҳа!» дегандай бош силкир эди. Малоҳат сўзини битиргач, у:

— Бўпти, — деди.

Маъмур:

— Қани, тайёрланинг! — дейиши билан Жаврия оёққа қалқди. У бироз ҳордиқ чиқаришга улгурган эди. Бўлу — Истанбул йўли уни анча толиқтириб қўйганди. Юраги дук-дук урарди. Қорни оч. Қўрқаётганди.

Қорақўлдагиларни ёлғон-яшиқ билан алдади. Бироқ мудириятда барчаси ошкор бўлиши турган гап.

Мудириятга бормасдан олдин... Оҳ, мудириятга бормасдан олдин қўлларида қутулсайди.

Довул Ойтани уйғотиш қийин бўлмади. Бироқ у оёққа туролмади. Боши айланаётганди. Оёққа турди дегунча йиқилаверди. Сўзлашга ҳам ҳоли йўқ.

— Касал, — деди Жаврия. — Муовин ака, у оёққа туролмаяпти.

Муовин ҳатто қиё боқмади. Ҳар кун унинг каби нечтаси қўлидан ўтади.

— Фирт маст! — деди у.

— Худо урсин, маст эмас. Иситмаси бор, тан-бадани ёниб бораётир.

— Спирт ичган бўлса керак.

— Муовин ака...

— Оғзингни юм!

Муовин ишонмади. Бироқ Ойтан барибир оёққа туролмади. Иситманинг зўридан тиззаларида дармон йўқ, турди дегунча ерга йиқилаверди.

Йиқилган жойига қайт қилди. Бу унинг мастлигига ишонч ҳосил қилди.

Кайфини тарқатиш учун ёнғин челаги билан бошига совуқ сув қуйишди.

Шундан кейин Ойтан тахтанинг устида чўзилди-қолди. Унинг бу аҳволи гуруҳнинг йўлга тушишига моне бўлди. Қизлар уни ўртага олиб, сочларини қуритишга, уст-бошини тозалашга тушдилар.

Етти Бало Гулсаран тишлариниғижирлатди. Бироқ ҳозир унинг фикр-зикри бошқа ёқда. Сўз эшитишни хоҳламаётган муовин билан айтишиб қолса, режаси бузилади.

Фосфорли Жаврия бўлса Ойтанга ёрдам этгиси келаётган бўлса-да, ўзини четга олди, бу кеча у кўзга ташланмай тургани яхши.

Муовин:

— Уни тургазинг, — деди, — қўлтиқлаб олинг. Қўлларида туг-сангиз, юрар.

Ойтаннинг гавдаси жимитдеккина бўлса-да, туролмади.

Қизлардан бири:

— Оғзидан қон келди! — деб бақириб юборди.

Муовин олдини:

— Бу қизил шароб, — дегандай бўлди.

Сўнг диққат билан тикилиб, не бўлганини англади ва талмов-сиради.

— Оғзидан қон келдими? — дея ўрнидан турди.

Қизларни итариб ташлади. Жавобгарликдан қўрқиб, ғазабланди.

— Дарҳол «Тез ёрдам» чақиринг! Телефон қил!.. Дарҳол касалхонага олиб кетишсин.

Қон тўхтамай кетаверди. Уни қандай тўхтатиш мумкин?.. Қизлар ҳеч нарса билмас эдилар. Ёшлардан бири қўллари билан юзини бекитиб, ҳиқиллай бошлади:

— Ўляпти... Ўляпти! Бу бечоранинг қанчалик қони борки... — дерди у.

Муовин:

— Ўлса қутулади, — деди. — Шу ҳам ҳаётми?

Ойтан ётган жойида кўзини очди. Турганларга бир-бир тикилди. Уларни кўраётганмикан, қаерда эканлигини билдимикан? Ким билади дейсиз. Бироқ Ойтаннинг нигоҳи равшан ва маънодор эди.

Бу нигоҳ жон бераётган одамнинг сўнгги шуурини эслатарди.

Ўрта ёшлардаги бир аёл унинг ёнига тиз чўкди. Сочларини, пешонасини силади.

— Болагинам... болагинам, — деди у. — Ҳозир машина келади. Касалхонада отдек бўлиб кетасан!

У ҳорғин, озиб-тўзган ва хунук аёл эди. Сочларининг ярми қора, ярми сариқ.

Эгнида тўқ-пушти юбка. Бўйнига кирланиб кетган оқ рўмол ўраган.

Этагига лой чапланган. Устидаги олди очиқ, эски, кир пальто остидан гунафша свитери ва юбкаси кўриниб туради.

Фосфорли Жаврия, Тўп Малоҳат ва Етти Бало Гулсаран бу фо-жиага лоқайд қараётгандек бир чеккада туришарди.

«Тез ёрдам» етиб келди. Ойтаннинг оғзидан келаётган қонни тўхтатиш ва қувват бериш мақсадида укол қилишди. Кўтариб, замбилга олдилар.

Ташқарига олиб чиқишаётганида қизлардан бири ҳамширадан сўради:

— Аҳволи қалай?

— Ўляпти... Эҳтимол касалхонага етиб бормаёқ узилар.

Қизларнинг йўлга чиқиши бу ҳодиса сабаб бир соатча кечикди. Бўлган воқеа ҳаммасини қўрқитиб юборган, ҳеч нарсадан тап тортмайдигандек кўринадиган қизларнинг ўтакаси ёрилган эди.

Мастларнинг кайфи тарқаган, ҳушёрлар бўлса бўралаб қарғиш ёғдиришарди. Кўплари ҳиқиллаб, кўзёши тўкмоқда. Фосфорли йиғламаётган эди.

Етти Бало Гулсараннинг ким биландир юмдалашгиси келарди.

Кўчага чиқишганида ругубат ўрнини ёмғир олган, йўллар лойга беланган эди.

Жаврия энг орқада зўр-базўр қадам ташлаб борарди.

Уларни икки полициячи бошлаб кетди. Бири олдинда, иккинчиси орқада. Эшикдан чиқишаётганида бирма-бир санашди:

— 24 бош, — деди маъмур.

Қизлардан бири:

— Меникини калла дегин, — дея тўнғиллади.

Ҳеч ким кулмади. Салгина аввал Ойтаннинг бошига келган бало даҳшат солиб оралаб юргандай эди.

Ҳаммасининг вужудини қўрқув қоплаган.

Қисматлари нима бўлишини ўз кўзлари билан кўришди.

Бир куни қорақўлда ё қайсидир бир йўлак устида, ёки қайсидир далада ёввойи ўтлар орасида, ёхуд қайсидир бир хандакнинг ичида яккаю ёлғиз бу дунёдан ўтиб кетишлари мумкин.

Ҳа, атрофда қўрқув шарпаси кезиб юрган эди. Бу жирканч бир шаклда ўзини кўрсатган, ораларидан ўтган ва Ойтани олиб кетган ажал шарпаси эди.

Шунга қарамай, қизлар қорақўлдан чиқаётган найтларида бир лаҳзагина бўлса-да, тошойнага қараб, ўзларига оро беришдан тийилмадилар.

Қорақўлда ойна бор эди. Қорақўлларнинг ҳаммасида ҳам ойна бўлавермайди.

Омади юришиб, бу оқшом шу ерга тушган эдилар. Ойна синиғида юзини, дўкон витриналарида вужудини ярим-ёрти кўриб юра-

диган қизлар учун қорақўлнинг бу ойнаси аччиқ қисматини унуттирадиган, аламини совуттирадиган бир эрмак эди.

Ойнага қараб бўй-бастини кўришади, қош-кўзини бўяшади, эҳтимол ўзларига олти ойлик оро беришади.

Гўзаллар бу ойнага боқиб, ўзларидан завқланишади, хунуклар бўлса у ёқ-бу ёғини текислашади.

Қорақўлда ойна бор эди...

Жаврия ойна олдида бошқалардан узоқроқ, то маъмурдан сўкиш эшитгунга қадар туриб қолди. Жаврия қочиб кетишидан умидвор. Қочади... Бироз кутсин, кейин Нажотибей кўчасидаги омбор томонга йўл олади... Ораста бўлмоғи керак.

Ораста, гўзал бўлишни истаркан, аъзойи бадани ёқимли жимирлашиб кетди. Кўпдан бери кўрмаган юзига тикилди.

Шу қоп-қора кўзлари, қора, жингалак сочлари, бежиримгина бурунчаси, қалин ва қип-қизил дудоқлари нақадар гўзал. Кўзлари митти юлдуздек порлайди, қора сочлари ялтирайди, дудоқлари орқасидаги тишлари бўлса бамисоли дурдек кўзни қамаштиради.

Худди фосфори бордек ял-ял ёнган юзлари ҳақиқатан жуда гўзал эди.

Турмада ҳечам ўзгармапти. аксинча, чехраси янада тиниқлашибди.

Ҳеч шубҳасиз... Бу дафъа уни кучоқлаб бағрига босади.

Ўша ердамикан ҳалиям? Агар ўша ерда бўлса...

— Келдингми? — дейди севиниб. Сўнг нигоҳини ўзгартирмасдан боқишда давом этиб:

— Орқангда ҳеч ким йўқмиди? — деб сўрайди.

— Нима, мен анойиманми... Хитларни эргаштириб келармидим бу ерга, Акажон?!..

Унга «Акажон» дерди.

Уни нима деб чақиришини билмасди-да.

Мағрур жавоб берган Жаврия бир чеккага ўтади. Ўчоқ ёнаётган бўлса, ўчоқ орқасига ёзилган кўрпача устига ўтиради. Болохонада жойлашган, деразаси қалин қора парда билан зич ёпилган, ичини кичкина чироқ ёритиб турадиган бу хонадаги темир каравотга у ҳам ўтиради. Сўнг ундан сўрайди:

— Шунча вақтдан бери қаерда эдинг?

Кейин:

— Сени соғиндим, — дейди.

Оҳ, унинг шундай дейишини қанчалик истайди.

— Сени кўп изладим, Жаврия!..

— Қамокда эдим, Акажон.

Бу сўзни мағрур туриб айтади.

— Уч йил ётдингми?

— Йўқ, жоним, бир йил. Йигирма кун бўлди чиққанимга.

— Ё тавба. Сени кўрмаганимга уч йил бўлгандек эди, назаримда. Жаврияни шунчалик соғинган. Турмада фақат мана шу манзарани тасаввур этганди.

— Қани, айт-чи, маҳбуслик ёмон эканми?

— Секинроқ айтасизми, Акажон, ёмон бўлгандаки...

— Қани, кел ёнимга!

Хона шу қадар кичикки, Жаврия ўрнидан туриб ҳам ўтирмай сал сурилса бас, каравот ёнига келади-қолади.

Унинг қўллари гўё ҳеч иш қилмайдигандек дўмбоқ, териси силлиқ, бармоқлари узун-узн. Каттакон кафти билан сочларини силаб:

— Бечора Жавриягинам! — дейди. — Бечора Фосфорли.

Шундай деса борми, Жаврия бирдан унинг тиззаларига бош қўйиб, бир замонлар, ёш болалик чоғларида йиғлагани сингари, кўприк остида ўлган кишининг жасади устида ҳўнграгани каби ўксиниб-ўксиниб ўкраган бўларди.

— Бечора Фосфорлим!.. Бечора Жавриягинам.

Жаврия йиғлар экан, у қизнинг бошини кўтаради, қўлларини елкасига қўяди, уни оҳистагина оёққа турғизади, ёшли кўзлари, ёноқларини ўпади, юпатмоқчи бўлиб, бағрига босади.

Сўнг эса лаблари лабларини излаб қолади.

— Сенинг қадрингни энди билдим. Сени севишимни энди тушундим, Жаврия, — дейди ва уни ўпа бошлайди.

Нақадар қизгин, нақадар ҳароратли, нақадар эҳтиросли бўсалар бу...

Турмада узун кечаларни мана шу хаёл оғушида ўтказди.

Бир йилдирки, фақат шу ҳақда ўйлади, фақат шуни истади, шуни орзу қилди.

Қорақўл ойнаси олдида туриб сочини, у ёқ-бу ёғини тузатаркан, кўз олдида яна ўша манзаралар гавдаланарди.

Малоҳатга ишонади. Бир марта фалон ишни қиламан дедими, албатта урдасидан чиқади. Энди гап ўзида қолган, ҳушёр бўлса полициядан қутулиши тайин.

Дарҳол ўша ёққа кетади.

Таъқиб этишмаётганини билди ва ўзини у ерга урди дегунча йўқ бўлади қўяди.

— Ҳой қиз, — дея полициячи елкасидан туртди. — Тўйга кетаётганимиз йўқ. Пардоз-андозингни йиғиштир!

Жавоб беришга шайланди. Бироқ ўзини босди. Ҳозир ади-бади айтишадиган пайт эмас. Қочиш, аввало, қочиш керак.

Малоҳат ишни яхши ташкиллаштирган эди. Жаврия ҳадеб орқада, иложи борича кўпчиликдан узоқроқда қолаверди, полициячининг танбеҳи ҳам қулоғига кирмасди.

Малоҳат айтган жойга яқинлашган сари Жавриянинг юраги кинини ёриб чиқадигандек гурс-гурс ура бошлади.

Қоча олармикан?

Малоҳат сўзининг устидан чиқармикан?

Ўша жойдан бироз ўтгач, Етти Бало билан Малоҳат бақириб-чақириб жанжал бошлаб юборишди. Узоқдан бунни эшитди. Ўзи ҳали у ерга етиб келмаганди. Қизлар тарқоқ ҳолда кетиб боришаётганди.

Бу ишни Малоҳат режаштирган эди. Етти Бало билан гапни бир жойга қўйиб, пухта режа тузди. Қизларга тушунтирди. Гуруҳ катта ва тарқоқ бўлгани учун икки полициячининг барчани назорат қилиши хийла қийин кечарди.

Жанжал кўтарилганидан ишга киришилганини тушунган Жавриянинг қалбида қўрқув аралаш бир ҳаяжон уйғонди.

Ҳушёр бўлиш ва полиция қўлидан қутулиш энди ўзига қолган эди.

Ўша жойга бир неча қадам қолди. Малоҳат билан Гулсараннинг бақир-чақир илтипати авжига чиқди. Икки қиз бир-бирининг сочига чанг солиб, юмдалаша кетишди.

Бошқалари ҳам қий-чув солиб, ўша томонга югуришди.

Олдиндаги ва орқадаги полициячилар ҳам ғавғо кўтарилган жойга қараб чоғишди.

Тўс-тўполон ичида Жаврия бир шарпадек ўзини қоронғилик қўйнига урди.

Орқасидан ҳеч ким қувмаганидан, ҳеч ким унга «Тўхта!» деманидан қувонди.

Яна бир-икки қалам ташласа бас. Ундан сўнг у эркин қуш.

Малоҳат айтган эшик мана шу бўлса керак. Эшикка суянди. Эшик очилди ва орқасидан тортгач, сассизгина ёпилди.

Узоқдан жанжалкашларнинг овози ҳалигача эшитилаётган эди.

Мушукдек оҳиста-оҳиста юрди.

Очиқ деразани топди ва ичкарига кирди.

Бу ер қоронғи даҳлиз. Шу атрофда таҳоратхона бўлиши керак. Қўланса ҳид димоқни ёрай дейди. Бироз кутиб, қоронғиликка кўни-киши, сўнг девор ёқалаб олдинга юриши керак.

Бирдан кимдир:

— Сенмисан, Малоҳат? — деди. Қоронғида кимдир қўлини тутди.

## II

### «ҚИЗ ҚҰЛИДА ТАМҒА БОР!»

— Ол, ич, Фосфорлим!..

Жаврия ичди. У анчадан буён тўхтовсиз нўш қилаётган эди.

Бу ер шипи пастаккина бир майхона эди.

Майхонага айланишидан олдин бу ер, ҳарҳолда, отхона бўлган бўлса керак, чунки бу ердан отхоналарга хос бўлган тезак ҳиди ара-лаш қўланса бир ҳид анқир эди.

Майхонадаги ўн столдан тўққизи бўш. Бирида уч эркак ва ик-кита аёл.

Бешови ҳам ғирт маст бўлишига қарамай, ҳамон устма-уст қадаҳ бўшатишади.

Жаврия бу оқшом давранинг гули. Қадаҳини бўшатди дегунча, узатади-да, гўлдираб:

— Тттўлдир! — дейди.

— Ҳой қиз, сигарета берайми?

— Рақи<sup>1</sup> бер, рақи!

— Сигарета кайфни кўтаради-да.

Араб Шавқи сузилган кўзларини Жаврияга тикиб:

— Бир сигарета тортсанг борми, жонинг кирган бўларди, — дерди.

Жаврия бўлса:

— Қўй шу кайфни, зайтуним!.. — деб жавоб қилади. — Мавро-гинам, узат менга шу арслон сутини.

— Ол, ич, Фосфорлигинам.

Жаврия кўтариб юборади. У тўхтамай ичар:

— Сиз учун ... Сиз учун... — дея қадаҳ кўтарарди.

Бир четда шарманка бор. Майхоначи ночоргина пештахта орқа-сида мудрайди. Жаврия бу орада жўшиб кетиб, қўлидаги қадаҳни леворга уриб синдирди. Жаранглаган товушдан майхоначи сесканиб бошини кўтариб, у ёқ-бу ёққа аланглади, сўнг яна боши кўксига тушиб, мудрай бошлади.

---

<sup>1</sup> Рақи и — турк ароғи, арслон сути ҳам дейишади.

Бу оқшом кўнгли тўқ. Негаки, ёнида Зомби Ражаб бор.

Ражаб билан улфат бўлса, ишлар беш! Бутун харажатни у кўтаришига ишонса бўлади. Ражабнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ, йўлтўсарлик қилиш, банкани уриш, одам ўлдириш унга чўт эмас. Бирор хотин билан маишат қиладиган бўлса, ийиб кетар, қанчалик сарф-харажат бўлмасин, фик этмай тўлар, устига-устак, мўмайгина чойчақа ҳам берар эди.

Зомби лақабини олишининг тарихи қизиқ. Бир оқшом уни кўчада ханжар урилган ҳолда топиб, ўлган бўлса керак деб ўликхонага элтиб ташлашади. Ражаб ўликхонадан тирик чиқиб келгач, унга «Зомби» яъни «Тирик мурда» деб лақаб қўйишди. Бу гап у ҳақда тўқилган бир афсонами ёки ҳақиқатми? Буни ҳеч ким билмайди. Илгарилари улфатлари орасида обрўси катта эмасди. Ўликхонадан тирилиб чиққанидан кейин Ражабнинг худди ғайритабиий бир хусусияти бордек, уни ҳурмат қиладиган, ҳатто ундан кўрқадиган бўлишди.

Ҳатто унинг арвоҳ эканлигига ишонадиганлар ҳам бор эди.

Зомби чорпахилдан келган йигит эди. От юзли, бир кўзи иккинчисидан каттароқ, мурданики сингари сарғиш-кўкимтир рангда.

Зомби ичкиликбоз, камгап, қўлини ҳаракатлантирмай юрадиган, аччиги бурнининг учида турадиган, уришқоқ, шафқат нелигини билмайдиган, ҳиссиётдан маҳрум йигит эди.

Эркакларнинг иккинчиси Абжир Шараф бўлиб, у Галатанинг энг яхши йигити сифатида ном қозонганди. Жиноятларининг сонини 106 га етказган моҳир кисавур эди. Шараф бу рекордни зўр деб айтганларга қарата гердайиб шундай дерди:

— Худонинг берган куни чўнтак кесамиз. Бир йилда неча кун бор, ҳисоблаб кўр. Муштдайлигимиздан бери шу иш билан шуғулланамиз. Коримизни Ўнтўртбармоқ Домладан ўрганганмиз. Беш ёшимиздаёқ бандаргоҳларнинг балосига айланган эдик. Жиноятимизнинг сони бор-йўғи 106 га етибди. Шу ҳам иш бўлди-ю.

Хушчақчақ йигит. Дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди.

— Тупурдим ҳаммасига... Бу жонни Оллоҳ берган, ўзи олади. Жумлаи мўминнинг чўнтаги менинг чўнтагим. Аҳмоқлар ишлайди, мен еб-ичаман. Ҳатто Рузвельт ҳам бундай шоҳона яшамаган, билдингми?! — деб қаҳқаҳа отарди.

Учинчиси Банги Шавқи. Гиёҳвандликдан шу аҳволга тушган.

У бошқалар сингари кўприк остида туғилиб-ўсган эмас. Шавқининг отаси занжи бўлиб, номдор бир оилада хизматкорлик қиларди. Онаси эса оқ танли бўлган. Шавқи Эмиргондаги гўзал бир мас-

канда катта бўлди. Аввалига Қоракўйдаги устахоналарнинг бирида темирчининг босқончиси бўлиб ишлаб юрди.

Йигирма беш ёшга кирганида бир оғайниси билан исловатхонага борди. У ерда Бақалоқ Ҳойганўс билан танишди. Гиёҳвандликни ўша хотиндан ўрганди.

Банги Шавқи гиёҳвандликка берилиб, ўн тўрт йилдирки, ҳаёти тайинсиз.

У қорадори контрабандаси билан шуғулланар, уч-тўрт йилда полиция қўлига тушиб турарди. Завқ-шавқдан маҳрум, танбал бир йигит. Ҳозиргача бировга қўл кўтармаган. Биров билан жанжаллашмас, барчага бирдай яхши муомала қиларди. Кейинги вақтларда гиёҳвандликдан бошқа янги эрмак топди. У ҳам бўлса Чўтир Гулли.

Гулли ҳам шу ерда ўтирарди.

Бақалоқ, малларанг қошлари пайваста, кўзлари кўкимтир, оқ танли, ол ёноқли қишлоқи ойимча.

Ўн беш ёшга кирганида отаси билан ораси бузилган. Шунда бу қишлоқи ойимча ўч олиш мақсадида уч-тўрт безорига пул бериб, отасини урдирган.

Шундан кейин Гулли қишлоқ хотинбозларининг эрмагига айланди, ота уйига қайтиб қадам босмади.

Бу ҳаётидан мамнунмиди? Бошига тушган бу можаролардан ғам-аламга ботдими, ҳеч бир хижолат бўлдими? Сўраса, ўзи ҳам айта олмас эди.

Охир-оқибат унга ошиқ бўлиб, биргаликда қишлоқдан бош олиб кетмоқчи бўлган ўн саккиз ёшли бир йигитга эргашиб, Истанбулга келиб қолди.

Истанбулда яхши яшашдан умидвор бўлган ўн саккиз ёшли йигит пулсизлик ва фақирликдан ўлиб кетди. Гулли тўққиз ойлик ҳомиласи билан чапак чалиб қолаверди.

Банги Шавқи Гулли билан полициянинг иккинчи бўлимида танишди.

Гулли Хасакида туққан чақалоғини бир масжид эшиги олдида ташлаб қочмоқчи бўлганида қўлга тушди. Шавқи бўлса контрабанда туфайли ушланиб, мудириятга келтирилган эди.

Шавқи қўлига мажбуран тутқазилган чақалоқни кучоқлаб ўтирган бу қизни мудириятда кўрди-ю, андармон бўлди-қолди. Овқатини у билан баҳам кўрди. Бу аёлнинг нимаси унга ёқиб қолган эди? Шавқи бунга ўйлаб кўрмаган, бунга эҳтиёж ҳам сезмаганди.

Шавқининг содда ва ибтидоий назарида у балки фаришта бўлиб кўрингандир... Ёки лабларининг бичимини онасиникига ўхшат-

гандир. Хуллас, Шавқи ғайришуурий бир тарзда унга боғланиб қолган эди.

Ўн тўрт йилдан бери фақат қорадори бандаси бўлган Шавқи Гуллига боғланди-қолди.

Икки йилдан бери турли можароларга тўла ҳаётни бирга кечиришарди.

Ўзаро ким кимни боқади, биров билмайди. Бироқ не бўлганда ҳам, уларнинг бир-биридан айро тушганини ҳеч ким кўрган эмас.

Гулли энг моҳир фоҳишага айланганди: у саёқлару эрмакталабларнинг кўз қорачиги. Кўниё рақсини қотирар, чифтателлининг<sup>1</sup> кифтини келтириб қўяр, қошиқ ўйинини шундай эшилиб ўйнардики, ҳатто таниқли раққосалар унинг олдида ип эша олишмасди.

Бу хомсемиз ва жирканч вужуднинг қат-қат ёғ босган қорни дир-дир титраши хотинбозларни завқдан жўштириб юборар, «Яша, Гулли!» дея қарсак чалгувчиларнинг, ўша кунни топиб-тутганини унинг манглайига қистиралганларнинг кети узилмасди.

Томоша дупёсининг номдор фоҳишаси бўлган Гуллининг топган мўмай даромадини Шавқига нега едиришини ҳеч ким тушунмас эди.

Қўлига пул тушиб қолганида Галатадаги меҳмонхонадан жой олишар, пули бўлмаган чоғларида дуч келган пастқам жойларда тунашарди. Ёз ойларида бўғоз соҳилидаги қирлар уларнинг кўшкига айланарди.

Мабодо Шавқи мудириятга, қорақўлга ёки турмага тушиб қолгудай бўлса, Гулли ҳар кунни ундан хабар олиб турарди. Агар Гуллининг бошига иш тушса, бу гал Шавқи, саёқлигига қарамай, уни сигаретасиз қолдирмасди.

Бу ғарибона боғлиқлик ва муносабат замирида севги бормиди-йўқмиди, худо билади.

Кўр Абдининг майхонага кириб келиши билан стол атрофида ароқ нўш қилаётганлар қувониб кетишди.

Кўр Абди ажойиб одам эди. Худди машина каби тез-тез юрар, бир кечада Балиқбозоридан бошлаб, шаҳар ичи ва ташқарисидаги барча майхоналарни айланиб чиқарди. Сўқирлигига ва ҳассадан бошқа етакчиси йўқлигига қарамай, Абди истаган жойини ҳеч бир мушкулотсиз топиб борарди. У оқшомлари майхўрлар тўпланади-

---

<sup>1</sup> Ч и ф т а т е л л и — туркча рақс.

ган қовоқхоналардан бошлар, кеза-кеза шаҳар ташқарисидаги майхоналарга етиб борар, ниҳоят тонгга яқин мана шу сингари жойларга келиб қолар эди.

— Абди, бу ёққа кел!

Абди овоз келган томонга, худди кўзи очикдек, юриб борди.

Майхона сигарета тутунига тўлган, нафас олиш хийла мушкул. Шавқининг сигаретасидан чиқаётган тутун ён-атрофда нафас олаётганларга хушёр, ароқ ичиб, маст бўлган ва мудраётган қизларни тамоман элтиб кўяётган эди.

Шавқи бир қўлини Гулнинг бўйнидан ошириб, нариги елкасини чангаллаб олган, бу елкасига бош қўйганича мудраётганди.

Абжир Шараф латифа айтар, Жаврия бошини орқага ташлаган, қўйлаги остидаги тим-тик кўкракларини силкитган қўйи тинмай қаҳқаҳа отар эди. Зомби Ражаб бўлса қўлини Жавриянинг белидан ўтказиб, ўзига тортган ҳолда миқ этмай ўтирарди.

Абди эшикдан кирар-кирмас, Ражаб ўнг муштини столга бир уриб:

— Кел бу ёққа, Абди, — дея уни чорлади. — Кел ёнимизга, бизга бирон нарса чалиб бер, бир мазза қилайлик...

Абди курсига астагина чўкади, кир босган тўрвасидан удини чиқаради, созлашга киришадди, худди овозини ҳам созламоқчидек, аста-аста йўталиб қўяди.

Зомби Ражаб:

— «Жаврия»ни чал, Абди! — деди. — Лекин олдин бир отиб олсанг яхши бўлармиди?

— Ичмайман, болам!

Абдининг ичмаслигини ҳамма биларди. Кексайганига қарамай овози ўзгармаганининг сабаби ҳам, эҳтимол, шу бўлса керак.

Ҳар оқшомни минг турфа маст-аласт одамлар даврасида ўтказишга қарамай, ақалли бир қултум ароқ ичмаслиги иродаси кучли эканлигининг далолати эди.

— Ундай бўлса, овқат-повқат ейсанми?

— Сизлар баҳузур ўтираверинглар, болаларим. Овқат кўп экан, егим келса ерман.

Абжир Шараф:

— Абди амаки, — деб сўз қотди. — Баракалла, кўзларинг бизларникидан ўткир экан. Овқат кўп эканлигини қандай билдинг?

— Менинг кўзим эмас, бурним ўткир, болам.

— Сен билан «ов»га чиқиш керак экан, пулнинг ҳидини ҳам ололасанми?

— Ололаман, ўғлим, — деди Абди. — Шу даврада ҳам пул бор. Қаерда эканини ҳам айтайми? Зомбининг чўнтагида.

Қаҳқаҳа отиб кулишди. Зомби ғўлдираб:

— «Жаврия»ни чал! — деб такрорлади ва Жаврияга ёпишиб, кўксига тортди.

Уд чалина бошланди. Шараф жўр бўлмоқчи бўлган эди, Зомби бақириб берди:

— Ўчир овозингни, кал хўроз! Абдини эшит!..

«Қорақўлда ойна бор!»... — дея Абди бошлаб юборди.

Ашулани эшитди дегунча Жаврия титраб кетди. Эсига қорақўл тушди.

Бўлудан Истанбулга биринчи бор келган ўша кеча кўз олдида жонланди.

Ўшанда қиш эндигина бошланган, ҳали қор ёлмаган эди. Намгарчилик, рутубат ҳукм сурган бир кеча эди. Истанбулга оёқ босар-босмас ўша кечасиёқ уни тутиб, қорақўлга опкелишди. Бўлуга жўнатиб юборишади, деб юраги роса така-пука бўлган эди.

Истанбулга илк бор келган ўша кечани у қорақўлда ўтказди. Бу қорақўлда ойна бор эди.

Ўшандан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Ашулани эшитаркан, Жаврия қорақўлдан чиқаётиб, ўзини ойнага солганини эслади. Умид ва хавотир ила ўзига қараб турган аксини яққол хотирлади. Ойнадаги Жаврия рўпарасидаги Жавриядан ўша кечаси гўё «Қочоламизми?» деб сўрарди.

Қочди ҳам... Ёзга яқин қолди. Шундан кейин Жаврия хитларнинг қўлига тушгани йўқ.

Абди:

«Қиз қўлида тамға бор, тамға бор!» деб куйлади дегунча Жаврия икки қўлини бирдан тақсимчалар, рақи шишалари ва бардақларнинг орасига узатди.

Стол устидаги идишлар жаранглаб кетди. Ҳаммаси стол устига узатилган бу нозик, буғдойранг ва бежирим қўлларга тикилиб қолишди.

Бу қўлларнинг билакларида игна санчиб туширилган кишан расми бор эди. Расм айни кишан катталигида.

Унинг бу ҳаракати ҳамманинг эътиборини қўлларига қаратди.

Мастликдан боши гоҳ олдинга, гоҳ ёнига огиб тушаётган Жавриянинг кўзлари билакларидаги кишан тасвирига михланди.

— Абди амаки, тўхтат! — дея бақирди у. — Ашулангни тўхтат деяпман сенга!

Ва ўнг қўли билан стол устидаги тақсимча, бардақ, товоқ, шиша, хуллас, неки бўлса, ҳаммасини бирдан шиддат билан супуриб, ерга отди.

Гулли унинг қулоғига:

— Ҳой қиз, ўзингни қўлга ол!.. — деб шивирлади.

Абди овоз оҳангидан гап нимада эканлигини сезиб, идиш-товоқлар синмасдан илгариеқ жим бўлган эди.

Жаврия ҳадеб қўллариغا тикилар, билакларидан кўз узолмас эди.

— «Қиз қўлида тамға бор!» — дея мастларча хиргойи қилди у.

Қўлларини кўтариб, улфатларига кўрсатди.

— Кўраяпсизларми? Икки қўлимда ҳам тамға бор!

Абжир Шараф:

— Фирт маст бўп қопти, — деди.

Гулли худди бир нарсани биладигандек лаб тишлаб, бош чайқалди. Майхона шу даражада пастак, шу даража ғамбода, шу даражада маҳзун ва тутунга чулғанган эдики, кўнгил ғуссага ботарди.

Жаврия ҳамон билакларига қаттиқ тикилиб ўтирарди.

Билакларидан ҳеч кўз уза олмасди.

Истанбулга биринчи марта келган ва ўзини қорақўлнинг ойнасига солган кеча қўлларида кишан тасвири йўқ эди. У бу расмни кейин солдирди. Барбага ёлвориб, Галатанинг энг машҳур татуировкачисини топтирган ва унга қўлларини узатиб:

— Ҳар икковига ҳам кишан расмини тушир! — деган эди. — Худди кишан катталигида бўлсин!

— Яхшиси бундан чиройлироқ бир нарсанинг тасвирини тушира қолай, яхши қиз, — деган кекса рассомга:

— Чиройли нарсанинг кераги йўқ. Кишанни чиз! — деб бақирган ва сўнг: — Дўстим қамоқда. Тушундингми, севгилим қамоқда! — дея илова этган эди.

Бошқаларга мақтанганидек, унинг ҳақиқатан ҳам дўсти, севгилиси бўлишини ич-ичдан истарди.

Бироқ у Жавриянинг ҳеч кими эмасди. Ҳеч кими бўлмаган ҳам. Уни яна кўрадимиди-йўқми, яна бирор марта суҳбатлаша оладимиди-йўқми, билмайди. Ҳатто унинг исмини ҳам билмас эди.

Шунга қарамай Жаврия унинг бошига тушган фалокатни ўз кулфати деб билишини ўзига ва ўзгаларга кўз-кўз қилиш учун қўлларида кишан расмини солдирганди. Бу расм ўлгунига қадар билагида қолади.

Ўша кечаси полициядан қочиб қутулганидан кейин Ковбой Нажиб уни қаҳвахонанинг орқа эшигидан бошқа ҳовлига олиб ўтган, у ердан Тўпхонага кетадиган ботқоқ йўлга олиб чиқиб қўйган эди.

— Қани, — деганди у, — энди оёғингни қўлингга ол.

Оёғини қўлига олиш унга чўт эмас. Жавриянинг оёқлари югурик, аммо у яна қўлга тушишдан қўрқарди.

Нс қиларини билмай атрофга аланглади. Бир йилдирки, бу ерлардан узоқда қолганди. Бир йил ичида нелар бўлмаган, кимлар ўлмаган, кимлар қолмаган. Ким билади дейсиз. Истанбулнинг қиши рутубатли келади. Қолаверса, отасидан мерос қолган уйда еб-ичиб ўтирган маҳалла боласи эмаски, бориб эшигини қоқса.

Ким қўлга тушди, ким тутилди, ким кимни пичоқлади, нелар бўлиб ўтди, олдин буларни яхши билиб олиш даркор. Мавронинг қаҳвахонаси жойида турибди, аммо Барбанинг майхонаси омонмикан? Унинг хўжайинини таваккалчи бир ҳариф дейишсади. Бунинг устига полицияга яқин. Ишини юритиш учун дуч келганни тутиб беради.

Ҳозир, полициядан қутулиб-қутулмай, ҳатто қутулганига тўла ишонч ҳосил қилмай Нажотибей кўчасига бориши ҳарҳолда тўғри бўлмас.

Жаврия бир қарорга келолмаса-да, елдек учиб кетаверди.

Қоронғи кўчада, қўлмак ва лойга ботиб-чиқиб кетиб бораркан, фикран қаердан бошпана топишни ўйларди. Дўлмабонча томонга кетсамикан. Тошлиққа борсамикан... Ёзги сайилгоҳлардаги баъзи баракларни қишда бузишмасди. Ёки Дехқон боғи ичида тунаса ҳам бўлади.

Тўпхона кўчасига чиқишни ҳечам хоҳламаса-да, бу йўл тўғри ўша ёққа бориб тақаларди. Кўча қоронғи, бироқ йўл тўппа-тўғри ва узун бўлгани учун Жаврия ора-сира ортга назар ташлаб, орқасида ҳеч ким йўқлигини яхши илғар эди.

Ҳеч ким таъқиб этмаётганига ишонч ҳосил қилган заҳоти унда Нажотибей кўчасидаги уйга бориш иштиёқи алангаланди.

Йўқ, йўқ, гап бошқа ёқда. Уни кўрмаганига роппа-роса бир йилу йигирма саккиз кун бўлди. Яна бир кун уни кўрмай туриш Жаврияга ҳаддан ташқари малол келаётганди. Тезда у билан дийдорлашишни истарди.

Ёсини таниганидан буён таниш-билишлари орасида қайта-қайта ва ҳар куни кўргиси келадиган ягона кишиси фақат ўша эди.

Унинг бегоналиги, кимлиги, туриш-турмушию, касб-кори номаълум бир кимса эканлигининг Жаврия учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

Зотан Жавриянинг бутун умри асосан у танимаган-билмаган, узоқ, ёт ва номаълум кишилар, бетайин кимсалар орасида ўтган эди.

Унинг исми ва туриш-турмуши номаълум одам эканлигининг заррача аҳамияти йўқ.

Жаврия бу каттакон Истанбулда бировнинг на ҳаёти, на ўтмиши-ю, на кимлигини биларди. Унга дуч келганлар унинг учун шунчаки инсон эди, холос.

Инсон эканликларининг ўзи Жаврияга кифоя.

Жаврия учун у инсонларнинг энг яхшиси. Ғарибона бир аҳволда учрашганлари уни бундай ҳурмат қилиши ва муносабатларини давом эттиришига сабаб бўлган.

Уни аёзли куз оқшомларидан бирида учратганди.

Касалхонадан эндигина чиққан, роппа-роса олти ҳафта даволанган эди. Ниҳоятда толиққан, юргудек ҳоли йўқ.

Қўлидаги охирги чақасини трамвайга сарфлаб, уни ҳурмат қиладиган таниши Қайиқчи Маҳмудни топиш ва ундан бироз пул олиш умидида Бебекка йўл олди, у ердан Ҳисорга пиёда кетди.

Бироқ балиқпазлик ошхонасидагилар Маҳмуднинг Трабзонга кетиб қолганини айтишди.

Ҳисорда тунаб қолишга тўғри келди.

Чунки орқага қайтиш учун пули йўқ, бунинг устига бирор эркакнинг кўнглини овлагудек ҳоли йўқ. Боз устига эрталабгача ишлайдиган қаҳвахоналарнинг бирида ёки Барбанинг майхонасида тонг оттириш учун яна Галатага қайтиб кетишга мажоли ҳам йўқ.

Қош қорайгач, Жаврия аста-аста денгиз томонга борди ва боғлоқлик қайиқлардан бирига сакраб чиқди-да, узала тушиб ётди.

Ҳаво совуқ. Бироз иситмаси ҳам бор эди.

Эти увишиб, устидаги жун свитерига ўралиб олди. Кеча қопқоронги. Денгиз тўлқинлари кетма-кет соҳилга урилади.

Жаврия кўзларини юмиб олган, гўё бешикда ётгандек эди. Оҳиста-оҳиста тебранишлардан ва чарчоқдан тезда ухлаб қолди.

Қанча ухлаганини билмайди. Бирдан қайиқ ағдарилиб кетгудек қалқиб кетгач, кўрқиб кўзини очди. Қоронги кечада кечадан ҳам қорароқ бир гавдали киши устида турганини кўриб, кўрққанидан бақириб юборди ва қаддини ростлади.

Жаврия бу кишидан кўрққанидан эмас, денгизга йиқилиб тушишидан кўрқиб, бақириб юборганди.

Келган одам ҳайрат ва, эҳтимол, кўрқув аралаш:

— Ким бу? — дея шивирлади ва чўнтагидан кичик электр фанарини олиб, унга тўғрилади.

Жаврия кўзларини қамаштирган ҳамда бир лаҳзагина ёниб ўчган нур ёғдуси остида қўллари билан юзини пана қилди.

— Нима қиялпсан бу ерда? — деди киши ва ўша заҳоти ўтирди. Ҳарҳолда у ўзини мудофаа қилишга ҳозирланганга ўхшарди.

Жаврия:

— Ётишга жойим йўқ. Ухлаётган эдим... — деди.

— Қани тур, қайикдан чиқ-да, бошқа бирон жойда ухла.

Овоз унчалик қатъиятли эмасди. Жаврия турмоқчи бўлди, лекин боши айланиб, йиқилди. Униси:

— Нима қиялпсан ўзи? — деди жеркиб.

— Ўрнимдан турмоқчи эдим, Ака. Бирдан бошим айланиб, йиқилиб тушдим.

Сўнгра илова қилди:

— Бугун касалхонадан чиқдим. Бу ерга бир танишимни излаб келувдим. Пул олмоқчи эдим... У Трабзонга кетиб қолибди. Трамвайга пулим қолмади. Чарчаганман... Шу ерда ухлай қолай, эртасига Оллоҳ раззоқ деган эдим.

Сўзларкан, тишлари такиллар ва саси титроқ чиқарди.

Киши:

— Кўй бу гапларни, чиқ қайикдан! — деди ва қатъий бир ҳаракат билан қўл узатиб, уни ўрнидан турғазди.

Бироқ бирдан оёққа тургани учун Жавриянинг боши қаттиқ айланди. Жаврия унинг қўлида ҳушдан кетди.

Бу киши аёлнинг ҳаракатсиз ва ғужанак бўлиб қолганини кўриб, ўзидан кетди ёки ҳатто ўлиб қолди, деб қўрққанмикан, ажабо? Нега уни соҳилга ташлаб кетиб қолмади?

Нега уни қайиқнинг ичига ётқизди ва эшкак тортиб, соҳилдан анча узоқлашгандан кейингина ҳушига келтиришга уринди?

Жаврия йигит эшкакларни ташлаб, уни ҳушига келтиришга унганганини, ҳатто эгнидаги қалин қора пальтосини устига ёпганини ҳам сезмаган эди.

Уни ва туриш-турмушини бироз билиб олганидан кейингина Ҳисордан узоқлашганликлари ва уни соҳилга ташлаб кетмаганлигининг сабабини бироз англади.

У, энг аввало, ўзини ўйлаб, соҳилдан узоқлашган эди. Жавриянинг изқувар полициячи эмаслигини, ҳақиқатан ҳам ҳушидан кетган бир аёл эканини сезгач, уни соҳилга чиқариб ташлашга куч ва вақт сарфлаб ўтирмай, тезда қирғоқдан узоқлашишни афзал билган.

Ҳуш, нега уни кейинчалик ҳам ташлаб кетмади? Нега соҳилга чиқаркан:

— Майли, тонггача шу ерда ётақол! — деб уни қайиққа ташлаб кетмади?

Жаврияни суяб, қайиқдан олиб чиқди. Жавриянинг боши айланиши тўхтамаган эди. Соҳилга чиқаркан, у беихтиёр бу бегона кишининг қўлига суяниб олди. Суянмаса яна ерга думалашидан чўчиди.

Киши қайиқдан оғир бир тугунни зўрға кўтариб, ўнг қўлигига олди. Чап қўли билан қизни суяди.

Уни ташлаб кетмади. Бунга раҳмдиллиги сабаб бўлдимикан?

Қайиқда йўл бўйи бир-икки оғиз сўзлашишди, холос.

— Қалайсиз? — деб сўради у.

— Анча яхшиман.

Шундан кейин Жаврия кулимсираб, ўлимдан қўрқмаганини билдиришга, тўғрироғи, ўлимдан қўрққанини яширишга уринган ва хийла заиф, титроқ товушда:

— Ўлиб қолдиммикан деб ўйладим. Бу гўзал дунёдан у дунёга рихлат қилаётгандек туюлди менга. «Ажал келди, Жаврия!» дейишга ҳам улгурмадим, — деган эди.

Чалқанча ётарди. Устида унинг қалин пальтоси бор эди. Денгиздан ачимсиқ ҳид анқийди, шамол эсади, зим-зиё осмонда миллион-миллион юлдузлар жимирлайди...

Рўпарасидаги кишининг юзи кўринмайди. Унинг юзи қандай эканини ҳануз кўрмаган эди.

Юлдузларга тикилиб ётар, ўлмаганидан бахтиёр, тирик эканлигидан ажиб бир саодат туйғуси ҳис этиб, юлдузларни томоша қилиб кетаверди. Ўзини ҳануз беҳол ҳис қиларди.

Эшакларни бир лаҳза ташлаб, бир қўлини узатиб, билагини ушлади, бармоқлари билан томир уришини санади. Бироздан кейин:

— Энди анча яхши бўп қолдингиз! — деди.

Қоронғи кечада бўғоз ниҳоятда чиройли кўринарди. Жаврия қайиқда узала тушган ва усти ёпилган ҳолда йўл босишдан жуда хушҳол эди. Тез-тез эшкак эшаётган бу киши юмшоқ, ширали ва ёқимли товуш билан уни «сиз»ларди.

Ўз тилида бўлмаган «сиз» сўзи унга жуда ёқиб тушганди. Эсини таниганидан буён ҳеч ким уни «сиз» ламаган. Ўзи ҳам ҳеч кимни «сиз»ламаган.

Нақадар ёқимли ва сеҳрли сўз эди бу!

Айни чоғда ҳазиллашгиси, кулгиси келар: «Аммо-лекин мулоқим-супургисига учрабмиз-да бу кеча!» деб ўйларди. Сўнг кўзлари намланди.

Дунёда энг яхши кўргани денгиз. Болалик чоғларидаёқ ўғил болалар қаторида кўприк устидан ўзини денгизга отар, чуқур сув остида балиқдек, сув устида эса моторли қайиқдек тез қулоч отиб суза оларди.

Соҳил бўйидаги барча кўча болалари каби сузиш унинг севикли машғулоти эди. Худди сўзлаш ва юришни қачон бошлаганини эслай олмагани каби, сузишни қачон ўргангани ҳам ёдида йўқ.

Шунинг учун ҳам денгизни яхши кўрарди. Бу зим-зиё осмонни, бу юлдузларни, Истанбулнинг рутубатли ва денгиз ҳиди анқиб турадиган ҳавосини яхши кўрарди.

Унга:

— Мунча юлдуз кўп бўлмаса, — деб сўз қотди. — Ҳар биримизнинг ўз юлдузимиз бор экан, биласанми?

Эшкак эшаётган кишини «сиз»лагиси келса-да, тили бормади. «Сиз»лаш унга жуда сунъий туюлар, агар «сиз»лайдиган бўлса, бу киши уни масхаралайдигандек кўринди ўзига.

— Йўқ!.. Билмас эканман.

— Ҳа! Худди шундай экан. Менга буни Арқончи Мустафо айтди. Ҳар биримизнинг ўз юлдузимиз бор экан. Биз ўлган заҳоти юлдузимиз ҳам сўнаркан... Юлдуз учганини кўрамиз-ку... Одам ўлса юлдузи учаркан. Бир юлдуз учса бир киши... Арқончи Мустафо қасам ичди. Бир куни оқшом пайти денгиз соҳилида улфатлари билан отамлашишаётган эканлар. Улфатларидан бири денгизга тушиб чўмила бошлабди. Бирдан бир юлдуз учибди. «Бир одам ўлди» дегунча бўлмай, денгизда сузиб юрган оғайниси чўкиб кетибди. Учган юлдуз ўшаники экан. У гарқ бўлаётган онда юлдузи ҳам учибди кетибди.

Ажабо, қайси бири менинг юлдузим экан?

Шундай деб, ўз юлдузини ахтарган ва кўкда порлаб турган жажжи бир юлдузга кўзи тушган эди.

— Фосфорли каби порлаган ана шу юлдуз меники бўлса керак!..

Кўкда порлаган катта юлдузларни кузатди. Бу юлдузлар унга жуда ёққан бўлса-да, улардан бирини ўзиники деб айтишга журъат ҳам этолмади. «Ким билади, бу юлдуз қайси подшоҳники», деди у ичида.

— Ажабо, мен ўлсам, қайси юлдуз учар экан? Қайси бири меники эканлигини билсайдим, худо ҳаққи, нарвон билан кўкка чиқиб, ўша юлдузни кўксимга қадаб тушган бўлурдим.

Эшкак эшаётган кишининг саси оҳангидан кулимсираганини пайқади.

— Сиз ҳаётни шу қадар яхши кўрасизми?

— Жон-ку бу, Акажон... Ким яшашни севмайди?

Қаддини ростламоқчи бўлди, аммо боши айланганидан чўчиб кетди.

— Бошим айланыпти. Бу кеча тугаймиз шекилли.

У каттакон қўлини узатиб, яна унинг нозик билагидан тутди, сўнг:

— Хавотир оладиган ҳеч нарса йўқ. Шундай бўлса-да, бироз тинч ётинг, ҳали йўл олис. Биргунча яхши бўлиб қоласиз. Касалхонадан бугун чиқдингизми?

— Ҳа, бугун чиқаришди. Бу имонсизларга кўп ялиниб-ёлвордим, бироқ соппа-соғсан деб, итдек ҳайдаб юборишди.

Киши жавоб бермади. Ҳадеб эшкак эшаверди.

Қайси соҳилга чиқишгани эсида йўқ. Қирғоққа чиқар-чиқмас боши гир айланиб, бирдан икки қўли билан унинг қўлига осилиб олди.

— Аҳволим чатоқ, — дея минғирлади у. — Бошим айланиб кетяпти.

Бўйи у кишининг елкасидан ҳам келмасди.

Киши Жавриянинг гандираклаганини кўриб, йиқилмаслиги учун белидан кучди...

Қўлтиқлашиб юра бошлашди. Эркакнинг ўнг қўлтиғида каттакон ва оғир тугун бор эди.

Боши айланаётгани учун кўзи юмуқ ҳолда қадам ташлаётган Жаврия:

— Қаердамиз? — деб сўради.

— Тўпхонага яқинлашдик...

— Ҳаа...

— Сиз қаёққа борасиз?

— Билмайман!.. — деди у. — Борадиган жойим йўқ.

— Нега? — деди киши сўнг илова қилди: — Мен билан юрақолинг.

— Ҳўп, — дея таклифни қабул қиларкан, юраги орқага тортиб кетди. Бу оқшом бирор эркакнинг кучоғига тушишга чидагулик ҳоли йўқ эди.

Кейинчалик «Ўша кечаси мени нега яширин уйига олиб борди?» дея кўп ўйлаган, унинг қидирувда эканини билиб олганидан

сўнг полициядан қочиб юрган бўлса керак, деб тахмин қилганди. Яшириниб юрган жойига оғир тугунгина эмас, бир хотин билан қўлтиқлашиб борса ундан ҳеч ким шубҳаланмаслиги мумкин эди. У шуни ўйлаган бўлса керак. Жаврияни кечаси уйига опкетганининг боиси ҳам шудир, эҳтимол.

Бироқ Жаврия бундай бўлишини хоҳламаётган эди.

Унга қолса мурувват юзасидан уйига оборгани яхши.

Мурувват юзасидан бўлдимиз ёки ҳийла ишлатиш учун қилдимиз, нима бўлганда ҳам, ўша кечаси уйига опкетгани учун Жаврия уни қаттиқ ҳурмат қиларди.

Ундан айрилишдан қўрқар эди.

Агар хоҳласа, айрилиб кетиши қийин иш эмас.

Бироқ ич-ичидан «Кетяпмиз!..» деб қўрқаётган ҳам эди. Қайтилмайдиган йўлга кирганидан қиз қўрқув ва таҳликага тушган эди.

Жаврия, кўча қизи бу оқшом кўчада ёлғиз қолишдан қўрқаётганди. Юлдузларга тикилган кўйи бир пастқам жойда ўлиб қолишдан, юлдузининг, кўкка нарвон кўйиб кўксига тақмоқчи бўлган ўша юлдузининг бирдан учиб кетишини ва ўчишини кўриб, эси оғиб, даҳшатга тушишдан қўрқарди.

Зим-зиё кўчалар бўйлаб анча юрдилар, сўнг каттакон бир уйнинг дарбозасидаги кичик эшикни очиб, дарҳол ичкарига кирдилар. Киши уни қўйвориб, эшикни тамбалади, сўнг зинапоя томонга тезроқ етиш мақсадида уни қучоқлаб олди. Қўлтиқлашиб пиллапоялардан кўтарилишди.

Бу жой омбормиди? Ҳаводан машина мойи ва тери ҳиди анқир эди.

Уни белидан кучиб, кўтариб келаётган киши чироқ-пироқ ёқмади. Бир кўлида оғир тугун, иккинчиси билан Жаврияни қўлтиқлаган ҳолда юқорига кўтарилаверди. Зинапоя ҳийла баланд экан.

Товуш чиқармай кўтарилар ва унга:

— Товуш чиқарманг! Ҳеч гапирманг! — деб уқтирарди.

Ниҳоят анча жойга чиқиб, киши тўхтади. Нафасини ростлаб олди. Икки юк билан пиллапоядан кўтарилгани учун анча чарчаб қолганди.

Жаврия астагина:

— Мени кўтармай қўяқол, — деди. — Энди бироз яхшиман. Ўзим юра оламан.

Олдинда у. Орқасидан кўзлари қоронғиликка бироз кўниккан Жаврия зинапоя тутқичларини ушлаганча кўтарилиб борарди.

Кўп ўтмай Жавриянинг тиззалари букилиб, турган жойида ўтириб қолди.

— Нима бўлди?

— Мадорим қолмади... — дея ингради қиз.

Киши пастга тушиб, яна уни белидан кучоқлади.

— Нима бало, арши аълога чиқяпмизми?

Зинапоянинг кети кўринмайди. Яна анча кўтарилишди. Ниҳоят бир эшик олдида уни ерга қўйди. Чўнтагидан калит олиб, эшикни очди. Очиқ эшикдан уни ичкарига итарди, орқасидан ўзи кирди. Эшикни зич ёпди. Сўнг яна нимадир қилди. Чироқ ёнмагунча унинг нелар қилаётганини Жаврия билолмади. Кейин чироқ ёнди.

Хира ҳимоя чироғига ўхшаш бу чироқ мовий нур таратар ва хонани зўрга ёритарди.

Бу тўртбурчак, пастаккина болохона эди.

Жаврия болохона эшиги ва деразаларига қалин пардалар осиглиқ эканини кўрди.

Жаврия ичкарига кирганидан кейин қаққайиб турган қора пальтоли, новча, жуссадор оламга қаради.

Юз тузилишини кўрса-да, мовий нур остида рангини фарқлай олмади.

Мовий нур остида бу кишининг ҳақиқатан ҳайкалдек паҳлавонкелбат йигит эканини кўрди.

Каравот томон одим отган йигит қўлидаги тугунни оҳистагина ва эҳтиётлаб, чеккадаги стол устига қўйди.

Хонанинг бир томонида темир каравот, сал нарироқда шакар қутилардан ясалган тахта кат<sup>1</sup> ва каттакон стол бор. Бурчакда қоплар, сандиқлар.

Жаврия худди чўккандек, каравот устига астагина ўтирди. Йигит пальтосини ечиб, илгичга илди-да, унга юзланди:

— Бироз чўзилиб, дам олволинг.

Ўзи камзулини астагина ечди.

Кейин бир четдаги темир ўчоқнинг ёнига бориб, қопқоғини очди. Ўчоқнинг ичи ўтинга тўла, гугурт чақса ёнишга тайёр.

Йигит гугурт чақиб, олов ёққач, ўчоқнинг қопқоғини ёпди. Сўнг каравотга яқинлашди. Жаврия уни ёнига келяпти деб ўйлади.

Силласи қуриган. Бироқ у кўп яхшилик қилгани учун қаршилик қилмоқчи эмасди.

Бироқ йигит, аксинча, ёнига келмади. Бориб, пардаларни текислади. Ҳарҳолда ташқарига ёруғлик сизмаётганига ишонч ҳосил қилмоқчи эди. Ишонч ҳосил қилгач, девордаги бошқа электр туг-

---

<sup>1</sup> К а т — мўъжаз сўри.

масини босди. Энди каттакон лампочкадан кучли нур таралди. Деворлар, ашёлар, пардалар, эшик ва юзлар ўз рангига қайтди.

Жаврия уни бу ерга олиб келган одамга яна бир назар ташлади. Сариқ сочлари жингалак, кўзлари кўкимтир, юзи қирмизи рангда.

Ўттиз беш ёшларда кўринади.

Унинг юзида ранг билан бирга маъно ҳам пайдо бўлган эди. Бу маъно Жаврияга ниҳоятда ёқди.

У ҳам Жаврияга ўгирилиб, юзига қаради.

Жавриянинг юзлари сарғайиб кетган, қоп-қора сочлари парижон. Хасталикдан эти қочган юзида янада катталашгандек кўринаётган кўзлари ҳадик билан боқади. Доимо қип-қизил дудоқлари жуда сўлгин.

Йигит:

— Мен орқамга ўгирилиб тураман. Сиз бемалол ечиниб, кўрпага кираверинг, — деди.

Жаврия ҳайрон бўлиб:

— Нега энди орқамга ўгириласан? — деб сўради.

У шу қалар табиий бир ҳайрат ичида савол берган эдики, йигит кулимсирашдан ўзини тия олмади.

— Бемалол ечиниб оласиз, деб айтдим.

Жаврия унга қаради, лабини буриб:

— Қарасанг қара, қарамасанг қарама! — деди. — Менга барибир, кўнглим ёздагидек.

Аста-аста блузкасини ечди. Остида мовий жерси кўйлагига бор эди. Бироқ касалхонада дезинфекциялашгани учун оҳори тўкилган. Юбкасини оёқларидан тушириб ечди.

Эндигина касалхонадан чиққани учун тан-бадани топ-тоза.

У ечинаркан, йигит тескари қараб турди. Жаврия кўрпага киргач, у тўшакка яқинлашди.

Жаврия нарироққа сурилиб сўради:

— Сен ҳам ётасанми?

— Йўқ!.. Мен ётмайман... Бироз ишим бор...

Жаврия унга ҳайрат тўла кўзлари билан қараб қолди. Модомики, у билан ётмас экан, нега уни бу ерга, уйига опкелди, ҳатто зинапоядан кўтариб опчикди?

У манфаат кўзламай уйда меҳмон қилган бир эркакнигина биларди ҳолос.

У ҳам бўлса Барба эди.

Бироқ у қари туллак эди. Бу бўлса ҳали ёш. Қолаверса, Жаврия Барбанинг уйда катта бўлган. Барба уни муштдайлигидан билади.

«Фосфорли» лақаби билан машҳур бўлишидан олдин Барба уни «Болапақир» деб чақирарди. Энди у ҳам Жаврияга «Фосфорли» дейишга одатланган.

Бегона йигит қўлини Жавриянинг пешонасига қўйди. Кафтининг орқаси, сўнг ўнги билан пешонасини ушлаб кўрди.

— Бироз иситмангиз борга ўхшайди, — деди.

— Билмасам...

— Қани, кўрайлик-чи...

Тортмадан термометр олиб, Жавриянинг ёнига қайтди. Термометрни қўлтигининг остига қўйишни тайинлагач, сал нарироқдаги кат устида кутиб ўтирди.

Кейин:

— Термометрни беринг! — деб қўлидан термометрни олди-да, ёруққа солиб, тикилди.

Сўнг яна томир уришини текширди ва:

— Сизга иситма туширадиган бир дори берай, — деди.

Унинг хатти-ҳаракатларини кўриб, кибор кўрингиси келган Жаврия касалхонада ҳамхонаси бўлган кекса аёлнинг доктор тўғрисида «У эмчи табиб!» деганини эслади. У бу сўзни киборона бир сўз деб билгани учун бегона йигитдан:

— Сен эмчи табибмисан? — деб сўради.

У бўлса кулимсираб:

— Йўқ! Доктор эмасман. Фақат бошқалар сингари мен ҳам касалликларни бироз биламан, — деди.

Ҳаплори ва озроқ сув келтирди.

— Энди шу дорини ичинг. Эртага кечгача менинг меҳмонимсиз. Кун бўйи ўралиб ётинг. Ўзингизни яхши ҳис қилсангиз кечаси чиқиб кетаверасиз. Ҳозир бўлса яхши ухлаб, истироҳат қилинг, — деди у.

Жаврия тушунмади.

— Хўш, сен нима қиласан? — деб сўради у.

— Мен катда ётаман.

— Мени бу ерга нега опкелдинг унда? — деди Жаврия ҳайрат билан.

У гўё тушунмаётганга ўхшарди.

— Касал экансиз... Дамингизни олинг деб опкелдим.

— Бошқа гап йўқми?

— Йўқ.

Жаврия унга қаради ва савол тўла нигоҳидан не бўлаётганини англамаган бир туйғу ҳис қилди.

— Уйига қиз келтирган эркаклар аксарисига... — деди-ю, сўзининг давомини ичига ютди.

Йигит:

— Мен сизни касал бўлганингиз учун бу ерга келтирдим, — дея кат томонга йўналди. — Сиз ўралиб ётинг, тонггача яхши бўлиб кетасиз...

Сўнг илова қилди:

— Сизга чой келтирай. Чой ичгандан сўнг яхши ухлайсиз.

Чумчуқ пир этса юраги шир этаётган, таъқиб этилаётганидан гумонсираётган бўлса-да, уни нега уйига олиб борди, кейинчалик унинг бу ерга келиб туришига нечун рухсат берди?

Жаврия ўша кечаси қаттиқ шамоллаб қолгани учун роппа-роса бир ҳафта ётиб қолган, у бўлса ёш аёлни парвариш қилган эди. Жаврия уни доктор деб ўйлаганида ҳақли эди. Чунки у беморни худди докторлардай парваришлашни биларди.

Унинг нега ва нима сабабдан яхшилиқ қилганини Жаврия ҳеч тушуниб етолмасди. Ўшандан бери қанча вақт ўтган бўлса-да, ораларидаги муносабатни у нимага йўйганлигини ҳалигача билмайди.

Бир ҳафтадан кейин тузалиб, бир кечаси унинг уйидан кетиш оллидан:

— Сеникига яна келайми? — деб сўради.

У бўлса: «Нега?» демоқчи бўлгандек, юзига боқди, сўнг қисқа қилиб:

— Ҳожати бормикан? — деди.

Бу жавобдан Жаврия хафа бўлди.

— Менга кўп яхшилиқ қилдинг, — деди у. — Неча кунлаб ўз тўшагингдан жой бердинг. Дори-дармон бердинг, даволадинг. Эвазига ҳеч нарса сўрамадинг.

— Менга меҳмонхона ёки касалхона ҳақини тўламоқчимисиз?

У гўё қизнинг не демоқчи бўлганини тушунмаган эди.

Жаврия унинг олижаноблигидан уялди.

Тасодифан бу одам билан учрашиб қолгач, ҳаётида илк бор уят ҳиссини туйди.

Биринчи бор бу хонага келган, унинг тўшагига кирган ва тўшакдан унга жой бериш мақсадида навроз сурилганида у Жавриянинг бу ҳаракатини билмасликка олган вақтида қаттиқ уялган эди.

Қўлларини стол устига қўйиб:

— Севгилим қамоқда! — деган эди.

Ҳолбуки, унинг уйида ўтказган илк етти кун ва ундан сўнг ҳам у ҳеч вақт Жаврияни бирон марта бўлсин бағрига олмаган, ораларида бошқа эркаклар билан бўлган муносабатларига менгзайдиган бирор иш бўлиб ўтмаган эди.

Шундай бўлишига қарамай унинг уйида, унинг тўшагида ўтказган бу етти кун ҳаётининг энг масъуд дамлари бўлганди.

Бу бахтиёрликнинг боиси не эди?

Авваллари бунини беморлик чоғида унга қилинган меҳрибончилик туфайли пайдо бўлган миннатдорчилик ҳисси деб ўйлаганди.

Касалхонадан чиқиб, сариқ чақасиз Ҳисорда қолган, беморликдан силласи қуриган гавдасини минг машаққат билан қайиқ ичига ташлаган, ажал ёқамдан олди, деб тахмин қилган ўша паллада бу йигит уни қайиқдан ҳайдаб чиқариб, кетиб қолганида «ўлиб кетишим муқаррар эди» деб ўйларди.

Унинг Жаврияни қайиққа солиб олиб кетгани, ҳушига келтиришга уннаши, сўнг кўчага ташлаб кетишга кўзи қиймай, уйига опкетгани, энг яқин ғамгусоридек неча кунлаб унга қарагани, докторлардек дори-дармон бериб тургани, иссиқ чою егуликни қанда қилмагани — барча-барчаси содда Жавриянинг қалбини миннатдорчилик туйғуларига тўлдириб-тоширган эди.

Унинг Жаврияга ҳеч қачон елимлик қилмагани Жаврияни каловлатган, ҳайратга солган, ҳатто бир қур иззат-нафсига ҳам теккан ва шунга қарамай унга ёқиб тушган эди.

Кўрган кунидан бошлаб уни «сиз»лаган, ҳали-ҳамон «сиз»лайди.

Жаврия «Америка подшоҳи ҳам бундай давру даврон суролмас керак!» деб ўйлаганича тўшакда қимирламай ётаркан, унинг атрофида гирдикапалак бўлишидан, устига эгилиб, сути, чойини ичириб қўйишларидан беҳад шод бўлган эди.

Хонага қадам қўйиб, эшик-деразаларга осилган пардаларни кўрди, хира чироқ ва унинг эҳтиёткорона ҳаракатларини сезди дегунча бу одамда бир гап борлигини тушуниб етганди. Неча кун ўша ерда яшаб, унинг яшириниб яшаётганлигини билди.

Жаврия ёш бола эмас. Ҳамма нарсани яхши билади. У полициядан қочган, таъқибдан қўрққан ва қандайдир хуфия ишлар билан шуғулланадиган киши эди. Кундуз кунлари уйдан чиқмайди. Кат устида чалқанча ётиб, сигарета тутатгани тутатган. Худди Жаврия уришиб берадигандек, қимир этмайди, оҳистагина нафас олади. Узр сўрагандек:

— Ишсизман. Бу ер бир тужжорнинг омбори. Омборчи менинг қариндошим. Бу бўш хонани менга берган, бу ерда биров бор-йўқлигини билмайди ҳам, — дерди.

Жаврияга бунинг қизиғи йўқ. Хонасига биқиниб олган ишсиз бўладими, ўн кишини ўлдириб, виждон азобида қийналаётган қотил бўладими, барибир, унинг ўз назаридаги қадр-қиммати ҳеч қачон пасаймайди.

У Жаврияни етти кун ётоғида олиб қолган, етти кун у билан ёп-ёлғиз қолса-да, қўлининг учини ҳам тегизмаган, тегизмоқ истаман ягона киши эди.

Аёллигига нисбатан кўрсатган бу лоқайдлиги Жавриянинг нафсониятига теккани аниқ.

Бироқ, айни замонда, бу ишнинг унга ёқиб тушган томони ҳам бор эди.

«Менга фоҳишаларга қилинадиган муомалани қилмади. Ажабо, менинг ким эканлигимни билмадимикан?» деб ўйларди. Буни тушуниб етмайдиган гўр одамга асло ўхшамайди. У нимадандир қаттиқ кўрқар эди, холос.

Кун бўйи уйда ўтиради. Атрофга қоронғи тушганидан кейингина кўчага чиқади. Чиқишидан олдин:

— Сиз қимирламай ўтиринг! — дея огоҳлантирарди.

Жаврия қопларнинг ичида нима бор экан деб қизиқсинса-да, «Балки, нима қиларкин дея мени кузатаётгандир!» деб кўрққани учун ҳеч нарсага қўл тегизмай, унинг қайтиб келишини пойлаб ўтирарди.

Қайтганида хона иссиқ бўлиши учун ўчоқдаги оловни ҳеч ўчирмай, ўтин қалаштирарди.

Зинапоялардан сассиз-садосиз кўтарилади, оёқ товушини эшитиш мушкул. Бирданига эшикни тақиллатади. Тақиллатганда ҳам оҳистагина чертади. Шунда Жаврия тўшакдан туриб, эшикка яқинлашар ва катта чироқни ўчириб, кичкина мовий чироқни ёққач, эшикни очар эди.

Кейин эшикнинг пардасини яхшилаб ёпгач, катта чироқни ёқишади. У Жаврияга:

— Сиз ётиб дамингизни олаверинг!.. — дерди.

Қўлида доим каттагина ва оғир тугун бўларди. Тугунни бир четга қўяр, чой тайёр эканлигини кўриб, Жаврияга юзланар:

— Касал бўлишингизга қарамай нега бундай қилдингиз? Келганимдан сўнг ўзим қайнатардим... — дер эди.

Шунда Жаврия унинг ҳеч нарсага парво қилмай, одатдаги бир ишни қилаётгандек, унга чой дамлашга киришганини кўриб, қувониб кетарди.

Тузала бошлагач, унда кўча қизларига хос истак уйгонди. Тўшакда ётаркан ўзининг ҳавас қилса арзигулик аёл эканлигини, гўзал эканлигини тушуниб етишини хоҳлаб қолди ва унга буни билдиришга уринди.

Бироқ у парданинг орқасига ўтиб, ҳар доимгидек, қандайдир майда темир-терсақларни сандиқдан олишга киришди.

Жаврия «Ҳар ҳолда контрабанда билан шуғулланса керак!» деб ўйлади.

Кечалари не иш қиларди у?

Унинг фикр-зикри стол устидаги темир-терсақда экани аниқ.

«Бирор севгани бор бўлса керак. Уни севгани учун бошқаларга қиё боққиси келмайди!» деб ўйларди. Севгилиси бор бўлса, қаерда экан? Ҳар оқшом севгилисини кўргани кетармикан? Э, йўқ... Севгилисини кўргани борган одамга ҳеч ўхшамайди.

«Контрабандист!»

Шубҳасиз, у ё ўғри, ёки контрабандист. Кечалари ишлайди. Қайиқни эслаши билан унинг контрабандист эканига ишончи кучайди.

У ҳолда ёп-ёлғиз яшайдиган бир эркакнинг ўз тўшагида етти кун ётган хотинга қиё боқмаслигининг сабабини ҳам англаб бўлмайди.

«Мени назарига илмаяпти шекилли». Ўзи жуда ораста кийинади. Жаврия шу кунгача тўшакни баҳам кўрган эркакларга қараганда анча келишган йигит.

Эрта тонгда эшик олдида озиқ-овқат ташлаб кетадиган, ичкарига ҳеч қадам босмайдиган ўша номаълум қариндоши ҳар куни янги газеталарни ҳам келтирарди.

Оқшомга қадар газета ўқиб вақт ўтказишига, ҳатто баъзан китоб ўқиб, нималарнидир ёзишига қараганда у мактаб-мадраса кўрган кишига ўхшайди.

Жаврияга: «Яна келишнинг ҳожати бормикан?» деганди. Аммо Жаврия у истамаса-да, бу уйга қайта-қайта келаверди.

Бу ерга келган пайтдагидек қоронғи бир кечада уни йўлга чиқариб қўйди. Уй кўчанинг энг қоронғи жойида бўлса-да, энди тузалган, боши айланмаётган Жаврия учун бу ерни топиш чўт эмас. У Галатани беш бармоғидай яхши биларди.

Истанбул унинг ўз боғчасидай гап. Бутун умри шу кўчаларда ўтгани учун бу шаҳарнинг у билмаган бирон тирқиши, бурчаги йўқ... Унинг ёнидан кетаётиб, бировдан айрилиш жафосини биринчи бор дилдан ҳис қилди. Бу кимсасиз бир бурчақда содир бўлди.

— Омадингизни берсин...

— Менга шунчалик яхшилик қилдингки... — дея елкасини силлаган қўлни бирдан икки қўллаб тутди-да, дудоқларига яқинлаштириб, ўлди.

Бу шундай оний бир лаҳзада содир бўлдики, йигит қўлини тортиб олишга улгурмади ҳам. Юмшоқ товушда:

— Қўйинг, қўйинг, не қиялпсиз ўзи? — деди.

Сўнг Жаврия бирдан унинг ёнидан қочиб кетгиси келди. Бу тариқа, астагина хайрлашиш унинг юрагини қаттиқ эзаётгандек туюларди.

«Бу йигит менга ким бўпти?» деди у ўз-ўзича ва қоронғи кўчаларда елдек елиб, узоқлашиб кетди.

Кўча ботқоқ, ҳаво рутубатли. Ертўлаларда жойлашган қовоқхоналар, майхоналардан чиқаётган шароб ҳидидан ўпкасини тўлдирмоқчи бўлгандек, чуқур нафас олиб, юриб кетаверди.

Касалхонадаги диққинафас кунлардан ва касалхонадан кейин бу камгап ва ажабтовур йигит билан бир ҳафта яшаганидан сўнг эмин-эркин нафас оладиган хонаси келган эди.

Ўша кечаси боши айланаётган, бемажол эди. Кечаси нотаниш кўчаларда бошпанасиз қолиб кетишдан ҳеч қачон чўчимасди. Чунки унинг бутун умри кўчада ўтган. Бир ҳафта мобайнида бир жойда қолган, бир жойда яшаган пайтлари оз бўлган.

Ундан айриларкан, олган таассуротлари энди кўчаларда ёлғиз ва эмин-эркин кезишдан ҳис этаётган қувонч туйғулари остида ғарқ бўлиб кетгандай бўлди.

Ўша кечаси биринчи кирган жойи Барбанинг майхонаси бўлди.

Барба ҳар доимгидай соқоли олинмаган, эгнига кир пешбанд илиб олган, узун сочлари паришон бир алфозда пештахта орқасида ўтирарди. Кечки мижозлар тарқаб кетгани учун майхонада ҳеч ким йўқ эди.

— Ие, сенмисан, Фосфорли! — дея қувончдан қўлларини бири-бирига ишқади Барба.

Пештахта устидан эгилиб, кекса юноннинг бўйнидан қучоқлаб, икки ёноғидан...

— Тўхтасанг-чи, не қиялпсан, ҳой қиз?

— Сени ўпяман, асалим. Етти ҳафтадирки, таъмирда эдик. Энди тузалиб, яна майдонга чиқдик. Бироз нон пули топмасак бўлмайди, Барбажоним!..

— Қўйсанг-чи, Фосфорли...

— Сени яхши кўраман, ўзинг биласан.

— Барбани нуқул қизлар яхши кўради. Бу қандай замон бўлди, йигитларнинг уруғи қуриб кетдим...

- Барба, мен сендан ўзгани дермидим?
- Қайиқчи Маҳмуд-чи, қаерда у?
- Қўй ўша бетайинни. Ҳаромисини олдириш учун касалхонада ётдим. Ётганимда бир қути «Енижа» у ёқда турсин, ақалли бир қути «Пошо»<sup>1</sup> ҳам келтирмади. Касалхонадан чиқсам, пирр этиб учиб кетибди.
- Шундай бўлишини биларкансан, нега ҳомилалик бўлдинг, Фосфорли?
- Мен ҳомиладор бўлишни хоҳлаганим йўқ эди, Оллоҳнинг иши бу, Барба.
- Оллоҳнинг иши? Гуноҳ Жаврия, Оллоҳ бундай қилмайди.
- Қилмайдами? Сенинг Панаиянг-чи... Унга нима дейсан?
- Қўй Панаияни!
- Ўзингники бўлса йиғиштир, шундайми? Панаия тутса севги, Фосфорли тутса гуноҳ экан-да?! Унга шам ёқасиз, мен учун-чи?
- Сен учун юрагимиз ёнади, Жаврия.
- Барба унга яқинлашиб ёноқларини силади.
- Хўш, мендан не истайсан?
- Ҳозир муллажирингимиз йўқ. Мумкин бўлса қарзга икки қадаҳ отволсак девдик. Бизга ишонч қолмаган бўлса, худо йўлига меҳмон қиларсан.
- Касалхонадан чиқибсан. Майли, биринчи қадаҳни менинг ҳисобимдан ичақол...
- Иккинчисини-чи?
- Унисини қарзга ичасан...
- Кўп яша, Барба! Оллоҳ сени мени ғарибу нотавон қолмасин деб яратган, — дея Жаврия пештахта олдида туриб, икки қадаҳ рақи отиб олди.
- Қани, сўзла, Барба, — деди у. — Яқин атрофда болалардан ҳеч ким йўқми?
- Салгина бурунроқ Фантом Ориф келган эди, лекин кўп ўтирмади. Оёқда турганича уч қадаҳ отди. Сўнг чиқиб, аравасини тортди-кетди.
- Қаёққа кетдийкан, ажабо?
- «Ов»га кетди. Устаси фаранг, биласан-ку.
- Бу бола бурганинг кегини кўрганлардан, овдан ҳеч қачон қуруқ қайтмайди. Ё банкани уришга, ёки қайсидир парига солиқ солишга, ёки қайсидир хотиннинг уйини қуйдиришга кетган у.
- Сен бу оқшом нима қиласан?

---

<sup>1</sup> «Е н и ж а», «П о ш о» — сигарета турлари.

— Барба, мен ҳам овга чиқиб кўрай. Насиб қилса тўримизга бир нарса илинар, илинмаса... Қайтиб келиб орқадаги деразани тақиллатаман. Эндигина тузалиб чиқдим, кечаси совуқда қолсам ҳолимга вой.

— Бемалюл келавер, Фосфорли. Бизнинг уйимиз сен учун бами-соли «Империял» отели, «Гранд» отели.

Иккинчи қадахдан сўнг аъзойи баданига иссиқ югурган Жаврия майхонадан чиқди, дайдиларга ўхшаб, Қорақўй ва Бейўғли кўчаларида тентиради, йўлда дуч келган бир ёш жиноятчи билан тонг оттирди.

Бирданига Нажотибей кўчасидаги омбор, омборнинг болохонаси, хонани тўлдирган нур ва унинг ёқимли ҳаракатлари лоп этиб эсига тушди... Унинг юзи, унинг ҳасрати қалбини ўртаб юборди.

«Не бўляпти ўзи менга?» деб ўйлади.

Шу онда ичидан кўпириб-тошиб келган бундай ҳиссиётни ҳеч қачон туймаган эди.

Эркак кўрмаган қиз эмас эди.

Манфаат юзасидан, гоҳо кўнгилхушлик учун эркакларнинг қучоғига кирарди.

Эркаклардан манфаат кўзлагани учун дарров таслим бўлиб қўяқолмасди. Баъзан қорапаранг бир ўелон, баъзан сариқ йигит, гоҳо буғдойранг паҳлавон унга маъқул тушар ва ёқтириб қолгани учунгина уларни йўлдан оздириб, бир неча соат ёки тонггача бирга бўларди. Бироқ шу чоққача унинг эркаклар билан муносабати ёқтириш ва лаззатланишдан нарига ўтмаган эди. Улардан ҳеч бирини яна бир марта кўришни хоҳламасди. Фақат қаттиқ туриб ялинганлар билан ёки ҳар икковига ҳам дахли бўлмаган тасодиф туфайли қайта учрашган, холос.

Бироқ ўша кечаси бу ёқимтой, кўзи кўкимтир, ўзи сариқ сахий йигитнинг ёнида, нозу неъмату ичкиликка тўла дастурхон атрофида ўтираркан, бирдан уни эслаб қолди.

Уни эслади. Хасталик билан тўшакда ўтказган кунларини, зимзиё тун қўйнида устига қалин пальто ташланган ҳолда чалқанча ётиб, юлдузларни томоша қилиб кетган ўша тотли кечани эслади.

Уни «сиз»лайдиган, бироқ ҳатто исмини ҳам билмайдиган ўша оқ-сариқдан келган йигитни, унинг овозини, устига меҳрибонлик билан эгилишларини хотирлади. Ва қалби соғинчдан ўртаниб кетди... Бу андуҳдан олдидаги дастурхондаги нозу неъматлар заҳар-заққумга айланди. Ёнидаги ҳотам йигитдан нафратлана бошлади, бир амаллаб ундан қутулиш учун режа туза бошлади.

Ундан:

— Яна келайми? — деб сўраганида у:

— Ҳожати бормикан? — деганини яхши эслайди.

Ҳақиқатан ҳам бундай қилишнинг ҳожати йўқдек эди.

Ҳолбуки, ҳозир, шу онда Жаврия учун у ерга бориш лозим бўлиб-гина қолмади. Бу унинг учун шу лаҳзада ҳаётий эҳтиёжга айланди.

Ҳа, шундай, бу гўё катта бир зарурият туфайли туғилган эҳтиёжга ўхшарди.

Ҳеч бостира олмаган бу эҳтиёж туйғусидан ўртаниб, ёнидаги йигит билан майхонадан чиқди ва унинг ортидан Финдиқлига кетди.

Финдиқлига бориб, бир қандолатпазлик дўкони орқасидаги зинапоядан юқорига кўтарилишди. Деразаси олдида синиқ ойна бўлган хонага киришди. Хонанинг бир томонида каравот бор. Шипдаги сим учига осиглиқ ва хирагина нур сочаётган чироқни пашша-чивин ахлати қорайтириб юборган.

Бу хонада ўтган вақт, ҳеч шубҳасиз, Жаврия учун ҳаётининг энг уқубатли дамлари бўлди.

Вақт ҳеч ўтмаётгандек, белига чирмашган бу сархуш қўллар уни ҳеч бўшатмайдигандек туюлаверди.

Бугун вужуди лоқайд қолган ва уни жиркантирган иш ниҳоясига етганидан ниҳоятда қувонди. Синиқ ойна олдида туриб, сочларини тузатди. Тўшакда ухлаб қолган эркакни аллақачон унутган эди.

— Эшикдан чиқмасидан олдин уни елкасидан тутиб силкиди.

— Айгир каби хуруллайвермасдан муллажирингни чўзиб қўй.

Йигит кўзини базўр очди. Қизга тикилиб, сўкинди. Сўнг ерга ташланган камзулига қўл чўзиб, чўнтагини кавлаштирди. Қўлига илинган пулни Жаврияга тутқазди.

Жаврия бу ердан тез чиқиб кетишни қанчалик истаётган бўлмасин, профессионалларча қизиқиш билан ҳовучини очди. Бир қумуш лира ва иккита майда пул бор эди.

Севиниб, ҳовучини юмди ва зинапоя томон шошди.

Кўчага чиқиб, салқин ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Рақи ичган, турли-туман арзон овқатларни сган Жаврия кунжутмой, нутрия ёғи ва сигарета ҳиди босган хонада кўнгли айниган эди. Шу боис кеча салқин бўлса-да, ташқаридаги очиқ ҳаво унга ёқди.

Касалхонадан эндигина чиққани, ҳали кучга кирмаганига қарамай Финдиқлидан Қорақўйга пиёда борди.

Юраркан тиззалари титрар, ўзини дуч келган жойга таппа ташлаб, биров дам олволгиси келарди. Шунга қарамай, ўзини зўрлаб, тезроқ, янада тезроқ, борган сари тезроқ илдамлаб бораверди.

Сабр-тоқати тугади, тугаб битаёзди.

Иложи борица тезроқ ўша ерга, Нажотибей кўчасидаги омборга жойлашган, илгари борлигини ҳечам ўйламаган ўша хонага, ўша бежирим, саранжом-саришта, иссиқ хонага тезроқ етиб олишни истарди.

Гўё неча-неча йиллардан бери худди ўша ерда яшагандек бу жойни соғинган эди. Шу қадар соғинган эдики, омборга яқинлашган сари юраги севинчдан ҳаприқарди. У хонадан кечаси чиққан бўлишига қарамай, бу ерни яна топиб келиши учун чор тарафга диққат билан разм солган, мўлжал олган, фикран қайта-қайта хаёлидан ўтказган, ҳатто бир куни кундузи бу ердан ўтиб, жойни яхши эслаб қолган эди.

Шунинг учун ҳам қоронғи бўлишига қарамай, омбор дарбозасини унга ўхшаш бошқа дарбозалар орасидан осонгина топиб олди.

Ҳеч бир иккиланмай ўша томонга йўналди.

Жаврия эшикни итарди. Эшик ўша биринчи кечадаги сингари, очик эди.

Зим-зиё тун қўйнида сассиз-садосиз остонадан ҳатлади.

Агар рўпарасидан бирор бегона киши чиқиб қолиб, бу ерда нима қилиб юрганини сўраб қолса, ёлғонлаб, уйи йўқлигини, бу ерга тунаш мақсадида келганини айтмоқчи эди.

Нари борса уни ўғри деб гумонсираб, ушлаб олишар.

Бу эса ҳеч гап эмас, қорақўлдагиларнинг барчаси уни билади. Ҳозирга қадар у ўғрилиқ қилган эмас. Неча йиллардан буён у ўғрилиқ жиноятига асло қўл урмаган. Ўғирлик учун эмас, тунаш учун у ерга кирганига ишонишади.

Ишонмаганлари тақдирда ҳам бирон нарса ўғирламагани учун уни қўйворишади.

Бу борада Жавриянинг озми-кўпми тажрибаси бор.

Қоронғида ҳовли ичида олға юрди. Зинапояннинг ўнг томонда экани эсида.

Тош пиллапоялар кенг ва пастак. Аста-аста кўтарила бошлади. Зиналарни бир-бир санаб чиқаверди. Тушаётганида ҳам шундай қилган, зиналарни санаб тушган эди.

Шу йўл билан қоронғида қаерга қадар чиқиш кераклигини яхши билиб олганди.

Юзта зина санади.

Юзта зинадан сўнг, унинг ҳисобига кўра, зинапоя охирига етиши керак. Бироқ зинапоя ҳали тугамаганди. У ё олдин, тушаётган пайтида ҳисобдан адашган, ёки ҳозир аниқ санамаган бўлса керак. Бирдан хавотирга тушди. Нима қилмоқ керак? Зинапоя битгунча

чиқсинми? Яна қанча юриши керак? Бино икки қисмдан иборат-микан? Унинг хонаси болохонада эди, бироқ бинонинг яна бир қавати бўлса-чи? Юқори қават остдагидан пастроқдир эҳтимол? Бу атрофдаги биноларнинг анча-мунчаси шундай-ку.

Чиққан жойида тўхтаб қолди. Ўзини йўқотиб, мутаассир бўлди. Унинг хонасини йўқотиб, топмасликдан кўрқиб Жавриянинг қалбида кўчада онасини йўқотиб қўйган ёш боланинг кўрқувига ўхшаб ваҳима уйғотди. Йиғлаворай-йиғлаворай деб турарди.

Не қилиш керак, деб бир кўр ўйлади. Темир зинапояни охиригача, илк майдончагача босиб ўтишга қарор берди. Яна саккизта зина санади.

Бир майдончага чиқди. Аввалига ўнг томонга юрди. Бир неча одим отгач, бир эшикка тўғри келди. Эшик ёнидан чапга бурилди. Бироз юргач, ниҳоят, ўртада, ўнгу сўлдаги иккита эшикнинг қоқ ўртасидаги учинчи эшикка тўғри келди. Сўнг яна зинапоя... Бу уч эшикдан бири уники. Бироқ қайси бири?

Хонага чиқишганида тўғрига юришганди. Ҳар ҳолда шу ўртадаги эшик. Бироқ Жавриянинг ишончи комил бўлмади.

Эшикларни бир-бир астагина, ўзи ўша ерда бўлган чоғларда овқат келтирган кишига ўхшатиб оҳистагина тақиллатди.

Бу жуда жўн: аввалига икки марта устма-уст тақиллатади, сўнг яна уч марта тақиллатади, охирида бир марта уриб, ниҳоясига етказди.

Уч эшикни ҳам айна шу усулда астагина тақиллатди.

Бироқ ҳеч қим жавоб бермади.

У ё уйида йўқ, ёки бу хоналарнинг бирортаси уники эмас, эҳтимол, у бу ердан бутунлай кетиб қолгандир.

Жаврия охирги тахминни дарҳол рад этди.

Бу уйда яхши жойлашиб олган одам бу қадар оз вақт ичида нега энди бирданига кетиб қолиши керак?

Жаврия ўз ҳаётида кўп одам кўрган, улардан кўпини бошқа учратмаган эди.

Баъзиларини кўча-қўйда учратиб қолар, узунми-қисқами, бир-икки оғиз сўзлашар, сўнг яна ажралиб кетишарди.

Бу одамлар кўпчилик ичида пайдо бўлар, сўнг кўпчиликка қоришиб йўқ бўлиб кетарди.

Жаврия уларнинг бирортасини бундай, бу бегона йигитни кўргиси келгандек яна кўришни ҳеч истамаган ва ҳеч бирини «кўрол-майманми, ажабо?» дея, шу ондагидек хавотирга тушмаганди.

Эшиклар очилмагани учун не қилиши кераклигини тушунди ва бир қарорга келди. Балки у ташқарида бўлса керак. Ҳа, ҳар ҳолда

шундай. Бироз кеч келса керак. Шу ерда кутгани яхши. Зинапоянинг охириг зинасида ўтирди. Бошини чанг ҳиди анқиётган суянчиққа суяди.

Жуда толиққан. Уйқу қовоқларини кўрғошиндек бостирган ва бошқа пайти бўлса Жаврия ўтирган жойида ухлаб қолиши муқаррар эди. Бироқ бу кеча кўзларига уйқу келмади.

Ҳолбуки, унинг ҳар доимги ухлаш тарзи худди ана шундай эди. У бутун умри мобайнида ўтирган жойида бир неча дақиқа ёки бир неча соат ухлаб, ҳорлигини чиқариб оларди. Тўшакда маза қилиб ухлаган кунлари эса бармоқ билан санарли.

Шу ҳолатда қанча ўтирди билмайди.

Ярим соат ўтдими, бир неча соат кечдими?

Жаврияга бу вақт кўн узок, ойлаб давом этгандек туюлди.

Ич-ичдан қаттиқ хафа бўлиб, унинг келишидан умиди узилган бир лаҳзада шитирлаш товуши қулоғига чалинди.

Бу шитирлаш инсоннинг оёқ товушига ҳеч ўхшамасди. Очиқ жойда диққат билан қулоқ солиб, кутаётган кишигина биров келаётганини пайқаб олиши мумкин эди, холос.

Келаётган киши сассиз-садосиз чиқаётган эди. Юриб келаётганмиди ёки учиб чиқаётганмиди билинмасди.

Жаврия ҳаяжон ичида: «У!» деб ўйлади. Зинапоя тутқичини чангаллаганича нафас олишдан ҳам чўчиб, қулоқ тутди.

Ҳа, кимдир яқинлашиб келаётганди. Тобора яқинлашиб келарверди. Тушуп чиққанига анча бўлиб қолди. Не бўлса ҳам... Жавриянинг юраги орқасига тортди. У бўлмаса-чи? Бошқа биров бўлиб чиқса-я? У ёқ-бу ёқни текшириш учун чиқаётган қоровул бўлса-я? Уни кўрмай туриб қўлга тушгиси йўқ эди.

Келаётган киши ўзи ўтирган зинапоянинг энг пастки зинасига оёқ қўйганини сизди. Қоронғиликка кўниккан кўзлари зулмат ичида, зулматдан ҳам қорароқ бир шарпанинг чўнг қоядек ўзига яқинлашиб келаётганини кўрди.

Унинг диққатини тортмаслик мақсадида қимирламай ўтиргани учун номаълум шарпа бирдан унинг устига келди. Оёқлари оёғига тегибгина қолмади, пальтосининг бари юзига урилди.

Пальто юзига урилимагунга қадар ким келганини билиб етмаган эди.

Пальтонинг бари юзига тегиши билан эгасини ҳидидан таниган тозидек севиhib кетди ва юраги ҳаяжону қувончдан дуқуллаб урди.

Бироз ҳўл пальтонинг этагидан моғор ва денгиз ҳиди анқирди. Шунингдек у чекадиган сигаретанинг, унинг хонасини тўлдирган ўзига хос ҳиди димоғига урилди... Унинг ўзига хос ҳиди бор эди.

Юзига урилган бу матода қайиқда чалқанча ётиб, тубсиз осмонни, сон-саноқсиз юлдузларни томоша қилган, ўзини номаълум ва кўрқинчли бир оламнинг эшиги олдида, қоронғи чоҳ ёқасида тургандек ҳис қилган, ҳа, ўлимни шу қадар яқин ва муқаррар ҳис этганига қарамай, ажабтовур гўзал бўлган, бу гўзаллик ичида бениҳоя ҳазинлик уфурган ўша кечанинг ҳиди бор эди.

Бу мато унинг хонасида ўтган ўша масъуд, ўша илиқ хасталик кунларининг тотли хотираларини ҳам эслатди.

Оёғи Жавриянинг оёғига тегди дегунча у кўрқувдан сакраб тушди.

Сўнг ҳеч қутилмаганда пастга энгашиб, қоқилиб кетган кишига ташланмоқчи бўлди. Лекин қўли тасодифан Жавриянинг қўлига тегиб, бу ерда ўтирган кишининг ким эканлигини пайқади шекилли, мулойим тортиди.

Жаврияни оний бир лаҳзада қўлидан тортиб, оёққа тургазди.

Унинг биров билиб қолишидан жуда кўрқишидан хабардор бўлган Жаврия устига ташланган вақтида у ўзига бир ёмонлик қилади, деб ўйлаган ва бундан кўрқиб кетган бўлса-да, лабларини тишлаб, «ғиқ» этмади.

Энди ёнма-ён туришарди. Жаврия баландроқ зинада тургани учун унинг иссиқ нафаси юзига урилганини ҳис қилди.

Салпина аввалроқ бир ёш йигитнинг бутун эркалатишларига лоқайд қолган вужуди бу иссиқ нафасни ҳис этишдан жуда лаззатланди.

У Жавриянинг қўлини қўйиб юбормади. Хонага баробар киришди.

Аввалига мовий чироқни ёқди. Жаврия унинг юзини мовий ёғдуда кузатишни яхши кўрарди.

Мовий нур остида у бир ҳайкалга ўхшар, унда бошқа кишиларга ўхшамаган бир ҳол пайдо бўларди.

У эшик ва деразаларнинг пардалари ёпилган-ёпилмаганлигини текшира бошлади, Жаврия бўлса секин юриб, ўчоқ бошига борди. Ерда ётган гугурт қутисини олиб, гугурт чақиб, майда тахта бўлак-лари-ю қоғоз қалаштирилган ўчоққа узатди.

Пардаларни зич ёпиб, катта электр чироқни ёққач, у нохуш қиёфада Жаврияга юзланди. Юз-кўзига қараганда унинг бу ерга келиши ёқмаган кўринади.

— Нега келдингиз? — деб сўраркан овози эрк бермагани учун титроқ чиқди. — Мен сизни бу ерга бошқа келмаслик тўғрисида огоҳлантирган эдим-ку.

Жаврия айб иш устида қўлга тушган боладек унга жовдираб қаради.

— Ҳа... — дея дудуқланди.

Тўғриси ҳам шу. Бу ерга яна келишини хоҳламаган, бу ҳақда қайта-қайта огоҳлантирганди. Бу жойни топиб келолмайди, деб ўйлаган эди.

Рўпарасидаги йигитининг кўзлари шубҳага тўла.

Бу хатти-ҳаракати билан унинг назарида ёмон иш қилиб қўйганини англади.

У дағал товушда:

— Шундай экан нега келдингиз? — деб сўради.

Парвонадан «Нега ўзингни оловга урасан?» деб сўраб бўладими? У бу ерга келди. Иродасидан устун чиққан бир куч уни бу ерга етаклаб келди! У энди бу ерга ҳар доим келади. Қуёшнинг жозибасига мафтун бўлган, у туфайли мавжуд бўлган бир сайёра каби, у энди бу меҳварга, ўчоғи гуриллаб ёнаётган бу хонага ипсиз боғланиб қолган эди. Ундан айрилиш учун унинг ҳиссиётларидан устун келадиган, уни бу меҳвардан айро туширадиган бир қиёмат қўпиши лозим эди.

Бирдан қиёмат қўпди ҳам. Ҳаммаёқ остин-устин бўлди, Жаврияни қуёшидан зўрлик билан айирдилар, бир йилдирки, уни том маънода қуёшидан маҳрум этган эдилар. Такрор умид учқунлари порлаган чоғда, тақиқлару сургунларга қарамай, Жаврия яна қуёш, қуёши томон талпинган эди.

Бироқ!

Уни тополмади.

Уни тополмади, суриштириб билдики, у ҳибсга олинган. Энди у турмада.

— Қиз қўлларида ҳақиқатан тамға бор! — дейишарди.

Жавриянинг ҳар иккала қўлида санчма кишан тасвири бор эди. Гарчи қўлларидаги кишан расми севгилисининг бошига тушган кулфатни баҳам кўриш ўрнини босолмаса-да, содда қизнинг дил ярасига бир қадар малҳам бўлар эди.

Фирт маст Жаврия чайқала-чайқала эшик томон йўл олди. Зомби арвоҳдек унга эргашди.

Жаврия оғзини тўлдириб сўкинар ва:

— Энди мени тинч қўйинг, болалар! — дер эди. — Қўлларимда эмас, кўнглимда тамға бор!

Ғам нелигини яхши биладиган сўқир:

«Кўзларингдан аёндир, Жаврия!» — дея куйлашда давом этди.

Маст аёлнинг майхона эшиги томон йўл олгани билан унинг иши ҳам бўлгани йўқ.

### III

#### «КЎЗЛАРИНГДАН АЁНДИР, ЖАВРИЯ»

Ҳа, Жавриянинг кўзларидан аён эди.

Бу ҳуркак ва оддий кўзлар бошқа хотинларники сингари ички ҳис-туйғуларини пардалай олмасди.

Жавриянинг оҳуникидек катта қора кўзлари бутун ҳис-туйғуларининг, қалбининг кўзгуси эди. Ичида бори, нафратидан тортиб меҳригача бу кўзларда очиқ-ойдин намоён бўлиб турарди.

Жаврия агар ойнага қараса ўзини танимаслиги тайин эди. Чашмамайдошликлар мабодо уни кўрсалар: «Шу бизнинг Фосфорлими?!» дея ҳайратга тушишлари турган гап эди.

Бу кўзлар унинг хонасида энди кўчадагидек беандиша, ҳорғин, беҳаё ва бешарм боқмасди.

Бу кўзлар ҳаётга эндигина қалам қўяётган ёш қизнинг кўзлари сингари ҳар ерда ва ҳар доим ақл бовар қилмайдиган бир мўъжиза кутаётган бокираликка лиммо-лим эди.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб қўрмаган, ҳаётдан умидвор бир жуфт кўзгина атрофга ана шундай маъсум ва умидвор боқиши мумкин, холос.

Эркакларнинг энг тубан майл ва эҳтиросларидан бохабар, руҳан ва жисман ҳеч қачон бокира бўлмаган бу кўча аёли унга бир эркак бир аёлга бахшида этиши мумкин бўлган лаззатлардан бохабар, фақат ичидан чиқаётган туйғулар гирдобини остида ноаниқ бир бахтни орзу қилаётган ёшгина ва покиза бир аёл истаги билан боқарди. Шугина эмас, унга боқаркан қалбида ўзи ҳозиргача ҳеч билмаган ва ҳис қилмаган бошқача бир туйғулар уйғонганини ҳис қиларди.

Бу номаълум ва ажойиб туйғу эди.

Бу ҳозирга қадар билмаган, ҳис этмаган ҳамда билиб-ҳис этмагани учун қандай аталишини ҳам билмайдиган кучли бир туйғу бўлиб, уни ниҳоятда гангитиб қўйганди.

Шунинг учун ҳам нигоҳидан бунини билиб олишларидан чўчиб ва ҳозирга қадар ҳеч кимнинг олдида ҳеч қачон туймаган жавобгарлик ҳисси остида доимо юзини бошқа томонга ўтирар, бу уялиш ҳиссидан баттарроқ уялиб кетар эди.

Ўша оқшоми у:

— Бу ерга бошқа келмасангиз яхши бўларди,— деди.— Ҳеч келманг.

Жаврия «Хўп!» дегандек аста бош ирғади.

Жаврия шу онда унинг ўзини унутишини хоҳлаётганди.

Чунки «Бор энди, кет!» деб уни қувишидан кўрқаётганди. Бу хонада бироз қолмоқчи эди. Агар «Кет!» деса чиқиб кетишга мажбур.

Модомики, бошқа келмаслиги тўғрисида қайта-қайта огоҳлантираётибдими, бу гал ҳеч бўлмаса бироз узоқроқ қолиши керак.

У бўлса пальтосини жойига илди. Ҳар доимгидай ташқаридан олиб келган оғир тугунни одатдагидай парданинг орқасига қўйди.

У бу ишлар билан машғул экан, Жаврия уни диққат билан кузатиб ўтираверди. Бу ерда бўлган кунлари ҳар доимо шундай қилгувчи эди. У Жаврияни ухлаб ётибди деб ўйлаб, бошқа иш билан шуғулланар, қиз бўлса кўз қири билан уни кузатиб ётарди.

Зотан Жаврия унинг хонасида қолган вақтларда у ўзини уйида ёшгина хотин борлигидан беҳабардек тутарди.

Ҳозир ҳам шундай қилаётган эди.

Худди ўша вақтлардагидек, Жавриянинг бор-йўқлиги билан иши йўқ, у тарафга қиё боқмай, хонада ўзининг майда-чуйда ишлари билан шуғулланаверди.

Камзулини ечган, қўйлагининг енглари шимарилган.

Стол устига мато ёзиб, устига товоқларни қўяр ва бу ишни ўз ишини яхши билмайдиган, оиласида кўрган, бироқ тажрибаси бўлмаган бир эркакка ўхшаб яхши уддалай олмасди.

Кўп ўтмай ўчоқ устидаги қумғон қайнади. У четдаги бир қутидан чой олиб, қумғонга ташлади. Чой дам егач, Жаврияга:

— Келинг, чой ичинг, тамадди қилинг, — дея манзират қилди.

Жаврия қувиб юбормагани учун шу ерда тунаб қолишдан умидвор эди.

Дастурхонга таклиф этиши билан хавотирли умид бирдан қувончга айланди.

Қувончи ва уни бу ерда қолдиргани учун миннатдорчилик туйғулари кўзларида акс этди.

Жаврия шаҳло, қоп-қора кўзлари билан унга боқиб:

— Хўп!—дея ўрнидан турди. Стол атрофида юзма-юз ўтирдилар.

Касал ётган чоғларида у билан ҳеч қачон бундай юзма-юз ўтирмаган эди.

Энди у билан дастурхон устида юзма-юз ўтиришдан боши осмонда эди.

Унинг овқатланиши ҳеч кимникига ўхшамайди. У пичоқ билан сариёғ олиб, нонга сураб, устига оқ пишлоқ қўяр, сўнгра ерди.

Жаврия бўлса нонга сариёғ суриб тишлаб-тишлаб еркан, ўнг қўлининг икки бармоғи билан қатта-қатта пишлоқ бўлақларини бутунча оғзига ташлар ва унга ҳайрон-ҳайрон қараб ўтирарди.

Унинг пичоқни ушлаши ҳам, луқмаларни чайнаши ҳам ғайритабiiй туюларди.

Жаврия кўзларини қисиб, киприклари остидан хонани кузата бошлади.

У билан юзма-юз ўтириб овқатланар экан: «Эр-хотинлар уйларида мана шундай юзма-юз ўтириб овқат есалар керак...» деган фикр хаёлидан ўтди.

Жаврия бошқа эркаклар билан ҳам яшаб кўрган.

Бир гал Балонинг Ўқи Сабри уни Қорақўйдаги меҳмонхоналардан бирига жойлаштирган эди.

Меҳмонхона хўжайини рухсат бергани учун ўзи ҳам бир неча кун ўша ерда ётди.

Ўша пайтда ови яхшигина юришганди.

У Жаврияни роппа-роса бир ҳафта меҳмон қилди.

Еб-ичиш унинг ҳисобига бўлди. Жаврияга кийим-кечак, сумка, пальто, туфли ҳам олиб берди.

Аммо кейинчалик буларнинг ҳаммаси бурнидан чиқди!

Бироқ ўша вақтда бир хонада бу тахлит юзма-юз ўтириб овқатланишмаган эди.

У Жаврияни қўлтиқлаб киноларга олиб тушди. Оқшомлари майхоналарга олиб борди.

Ҳар оқшом, худонинг берган куни Сандиқбурнига боришарди...

Мажидияқўйдаги тутзорда қандай нашъали кунларни кечиришди. Бироқ бир ҳафтадан сўнг у полиция қўлига тушди.

Йўқ, йўқ, у билан ўтган бир ҳафта эр-хотиннинг турмушига ҳечам ўхшамайди!

Эр-хотин бўлиб яшаш мана шундай бўлса керак... Мана шундай, ҳар куни бир хонада бир эркак билан, фақат ўша эркакнинг ўзи билан ўтади бундай ҳаёт...

Бирдан бундай ҳаёт зерикарли бўлишини ўйлади.

Нуқул бир эркак билан...

«Ҳолбуки, эр бўлганлар орасида шунақа эзма-чуруклари, ўтакетган аҳмоқлару пандовақилари ва ғирт тентаклари бўладик...», деб ўйлар, «Бечора эрли хотинлар» дея уларга чин дилдан ачинарди. Эрлари туллак, безбет, икки пулга қиммат, такаббур бўлсалар-

да, чидаб яшайверишади. Ҳар оқшом, бир дастурхон устида бир золим эр билан ёнма-ён ўтириб овқатланишаверади. Жаврия «Менинг сабрим бир кунда тугаб битган, ёрилган бўлурдим. Эр билан яшашнинг турмадан фарқи йўқ!» деб ўйлади ва бирдан унга тикилди.

«Агар у билан турмуш қурган бўлсам-чи?!» деб ўйлади ва юраги дукуллаб кетди.

Ҳа, шундай бир хаёлнинг ўзигина уни ҳаяжонга солган эди.

У билан турмуш қурмоқ. Бу жуда яхши иш бўлган бўлурди. У билан умрининг охиригача юзма-юз ўтириб, бир дастурхондан овқат еса-да, ҳеч қачон безор бўлмаслигини англади.

Бу фикрдан энтикди...

«Ажабо, у уйланганмикан?» Бармоғида никоҳ узуги йўқлигини кўриб:

«Лаънат ҳалқаси йўқ экан!» — деди ичида. Хўш, буёғини қандай тушуниш керак бўлмаса?

«Қанчадан-қанча эркаклар ўзларига кишан урилганини билдирмаслик учун узукларини хуфия жойга яшириб қўйишади-ку». У ҳақда ўйларкан, «Ажабо, уйланганмикан?» деган савол яна хаёлидан ўтди.

«Уйланмаган бўлса-да, ҳарҳолда, бирор ўйнаш-пўйнаши бўлса керак», деган қарорга келди.

Чунки Жаврия эркакларни яхши билар эди. Бу йигит ҳам эркак.

Жаврия ҳозирга қадар учратган эркаклар орасида унга бу қадар лоқайд қараган кимсани кўрмаган эди.

«Не-не олифта жаноблар мен билан бир кечагина бирга бўлишни орзу қилмадилар».

Бир гал ана шундай олифта жаноблардан бири уни Шишлида, ўша гўзал кўчада жойлашган саройдек муҳташам уйга олиб борган.

Уй бошдан-оёқ ипак, кимхоб гиламлар билан безатиғлиқ эди.

Ўшандай саройларда яшаган жаноблар ҳам унинг олдида тиз чўкишган.

У ўша кексанинг ўзини:

— Хонимгинам, хонимчам! — дея қучоқлаганларини яхши эслайди.

— Умримда сенга ўхшаш хотинни ҳеч кўрмаган эдим! — дейиши билан Жаврия:

— Ие, ҳали она сути оғзидан кетмаган бола экансан-ку! — дея уни калака қилган эди.

— Ўша ҳарифни ўзиям кўзага қамаган эдим-да... — дерди Жаврия.

Бу қария унинг қўлига бир даста пул тутқазган, сўнг:

«Хоҳлаган пайтинг ёнимга келавер... Эшигим сенга доимо очик!» деган эди.

Жаврия бунча кўп пулни сарф қилгунча орадан кўп вақт ўтиб кетди. Пул тугагач: «Яна борсам, бу чол мени танигиси ҳам келмас. Эшигидан ҳайдаб солади!» деб ўйлаган эди.

«Хотинбозларнинг ваъдаси кўп, ваъдасидан қайтиши кўп» деган фикрда эди у.

— Бу мулойимсупургилар сен билан бир мартагина дилини ёзди, ишрат қилади, мақтаб кўкларга кўтарали, оёғингни ҳам ўпади. Лекин кейинчалик қаерладир дуч келиб қолса танийди, деб ўтакаси ёрилади! — дерди у. Дугоналарининг барчаси худди шундай фикрда эдилар.

Оҳ, бу Истанбул, инсон бозори бу. Бу ерда неларни кўрмади, кимларни танимади.

Жаврия: «Унга ўхшаган кишини ҳозирга қадар ҳеч учратмадим», деб ўйларди.

Унинг ажойиблиги нимада ўзи?

«У на олифталарга, на безориларга ўхшайди».

Ундай бўлса, у кимга ўхшайди? Олифталар ва безорилар орасида бошқа хиллари ҳам борми ё?

Жаврия унақа кишиларни ҳалигача учратмаган эди.

У Жаврияга қиё боқмай, чойини ичаверди.

Гўё унинг шу ерда ўтирганини унутганга ўхшарди. Кўзи тақсимчада, нималар ҳақидадир қаттиқ ўйлапти.

Балки Жавриянинг келганидан қаттиқ жаҳли чиққандир. Шу сабабдан жон-пони чиқиб, бетоқат бўлиб, асабийлашаётгандир.

Қошлари чимирилган, кўзлари бир нуқтага михланган. Иштаҳасиз овқатланаётгани кўриниб турибди.

Жаврия ҳам унинг рўпарасида илюжи борица узоқроқ ўтириш ниятида чойини оз-оздан ҳўпларди.

Бу хонада, бу иссиққина гўшада унинг рўпарасида ўтириб чой ичиш одатдаги бир ишдек Жаврияга хушёқар, бундан воз кечиб бўлмайдиган бир завқ оларди.

Бироқ бу завқ шавққа соя ташлаётган бир нарсa ҳам бор эди.

У ҳам бўлса унинг ана шундай мамнуният ва ҳузурни ҳис этмаётгани эди.

Жаврия бунга англаши ва чуқур ҳис этиши билан бирга, ундан бироз хафа бўлди.

Жаврия бу йигитдан не истаётган эди? Нега унинг ёнига келди? Нега уни кўргиси, ёнида ўтиргиси, юзига боққиси, унинг ёнида бўлгиси келди?

Жаврия бу саволларга жавоб беришдан ожиз эди.

Ҳолбуки, Фосфорли Жаврия Истанбул қўчаларининг гули эди. Бир эркак унга яқинлашган ёки ўзи бирон эркакнинг пинжига кирган заҳоти унинг ўзидан ва ўзининг ундан, ҳулласи калом, бирибидан нималар исташини жуда яхши биларди.

Жаврия кўпдан бери ҳаётнинг бу томонларини, ҳатто чиркин жиҳатларини жуда яхши ўрганган эди.

Исмини билмаган, ўзини танимаган бу номаълум, номаълумлиги билан бирга сирли бўлган бу йигитнинг уни мафтун этган жиҳати ҳозирга қадар уни ўзи ёқтирган эркакларга тортган, яқинлаштирган туйғу эмасди.

Бу туйғу улардан тамоман ўзгача бир нарса эди.

Фақат бу туйғуга Жаврияга таниш бўлган туйғулар ҳам қоришиб кетган эди.

Бу туйғу қандайдир бир маҳзун ҳислар қоришмасидан иборат бўлиб, улар орасида ҳайрат туйғуси ҳам бор эди.

Жаврия мовий денгизга, мовий осмонга тикилиб қараганида ўзи ўзига таъриф ҳам этолмайдиган чексиз ҳайрат туйғусига кўмиларди.

Бу буюк бир олам олдида ўзининг заррадек кичик, митти эканлигини англаш туйғуси эди.

Уни ўзидан жуда устун деб биларди. Унга кўра ўзини ниҳоятда кичик ва ожиз ҳис қиларди. У билан муносабати фақат у тарафдан ҳимоякор бир алоқа замирида бўлиши мумкинлигини мубҳам ҳис этар, агар у бу алоқага ранбат кўрсатмаса не қилишини билмас эди. Бу ҳаётий эҳтиёжга айланганига ўзини ишонтирганди.

Бу дамда минг турфа товланадиган жуда ажойиб ҳиссиёт эди.

Гоҳо унга ўхшаш отаси бўлишини хоҳлаб қоларди.

Ундан миннатдорлик туйғуси ҳам унга боғланиб қолишига сабаб бўлди.

У ҳақда ўйларкан, доим:

— Менга кўп яхшилик қилди, — дерди.

Бироқ шу заҳотиёқ бошқа кишилардан вақт-вақти билан шунга ўхшаш яхшилик кўрган бўлса-да, қалбида улардан ҳеч бирига бу қадар боғлиқлик туйғусини ҳис этмаганини эътироф қиларди.

Масалан, Барба ёки Қиморбоз Фишфиш, ҳатто бангихона очиб қўйган Фирибгар Нуридан ҳам кўп яхшилик кўрган. Араб Жамил-чи...

Булардан Барбани, болалигидан бери танигани учун бўлса керак, жуда яхши кўрарди. Бечора Жамилни бўлса акасидек севарди.

Нариги икковидан ҳам миннатдор, қилган яхшиликлари доимо ёдида, кези келганда ўз навбатида қилган яхшиликларини қайтаришни хоҳлайди. Шу холос, бундан бошқа уни уларга боғлайдиган ҳеч нарса йўқ.

Барба яхши одам. Барба уни отасидек суйишини Жаврия биларди.

Мушкул вазиятга тушган кезларида Барбанинг ҳамёни унга доим очиқ. Ёрдам қилиш имконини тополмаган чоғларида хўжайинидан яширинча мижозлардан ортган овқат билан унинг қорнини тўйдиради.

Жаврияга бошпана керак бўлиб қолса ёки бирон жойга яшириниб, кўздан пана бўлишга тўғри келиб қолса Барба жонига ора кирази. Унинг хонаси Жаврия учун энг ишончли жой эди.

Барбанинг хонаси, Барба ишлайдиган майхона, Барбанинг ҳамёни ва қалби — ҳамма-ҳаммаси Жаврияга очиқ.

Жаврия энг мушкул вазиятлардагина бу ерга келарди. Рақи ва овқатдан бошқа масалада ёрдам беришни ниҳоятда муҳтож бўлиб қолган вақтларидагина сўрарди. Оғриб қолса ёки ташқарида чидаб бўлмайдиган даражада совуқ бўлса, қорбўрон бўралаб қолса ёхуд қаҳратон изғиринли кечаларда Барбанинг хонасида тунаб қоларди. Бир-икки дафъа ёмон дўсту душманларидан, полициядан қутулиш мақсадида бу ерга келган.

Бир куни кечаси, — ўх, ўзиям кечамисан кеча бўлганди-да, — «Мовий Гул» мусиқали ошхонасида Чопағон Халил билан юз эллик лиралик овқат ейишганди. Эртасига Халил Қорақўйдаги сугурта ширкатининг газнасини урган ўғри экани маълум бўлди. Халил Жаврия билан кайф-сафони давом эттириш мақсадида такси тутиш учун кўприк томон кетаётганида бирданига икки томонида фуқароча кийинган икки полициячи пайдо бўлиб, кўз очиб-юмгунча қўлларидан маҳкам ушлаб олишди. Халил қочиш у ёқда турсин, қурол ишлатишга ҳам улгурмади. Жаврия тўполон пайтида жуфтани ростлаб қолди. Тергов битиб, ўғриликка алоқаси йўқлигини аниқлашгунича Жаврияни Барба бир ҳафта мобайнида хонасида сақлади.

Яна бир гал Балонинг Ўқи Сабридан қочиб, роппа-роса саккиз кун ўша ерда яшириниб ўтирди... Буларни унутиб бўлармиди. Барба Галатанинг ҳеч қайси қаланғи-қасанғисига ўхшамайди. Масалан, «Яшил Трансвал» меҳмонхонасининг эгаси Барбадан ҳам кексароқ

бўлишига қарамай, полициядан яширинча бир кеча меҳмонхонада қолиши учун пул олгани етмагандай, бошқа неларни тама қилмади, Пасткаш одам!

Бу Истанбулда ёмон одам кўп.

Ямоқли Домланинг айтганларида жон бор. Ёмонларнинг кўпигидан ер ёрилиб кетса керак деб ўйлайсан. Лекин дунё яхшилар туфайли турибди. Тўғриси айтганда, инсонлар тушуниб бўлмайдиган бир махлуқ. Шу Қиморбоз Фишфишни кўринг. Нақадар ҳийлагар, нақадар зўравон, ҳўкизга ўхшаган бир йигит. Қимордан ғавго чиқариб биттасини пичоқлади. Бошқалардан сўрасанг, ифлос одам дейишлари турган гап.

Бир марта Жаврия полициядан қочиб, девордан сакраганида оёғи лат еб юролмай қолди. Ўшанда оқсоқлана-оқсоқлана кетиб бораркан Фишфишга дуч келди. У: «Ҳой қиз, не бўлди, инглиз кемасига ўхшаб қийшайиб кетаётирсан?»деб сўради.

Не гаплигини билгач, такси ушлаб уни Этемаснинг аллақайси ковагидаги синиқчи табибга олиб борди.

Табиб Жавриянинг оёғини солиб қўйгач, Фишфиш уни яна автомобилда Галатага олиб келди, Сумбул Дудунинг уйига олиб борди. Сумбул Дуду Галатада таниқли аёл. Умуртқа суяги хасталигига учраб, эшакқуртдай икки букчайиб қолган. Гавдаси икки букилиб, бурни тиззаларига теккудай бўлиб юарди. Бошини кўтариб қараган вақтида унинг букрилигидан ҳам кўра, атрофини оқ мўй қоплаган оғзидаги иккитагина кўкариб, кирланиб кетган тишларига, ғилай кўзлари ва лахмоқ, ўсиқ қошларига кўзи тушган одам қўрқиб кетарди.

Хотин жинсидан бу қадар жирканч ва бадбуруш махлуқ чиқиши мумкинлигига биров ишонмасди.

Бу хотин ҳақиқатан ҳам инсонни ҳаётдан бездирадиган, умидсизликка туширадиган даражада хунук эди.

Ўзининг айтишига қараганда, бир вақтлар машҳур Абдураззоқнинг гуруҳида хонанда бўлган эмиш. «Ҳеч ким Шамронга, Кичик Виржинияга қиё боқмасди. У пайтлари раҳматли Перуздан кейин энг машҳур ашулачи мен эдим», дерди у.

Хонасининг деворига «Сабоҳ» фотостудияси томонидан олинган бир аёл сурати осиелиқ. Бу суратдаги у эмиш.

Бу тор сийнабанд ва иштонча кийиб олган, узун сочлари яланғоч бадани устига ёйилиб тушган, бошига гулчамбар таққан, елкасига сохта каптар қўндирилган йигирма-йигирма беш ёшлардаги бир қизнинг сурати эди.

Бу аёл гултуваклари бўлган панжара олдида, ёмғирпўш ушлаган ҳолатда турарди. Аёл сарвқомат. Юз-кўзи ҳечам хунук эмас. Агар Сумбул Дуду айтганидай, бу суратдаги ҳақиқатан ҳам у бўлса, табиат унинг вужудини ниҳоятда шафқатсизларча ўзгартириб юборган. Энди бу ўлимтик юзли, букри ва ялмоғиз кампирга ўхшаш хотиннинг суратдаги аёл эканига ким ҳам ишонарди?!

Хуллас, Қиморбоз Фишфиш Жаврияни бу ерга олиб келганди. У Сумбул Дудуга:

— Менга қара, — деди, — бу қиз сенга омонат. Оёғи лат еган. Шу ерда маликалардек яшасин, еб-ичадигани таъминланади. Тушундингми?

Сумбул Дуду тиззаларига қапишган оғзи билан худди тиззаларига сўйлаётгандек жавоб берди:

— Ҳеч ғам ема, бекзодам. Сумбул қулинг омонатингни Искандар Зулқарнайннинг уругидан чиққан ҳақиқий маликалардай авайлаб-асрайди. Менинг мусофирхонам жумлаи жаҳонда «олий макон» деб ном чиқарган.

Қиморбоз Фишфиш қўлига бир қанча қоғоз пул тутқазгач, вақти янада чоғ бўлиб:

— Қани юр, болагинам, юрақол! — дея унинг олдига тушиб, юқори қаватга олиб чиқди.

Бу уч қаватли бино эди. Пастки қаватда кўча эшиги рўпарасида ошхонаси бор. Иккинчи қаватда уч хона. Бу хоналардан бири кўча томонда, ичида бир диван ва иккита кресло бор. Диван ва креслолар анча эскириб, ранги ўчиб кетган.

Деворда сийнабанд рекламаси, Олмониянинг собиқ императори кайзернинг Истанбулга ташрифи вақтида машина ичида турган ҳолатдаги расми осифлиқ. Бу расм газета ёки журналдан қирқиб олинган бўлса керак.

Эшикнинг устига салобатли, арманига ўхшаш, қалин мўйловли бир жанобнинг расми илинган.

Тахта пол. Диван олдига узун, кирланиб кетган арслон териси тўшоғлиқ. Ўймакор стол устида бир чети учган гулдон, гулдонда пашша-чивин ахлатидан қорайиб кетган сунъий гуллар. Деразалардан бирининг ичида ранги ўчган ва кир қоғоз ўралган гултуваклар. Гултуваклардан бирида япроқлари катта-катта гул. Япроқлардан бири сўлиган. Деразаларда бурама ҳошияли кашга туширилган қоғоз дарпардалар. Дарпардалар тушириб қўйилган.

Хонанинг эшигини очар экан Сумбул Дуду Қиморбоз Фишфишга:

— Бироз дам олмоқчи бўлсанг, ҳар нарса ҳозир, бекзодам. Хониминг билан холи қолдирай,— девди Қиморбоз Фишфиш болохонадор этиб сўкинди ва:

— Кўрмайпсанми, дажжолнинг эшаги. Бу қизнинг гилдиракларидан бири ишдан чиққан, Форд автомобилига ўхшаб қийшайиб юрибди. Бу ерга ишрат учун келганимиз йўқ!— деб бақириб берди.

— Кечиргайсан, жигарим, асло газабланмагайсан. Махлуқлар ичида энг нозиги инсон бўлади. Қаҳр-газаб унинг юрагини поралайди. Бирдан йиқилиб қолишинг мумкин. Сен каби жўмардлар бизнинг Галатада бармоқ билан санарли экани ҳаммага маълум. Бу ерга хотин опкел, опкелу ҳеч нарса қилмай, хайр-хўшлашиб кет. Бу олижаноблик бўлмай не?!

Қиморбоз Фишфиш:

— Хотин эмас, ўқланган милтиқ бу,— деди.— Оллоҳ сени тилдан қисмаган. Қани, яхшиси, бу қизнинг хонасига обор-чи, бир кўрай!

Тўғриси айтганда, Жаврия ҳам бунчалик яхшиликдан кейин бирон хизмат бўлса керак, деб ўйлаганди.

Фишфиш уни учинчи қаватда жойлашган, ичида битта қаравот, битта ўриндиқ ва ювиниш учун битта жўмрак бўлган хонага ташлаб кетганидан кейин қандай қилиб бундай бўлиши мумкин, дея ишона олмай қолганди. Оёғи табибнинг тортқилашлари, силаб-сийпашларидан кейин тамоман зўриққан эди. У ўзини беҳол тўшакка ташлар экан: «Дунёдаги одамларнинг энг олижаноби Фишфиш бўлса керак!» деб ўйлади. Шу ётишда бир ярим кун тўшакдан турмай ухлади.

Бир ҳафта мобайнида Сумбул Дуду уни Искандар Зулқарнайнинг қизидек парварини қилди.

Сумбул Дуду «Қайнонам» деб таништирган ва ундан камида беш ёш кичик кўринадиган кекса аёл ошхонада овқат пиширар ва патнисда унинг хонасига таом келтирар эди.

Таомлар жуда ширин, лаззатли бўларди. Бунақа хилма-хил ва лаззатли таомларни Жаврия умрида тотиб ҳам кўрмаган эди.

Сумбул Дуду:

— Америкада ҳам, Оврўпода ҳам менинг мусофирхонамга тенг келадигани йўқ. Қайнонам пиширадиган таомлар, пишириқлар ҳатто «Тўқатлаган» отелларида ҳам бўлмайди!—дерди.

Дарҳақиқат, бу таом ва ширинликлар анча шухрат қозонган бўлса керак. Чунки ўрта қаватдаги икки хонанинг бир кунла тез-тез ўзгариб турадиган ижарагирлари уйга кирди дегунча:

— Сумбул Дуду, дастурхонни туза, бир базми жамшид қилайлик,— дейишарди.

Бу уйдаги базми жамшид дастурхонида таому рақи мўл бўларди. Ўшанда Сумбул Дуду қарс уриб, «қайнонаси»ни чақирарди:

— Майриқ... Майриқ...

— Ҳозир бораман, қизгинам.

— Бекзодам амр қилдилар. Дарҳол базми жамшидга унна.

Кампир ошхонага йўл оларди. Кўп ўтмай уй қовурдоқнинг иштаҳани қитиклайдиган ёқимли ҳидига тўлиб кетарди.

Мижозлар Сумбул Дудуга бир-икки қадаҳ қуйиб берсалар борми, у ниҳоятда тиниқ ва ёқимли товуш билан ашула бошлаб юборар, бу овознинг шу кампирдан чиқаётганига ҳеч ким ишонмасди.

«Мовий ойнак тақаман,  
Бой бекларга боқаман.  
Бой бек менга боққанда,  
Қошларимни қоқаман.  
Бек акалар боқмаса,  
Зор-зор йиглаб кетаман».

Бу Сумбул Дудунинг энг яхши кўрган ашуласи эди.

Кайфи тарақ бўлдими, айтадиган биринчи қўшиғи шу бўларди. Унинг репертуарида ҳеч кимда йўқ бир тўда бошқа ашулалар ҳам бор эди:

«Дўнгалаги бор вой-эй,  
Машинаси бор вой-эй»,

деган ғалати бир қўшиғи ҳам бор эди. Жаврия бу ашулани яхши эслаб қололмади.

Яна бир бошқа ашуласида шундай мисралар бор эди:

«Олма шохда, қиз саҳнада солланади, вой-вой,  
Солландими, гилос дудоқ болланади, вой-вой.  
Ким деб ёндим ёр-ёр,  
Сен деб ёндим ёр-ёр».

Жаврия бу қўшиқни жуда яхши кўрарди. Бундан ташқари:

«Қошида курд акамнинг уйи бор...» деб бошланадиган, Жаврияга жуда маъқул тушган, бироқ унутган яна бир қўшиқ ҳам бўлгучи эди.

Жаврия тўшакда ётган қўйи пастдан эшитилаётган қўшиқни тингларди.

Уй ичини таом ҳиди босдими, билардики, қўп ўтмай қўлида товоқ кўтарган Сумбул Дуду букчайганича оstonасида пайдо бўлади ва:

— Сумбул Дудунинг жигарпораси, оғзинг сув очган бўлса керак, ҳаммаёқни овқат ҳиди босди. Бундан кейин ҳазми таомга ноража билан Диёрбакир тарвузи келади!— дея ичкарига кирази ва мазали таом тўла патнисни унга узатади.

Гоҳо:

— Уйимда қанчалан-қанча олифга бекзодалар, турли тоифа бойваччалар қўноқ. Бироқ сен менга худонинг омонатисан. Сумбул Дуду ҳеч қачон омонатга хиёнат қилмайди!— дерди.

Ҳа, Сумбул Дудунинг уйида кечган умридан ана шундай тотли хотиралар қолган.

— Тўйгунигча еб-ич, ўйна-кул, подшолардек яша. Ҳеч қачон эркак доғини тортмагин!

Бу гўзал ҳафта учун Қиморбоз Фишфишдан қарздор. Қилган яхшилиги учун на ўша пайтда, на кейинчалик ундан бирон нарса тама қилмаган Фишфишдан у ҳануз миннатдор. Бироқ бу миннатдорлик туйғуси Жаврияни Фишфишга ҳатто исмини ҳам билмайдиган ўпа кишига боғлагандек боғламаган эди. Жавриянинг Фишфишга нисбатан туйғуси қарздор кишининг ҳиссиётига ўхшарди холос. Мушкул бир вазиятда қарз берган кишидан миннатдорчилик туйғусини ҳис этган ва имкон топди дегунча қарзини қайтаришни истаган Жаврия ўзини Қиморбоз Фишфишдан қарздор деб биларди. Шу холос...

Бутун Галатани зир титратган, зўрларнинг зўри, қутурган «олармон» ларни, уччига чиққан безориларни, не-не шафқатсиз, кучли жиноятчиларни ҳам тиз чўктирган Фирибгар Нурига келсак, унинг яхшилиги бир марта бодилиги тутиб, Жаврияга эллик «соққа» беришидан иборат бўлган эди.

Жаврия Бейўғлида бир пойабзал дўкони витринаси олдида туриб, туфлиларга маҳлиё бўлиб турарди. Тимсоҳ терисидан тикилган туфли унинг эс-ҳушини ўғирлаганди.

Бу туфлидан қўз узолмай турганида орқадан Нурининг хирқироқ товуши эшитилди:

— Ҳой қиз, нега аммамнинг бузоғига ўхшаб бақрайиб турибсан?

Жаврия тимсоҳ терисидан тикилган туфлини кўрсатиб:

— Мана шунга маҳлиё бўлдик, Нури Ака... Кўз қисиб кўрдим, қош қоқиб ҳам кўрдим, биз томонга ҳеч қайрилиб боқмайди қур-

гур. Бағри тошдан ҳам қаттиқ экан, бунинг устига имо-ишорани тушунса ўлай!

Шунда Фирибгар Нури қўлини чўнтагига тикиб, бир нарса олди-да, қўлига тутқазаркан, деди:

— Олтин калитнинг очмайдиган эшиги йўқ. Шунини ол-да, кир ичкарига. Қани бу тимсоҳ деганинг ювошгина бўлиб сенга эргашмай кўрсин-чи.

Бу ишонини ҳам қийин бўлган бир жўмардлик эди.

Бир марта Эдирнақопидаги қабристонда бир қишлоқи аскар билан тонг оттирганди. У Хизр Алайҳиссаломни кўргандини, Хизр уни мушкулотдан қандай халос қилганини сўзлаб берганди.

Ўшандан кейин Жаврия бошига иш тушди дегунча Хизр Алайҳиссаломни интизорлик билан кутадиган бўлди.

Ҳар куни пойабзал дўкони олдига бориб, витринадан тимсоҳ терили туфлига маҳлиё бўлиб тикилар, Хизр келиб, олиб беришини пойлар эди. Аммо Хизр унга Фирибгар Нури қиёфасида кўринадидеб ҳеч қачон ўйламаганди. Нури унга пулни бергач, «Бор ол, сўнгра бирга кетамиз» дегани ҳам йўқ. Жаврия эркакларнинг мардлиги қачон тутишини жуда яхши билади.

Ҳолбуки, Фирибгар Нури ҳеч нарса тама қилмасдан, меҳри ийиб кетгани учун унга туфлини олиб берганди. Бу ҳеч бўлиши мумкинми?! Лекин инсонлар жуда ғаройиб. Гоҳо ақл бовар қилмайдиган шундай ишларни қилиб туришади.

Фирибгар Нури ўша куни эмас, ундан кейин ҳам ҳеч қачон қисталанг қилмади. Ҳа, шундай, ҳеч қачон. Жаврия аввалига у бу пулни нечун берганини тушунмаган, «Бировнинг пулини ўмариб келаётган бўлса, қувиб келаётганларнинг қўлига тушмаслик учун менга бериб кетгандир», деб ўйлаган эди.

Лекин у «не бўлса бўлар» дея ичкарига кириб, қирқ икки лира турадиган туфлини ўша заҳоти сотиб олган эди.

Кир ва пайпоқсиз оёқларига, оҳори тўкилган кўйлагига бу туфли унчалик ярашмаган бўлса-да, Жаврия эътибор бериб ўтирмай, туфлини кийиб, кўчага чиқди. У ўзини Истанбулнинг энг олифта аэлидек тутиб, кўчада виқор билан қадам ташлаб кетганди.

Бу туфлига эгалик севинчи ва гурурини билмоқ учун фақат Жаврия бўлиш керак эди.

Ўша тасодифдан уч ой ўтгач, у яна Нурига дуч келди. Оёқларида ҳалиям ўша тимсоҳ терили туфли бор эди.

Жавриянинг тўхтов билмайдиган оёқларида эскириб, майишиб кетган бўлса-да, туфли ҳали бежирим эди.

Жаврия Нурины кўриши билан «Пулни қайтар деса-я?!» деб хавотирга тушганди.

Чунки Фйрибгар Нурининг бало-қазонинг нақ ўзи эканлигини жуда яхши биларди.

Лекин Нури ундай қилмади. Билъакс, Жаврия туфлини унга кўрсатиб:

— Буни Нури акамизнинг соясида олдик, — дея карашма қилганила у.

— Деразангнинг пардасини тушир, совуқ уриб ўтирмасин яна! — деганди. — Бўлди, бу ҳақда бошқа оғиз очма.

— Туфлини олган пайтимда қанчалар қувонганимни билсайдинг, Нури Ака.

Нури унга ҳорғин бир назар ташлаб:

— Товуқ мия хотиндан сен тенги бир қизим бор. Ҳозир қайси жаҳаннамда юрганини хуло билали, —дея уф торгди.

Сўнг салмоқлаб деди:

— Бу динсиз, имонсиз хотиннинг исми Эленикўс эди. Кўрсанг, янги очилган гулга ўхшарди. Бироқ бу фоҳиша мен билан келиша олмади. Мен у вақтлар бундай эмасдим, гулдай йигит пайтим. Кунларнинг бирида «Афина, Афина» деб икки оёғини бир этикка тикиб олди. Йўқ пайтим таксига чиқиб жўнавориётти. Яна орқасидан ит қувгандек қочган. Уйга келсам, хотин йўқ, жуфтакни ростлабди.

Кўли билан ишора қилиб:

— Қизчам мана шундай кичкинагина эди. Кетган вақтида бир ёшида эди. Шундан кейин хотинни ҳам, қизалоқни ҳам ҳеч кўрмадим. Қаердан ҳам топардим уларни? Ўзинг яхши биласан, қидирай деса ҳукумат идораларининг эшиги бизга ёпиқ.

Сўнг Жаврияга бир ҳорғин назар ташлади-да, кетди қолди.

Ҳа, Жаврияга Араб Жамил ҳам кўп яхшилик қилган. Аммо улар ойлар мобайнида бир-бирига ҳеч дуч келишмасди. Жаврия уни қидириб топиш учун қалбида ҳозиргига ўхшаган иштиёқ ҳис этмасди. Ҳолбуки, ҳатто исмини ҳам билмайдиган бу йигитга нисбатан унда миннатдорликкина эмас, балки чуқур ҳурмат туйғуси ҳам уйғонганди.

Нима сабабдан уни ҳурмат қила бошлади? Балки ўз муҳотида ҳозирга қадар кўрмаган-билмаган кишилардан бўлгани бунинг сабабидир, эҳтимол.

У гўё бошқа мамлакатдан келган одамга ўхшарди.

Туркча сўзлайди, бироқ унинг тили Жаврия сўзлайдиган ва ўрганган тилдан хийла фарқли. Жаврияга таниш калималарнинг кўпини ишлатмайди.

Кўлларининг териси силлиқ. Балки у ҳаётида ҳеч қачон огир иш қилмагандир. Тирноқлари тоза, уст-боши озода. Китоб-газета ўқийди. Мактаб кўрган, ўқиш-ёзишни биладиган киши. Кўп ўқиб, кўп ёзади.

Балки унинг бундай сўзлаши, бундай эканлиги Жаврияни ром этгандир?

Ундай деса Жаврия ҳозирга қадар ўз муҳитига мансуб бўлмаган эркаклар билан ҳам кўп учрашган. Бинобарин, бу йигит унинг ўз муҳитига мансуб бўлмаган ва илк бор танишган эркак эмас. Асосан, у бу кишиларга ҳам ҳеч ўхшамасди. У ҳаммадан бошқача ва Жаврия «ҳақиқий инсонлар мана шундай бўлиши керак», деб ўйларди.

Уларга «майли, бу ерни ҳам бир кўрайлик» деб кирган қовоқ-хоналарида дуч келган. Уйларига борган, қўйинларида ётган. Уларнинг тилини ҳам тушулмаган, туруш-турмуши, гап-сўзлари, ейиш-ичишларини ётсираган эди.

Бир куни биттаси уни уйига олиб борди, ароқ билан сийлади. Ўзи бўлса ароқни сомон чўни билан сўриб ича бошлади. Жаврия бунга ҳечам ҳайрон бўлмаган, аксинча:

— Вой-бўй! — дея қийқириб, қарс урганча уни калака қилган эди.

— Вой-бўй, бунга қаранглар, оғзига Таркс қувури қистирмаса ичаги ишламас экан! — дея хахолаб кулганди.

Унинг бундай хатти-ҳаракатлари қаланғи-қасанғиларга хушёқарди. Бироқ улар уни назарига илишмас, ҳатто қўйнига кирган чоғларида ҳам масҳара қилишар, уни инсон ўрнида кўрмасдилар. Жаврия ҳам ўзига учраган бу олифталарга аҳамият бермасди. Бир гал биттасига:

— Сен инсон қиёфасидаги латтачайнар махлуқ экансан, — деганди. — Сен мен учун шунчаки бир эрмаксан холос. Сени қачондан бери кўғирчоқдек ўйнатаётман, бироқ сен бефаросат буни билмайсан. Сен бир ҳафтафаҳм, аҳмоқ экансан.

У ҳайратдан донг қотиб қолган эди.

Яна бировини, уни уйида бир ҳафта олиб қолган бой қарияни бир оқшом тоза боғлаган, шаҳар казиносининг эшиги олдида, ўз таъбири билан айтганда, «бир расвосини чиқарган» эдики...

Бу воқеа ёз оқшоми содир бўлди.

Казинонинг чироқлари ялт-юлт ёниб, ажиб товланади. Ҳаво гўзал эди.

Жаврия Араб Жамил билан қўтиқлашиб айланиб юрганди. Араб Жамил ўша пайтлари кўчада музқаймоқ сотадиган қизга ошиқ бўлган эди. У ёқдан бу ёққа бориб-келишди, Араб Жамил музқаймоқчига гап отар, у бўлса: «Мени ёқдинг-ёндирдинг, ҳабашим» деб жавоб берарди.

Жаврияни танимаган шофёр йўқ, қаланғи-қасанғилар гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан ўтиб, саломлашишади. «Хой Фосфорли, қалайсан?» дея ҳол сўрашади.

Ниҳоятда хушҳол эдилар. Музқаймоқчи хизматчисини юбориб, бир шиша шароб олдириди. Казинодан пастга, Тошқишлоққа тушиб, шишани кўтариб бўшатишди. Кайфлари ошиб, хушчақчақ бўлиб қолишди. Сўнг яна бу ёққа қайтиб келиб, автомобилдан тушиб, казинога кираётган эр-хотинларни кузата бошлашди.

Хулласи калом, айти ўша пайтда казино олдига бир автомобиль келиб тўхтади ва ичидан у билан бир ҳафта айш-ишрат қилган кекса олифга тушди.

У пак-пакана, юзини ажин босган, тепакал киши эди. Машинанинг эшигини очиб, барваста бир хотиннинг автомобилдан тушишига ёрдамлашди.

Хотин ўрта яшар, роса пардоз-андоз қилган. Эғнида тулки пўстин. Сал қимирлади дегунча атрофга муаттар ҳид таралади.

Жаврия Араб Жамилга:

— Шу бедавони кўряпсанми? — деди. — Оғзининг катталигига қара, нақ қулоғига етади-я. Кўрдингми? Анави кулимсираётган пандовақи. Оғзи ўпқондек пандовақини кўрдингми? Ёнида конфетдайгина хотин бор. Сариқ сочли хотин. Кўрдингми? Унинг уйида роппароса етти кеча қолган эдим.

Араб Жамил елкасини қисиб:

— Туя-ку! — деди.

— Туядай эмас-эй.

Хоним автомобиль ичига бирон нарсасини туширган бўлса керак, тимирскиланиб қидиришга тушиб кетганди.

— Ёнига бориб, қўлини олсам нима дейсан?

— Ол-а, қилолмайсан буни.

— Ие, нима, нима дейсан, қилолмайманми?

— Бекорга лоф урма, яна пешонанг тошга тегиб, гурра бўлиб ўтирмасин.

Араб Жамилнинг гижгижлашидан Жавриянинг бошига бирдан қон урди.

— Бўлмаса қараб тур, ҳозир кўрасан, — деди у. — Шу ҳарифни бир довдиратишимни кўриб қўй!

Шундай деб Жаврия бирдан ундан айрилиб, қоронғилик қўйиндан яшиндек отилиб чиқди ва казино эшиги устидаги чироқлар ёғдуси остида яшил-сарик чит қўйлаги, оёғидаги шиппагини кўз-кўз қилиб, пайдо бўлди.

Автомобиль олдида турган чол уни кўрди дегунча оқариб кетди. Бечоранинг аҳволига маймунлар йиғлаётгандек эди.

У Жаврияни таниганди. Танимасликка олиб, қутула олмаслигини ҳам англаган эди.

Жаврия унга яқинлашиб, қўлини узатганини кўрса-да, серрайиб тураверди. Жаврия масхараомуз оҳангда:

— Қўлингни бер, отагинам, — деди. — Биз ҳам яхшиликнинг тагида қоладиганлардан эмасмиз. Сен билан бир омонлашиб қўяйлик.

Қария не бўлаётганини англаб етгунча бўлмай, унинг қўлини маҳкам ушлаб, бир неча бор силкитди-да, ҳеч нарса демай узоқлашди кетди.

Оқ мўйнали хотин бир эрига, бир кўча қизига ҳайрон бўлиб қаради. Эри аҳволни ўнглаш, хотинини тинчитиш мақсадида:

— Бу бир ғирт маст хотин бўлса керак, — деди.

Жаврия ўша кечани эслаб қолса: «Эҳ, нақадар гўзал кеча эди!» дерди. «Музқаймоқчи қиз, шина ямоқчи уста Аҳмад, Визвиз Мустафо, Араб Жамил, ҳаммамиз қотиб-қотиб кулган эдик. Кулавериб ичагимиз узилаёзганди ўша кечаси!..»

Ҳа, унинг бошқа муҳит кишиси эканлигининг ўзи уни ҳурмат қилиши учун кифоя қилмасди.

Жаврия уни фақат ҳурмат қилибгина қолмай, балки ўз тақдири боғлиқ бўлган бир қудратдан кўрққандек кўрқарди ҳам.

Ўзи устидан ҳоким соҳиби қудратдан тортингандек, ундан тортинар эди. Жаврия бу ҳиссиётларнинг маъносини англаб ололмайдиган даражада содда қиз эди.

У йигит ўзини ёқтиришини истаб қолган эди.

Лекин бу ёқтириш бошқа эркаларнинг ёқтиришидан бироз фарқли бўлишини ғайриихтиёрий равишда истарди.

— Ҳой қиз, қўлларинг мунча чиройли бўлмаса!

— Ҳой қиз, кўкракларинг мунча гўзал бўлмаса!

— Мени адо қилдинг Фосфорли! — каби мақтовларни ундан ҳам эшитгиси келарди. Бироқ унинг учун фақат шуларнинг ўзи кифоя эмасди.

Жаврия ўзи ҳам билмаган, англамаган ҳолда унинг ўзига бироз кўпроқ эътибор беришини, қадрлашини истай бошлаган эди.

Жаврияда бу ҳис-туйғуларнинг уйғонишига ҳам у сабабчи бўлганди.

Зотан, Жаврияга ҳурмат кўрсатган биринчи эркак ҳам у эди.

Жавриянинг аслида кимлигини, унинг ор-номусли, оилали аёллардан фарқли хотин эканлигини билмаганга олган илк киши у эди.

У Жаврияни ҳурмат қиларди. Ҳозирга қадар ҳеч ким Жаврияни «сиз»ламаган. У бўлса Жаврияни «сиз» ларди.

Жавриянинг ким эканлиги билан иши йўқ эди. Жаврияни қадрлайдигандек туюларди.

Жаврия у Жаврияни қандай кўрмоқ истаса шундай бўлмоқ, янада тўғрироғи, кўрмоқ истамаганидай бўлмаслик учун ўзи билмаган ҳолда ўз нафсини бостирарди.

Жаврияни ўзгалаштирадиган бир куч-қудрат соҳиби эканлиги учун ҳам Жаврия унга боғланиб қолганди.

Уни кўрган, у билан сўзлашган пайтларида Жаврия ич-ичида кучли бир туйғу пайдо бўлганини ҳис қиларди.

Қалбининг тубидан отилиб чиқаётган бу туйғу уни яхши бўлмоқ, янада яхшироқ бўлмоқ, мукаммал бўлмоққа, бошқалардан устун бўлмоққа ундарди.

Агар Жавриядан бунинг нималигини сўраб қолишса, у буни на сўраганга, на-да ўзига тушунтириб беришга ожиз эди. Бу туйғу Жаврияни унга ипсиз боғлаганди.

Жаврия ҳаётда ўзининг бошқача бўлиши, унга ўзгачароқ муносабат қилишлари, бирон эркак унга шаҳвоний ҳирсини қондириш мақсадида эмас, балки ўзгача қараши мумкинлиги ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Гўдаклигидан бери у тиланчи қизалоқ, ташландиқ кўча боласи, кейин шунчаки оддий бир фоҳиша бўлган, холос.

Шаҳвоний ҳирсини қондириш истаган исмсиз, ҳатто юз-кўзи ҳам йўқ кишилар уни излаб келар, қоронғи кўчанинг бир бурчагида танишишар, танишув қоронғи, пастқам ерда охирига етарди. Ёки бир тўда полициячилар уни бўралаб сўкишар, қорақўлдан қорақўлга, таносил касалликларини текширадиган жойларга, мудириятга олиб боришарди.

У ҳамманинг, уни севган ва севмаганлар, ҳатто Барбанинг наздида «Фосфорли Жаврия» эди, холос. Қорақўлда Фосфорли. Кўчада, майхона-ю, пастқам жойларда, Охурқопи ёрларида, Такфур Саройи харобалари, Чашмамайдонида, хуллас, ҳар ерда «Фосфорли Жаврия» деб ном чиқарган ва шунга яраша муомала кўрарди.

Ҳолбуки, бу ерга, унинг ёнига келиши билан Фосфорли эканини тамомила унутарди.

Бу эшик олдида келди дегунча кўчада ва фақат кўчада ўтган ўтмишининг бутун чиркинликларидан тозалангандай бўлар ва губорларидан, фоҳишалигидан покизаланган ўзга бир аёл ўлароқ остонадан ҳатларди.

Унинг ёнида бошқа эркакларни ўйнатиб юборадиган қичиқ сўзларни айтолмас, шаҳвоний карашмаларини қилолмас, ҳақорат ва нафсониятга тегадиган сўз ўйинларини ишлата олмас, эркакларни йўлдан оздириб, пул ишлаш учун ишлатадиган барча макр-ҳийлаларини унутар, ўзининг бу ҳунарини унинг билишини истамас эди.

Буни билиб қолишидан кўрқиб, ўша пайтгача ҳеч қачон сезмаган-билмаган бир ҳиссиёт уни ҳаяжонга солаётганини, ўртаётганини ҳис қиларди.

Бу уят ҳисси эди!

Уят!

Бу жуда кучли туйғу эди!..

У ҳаётида илк бор ундан уялганди.

Ўша кечаси, Жаврияни бемор, беҳол бир аҳволда хонасига олиб борган кечаси, одатланганидек, унга тўшакдан жой бермоқ истагани ва унинг бу ҳаракатнинг маъносини англамагани, англамагандек кўринган ўша кечаси Жаврия ўз ҳаётида биринчи бор қаттиқ уялган эди. Ва илк дафъа ўша ерда уйғонган бу туйғу у билан бўлган муносабатларига ҳоким бўлганди.

Фақат иффатли, покиза хотинларга хос бўлган бундай туйғу Жаврияда қандай пайдо бўлди?

Руҳининг қайсидир бурчида иффат ва бокиралик туйғуси ҳозирга қадар пинҳон ётган бўлса керакки, унинг бир ҳаракати туфайли кўққисдан уйғониб, куртак отган ва Жаврия уят ҳиссини туйган эди.

Жаврияни бу кишига ипсиз боғлаган нарсаси унинг қалбида ҳозирга қадар борлигини ўзи ҳам ҳис этмаган мудроқ туйғуларни бирдан унга уйғотиб юборгани эди.

Бу ерга бошқа келмаслиги кераклиги тўғрисида қайта-қайта огоҳлантиришлари пучга кетди.

Жаврия бу ерга ҳадеб қайтиб келаверди, келаверди.

Бу ишқ савдосимиди?

Жаврия сингари инсоннинг энг тубан, олчоқ майлларини яхши билган кўча аёли сева олиши мумкинмиди?

Бу қадар покиза, ҳеч қандай моддий манфаат кутмаган ҳолда тотли бир орзиқиш ва изтироб тўла севги туйғусини ундан кутиш мумкинмиди?

Уни таниганидан сўнг дунё унинг кўзига фавқулодда гўзал бўлиб кўрина бошлади. Истанбул гўё бир сеҳр билан Жаврияни бирдан ўзгартириб юборгандай эди. Кеч кузнинг аёзли шамол эсган оқшомлари Охурқопи маёғининг остида ўтириб, қуёш ботишини томоша қилар, кўрғошин ва мис тусига кираётган уфққа тикилар ва томоша қиларкан, денгизнинг бундай ажойиб манзарасини фақат тушида кўрганлигини эсларди.

Ранглар унга, ўзи жуда севиб томоша қиладиган рангли кинофильмлардагидек, ёрқин ва гўзал кўринар эди.

Оғзига ичкилик олмаган пайтлари ҳам ўзини доимо сархуш ҳис қиларди. Кучли ва тотли бир сархушлик... «Худди доим ичиб юрадиган одамга ўхшайман... Не бўлди ўзи, билмайман», дерди.

Жўшгиси, охиригача жўш ургиси келарди. Ундан узоқда бўлган кезлари ҳаёти маҳзунлашиб, ғариблашиб қолгандек бўларди.

Ёнига келган эркакларга: «Сенлар сариқ чақага ҳам арзимайсанлар» деб нописанд қарардики, бу мижозларнинг майлини янада кучайтирарди.

У билан орасида ҳеч гап бўлмагани учун ҳам унга содиқ бўлиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Зотан унинг учун эркаклар билан бирга бўлиш овқат сийиш, уйку каби табиий бир ҳол эди.

Нажотибей кўчасидаги болохонанинг ўша сирли, яширин хонасида кечган умридан ташқари пайтларда Жаврия ўша ҳамишаги Жаврия бўлиб қолаверди.

Бошқача ҳаёт тарзини билмасди ҳам... Кўча кезар, қовоқхоналар, сўққабосларнинг уйларида, пастқам жойларда меҳрини ва ўзини истаган кишига берарди. Яшаши керак эди.

Унинг туриш-турмуши ана шундай эди. Ҳаётининг фавқулодда, масалан, романларда ёзилганга ўхшаш жиҳати эса ўн-ўн беш кунда бир марта унинг хонасида қолган кунларида содир бўларди.

У Жаврияга эркаклар хотинларга қиладиган муомалани қилмасди. У шу қадар танҳо ва шу қадар дарвешона яшашига қарамай, ишониб бўлмайдиган даражада унга бепарво эди.

Ҳолбуки, Жаврия эркаклар кўрган заҳоти ўзини кўярга жой топа олмай қоладиган аёллар тоифасидан эди.

Жаврия ёнига яқинлашган эркакларда иштиёқ уйғотишнинг ҳадисини олган эди.

Эркак бўлишига қарамай унинг Жаврияга ётсираб, жуда совуқ муносабатда бўлиши қизни ҳайрон қолдирган бўлса эҳтимол.

Унинг қандайдир бир сири борлигини биларди. Жавриянинг умри полициядан қочиб, бекиниб юрадиган одамлар орасида ўтган. Қўлга тушишдан қўрққан, таъқиб этишаётганидан хавфсираган кишиларнинг кўзлари қандай олазарак бўлишини, бир нарса шитир этса, юраги пўкиллашини, дуч келгандан гумонсираб, ҳатто дўсти билан ош-қатиқ бўлишни хоҳламасликларини кўп кўрган.

Бир гал ўлимга ҳукм этилган, бироқ юқоридан ҳукм тасдиғи келмай туриб қочишга муваффақ бўлган Ипакчи Сулаймон унинг кўзи олдида жонажон дўсти Лутфини уч жойига ханжар санчиб ўлдирган эди. Уни тутиб беради деб қўрққани учунгина пичоқ тортиб юборганди. Ваҳоланки, Лутфи бу ерга уни тутиб бериш учун эмас, балки янада ишончлироқ жой топганини айтиш учун келган эди.

Жонидан қўрққан барчадан гумонсирайди.

Унинг Жавриядан тортинишига ҳам кўркув сабабчидир балки.

Унинг хонасига борган илк кеча ҳар иккови ҳам тонггача мижжа қоқмади. Жаврия ўз-ўзидан бир неча бор: »Нега ухламаяпти?» деб сўраган ва ҳар гал қаноатлангудек бир жавоб тополмаган эди.

«Мендан шубҳаланаётгани, унга бир ёмонлик қилишим мумкинлигидан гумонсираётгани учун ухламаётганмикан?» деган ўйдан қайғуга ботганди ўшанда.

Гоҳ-гоҳ ўз-ўзидан: «Нега у ухлай олмаяпти?» деган маҳзун ва мужмал савол сўраб қўярди.

Безгак тутган одамдай тишларини қисган кўйи қалтираб тонг оттирган эди.

Энг пинҳона туйғуларини ҳам эркаклардан яшириб ўтирмайдиган, бепарда, очиқ сўзлашга одатланган, жисми-жонини бегоналардан яширмайдиган Жавриянинг мижжа қоқмаётганимни сезиб қолса, ичимдаги ҳисларни билиб қолади, деб қўрққанидан тўшақда қимирламай ётиши, қимирлай олмаётгани ҳайратланарли бир иш эди.

Ҳа, бу киши таъсирида унда уйғонган ҳисларнинг энг кучлиси уят туйғуси эди.

Жавриянинг аслида ким эканлигини кўрмаслиги, англамаслиги, янада тўғрироғи, кўришни, билишни истамаслиги Жаврия неча йиллардан буён ҳеч уялмай-нетмай, ёмон иш эканлигининг фарқига ҳам бормай шуғулланиб келган фоҳишалик юки бу йигитнинг

олдида энди уни оғир тошдек эзаётганини қиз бутун вужуди билан ҳис қилаётганди... Буларнинг барчасидан озод бўлмоқни истаётган руҳи вужудидаги тоза қон, жисму жонининг покиза ҳисларини унинг англашини хоҳлаётган эди.

Кечаси уни тўшакка михлаган туйғу бир бокира қизнинг ўз ёнига келган эркакда ҳою-ҳирс уйғотишдан қўрқув ҳиссига ўхшарди.

Ҳа, Фосфорли Жаврия бу озода тўшакда тошдек ҳаракатсиз қотиб ётаркан, вужудини қамраган тотли хаёлларни таҳлил этишдан, эътироф қилишдан бир иффатли қиз каби уялар эди.

Хуллас, ўша Жаврия, Истанбулнинг энг фосиқ саёқлари олдида қип-яланғоч ечинадиган, ароқхўрларнинг ўтиришида чифтателлига ўйнаб, думба-қорин титратадиган, пул берадими-йўқми бундан қатъи назар, бир эркакнинг қўли қўлига тегди дегунча ва уни истади дегунча ҳеч қаршилиқ кўрсатмасдан, заррача эътироз билдирмасдан таслим бўладиган Жаврия, Истанбул кўчаларининг машҳур Фосфорлиси ўзининг тўшакда нега ухлай олмаётганини фаҳмлагач, қимир этмай ётар, ўз қалбидан кечаётган бу ҳис-туйғулар не эканлигини англашни истарди.

Эрталаб ўрнидан тургач, сочини тараш учун кичкина ойначасига қаради. Туни билан мижжа қоқмаганига қарамай, юз-кўзи тиниқлашганини, ажинлари ёзилганини, чеҳраси очилганини кўрди.

Гарчи мижжа қоқмаган бўлса-да, бугдойранг тани ҳар доимгидан ҳам тозароқ, қора кўзлари ҳар доимгидан ҳам кўпроқ чақнар эди.

Жаврия эрта саҳарда, ундан илгари турди. Уни уйғотиб юбормаслик учун овоз чиқармай астагина узоқ ювинди.

Юз-кўзлари, қўл-оёқларини ювди.

Кўчада ёпишган лой ва кирни кечасиёқ ювиб ташламагани учун ўкинди, ўзи ўзидан ранжиди.

Олдидаги тоғорадаги сув лойқа тусга кирли.

Жаврия бу сувга қараб тураркан, бирдан ўзига эътибор бермаганини англади ва:

— Ҳарҳолда мендан жирканган бўлса керак, — деди. — Искїрт бўлганим учун қучоғимга киргиси келмаган.

Бунчалик искїрт бўлиб юриши тўсатдан Жавриянинг иззат-нафсига тегди:

— Унинг уйи бор, менга ўхшаб кўчада ётмайди, дуч келган жойда гужанак бўлиб, тонг оттирмайди! — ўзининг бу аҳволидан ўзини ўзи маъзур тутмоқ истади.

Нажотибей кўчасига иккинчи боришидан олдин роса тайёргарлик кўрди.

Бир ҳафта олдин бироз пулни кир рўмолчасига ўраб, эски пайпогининг ичига тикиб қўйди. Ўша ерга боришга қарор берган куни эрталабдан Қопаличоршининг Маҳмудпошо тарафидаги дарвозаси ёнида жойлашган дўкондан бироз уринган пайпоқ, мовий жерси қўйлак, лозим сотиб олди.

Охирги пулини сарфлаб, ҳаммомда обдан ювинди, ювингандан кейин янада жингалаклашган сочларини таради. Тўрвада гижимланган янги ич кийимларини эгнига иларкан, жуда ҳузурланди. Ҳаммомчи хотинга ялиниб, гижимланган кофта-юбкасини дазмоллатди.

Ўша куни Довул Ойтандан олган калта яшил камзулини, қора-қирмизи катак чит юбкасини кийди.

Ҳаммомдан чиққанида қош қорайган эди.

Иккинчи марта унинг ёнига бошқа бир эркакнинг қўйнидан чиқиб боргиси йўқ эди.

Не қилиш кераклигини олдиндан ўз-ўзича ўйлаб, пишитиб олганди.

Унинг олдига сочлари таралган, уст-боши дазмолланган ҳолда, ҳаммомдан пок-покиза чиқиб боради.

Галатага бориш учун кўприкдан ўтаркан: «Шилқимлардан қандай қутулсам экан?» деб ўйлади. Лоп этиб эсига Сумбул Дуду тушди.

Сумбул Дудунинг уйида бир ҳафта меҳмон бўлгач, у билан дўстлашиб қолишди.

Жаврия кейинчалик ҳам Сумбул Дудунинг уйида бир неча бор меҳмон бўлганди.

Бироқ кўпинча уникига ёлғиз ўзи борарди.

Сумбул Дуду ва унинг қайнонаси билан узоқ ўтириб, дардлашишарди. Сумбул Дуди Абди Афандининг театрида хонандалиқ қилган давларини оғзидан бол томиб ҳикоя қиларди.

— Оҳ, у қандай ажойиб давр бўлган эди, — дерди у. — Эркаклар у замонларда жўмард бўлгувчи эди. Раҳматли Фаҳми пошо бир куни мени таклиф қилди. Гапини ерда қолдирмаганимдан ийиб кетиб, ҳеч оғринмай менга бир кўзли узук туҳфа қилди. Ҳозирги аҳволимга қараманг. У замонларда Сумбул, Сумбул Дуду эди. Ўша давларда Носуҳийбей деган шоир бўларди. Кетворган газаллар, ўйноқи кўшиқлар ёзарди. Менинг исмим аслида Дикрануи бўлган. Арманчадан кўра форсчага яқин бир исм. Бир куни марҳум Носуҳийбей кўзларимга ошифта-ошифта тикилиб: «Булар кўз эмас, сумбул гули» дея ташбех айтди. «Сенга Дикрануи исми ярашмайди,

бугундан эътиборан сени Сумбулхоним дея атайман», деди. Ўша куни дастурхон устида бир нечта артистлар дўстона чақчақлашиб ўтиргандик. Хуллас, ўша куни Дикрануй ўлди. Сумбул туғилди. Жаврия, қизим, сен менинг бу аҳволимга қарама, мен қарғишга қолдим, менга кўз тегди, ўша пайтдаги гўзаллигим, ёшлигим, оппоққина, дўндиққина вужудим сўлди кетди. Гўзал хотин қарғишга қолади. Шундоққина эшигимнинг олдида 18 ёшли тиббиялик бир йигит тўппончасидан кўксимга ўқ отди. Унинг кимлигини кейинчалик билдим. Йигитнинг онаси: «Гулдай юзимни заъфарон қилган Сумбулнинг бели букилиб, боши ерга урилсин, тупроқдан бошқа нарса кўрмасин илоё» деб қарғабди. Айтгани келиб, белим букилди. Бир бел оғриғи тутдики, эшакқуртдек икки букилдим қолдим. Эркаклар билан айш-ишрат қил. Эркакларга ўйнаш бўл, майлига. Аммо ҳаддингдан ошиб, онаси-ю, хотин, бола-чақасининг қарғишига қолма...

Ўша куни Сумбул Дуду ёлғиз эди.

— Қайнонам ул-бул олгани бозорга кетди. Уйларни йиғиштириб, бирпас дам олай деб эндигина ўтирган эдим.

Бошини зўрға кўтариб, Жавриани назардан ўтказди.

— Ўхў, Жаврия, бугун байрамми дейман. Роса ясан-тусан қилиб олибсан?

Жаврия бирдан бутун борлиғи ёқимли бир титроқдан ҳузурланганини ҳис қилди. Айни чоғда бу саволга жавоб бериш унга малол келди.

— Йўқ, Сумбул Дудужоним, ҳаммомга бордим холос.

— Нега унда кўзларинг ёниб кетяпти? Нигоҳларинг кишини ўртаб юборгудек-ку!

Жаврия бу сўзларга унчалик тушуниб етмаган бўлса-да, кулиб кўйди.

Икковлон биринчи қаватдаги хонага киришди. Бир четдаги ўчоқда кўмир лангиллаб ёнар, ўчоқ олдида қоп-қора мушук гужанак бўлиб ухларди.

— Сенда бир гап бор, — деди Сумбул Дуду. — Бу фақат ҳаммомга ўхшамайди-ёв. Жавриям, кўзларинг айтиб турибди, сенда бир гап бор... Қани сўйла-чи, бугун ким билан учрашадигансан?

Жаврия бирдан унга ичини тўкиб солгиси келди.

Бироқ уни, унинг борлигини сақлаш мажбуриятини олган кўча қизининг шуури, ақли уни ғайриихтиёрий равишда огоҳлантириб, бу ҳақда оғиз ҳам очтирмади.

У ҳақда оғиз очмаслиги даркор. Кўча қизи нималарни кўрмайди, нималарни эшитмайди, нималарга шоҳид бўлмайди, дейсиз. Кўрган-билганини айтмаса шунча яхши, тинчлик керак.

— Сумбул Дуду, — деди у. — Мен бировни севиб қоладиган анойига ўхшайманми?

— Билиб бўлармиди, болагинам. Инсон юрагига ишқ тушдими, ҳеч ким унга моне бўлолмайди, мана мен деган профессорлар ҳам даво тополмайди. Сен «Эрнани» пьесасида мен билан роль ўйнаган бўлсайдинг, ҳозир бундай демаган бўлардинг,— дея хўрсинди Сумбул Дуду.

Сўнг унга бир финжон қаҳва узатди.

— Шуни охиригача ич, олдин бир аралаштириб олгин. Мен бўлсам қалбингга назар ташлай, кўнгил розингни тинглай.

Жавриянинг лаблари ундан гап очай-гап очай деб турарди. У ҳақда сўзлагиси келарди. Бироқ негадир жим қолди. Агар у ҳақда оғиз очса, сир очилиб, уни бошқа кўра олмайдигандек туюлди. Қаҳвани иссиқ-иссиқ ичиб тамомлади.

Хона нимқоронғи, иссиққина. Ҳаммаёқни мазали таом ҳиди босган. Мушук бирам маза қилиб хуриллар эдики ... Ҳаммомдан кейин аъзойи бадани бўшашган Жавриянинг ухлаб олгиси келарди.

Кекса Сумбул Дуду бир нарсалар ҳақида сўзлашда давом этар, эртақ айтаётганга ўхшарди.

— Агар мен сендай сулув қиз бўлсам Истанбул шаҳрини оташдек ёндирган бўлардим. Бироқ сен ҳали гўрсан. Ёшлигингни шамолга совурыпсан. Сендай қизнинг Шишлида бир муҳташам уйи бўлмоғи даркор. Эгнингда мўйна пальто, унақа-бунақаси эмас, Аргентина мўйнасидан тикилган пальто бўлмоғи керак. Қиш палласи бундай дийдираб ... тоза итдек кўча кезиш сенга ярашадиган ишми? Не-не бойваччалар бор. Ҳожи оға дегани бор, унга яхши бир ўйнаш керак... Кўрсанг, ўзи бирам келишган йигит, ҳали қирқга ҳам чиққани йўқ. Калласи бутун, қомати келишган. Худо ҳаққи, бу йигитнинг қўйнига кириш учун қайтадан ўн олти ёшли бокира қиз бўлишга рози эдим.

Жавриянинг киприклари оғирлашиб борарди.

— Унга бир нарса топиб бераман деб сўз бергандим. Ор-номус ва виждонимни ўртага қўйиб қасам ичганман. Ўзи бирам ширинсўз, бирам ёқимтой, кўрсанг, худо ҳаққи, оғзингнинг суви оқади. Менга дедики: «Сумбул Дуду, сендай зўр, маданиятли хотин дунёда йўқ. Бироқ, биласанки, молни кўрмай савдо қилинмайди. Анқарадан чақирасанми, Вандан келтирасанми, бизга барибир, ҳақини тўлаймиз.

Шу чоққача нукул бир бедаво бақалоқларга учрадик, булбул иста-  
сак, зоғга дуч келдик. Энди аввалига қизни кўрайлик, мазасини  
тотайлик. Сен Балиқбозорига ҳеч бориб кўрдингми? Балиқ емоқчи  
бўлсанг, сотувчи пичоғининг учида бир парча кесиб беради, мазасини  
тотиб кўрасан. Сен менинг жа-а кетворган қизларим бор дей-  
сан, шундай экан, биттасини танла-ю, опкел, мазасини тотиб кўрай-  
лик. Ёқса бўнак берамиз, ёқмаса, харажатини тўлаб, хайр-маъзур  
қиламиз қўямиз». Тўғриси айтганда, Жаврия қизим, мен ҳам унинг  
бу сўзларига қўшиламан. Йўллариингга кўз тутиб, кўзларим гирён  
бўлди. Бироқ Истанбулнинг қоқ юрагида Фосфорлини тополмадим.  
Ундан сўрадим, кўрмадим дейди, бундан сўрадим, учратмадим дей-  
ди. Қара, Хизрни йўқлаган эканман, ўз оёғинг билан келиб туриб-  
сан.

Жаврия қовоқларини зўрға очиб, унга қулоқ соларди.

— Аввало сен билан вақтини келишиб олайлик, сўнг мен у йи-  
гитни ўша кечаси чақирай. Кўнглини олсанг кўп яхши... Кўнгли-  
ни ололмаганингда сендан нима кетарди, иффатингни йўқотарми-  
динг? Бу иш сен учун тегирмон тортиш эмас-ку.

Сўзлари Жавриянинг қулоғига кирмаётганини сезгач, унинг уй-  
қусини қочирмоқчи бўлди.

— Қара, финжон совубди. сенга фол очиб қўяй,— деди у.

У финжонни қўлига олиши билан Жавриянинг уйқуси қочди.  
Сумбул Дуду ундан сўз очса керак дея ўйлади. Унга тааллуқли би-  
рон нарсани билиб олгиси келди, унинг ҳис-туйғуларидан бохабар  
бўлиш умидида энтикди.

Кўпни кўрган Сумбул Дуду инсон феъл-атворини яхши билар-  
ди. У Жаврияга: «Кўзларинг айтиб турибди», деган эди.

Ҳа, Сумбул Дуду унинг кўзларидан ҳамма нарсани англаб ол-  
ганди. У тусмоллаётган нарсаларини худди финжондаги қаҳва қуй-  
қасига қараб билиб оладигандек, финжонни қўлига олиб, оҳиста-  
оҳиста сўзлай бошлади:

— Жаврия, қулоқ сол. Номаълум бир дард юрагингнинг тўрида  
кулча илондек бўлиб ётибди. Бу дард юрак-бағрингни ўртамоқда.  
Ҳой қиз, Дўмбоқ Сумбул Дуду сенга сўйлайди, оёғингни билиб  
бос, умрингни хазон этма. Қара, фол сен учун икки йўл борлиги-  
ни кўрсатиб турипти. Бир йўлнинг бошида товус ўтирипти. Изла-  
рингни кўзимга тўтиё қилай, товус билан юзма-юз турипсан, сен  
ҳам йўл бошида турипсан. Йўлнинг ўртасида бир балиқ бор. Товус  
бойлик, балиқ бўлса тақдир. Роҳат-фароғат, яхшилик, бойлик, ась-  
аса-ю дабдаба, ҳаммаси шу йўлда. Иккинчи йўлда эса келишган

бир ёш йигит бор. Уни кўрдим дегунча юрагинг оғзингга тикилиб, энтикиб қоласан. Бироқ қадамингни ўйлаб босишинг керак, чунки севги-муҳаббатингга жавоб кўринмаяпти. Яъни сен севасан, бироқ у сени севмайди.

Жаврия ичида: «Жуда тўғри айтяпти», дея такрорлар эди.

— Бошқа бир хотин ҳам бор экан.

Жавриянинг ичида бир нарса узилиб кетгандек бўлди.

«Рост бу, бўлмаса бу қадар бефарқ бўлармиди?» дея ўйлади у.

— Хуллас, Фосфорли, кўзингни катта оч. Олдингдаги шу икки йўлдан ўзинг учун бахтлисини танла. Уқдингми?

— Соғ бўл, Сумбул Дуду! — деди Жаврия.

Сумбул Дуду финжонни кўлига олиб, оёққа қалқди.

— Бизнинг Ҳожи ога қачон келсин? — деб сўради у. — Аммо юзимни шувут қилмассан, Жаврия?

— Йўй, мен ёлгон сўзламайман, Сумбул Дуду. Сўз бир, Оллоҳ бир.

— Эртагача улгурмаймиз. Балки уни кўролмасам ҳам керак. Индинга оқшом пайти келгин, хўпми?

— Хўп бўлади, қош қорайди дегунча келаман. Аммо сен ҳам бир базми жамшид ташкил қил ... Бу Ҳожи ога деганинг бир эрисин.

Тўкин дастурхон кўз олдига келиб, оғзининг суви қочди.

Хона тобора қоронғилашиб борарди. Сумбул Дуду эшик томон йўналди.

— Қорнинг очдир? Фосфорлидай офатижон қиз Истанбулда бошқа йўқ. Лекин, Жаврияжоним, ҳушёр бўл, индинга ўзингни олтину бриллиант баҳосига пулла!

У хонадан чиққач, Жаврия кўрпача устида гужанак бўлиб ётди. Бироз мизғиб олмоқчи бўлди. Бироқ энди кошки кўзига уйку келса.

— Олдингда икки йўл бор. Бирида бир эркак бор, уни кўрдинг дегунча, юрагинг ҳаприқади, деди. Ҳақиқатан ҳам тўғри айтди, у сени севмайди, унинг бошқа бир хотини бор!

Бошқа аёл. Жаврия уни рашк қилаётганини сизди. Ҳаққи бормиди бунга? У ҳозирга қадар ҳеч кимга кўнгил бермаган, шунинг учун уни қучоғидан бўшатган бир эркак беш дақиқа ўтмай кўзи олдида бошқа хотинни қучиб, эркалай бошласа ҳам ҳеч парвосига келмас эди.

Бу йигитни рашк қилишга, унга хўжайинлик даъво қилишга қандай ҳаққи бор?

У Жаврияга нисбатан қоя тошдек, ёғочдек, жонсиз ҳайкалдек бепарво бўлса?

Жаврия билан ишқ, севги-садоқат тўғрисида аҳду паймон қилмадики, меҳр-муҳаббат кўрсатмагани учун ундан ранжиса?!

Бунга ҳечам ҳаққи йўқ эканлигини тушунади. Бироқ, шунга қарамай, ҳис-туйғуларидан устун келолмас ва уни рашк қиларди.

Бошқа аёл...

Ажабо, бу хотин бениҳоя гўзалмикан? У хотиннинг қандай фазилатлари борлигини қаердан билсин? Балки ўша аёл ҳам у сингари хат-саводлидир. Унга ўхшаб назокат билан овқатланар, киборона сўзлашар.

Анчагача кўзларини юмиб ётди. Вақт ўтказиш учун бироз ухлаб олишни истарди.

«Ҳожи оға ... Унга ўйнаш бўлмоқчимиз!» деб ўйлади. Сумбул Дуду Шишлидаги шоҳона уй тўғрисида бир гап айтгандай бўлувди.

— Мен каби бечорага ким ҳам уй олиб берарди?

Кўз олдига шоҳона уй, креслолар, қараса инсон акси кўринадиган ялтироқ қаравот келди.

Ётса ботиб кетадиган пар тўшак. Ҳар куни столда ўтириб овқатланади.

«Бу йигит чиндан ҳам Аргентина мўйнасидан тикилган пальто олиб берармикан?» деб ўз-ўзига савол берди. Бирдан кўз олдида мўйначилар дўкони витринасида кўрган мўйна пальто пайдо бўлди. Ўзини ўша мўйна пальто кийган ҳолда тасаввур қилди. Бу бўладиган иш эмас, ҳозирга қадар у бундай пальтони тушида ҳам кўрмаган. Бу тасаввурга ҳам сиғмайди. Булар рўё эмас, чинга айланган тақдирда у Нажотибей кўчасидаги уйда ақалли бир оқшом ҳам қололмаган бўларди.

Жаврия умрида ҳеч қачон биронга эркакка кўнгил бермаган эди. Агар Сумбул Дуду айтган Ҳожи оға билан яшай бошласа уни кўришдан умуман маҳрум бўлган бўларди.

«Пулини тўлаган одам ўйнашини у ёқ бу ёққа юбориб, ўз ҳолига ташлаб қўярмиди?» деб ўйлади. Ва бирданига сиқилиб кетди. Юраги изтиробдан ўртанди.

— У тентакнинг шоҳона уйи ҳам, мўйнаси ҳам бошидан ордона қолсин!— дея ўрнидан сакраб турди.

Чўнтагидан сигарета қутисини чиқариб, бир дона сигарет олди. Ўчоқ ёнига бориб туташтирди. Хонага кирганидан буён кўзини ҳеч очмай хуриллаб ухлаётган мушукка кўзи тушиб, уйда, иссиққина ўчоқ олдида ҳеч қандай ғам-ташвишсиз оқшомгача ухлаш роса маза бўлишини ўйлади. Ва агар Ҳожи оғанинг таклифи амалга ошади-

ган бўлса, бу асло рад қилиб бўлмайдиган иш эканлигига иқдор бўлди.

Шу пайт хона эшиги очилиб, ичкарига Сумбул Дуду кирди.

— Ие, қоронғида ҳам ўтирадимиз одам? Не хаёллар опқочди сени? Шу чироқни ёқиб қўйсанг бўлмайими? Жаноби Оллоҳ шу электр деганни сени мен учун чиқармаганми? — дея бўйнидан чиққандек кўринадиган қўлини кўтариб, электр тугмасини босди. Унча кучли бўлмаган лампочка ёниб, хона ёришди, Жавриянинг кўзлари қамашди.

Сумбул Дудунинг қўлида патнис, патнисда бир нечта ликопча, ликопчаларда турли таомлар.

— Бугун молимиз касод бўлди, эрталабдан буён бир мижоз ҳам келмаса-я. Бир ёғи тинч ўтирганимиз ҳам яхши. Кечадан қолган рақи бор. Дастурхон тузадим. Кечга яқин қорин таталайди.

Қадахларга рақи қуйди. Жаврияга қадах узатди.

— Ол, Жаврияжоним, шуни сен учун ичайлик.

Жаврия қадахни бир кўтаришда бўшатди. Кафтининг орқаси билан лабларини артди.

— Жоним қурбон бўлсин шу рақиға!.. — дея сўзланди.

Ичкиликни яхши кўрарди. Роса ичиб, кайф қиларди. Бироқ бу сафар у ёққа бориши кераклиги учун кўп ичмади. Шунга қарамай соат тўққизларга бориб, боши айлана бошлади.

Сумбул Дуду «қайнонам» деган кампир ҳам соат еттиларда уйга қайтиб келган эди.

Ошхонада қуйманиб, майда-чуйда нарсалар тайёрлаганди.

Соат тўққизларга яқин қолганида битга, сўнг роппа-роса тўққизда иккинчи меҳмон келиб, Сумбул Дуду хонадан чиқди.

У ёққа кетиш учун кеча ярим бўлишини пойлаётган Жаврия кўрпача устида оёқ узатди. Ярим хаёл, ярим рўё, ярим уйқу, ярим сергаклик билан бир неча соатни ўтказди. Соат ўн иккига яқин ўрнидан туриб, хонага кирган Сумбулга:

— Сумбул Дуду, мен «пирр» этиб учаман энди, — деди.

— Учрашув пайтинг келган шекилли, Фосфорлигинам, тан олавер. Яширинча бир ишлар қилмоқчига ўхшайсан.

Жаврия кўзини қисиб қўйди.

— Чумчуқдан қўрққан тарик экмайди. — деди у ва эшикни шартта ёпиб, елди кетди.

Бу гал уни хонасидан топди.

У Жаврияни одатдагидек хўмрайиб қаршилади ва жаҳлини зўрға босиб:

— Мен сизга бу ерга бошқа келманг дегандим, — деди. — Бу ҳақда қайта-қайта огоҳлантиргандим-ку...

— Тўғри, шундай дегандингиз, лекин мен келмай туролмадим.

Бу унинг ўз ички ҳис-туйғуларини эътироф этиши бўлмай нима эди?

Бироқ у ўзини Жавриянинг бу сўзлари замиридаги маънони тушунмаганга олди.

— Ҳа, ҳаво совуқ, — деди у. — Ҳар ҳолда ётадиган жойингиз бўлмаса керак.

Жаврия салгина олдин ўзи айтган гапдан хижолат бўлиб тургани учун унинг гапни бу томонга йўйганидан хурсанд бўлди.

— Ҳа, — деди у. — Бу кеча жуда совуқ.

Сўнг бирдан овозини пасайтириброк:

— Сени кўргим ҳам келди! — деб юборди.

Бироқ у ўзини эшитмаганга солиб, ёнидан узоқлашди.

Ўша кечаси бошқа сўзлашмалилар. Жаврия унинг бепарволигидан фойдаланиб, ўрнидан турди-да, хонанинг парда билан тўсилган қисмига ўтди ва у ерда уюлиб кетган кир-чирларни ювишга киришди.

Аёлни ички бир туйғу ўзининг бу ерда бўлишини қонуний ва табиий бир нарсага айлантирадиган ишлар қилишга ундади.

Жаврия бу ерда бундай ишлар қилиши мумкин бўлган, ўз зиммасига шу ишлар юклатилган бир аёл сингари уннаб юаркан, у кўкқисидан хонага осиглиқ парданинг у ёғидан деди:

— Бирон нарса еб оласизми? Чой ичасизми?

Уни бу ерга еб-ичиш учун келади, деб ўйлашидан Жавриянинг жаҳли чиқди.

— Йўқ, ҳеч нарса егим йўқ, — деди у. — Ёрилар даражада тўқман.

Уни деб бу қадар ҳаракат қилса, бу қадар ясан-тусан этиб келса-ю, у лоақал бир бор кўз ташламаса. Хафа бўлмай бўлармиди. Лаблари билинар-билинемас титради, унга бир нарсалар демоқчи бўлди. Бироқ дудоқлари очилмади. Шу чоққача ҳис этмаган ички бир туйғу, интизом уни оғиз очишга қўймади.

Ўша кечаси уйқуга ётишдан олдин Жаврия унга:

— Сиз каравотда ётинг, — деди, — мен катда ухлайқолай.

У сўз оҳангидан Жавриянинг ранжиганини пайқади. Ва бу оқшом илк бора кулимсираб:

— Меҳмоним турганида қандай қилиб мен каравотда ётишим мумкин? — деди.

«Меҳмоним» деган сўз Жаврияга шу қадар тотли туюлдики... Ниҳоят у Жаврияни меҳмон сифатида тан олган эди.

— Сенинг меҳмонинг бўлсам нега мени ҳар гал ҳайдайсан? — деб сўради қиз.

Аммо бу сўз оний бир тарзда оғзидан чиқиб кетгани учун каловланиб қолди.

У бўлса ноўрин хатти-ҳаракати учун узр сўрамоқчи бўлган мезбон назокати билан деди:

— Лекин сабабини сизга кўп бор айтганман. Мен бу ерда яширин яшайман. Менинг бу ерда яшаётганимдан на бу бинонинг эгаси, на бу хонанинг асл хўжайини хабардор. Сизга яна айтай, яшириниб юрганим очилиб қолса борми...

Жавриянинг ёноқлари рақи ичгани, ҳаяжон ва хона иссиғидан қирмизи тусга кирган эди.

— Акажон, — деди у, — на сени, на сени яширганларни сотсам мени нон урсин, кўр бўлай. Бироқ бу ерга келиб турсам майлими? Хўп деяқолгин.

У Жаврияга боқди.

Ҳа, Жавриянинг кўзларидан ҳаммаси аён бўлиб турарди.

Бу кўзлар вафодор итдек садоқат ва ялинчоқлик билан қараб турарди. Эркак бу хотиндан қутула олмаслигини аниқ-равшан ҳис қилди. Кўзларида эҳтирос, ишқ ва итоат туйғулари порлаган бу аёл унга нақадар боғланиб қолганини ва бу ришталар узиб бўлмайдиган даражада пишиқ-пухта эканлигини англади. Жаврия ўйлаб-негиб ўтирмай:

— Менинг ҳеч кимим йўқ, Акажон, — деб ёлворди, — гоҳ-гоҳ бу ерга ота уйимга келгандек келиб турсам майлими? Бу ерга келмай туrolмайман.

У ҳеч нарса демади.

Бу гўзал хилқатга назар ташлади. Ювиб-таралган сочлари сумбулдек, дудоқлари эҳтиросли, кўзлари хумор-хумор.

Бирор севгани бормикан, ажабо? Ёки бундай яширин яшаб юраркан, бирон-бир қиз ёки бирон-бир хотин билан янада яқин, бирга ҳаёт кечиришдан қўрқармикан?

Жаврия бунинг тағига етолмади. Бироқ унинг ўзи билан бирга бўлишни хоҳламаётганини, уни ўзидан узоқроқ тутишга азму қарор берганини сезиб турарди.

Бу ҳолат узоқ давом этишини истамагани учун бўлса керак, йигит бирдан Жаврияга орқа ўгирди ва:

— Ҳай, майли, — деди. — Энди ухлайлик. Сиз менинг тўшагимда ётинг. Мен бўлсам катда ухлайман.

Бу ҳақиқатан ҳам ғайритабиий бир ҳол эди.

Айниқса Жаврия учун.

Бутун умрида бунга ўхшаш ҳодисага ҳеч дуч келмаган эди.

Шу қадар ясан-тусан қилиб, ораста бўлиб келганига қарамай унга қўл ҳам тегизмаганидан изтиробга тушди.

Ўз-ўзича: «Фолда бошқа бир хотин кўринган эди-я», деди. Ҳа, унинг бошқа бир аёли борлиги аниқ. Бу аёл уни жодулаб олган.

Жаврия дардини Сумбулга ошкор этмаганидан афсусланди. Сумбул каби хотинлар сеҳр-жодуга устаси фаранг.

Хаёлига келган бу фикрдан уялиб кетди.

Уни иссиқ-совуқ йўли билан севдиришни истамас эди. Севги тўғрилиқча, сеҳр-жоду аралашмаган ҳолда пайдо бўлсинки, шунда Жаврия бахтиёр бўлади.

«Сеҳр-жоду билан қурбақага ошиқ қилдирадиганлар бор эмиш!..»

Унинг ўзи ҳаётда қурбақага ошиқ бўлган эркакни кўрган эмас, бироқ кўрганлар бор, улар ҳатто гапининг ростлиги ҳақида қасам ҳам ичишарди.

Жаврия гарчи ичкилик ичиб келган бўлса-да, яна тонгтача мижжа қоқолмади.

Учинчи ёки тўртинчи гал борганида у илк бор ҳеч қандай эътироз билдирмади.

Олдини ололмаган ва мажбуран қабул қилган бу дўстликни эътироф этишга мажбур бўлди. Биринчи марта ўша оқшом узундан-узоқ суҳбатлашдилар.

— Ҳеч кимингиз йўқми, Жаврия?

— Ҳеч кимим йўқ.

— Ота-онангиздан қачон айрилгансиз?

Жаврия ўзига хуш ёққан «сиз» хитобини завқ билан тингларди.

«Мени бир оқсуяк хоним деб ўйлаяпти!» дея гурурланиб кетди.

— Онамиз ҳам, отамиз ҳам Ҳақ ҳузурига кетган, Акажон, — дея жавоб берди у. — Ғарибу бенаво, етим кўзининг ўзиман. Ёп-ёлғизман.

— Истанбулликмисиз?

Жаврия унга Истанбулдан бошқа бир жой ҳам бормикан дегандек, ҳайрат билан қаради, кейин:

— Албатта! — деди. — Қишлоқи эмасмиз! Истанбулда ўсиб катта бўлдик, Акажон...

Ўрнидан турди ва унинг бундай, унга алоқадор саволлар бераётганидан қувониб, бир чеккага ташлаб қўйган жун камзулидан сигарета олиб чекмоқчи бўлди. У:

— Нима қидириб қолдингиз? — дегунча...

— Ҳа энди, бир тутатайлик дегандим! — дея жавоб қилди.

Шунда у чўнтагидан бир қути сигарета чиқазиб, Жаврияга узатди.

— Олинг, битта чекайлик, — деди.

Ҳа, ораларида илиқлик, бир дўстлик ва қадрдонлик пайдо бўлганди. Жаврия биринчи кунданоқ унинг фақат ишсиз ва уйсиз бўлгани учунгина бу ерда яшаётганига ишонмаган эди.

Жавриянинг бутун умри қамоқхонадан қочганлар, ашаддий жиноятчилар, полиция қидирувида бўлган турли-туман қонундан ташқари кишилар орасида ўтган.

Жаврия яширин яшашга уринишидан унинг қандайдир бир айби бор эканлигини ва қонунга зид бир иш билан шуғулланишини сезарди. У фақат полициядангина эмас, умуман инсон зотидан чўчидиган бир киши эди. Чумчуқ пир этса, юраги шир этади, кўзга ташланишдан, яшашдан қўрқади, омбор одамларга тўла бўлганидагина эмас, ҳатто кимсасиз бўлган чоғларда ҳам инидан чиқмайди.

У жуда катта эҳтиёткорлик билан яшаётгани сезилиб турарди.

Аста-аста у Жаврия бунни тушуниб етганини, шу боис энди бундан ундан яшириб ўтириш бефойда эканини сизди. Ниҳоят бир куни Жаврияга очиқчасига:

— Бу ерга келаётганингизда у ёқ-бу ёққа қараб келинг, кўзим, — деди. — Орқангизга полиция тушган бўлиши мумкин, қаёққа кетаётганингиздан шубҳаланишлари, сўнг бу ерни топиб келишлари мумкин...

Кейин овозини янада пасайтириб илова қилди:

— Бунни ўзингиз тушунсангиз керак, — деди, — полициянинг бу ерни билиб қолишини истамайман.

Жаврия ёш боладек хандон ташлаб кулди ва кўзини қисиб:

— Айтмаган бўлсангиз ҳам мен бунни кўпдан бери билиб олганман, Акажон, — деди. — Ўлибманми хитларнинг бирортасини бу ерга эргаштириб келтириб, ундан кўра ўлиб кўяқолганим яхши эмасми?!

Жиддий суҳбат кетаётган бир паллада Жавриянинг бундай қасам ичиши унинг кулгисини қистатди.

У ҳам Жаврияга қандайдир боғланиб қолгани аниқ эди.

Бу ёлғиз, яширин, кимсасиз ҳаётига кирган, бу ерга бутун кўчани олиб келган бу қизга балки ташқарида тутмоқ мажбуриятида бўлган ҳаётининг бир парчаси каби ўрганиб қолган эди.

Жаврия ҳам унинг муносабати илиқлашганини ҳис этгач, бу ерда ўзини анча эркин тутадиган, у билан кўпроқ гаплашадиган, содда-

ларча очилиб сўзлайдиган, беғубор қалбини бемалол очиб ташлайдиган бўлиб қолди.

Бироқ у ҳамон икки оёғини бир этикка тиқиб олганича Жавриянинг кўча қизи эканлигини билмасликка олишда давом этарди. Жаврияга ҳалигача бирор марта қочирим, тағдор гап айтмаган, бу тоифа аёллар билан эркаклар гаплашадиган тилга ўтмаган эди.

Унинг аслида ким эканлигини билишини бирон дафъа бўлсин билдиргани йўқ.

У билан кўча қизи эмас, балки ифбатли бир қиз билан суҳбатлашаётгандек гаплашар, оила доирасига тааллуқли саволларигагина жавоб олган эди, холос. У билан муносабатларида, яъни бу ажойибу ғаройиб дўстликлари мобайнида Жаврияни бахтиёр қилган кўпгина хотиралар бор эди. Бу хотиралар орасида унинг хонасида ўтказган бир ёз кечаси энг тотлиси эди.

Қамоқда ётганида бу кечани ширин бир тушдек кўп эслаган, турманинг темир панжаралари ортидан осмонга боқаркан, болохона деразаси ортидан юлдуз тўла осмонни томоша қилган ўша кечани хотирлаган эди.

У билан кўришмаганига йигирма беш кунлар бўлганидан кейин бир кечаси у ерга борганди. Йигирма беш кун давом этган дайдиликдан сўнг бирдан қалбида жўш урган соғинч ҳисси исириқдондан уфурган муаттар бўйдек, бутун борлигини қамради ва сархуш қилди. Шунда у саёқлигини дарров унутиб, қаттиқ изтироб ва ҳасрат оғушида иштиёқ билан дарҳол у томон чоғлан эди.

Кўпдан бери кўрмагани учун Жаврияга гўё у уни соғингандек кўринди.

Жаврияни табассум билан қаршилаган ва:

— Шунча вақт қаерларда қолиб кетдингиз? — деб сўраган эди.

Ҳаво ниҳоятда иссиқ бўлгани учун деразаларни очиб қўйишга тўғри келди. Деразани очадиган бўлишса чироқни ўчириб қўйиш лозим. Болохона деразаларидан бири нақ унинг каравотининг устида эди.

Пардаю деразалар очиқ, Жаврия унинг тўшагида чалқанча ётганча, очиқ деразадан осмонни томоша қиларди.

Кўк ўша кечаси ложувард рангга кирганди. Осмонда бениҳоя кўп юлдузлар жимирлар эди.

Жаврия ҳаётида икки нарсани ниҳоятда яхши кўрарди. Денгиз билан осмонни...

Денгиз унга отасининг боғидаги хусусий ҳовуздек бўлса, осмон гўё ётоқхонасининг шипи эди.

Кейинги йигирма беш кун мобайнида денгиз ва кўк оғушида бўлиб, бу ерга келмаган эди. Ҳар куни денгизда чўмилган, ҳар кеча қирда очиқ ҳавода ётиб, кўкни томоша қилганди.

Бироқ осмон унга ҳеч қачон бу оқшом кичкина бир дераза ортидан кўрингани сингари бунчалик гўзал бўлиб туюлмаган эди.

Ҳаво ниҳоятда иссиқ. Асабларни толиқтирадиган, вужудларни бўшаштирадиган иссиқ эди бу...

У катга ётганча сигарета чекарди. Жаврия ҳам сигаретанинг бири тугамай, иккинчисини туташтиради. Қоронғи хона ичида икки сигаретанинг учи тиллакўнғиз сингари гоҳ қизариб, гоҳ сўнади.

Иссиқдан аъзои бадани бўшашиб, лоҳас бўлган Жаврия кўкка боқиб ётаркан, у билан сўзлашгиси келди ва унга:

— Бу юлдузларнинг ҳар бири ўзга бир дунё эмиш, ростми? — деб сўради.

— Ким айтди буни сизга?

Унга бир лицей талабаси айтганди. Бундан бир неча кун олдин денгиз бўйида танишгандилар. У ҳам пляждан ташқарида ювинаётган эди. Иккови бир-бирига яқин келгач, ўз-ўзидан суҳбат бошланиб кетди, суҳбат Яшилкўй қирларида бирга тунаш билан якунланди. Бу йигит бутун кеча давомида унга юлдузлар ҳақида турлитуман гапларни айтиб берган, уларнинг ердан ва бир-биридан қанчалик узоқликда жойлашганини, худди ўзи метрлаб ўлчаб чиққандек, қатъият билан айтган эди. Зерикиб кетган Жаврия охири уни:

— Ҳой ёлғончи, сафсатаггни йиғиштирсанг-чи... — деб силтаб ташлаган эди. Ҳозир бунга иқрор бўлишдан негадир уялди ва унга:

— Худо ҳаққи, ўзим билмайман, эшитганимни айтдим, — деб жавоб қилди. Сўнг айёрона илжайди. У қоронғида буни кўрмади.

— Менга шундай дейишганди, бироқ ишонмадим... — дея илова қилди Жаврия. — Бунчалик кичик юлдузлар қандай қилиб дунё бўла олиши мумкин? У ерга Англия, Америка, Туркия, Арманистон, Франция каби мамлакатлар қандай қилиб сиғиши мумкин? Шу митти юлдузга Истанбул ёки Измир жойлашиши мумкинми ҳеч?

Унинг кулимсирагани овозидан билиниб турарди.

— Юлдузлар жуда узоқда, шу боисдан улар кичкина кўринади. Аслида улар кичкина эмас...

— Қанча узоқ бўлса бўлсин, аммо улар ҳеч қачон дунё бўлолмайди.

Анча жим қолишди. Кейин Жаврия бирданига:

— Дунё бўлмаганлари ҳам кўп яхши! — деди.

— Нега?

— Юлдузларнинг юлдуз бўлгани, фақат нур сочиб тургани кўп яхши. Баладиянинг<sup>1</sup> кўча чироқлари бўлгани сингари, юлдузлар Оллоҳнинг чироқлари. Кўк гумбазини безатиш учун Оллоҳ уларни осмонга қадаб қўйган. Биласанми Акажон, мен кўкка боқдим дегунча нени эслайман?

— Билмайман, Жаврия.

— Отарчиларнинг ялтироқ қўйлаклари кўз олдимга келади. Уларнинг тангача ёпиштирилгандек кўринадиган қўйлакларини ёқтираман. Сен ёқтирмайсанми?

— Отарчиларнинг ялтироқ қўйлагини ҳеч кўрмаганман.

— Ҳеч кўрмаганмисан?

— Кичкина болагигимда онам олиб борган, бироқ яхши эслай олмайман.

— Онангми?

— Нега ҳайрон бўляпсиз? Ҳаммада бўлгани сингари менинг ҳам онам бор. Нима, онам бўлмаслиги керакми?

— Бўлади, албатта. Ҳамманинг ҳам онаси бўлади, сеники ҳам бор, албатта.

Овозидаги ҳаяжонни билдирмасликка уриниб:

— Онанг тирикми? — деб сўради.

— Ҳа!

— Истанбулдами?

— Йўқ, узоқда, анча узоқда, — деди. — Унинг овози бирданига ҳазинлашди.

Жаврия ўқсиниб:

— Узоқда бўлса ҳам онанг бор экан-ку! — деди, сўнг: — Менинг онам бўлмаган, — дея илова қилди.

У:

— Онасиз бола туғилмайди! — дегунча:

— Мана мен онасиз туғилганман, — деди. — Ҳеч қачон онам бўлмаган. Осмондан тушган бўлсам керак. Мен ҳақиқатан бирор аёлдан туғилганманми, йўқми, худо ҳаққи, билмайман.

«Осмондан тушганман» деркан, юлдузларга қаради. Уларнинг жимишлаши шунчалар яхши кўриниб кетдики, бирданига содаларча ҳазин товушда деди:

— Балки бўлса бордир. Модомики, у юлдузларнинг ҳар бири бир дунё бўлса, балки мен ўша ердан бу дунёга тушиб қолгандирман.

---

<sup>1</sup> Б а л а д и я — туман ёки шаҳар ҳокимлиги.

Жимирлаган юлдузлардан тушган киши бўлиш унга ниҳоятда ёқиб кетди ва:

— Балки шунинг учун ҳам менга фосфорли деб лақаб қўйишгандир, — деди ва бирданига ажиб бир севинч туйғусини ҳис қилди.

У Жавриянинг болаларча содда, узук-юлук сўзларини жим туриб эшитаётганди.

Жаврияга ўз сўзи яна маъқул тушмади:

— Бунчалик юқоридан тушсам, балки мажақланиб кетган бўлардим.

Қўққисдан кўзи олдида мудҳиш бир манзара гавдаланди.

Бир куни Кумри Фатош исмли бир қиз «Боязид ёнгин минорасига чиқайлик» деб барчани ҳоли-жонига қўймади.

Ўша куни улар тўрт қиз эдилар. Июнь ойининг ажойиб кунларидан бири. Ҳаво ҳали унча иссиқ эмас. Мовий осмон тип-тиниқ ва мусаффо.

Кумри Фатош ҳаммага патта олиб, уларни минора тепасига олиб чиқди.

Қизлар ҳазил-ҳузул қилиб, хандон ташлаб қулишади, Фатош ҳам баробар ўйнаб-кулаётганди. Бироқ биров не бўлганини англашга ҳам улгурмасдан Кумри Фатош ўзини минорадан пастга отди. Қизлар унинг пастга қандай учиб тушганини ўз кўзлари билан кўришди.

Кейин бечора Кумри Фатошнинг гавдасини пастда, тошлар устида мажақланиб кетган бир ҳолда кўрдилар.

Уч қиз дод солиб, айланма зиналардан югуриб тушган эдилар.

Бу зинапоядан тушиш нақадар машаққатли, нақадар даҳшат бўлган эди.

Нега Кумри Фатош ўзини минорадан пастга отди? Ўйнаб-кулиб туриб, бирдан ўзини ташлашига сабаб нима? Боши айландими, мувозанатини йўқотдими ёки ақлдан оздими?

Жаврия ҳам, қизлар ҳам ўйларининг тагига етолмадилар.

Кумри Фатош яхши қиз эди. Доим хушчақчақ, шўху шодон юргувчи эди. Ўзи қишлоқдан чиққан. Бир зилзила пайти етим қолган, уни шаҳарга опкелиб, тарбиялашган. Бир оила уни фарзандликка олган, аммо бу оилада нелар бошига тушмади унинг. Охири азоб-уқубатларга чидамай, шу атрофдаги боёнларнинг уйида қоровул бўлиб ишлайдиган бир ёш йигит билан қочиб кетди. Бироқ йигит у билан атиги бир кеча яшади холос. Боёнлар ўша кунгидек ҳамма гапни билиб олишганди. Қишлоғида хотини бўлган қоровул йигит ишдан ҳайдаб юборишларидан кўрқиб, Фатошни эртасигаёқ уйдан чиқариб юборди.

Қочган уйига қайтишга Фатошнинг юраги бетламади. Шундан сўнг у кўча қизига айланди.

Жаврия эсига тушган бошқа нарса ҳақида баланд овоз билан деди:

— Бир марта Такфур саройидан пастга бир одамни отишди. Мен ўша ерда ўтлар орасида дам олиб ётган эдим. Қарангки, бу балога йўлиққурга ҳеч нарса бўлмади. Мушукдек оёқ устида тушди. Дарров ўрнидан сакраб турди-ю қочди кетди, ҳатто оқсагани ҳам йўқ.

— Демак, сиз юлдузлардан ерга оёқ устида тушган экансиз-да?

— Акажон, мен қачон, қаерга тушмай доим оёқ устида тушаман. Денгизнинг қуми бор, менинг омадим бор. Қолаверса, илло, ер устига тушиш шартми? Сен кўприкдан денгизга қалла ташлаган сузувчиларни ҳеч кўрмаганмисан? Ҳатто мен ҳам Унқапани кўпригидан ўзимни ташлаб кўрганман. Сувга тушсанг ҳеч гап бўлмайди. Балки мен юлдуздан сувга тушган бўлсам керак.

Сўнг кулимсираб:

— Тўғрисини айтганда, бу бир тахмин холос, — деди. — Лекин Республика байрами кунини учоқлардан парашютда тушганларни кўрганман. Оҳиста сузиб, ерга қўндилар. Ҳеч кимга ҳеч нарса бўлгани йўқ.

Унинг овозидан ҳамон кулимсираётгани биланиб турарди.

— Балки Оллоҳ сизни юлдузлардан бу дунёга парашютда ташлагандир?

Жаврия:

— Йўқ, — дея жавоб қилди. — Бундай бўлмаса керак. Ҳар ҳолда мен осмондан тўғри денгизга тушган бўлсам керак. Чунки эсимни таниганимдан буён кўприк остида тунаб, нуқул денгизда чўмиламан. Хотирамда қолгани шу.

Анчагача жим қолишди. Сўнг Жаврия:

— Кўприк остида денгиз ниҳоятда гўзал товланади, — деди. — Кўкимтир, бунинг устига денгиз доим тўлқинланиб туради. Бейўгли дўконлари витриналарига газмолларни қат-қат қилиб осиб қўйишади-ку, худди шунга ўхшайди. Галата кўпригининг остида денгиз жуда чуқур. Бир кунини шўнғиб, сув остида бир нарса опчиқмоқчи бўлдим, нафасим қайтди. Ҳеч тагига етолмайсан, ўпқонга ўхшайди. Болалар бу ернинг чуқурлиги етти минора узунлигига тенг келади, дейишарди. Бўлса бордир. Кўприкнинг устида сайр қилганмисан ҳеч? Йўсин ва пароход тутуни ҳиди уфуради. Хуш ёқадки кишига.

Жаврия дераза томон юз буриб, ҳавони ҳидлади.

— Бу ердан ҳам доим тутун ва йўсин ҳиди келади. Денгиздан денгиз ҳиди келади. Шу боис уни яхши кўраман. Денгиз ва балчиқ ҳиди бор. Денгиздан тарвуз ҳиди келади. Шундай эмасми? Кечалари кўприк остида ўтириб, оёқларимни денгизга солган ва ўша ҳидни сезган заҳоти тарвуз егим келади.

Жаврия кулиб илова қилди:

— Баъзан ахлат ташувчи қайиқлар денгизга ахлат ағдаришади. Аксига олиб, шамол жанубдан эсиб қолса борми, ахлатнинг ҳаммаси кўприк томонга оқиб келади. Денгизнинг шундай ажойиб ҳидига ахлатнинг қўланса ҳиди аралашади, оқибат — кишининг кайфи бузилади. Ўшандай вақтларда балиқчи қушларнинг чарх уришини кўрсанг. Бечора қушлар. Бир нарса топадигандек ўзларини ахлат уюмига уришади, гоҳ кўтарилиб, яна пастга тушишади, учади, кўнади, учади, кўнади бечоралар. Ахлат уюмлари қирғоққа келиши билан кўча болалари балиқчи қушлар каби ахлат устига ташланадилар. Акажон, бу ахлат ичидан нелар чиқишини билсайдинг. Ажойиб қутилар, тахта парчалари. Тахталарни қуёшда қуришиб, ўтин ўрнида кекса хотинларга сотишади, нон пули чиқади. Менинг болалигим денгиз бўйида, денгиз ичида ўтди.

— Демак, ота-онангиз кимлигини билмайсиз?

— Онамни ҳечам билмайман. Гўдаклик чоғларимда ёнимда бир касалванд одам бўлгучи эди. Ориқ, узун бўйли. У кишини жуда яхши кўрганимни эслайман. Эслаган заҳоти соғинаман. Нега яхши кўрганимни билмайман. Эҳтимол, у киши менинг отам бўлгандир.

Жаврия бир оз жим қолди. Сўнг кулиб:

— Балки юлдуздан денгизга тушган пайтимда мени топиб олган кишидир у, — дея ҳазил қилди. Бу оқшом у ўзига-ўзи ҳазил қилгиси келаётганди.

— Сиз бугун юлдуздан тушганингизга тамоман ишонганга ўхшайсиз.

— Тўғрисини айтсам, бу гўзал юлдузларни кўриб, ихтиёрим қўлимдан кетганга ўхшайди. Юлдуздан тушган киши бўлиш менга жуда ёқади. Шундай эмасми Акажон?... Кўзиқорин эмасманки, ердан бодраб униб чиққан бўлсам.

Жаврия бирдан жим қолди. Қалбини чексиз бир ҳазинлик қамради. Сўнг у ўқсинган бир товушда сўради:

— Сенинг онанг бор экан, Акажон... Менга айт-чи, онани жуда яхши кўришадими?

Йигитнинг товуши меҳр-муҳаббатга йўғрилган ҳолда жаранглади:

— Онани жуда яхши кўришади, Жаврия!

— Ўша ориқ ва хаста киши ҳар ҳолда менинг отам эди, чунки уни эсладим дегунча қалбим қувончга тўлади. Бир куни у кўприк остида ўлди. Агар у отам бўлмаганида мени бунчалар яхши кўрмаган, мени бу қадар парвариш қилмаган бўлурди. У борлигида ғам-ташвиш нелигини билмасдим. Менга иссиққина кестана<sup>1</sup> олиб берарди. Ўзи емай менга едирарди. Уйкуга ётганимизда мени қўйнига олар, совқотган оёқларимни қўйнида иситарди, камзули, пальтоси, хуллас, борини устимга ёпарди. Бугун борлиги билан мени совуқдан асрарди.

Жаврия жим қолди, сўнг қўққисдан:

— Сен ҳам ўша тобим қочган кечаси мени пальтонг билан ўралинг!.. — деди.

Ўша воқеани эслаб ҳаяжонланиб кетди. Бу воқеа кўприк остида устига пальто ташлаб, уни совуқдан асраган кишини эслатганидан жуда ҳайратга тушди. Сўнг астагина:

— Отамга ўхшаб... — дея шивирлади.

Жаврия шу чоққача ўтмиш хотираларидан ҳеч кимга сўз очмаган ва бу хотираларни эслаганида ҳеч қачон кўзларига иссиқ ёш тўлмаган эди. Энди бошидан ўтказганлари тўғрисида сўзлар экан, тош қотиб музлаб ётган бу эски хотиралар тўсатдан эриб, жонлана бошлади.

Ўтмишдаги воқеалар худди ҳозир бўлиб ўтаётгандек туюларди. Аввалги шодлик онлари ҳам, ғам-андуҳли лаҳзалар ҳам худди ҳозир содир бўлаётгандек қалбига таъсир қиларди. Энди Жавриянинг сўзлари бамисоли беморнинг алаҳсирашига ўхшаб кетарди.

— Ҳа, худди шундай, у киши жуда яхши одам эди. Мени яхши кўрарди. Кўприк гўё отасининг мулкидек остида тунашни тақиқлашади. Отам кечалари мени баржаларнинг хилват бир гўшасига олиб борар, ўша ерда тунардик. Ёлғон бўлса худо урсин, отам мени шундай боққан, шундай боққанки, бундай ҳаёт ҳатто лордларнинг тушига ҳам кирмаган. Ўзи емай менга едирар, ўзи ичмай менга ичирарди. Еганим олдимда, емаганим кетимда эди.

Кўприк остида, бечора касалванд одам ёнида ўтган умридан Жаврияда ҳақиқатан самимий хотиралар қолганди. Жаврия бу даврни ҳаётининг энг масъуд ва бахтиёр палласи каби ёдга оларди.

Зотан Жаврия озгина нарсага ҳам қаноатланадиган одамлар тоифасидан эди. У бутун умрининг деярли ҳар бир кунини мана шун-

---

<sup>1</sup> К е с т а н а — каштан ёнғоғидан пишириладиган таом.

дай мамнуният билан ёдга оларди. У табиятан ҳаётсевар инсон эди. Турфа рангларга тўлиқ ҳаёт унга доим мафтункор, гўзал ва ранг-баранг туюларди.

— У ўлган кун кўп йиғладим. Ўша кунимиди ёки бошқа кунимиди, эсимда йўқ, кўприк остидаги шумтакаларнинг бармоқларини бигиз қилиб мени кўрсатишаётгани ҳамон кўз ўнгимда. Аниқ эслай олмайман. Бирон айб иш қилганмидим ёки баладия кун тугиб, кўча болаларини Дорулжазога опкетиш учун қидирув бошланганмиди, хуллас, нечунлиги эсимда йўқ, атрофимни полициячилар ўраб олган. Мен бирдан қочдим, понтондан понтонга сакраб, қочиб кетавердим. Сичқон инига ўхшаш тор тирқишлардан ўтиб кетдим. Бу жойлардан полициячилар у ёқда турсин, бошқа болалар ҳам ўтолмасди. Фақат бўй-басти меникидай бўлган болакайларгина бу тирқишлардан ўта оларди. У бўлди, бу бўлди, чопа-чопа полициячилар кўлидан қутулиб кетдим. Худди мана шу қаричимдек кичкина зумраша эдим ўша пайтлари.

Полициячиларни лақиллатгани эсига тушган шумтака боладек ҳузурланиб қолди.

— Сўнг устига қандай чиқдим, билмайман, бир сувсиз фавворанинг ичига биқиндим. Ҳар ҳолда мени Унқапани кўприги устида қувган бўлсалар керак. У пайтлари ҳозирги кўприк йўқ эди. Ҳар ҳолда шундай бўлса керак, чунки янги кўприк қандай қурилганини яхши эслайман. Шундай қилиб, кечалари фаввора ичидан чиқиб, у ёқ-бу ёқда тентирар, даста-даста сабзавот чиқиндиларини топардим. Мен ҳам балиқчи қушлар каби бу ташландиқ сабзавот орасидан ризқимни терардим.

Жаврия жим қолди, кейин осойишта ва хотиржам товушда:

— Оллоҳ буюк, — деди. — Бандасини ризқсиз қолдирмас. Менинг ризқим чиқиндилар орасида эди. Ҳа, ризқ-рўзим шу бўлди. Шу туфайли ўлмай қолдим. Истанбулда кимса очилан ўлмайди. Гадо бўлса бордир, лекин очликдан ўлган йўқ. Хайр-садақа ҳисобига ҳам яшаш мумкин. Таваккалчининг ишини худо ўнглайди, деб бежиз айтишмаган.

— Сиз шу қадар севадиган Оллоҳ ризқингизни сизга тоза-покиза ҳолда беролмасмиди, ажабо?

— Оллоҳнинг ишига аралаштириб бўлмайди! — деди Жаврия. — Пешонамизга не ёзилган бўлса, шуни кўрамиз, тақдиримизда бори насиб бўлади.

Ҳисорда Жавриянинг ўзини унинг қайиғига олиб тушган ҳам тақдир азал эмасми?

Жаврия толеи ва тақдирдан ҳеч қачон норози бўлмаган. Ҳаёт-да кўрган-билганидан яхшироқ нарсалар бўлиши мумкинлиги ҳаёлига ҳам келмас, бундан яхшироғини ҳам билмас ва шунинг учун ҳам ҳеч қандай хафагарчилиги, армони йўқ эди.

Юлдузларга тикилиб, оҳиста товушда гоҳ шодланиб, гоҳ маъюсланиб, гоҳ қаҳқаҳа отиб, гоҳ хўрсиниб, ҳаётининг энг зўр дамлари ҳақида сўзлашда давом этди.

— Ризқимизни Оллоҳ бериб турибди, шунинг учун ҳам биз тирикмиз, Акажон, — деди. Сўнг яна давом этди: — Не-не машаққатлар тортмади Жаврия, Оллоҳу карим уни ўз паноҳида асраб келяпти. Шу Истанбул кўчаларида қанча тентирамадим дейсиз. Оллоҳ мендан воз кечдими, йўў... Бу ёруғ дунёда отам йўқ, онам йўқ. Улкан шаҳарни гўё душман боғандек, қаерга борма қувиб солишадди. Шундай бўлса-да, биз ҳам бўш келмадик. Шунча вақтдан бери ким пешонамизни силади? Шу ёруғ жаҳонда на бошпанам, на ўчоқда ошим бор. Оллоҳ буюк. Мен унга шукр қиламан. Бир ғамхўри бўлмаган мендай бечорага вояга етгунига қадар ким ризқ берди? Бўш қайиқ топдик дегунча болалар билан балиқ овлаш учун денгизга чиқардик. Чиртлоқ Ҳамди деган бола бор эди. Бир куни мудириятнинг иккинчи қаватидан ҳовлига сакраса бўладими? Қандай сакради-я, ёқангни ушлайсан! Денгиздан балиқ тутиб келдик дегунча у бизга зайтун ёғи топиб келарди. Қаердан оларди — билмайман, лекин ҳамиша зайтун ёғи опкеларди. Дарров бир ўтлоқда гулхан ёқиб, денгизданми, чиқиндилар орасиданми, қаердандир топиб келган консерва қутиси ичига зайтун ёғи тўлдириб, балиқни қовурардик. Қиш кунлари бўлса қорда қопқон қуриб, тузоқ қўйиб, қуш тугардик ва дарҳол ўша ернинг ўзида пишириб ердик. Кўпинча қайиқлардан мева, сабзавот тушириб берардик. Мол эгаси бизга пул бермас, мева-чевадан истаганингизча енг, дерди. Бир гал қайиқдан мушмула<sup>1</sup> туширдик. Эгаси қўлимизга сават берди. Оқшомга қадар ишлаб, ҳолдан тойдик. Бироқ у киши охирида бир сават мушмула берса бўладими?! Болалар билан бир ўтиришда ҳаммасини паққос туширдик. Мен кўн еворганим учун касалланиб қолдим. Мушмула заҳарли эмас, аммо... Ҳар нарсанинг ози яхши, кўпи кўплик қилади. Хуллас, хасталаниб, кўчада йиқилиб қолдим. Касалхонага ётқизишди. Ошқозонимни ювишди. Дорулжазога тушишимга сал қолди. Қорақўлнинг деразасидан чиқиб қочиб кутулдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўша кечаси бизнинг бечора Филай Фотининг оёқла-

---

<sup>1</sup> Мушмула — мева.

рини трамвай чўрт узиб юборган эди. Агар билсанг, юқорида, Фотиҳ кўчасига яқин ерда бир эски мадраса бўлгучи эди. Унинг хужраларида бева-бечора, камбағал кишилар яшарди. Шаллақи Амина деган бир хотин ҳам ўша ерда яшарди. Бир куни у менинг ва менга ўхшаш бир неча боланинг кўзига чўп солди. Биз тиланчилик қиладиган, оқшом пайти топганларимизни унга келтириб берадиган бўлдик. У бўлса бизни ювиб-тарайдиган, овқат пишириб берадиган бўлди. Истанбул кўчаларини ўзаро бўлишиб олдик. Анчагина пул топдик. Оқшом пайти пулни опкелиб бердик. У ўша оқшом гўмма пиширган экан, бизни гўмма билан сийлади. Ўзиям гўммамисан, гўмма бўлган экан, товоқларни ейишимизга сал қолди. Ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Кечаси тагимизга похол тўшак ёзди. Ёнма-ён ётдик. Эрта-лаб бизни яна кўчаларга тарқатиб юборди. Яна тиландик. Бироқ у бу оқшом бизга гўмма эмас, қовурилган ловия берди. Кейинги куни бугдой гўжа ичдик. Тўртинчи куни бўлса фақат тешиккулча берди. Хотин бизни лақиллата бошлаганини тушундик. Бизни оч қолдиргани етмагандай, кундузи бизни топмаса, кечаси калтаклар эди. «Ярамаслар, валадизинолар. Амина момонгиз бу дунёга оқшомлари сен ҳароми текинтомоқларнинг қорнини тўйдириш учун келганми? Кундузи шаталоқ отиб ўйнаб юрасизу, кечалари юмшоқ тўшакда ётишни, ширин таом ейишни хоҳлайсизми?...» дея бақириб-чақириб кетарди. Бир куни болаларнинг ҳаммасини тўплаб дедим: «Бу шаллақи кампир бизни эшакдай ишлатади. Бироқ ошу нон бермайди, бунинг устига калтаклайди ҳам. Нега энди унга мардикорлик қилишимиз керак? Ҳозиргача бизни у боққанмиди? У бўлмаса оч қолармидик?» Хуллас, болаларни қайрадим. Болалар масалани тушунишди. Ўша кундан бошлаб Амина учун ишламайдиган бўлдик. Мен унинг ёнига бордим. Болаларнинг энг каттаси мен эдим. «Менга қара, онагинам, — дедим унга. — Биз ўзаро гаплашиб сен билан ишламасликка қарор бердик. Сенга ҳар куни пул келтириб берсакда, ҳақимизни бермаяпсан. Биз каби етим-есирларнинг ҳақини ейиш гуноҳ эмасми?! Бир оёғинг ерда, бир оёғинг гўрда. Гўрков Маҳмуд сени интизор бўлиб кутиб ётибди, қачон бўлса ҳам муздек лаҳадга кирасан. Шундай экан, Оллоҳдан қўрқмайсанми? Сен бизларни ондан ҳафтафаҳм туғилган, ақли қисир ёки эшакмия деб ўйлаганмидинг? Бундан кейин сен билан ишламаймиз!» Кампир бирдан кўпириб-тошди. Супургини олиб, мени ура кетди. Қовурға суякларим пешрав куйини чалди. Мен дод солдим дегунча, эшик ортида пойлаб турган кузғунларимиз ичкарига ёпирилиб киришди. Ҳаммаси зумраша, бироқ уччига чиққан безори. Орамизда Кўчқор Мустафо

деган бири бор эди. У ҳозир ҳам Галатанинг балойи азми. Уришса кўчқорга ўхшаб нукул калла қўяди. Бир калла қўйдими, агар Рус-тами Достон бўлса-да, йиқилади. Бошига темир билан урсанг ҳам таъсир қилмайди. Бу болани онаси танк қилиб туққан дейсиз. У пайтлари ҳали ўзи муштдек бўлса-да, калласи ҳозиргидай катта эди. Хуллас, у кампирга бир калла қўйганди, чўзилди қолди. Болалар ҳашоратдек ҳар тарафни тита кетишди. Кўрпа-ёстиқ ҳам қолмади. Анчагина пул чиқди. Кампирнинг қўлини боғладик. Пулни унинг кўзи олдида тақсимладик, хотинга ҳам барча билан баробар улуш ажратдик. Ҳар биримизга уч-тўрт соққа тегди. Кейин кампирнинг қўлини бўшатиб, чиқиб кетдик. Хотин қорақўлга шикоят қилса керак, деб анчагача хавфсираб юрдик. Қорақўлдагилар қўлимиздан олиб қўймасидан олдин пулни сарфлаш ниятида олдин қандолатчига, ундан кейин муҳаллебичига<sup>1</sup> бордик. Ўша кунгача муҳаллеби еб кўрмагандим. Ошпаз устига гулоб сепди. Таомдан гул бўйи уфуради. Битта едим, сўнг яна битта олдим. Кейин кўчага чиқдим. Дўконларнинг витриналарини томоша қилдим. Тайёр кийимлар осиглиқ. Бу либосларни томоша қилаётганимда ёнимда бойқушкўз киши пайдо бўлди. Дўконга кирсам, бола бўлганим учун менга қўйлак сотмайдилар, бунинг устига пулни қаердан олдинг, деб сўрайдилар дея қўрқдим. Ўша одамга: «Амаки, — дедим, — мана шу пулни олиб, ичкаридан анави қирмизи қўйлакни менга олиб беринг...» Қўлимдаги пул у қўйлакни сотиб олишга етмасди ҳарҳолда, бироқ бойқушкўз гинг демади. Пулни олиб дўконга кириб кетди. Бироқ қайтиб чиқмади. Текин келган тез кетаркан. Бу аблаҳ бизнинг яканни олиб, жуфтак ростлаб қолган экан. Кампир ўзининг айби борлиги учун қорақўлга хабар бермаган бўлса керак, полиция-молиция бизни тутмади. Бошқа сафар яна бир муттаҳамга дуч келдик. Ҳаммамизни чўнтаккесарликка, қорадорига ўргатишига сал қолди. Мен сўйлайу сен эшит. Шу Истанбул ичида не ўйинлар борлигини бир кўр. Бир кўни тизза бўйи қор ёрди. Қорбўрон ҳануз давом этарди. Трамвай йўлларини тозалашар, бироқ кўп ўтмай излар яна қорга кўмилиб қоларди. Трамвайлар, бир-бир, аста-аста юради. Истанбулда ана шундай қорбўронли кунлар бўлиб туради. Бундай вақтларда истанбулликлар шаҳарни гўё кўча болалари ихтиёрига ташлаб, уйларига биқиниб олишади. У вақтлари Жўхорибозори ва у ердаги боғ ҳали йўқ эди. Биз, болалар, автомобиллар ҳосил қилган из устида турардик. Болалардан бири ёки бир нечта-

<sup>1</sup> М у ҳ а л л е б и — гуруч унидан тайёрланадиган киселга ўхшаш таом.

си босмахонадан ўмариб чиққан бир қучоқ қоғозни ёқиб, атрофида исинаётгандик. Автомобилларнинг гилдирақларига занжир тақилган, тақур-туқур этиб, ўтиб кетишарди. Эминўну майдони, Янгижоме камарининг олди бўм-бўш, истасанг от чоптир, чавгон ўйна. Хуллас, биз — беш-ўнта шумтака гулхан теварагида исиниб турибмиз. Тўсатдан ёнимизда бир барзанги йигит пайдо бўлди. Эгнида японги қора пальто. Бўйнида қизил шарф. Бир кўзи иккинчисидан каттароқ, бурни ўроқдек бир олифта. Қўллари чўнтагида. Бизни бироз қузатгач:

— Ҳой шумтакалар, — деди, — тўнғиз қўпасиз-ку бу совуқда. Нима, уй-пуйингиз йўқми? Боринг уйингизга кетинг. Нима бало, ота-онангиз йўқми, хавотир оладиган?

Ёнимдаги болани туртиб, қулоғига дедим:

«Оғайничалиш, бу ҳариф хитга ўхшайди. Бизни тутишмоқчи шекилли!» Ёнимдаги Чўлоқ Шавкат эди.

«Ундай бўлса яхши-ку, — деди у. — Балки Қоракўйдаги мактабга олиб боришар».

Сўнг у келувчига юзланиб:

«Уйимиз борми-йўқми сенинг нима ишинг бор?» — деди.

«Сенларни тукқан оналарни худо урсин, нега улар сизларни излаб келмайди?»

«Менинг онам ўйнашларидан ортмайди, мен ҳақда ўйлашга вақти йўқ, — деди Шавкат. — У йигирма тўрт соатнинг йигирма бешини тўшақда айғирлар билан ўтказди. Уйга бориб нима қилардим? Номуссизларча ҳаром ишга гувоҳ бўлайми?»

Бизнинг Чўлоқ Шавкат у пайтлари етти-саккиз ёшларда эди. Унинг сўзи барзангига ғалати туюлди шекилли, олдин кулди, кейин:

«Аҳмоқ, — деди. — Сен ҳали она сути оғзидан кетмаган болакайсан. Номус қилишинга ҳали эрта. Бу ерда лақиллаб юрмай, уйингга бор. Онангнинг ўйнаши бўлса бўпти, сенга нима?»

Чўлоқ Шавкат хўроздек хезланди.

«Акам, сен йўлингдан қолма, — деди у. — Биз сен айтганчалик беномус лаққи эмасмиз».

Чўлоқ Шавкат кўп яхши бола эди. Охир-оқибат номусига чидай олмади. Фоҳиша онасини ўн йилдан сўнг отиб ўлдирди. Ўзига ҳам ўлим жазоси берилди. Ўша куни барзанги йигит боланинг сўзларидан роса кулди.

«Билдим, — деди у. — Борадиган жойингиз йўқ. Қор ҳам тинмайдиган кўринади. Яхшиси, сизни ўз уйимга олиб борақолай. Мен

сизга енгилроқ бир иш бераман. Олдин исиниб оласиз, қорнингизни ҳам тўйдираман. Кейин мен айтган ишни бажарасиз.

Ёнимдагиларга:

«Бу ҳариф яхши одамга ўхшамайди, — дедим. — Худо урсин, бу бизни етимхонага тикади. Сизлар ўгил боласиз, чўчимасангиз ҳам бўлади. Сиз учун Қоракўйда мактаб бор. Аммо мен не қиламан?»

«Сен ҳам шим кийиб оласан, — дейишди улар. — Агар Эминуну маркази томон юрадиган бўлсак, ҳаммамиз бир томонга қочиб, бу ҳарифни чалғитамиз, сен бошқа томонга қочиб қутуласан».

Ниҳоятда совқотгандик. Барзангининг таклифини қабул қилдик.

Унинг орқасига тушиб, Тахтақалъага қадар бордик. У бизни ўша ердаги гаройиб бир кулбага олиб кирди. Кулба бир эски саройнинг орқасида жойлашган бўлиб, унга сарой ҳовлисидан эмас, кўча томондаги эшикдан кириларди. Атрофдан ичак-чавоқнинг қўланса ҳиди анқир эди. Кирган хонамизнинг ўртасида бир темир ўчоқ бор экан. Барзанги ўчоққа ўт қалаштирди. Ўчоқ атрофига тешиккулчадек тизилдик. У киши:

«Аввало қизиниб олинглар, сўнг гаплашармиз», — деди.

Иссиқ ўчоқ бошида бизни икки-уч соат холи қолдирди. Бизга чой ҳам олдирди. Чойчи тешиккулча ҳам келтирди.

Жуда хурсандмиз. Бироқ ҳеч ким ўз-ўзидан худо йўлига яхшилик қилмаслигини биламиз. Орамиздан бири, ҳозир унинг исми эсимда йўқ, ўртага чиқди:

«Менга қара, Амаки, — деди у. — Агар бизга айтган ишинг тиланчилик бўлса мени ҳисобдан чиқариб қўяқол».

Бошқа бири ҳам:

«Бунақа иш меъдамызга урган, роса безганмиз», — дея унинг сўзларини тасдиқлади.

Барзанги болаларга қараб кулди.

«Хавотирланманг, — деди у. — Бизнинг ишимиз шунчаки бир эрмак. Бироқ эндигина сал-пал исиниб ўзингизга келдингиз. Яна бир оз дам олинг, кейин гаплашамиз».

Бошқалар не қилди, билмайман. Чой, тешиккулча ва ўчоқнинг тафтидан жуда ҳузурланаётгандим. Бу кишининг нияти яхши эмаслигини сезсам-да, дош беролмадим, кўзларим ўз-ўзидан юмилиб, пинакка кетибман.

Қанча ухлаганимни билмайман. Кўзимни очсам, атрофда ҳеч ким йўқ. Болалар қаёққадир кетишган экан. Дарҳол ўрнимдан туриб, нариги эшик томон юрдим. Эшикка яқинлашдим дегунча енгил тортдим, ичкаридан дўстларимнинг овози эшитилаётганди. Ичка-

рига бош тикдим. Барзанги қора пальтосини ечиб ташлаган. Эгнида ҳали оҳори тўкилмаган жигарранг костюм-шим. Қизил шарф ҳамон бўйнида. Ичидан тўқ яшил енгсиз камзулча кийиб олган. Ўртада турволиб, болаларга бир нарса улашаётганди. Нима бераётган экан, деб диққат билан қарадим. Сигарета экан. Мен ҳам ичкарига кириб:

«Амаки менга ҳам битта сигарета бергин», дедим.

Юзимга боқиб кулимсиради. Сўнг менга бир дона сигарета узатди.

Кейин ҳаммамизга қарата:

«Сигарета чекиб, маза қилинг, — деди. — Бугун ҳаво ёмон, иш қилиб бўлмайди».

Болалар билан бараварига нариги хонадаги ўчоқ бошига қайтдик. Ўт қалаштириб, сигареталаримизни туташтирдик.

Жаврия жим қолди. Сўнг ундан:

— Сен ҳеч қачон наша солинган сигарета чекиб кўрганмисан? — деб сўради.

— Йўқ, Жаврия!

— Яхши қилгансан. Дунёдаги энг ёмон иш бу. Не-не гулдай йигитлар бу балога йўлиқиб, тамом бўлишди. Оллоҳ ҳеч кимни бу балога йўлиқтирмасин. Мен бир марта чекиб кўрганман. Менга ҳечам ёқмади, кейинчалик ҳеч чекмадим. Ўша куни биринчи марта нашали сигарета чекиб кўрганман. Сигаретани чекдим дегунча, ғалати бўлдим. У пайтлари ҳали ёш бола бўлганим учун тезда ўзимдан кетиб қолибман. Мен ҳушимни йўқотгач, у ерда роса ажойиб ишлар бўлган. Кўчқор Мустафо «Сигаретани кейинроқ чекаман» деб олиб қўйган экан. Бошқалар каби ўша заҳотиёқ чекмаган. Шунинг учун ҳам, табиийки, у ҳушёр қолган, не бўлганини кўриб, билиб турган. У бизга айтиб берди. Ўзим билмайман ҳам, эслолмайман ҳам, аммо айтишларича, ўртага тушиб рақс туша бошлабман. Чиртлоқ Ҳамди ўзини Қорақўйдаги чорраҳада турадиган полициячи ҳис қилиб, ўртага чиққан ва автомобиль, трамвай ҳайдовчиларига буйруқ бера бошлапти. Бошқа бири бўлса «Қочинг, ит келаётир, қутурган ит келаётир!» деб бақира-бақира ўзини бир томонга урипти. Яна бири бўлса ухлаб қолган. Хуллас, бу ер нақ жиннихонанинг ўзи бўлган-қўйган. Кўчқор Мустафо «Бу сигарета одамни телба қилар экан» деб кўрқибди ва ўз сигаретасини ўчоққа отибди. Бироқ биз чеккан сигарета тутунлари унга ҳам бир оз таъсир қилган. Ўша чўчқа, динсиз, имонсиз барзанги охири Чиртлоқ Ҳамдини ҳам, Чўлоқ Шавкатни ҳам қора дорига ўргатди. Ўзимга келганимда аҳволим ниҳоятда ёмон, бошим лўқиллаб оғрир эди. Акажон, бу наша деган нарса мени ол-

дин роса кайф қилди, сўнг қустирди. Ўладиган бўлдим, бир оз ҳаво олай деб ташқарига чиқдим. Чиқдимۇ қайтиб кирмадим. Сўнг билсам, ўша ҳариф бир ярамас одам экан. Ўша хонасида такяхона очиб қўйган экан. У ёш болаларни қорадори ичириб, наша чектириб, ўзига ипсиз боғлаб олар, сўнг уларга кисавурликни ўргатиб, кўчага чиқарар экан. Аммо-лекин кисавурликда бу ўғрига етадигани йўқ эди. Ҳечам сездирмай кисса кесаркан бу ўғри. Бизнинг дўстларимизни у тарбиялади. Бечора Чирглоқ Ҳамди, калласини бетонга уриб ёрмасидан илгари уни бир кўрсайдинг. Ҳатто кисавурларнинг пири унинг шогирди бўлса арзирди. Трамвайда бировнинг ёнидан ўтса борми, чўнтагини шундай бошлаб қоқлардики, бечора йўловчи сезмасди ҳам. Бундай қўли гул, устаси фаранг кисавур дунёда бўлмаган. Ҳатто устаси бўлган ўша ҳариф ҳам унга: «Сен менинг устозимсан», — деган экан. Бир куни турмада ўн икки гувоҳ ёнида «Сен менга устозлик даражасига чиқдинг, мен сен билган усулларни билмайман» деб эътироф этган ва унинг қўлини ўпган. Ўша куни биз ҳам у ердан кетмасак охиригимиз вой бўлиши турган гап эди. Биз ҳам унинг ҳунарини эгалаб, кисавурликка ўтган бўлардик. «Ниҳол ёшлигида эгилади» деган гап бор-ку!

Ҳа, ўз ўтмишини, болалик чоғлари, ҳали бирор эркак қучоғига тушмаган даврига оид бу хотираларини унга сўзлаб беришдан чексиз ҳузурланмоқда эди.

Бошидан ўтказганларини шу чоққача ҳеч кимга ҳикоя қилмаган эди. Ҳеч ким унга бундай эътибор билан қулоқ осмаганди. У бугунга қадар фақат бугунги куни билан яшаган, ўтмишда кўрган-кечирганлари тўғрисида ҳам, келажакда нималар бўлиши тўғрисида ҳам ҳеч бош қотирмаган эди.

Ҳозир унга бошидан ўтказганларини сўзлаб берар экан, буларнинг барчаси унга тегишли эканини, булар ўз ҳаётининг мингларча парчалари эканини, бутун борлигининг асоси бўлганини чуқур ҳис қиларди.

Жаврия гоҳ-гоҳ жим қолар, бошига қуюндай бостириб келаётган яхши-ёмон хотиралари орасидан унга айтишга арзигуликларини танлаб олишга ҳаракат қиларди.

— Истанбул қалъа деворлари яқинида, ҳар ҳолда Чатладиқопида бўлса керак, бир боғ бўлгучи эди. Боғ қабристонга туташиб кетарди. Қабристонда тўрт-беш мазор ва каттакон бир мақбара бор эди. Боғда шундай анжирлар бор эдики, Акажон, кўрсангиз, ҳар меваси нақ мана шу муштумимдек келарди. Истанбулнинг бошқа

бирон жойида бундай анжир битмайди. Боғнинг орқаси эгасиз майдон... Қалъа вайроналари... Авваллари бу ерда шинакли деворлар бўлган. Хуллас, бу ер кечалари тунашга жуда боп жой эди. Анжир пишди дегунча бизнинг кузғунлар ўша томонга танда қўйишарди. Мева мўл... Тоза ҳаво... Жоним қурбон бўлсин шу Истанбулга, қаерига борма шоҳона яшаш мумкин... Подшолардек яшаш мумкин, худо урсин шундай бўлмаса. Боғбоннинг қўлига тушиб қолсак борми, бизни хумордан чиққунча дўппосларди. Бироқ биз унинг йўқ пайтини пойлаб, анжирнинг устига ҳашоратдек ёпирилдик. Анжирнинг энг ширини қабристон томонда эди. Мозорларнинг орқасида, мақбаранинг ёнида, яшил саллал авлиёнинг бош учида ажойиб анжирлар бўлгучи эди. Бу авлиёнинг бошидаги кулоҳдан жуда қўрқардик. Шунинг учун бу анжир қанчалик ширин бўлсада, яқин йўламасдик. Орамиздан кимдир: «Бу анжир авлиёнинг анжири, ким еса шол бўлади» деганди. Бу ерга яқин боришга ҳам юрагимиз бетламасди. Уч омборли Маҳмудиядаги парвоналар янглиғ бу ердан чарх уриб, айланиб ўтардик.

Бошқа анжирларни шип-шийдон қилиб бўлдик. Бир куни кундузи мақбара ёнидаги анжирга маҳлиё бўлиб тикилиб қолдим. Анжир билан менинг ўртамда унаштирув маросими бўлди. Оқшомга яқин Оллоҳнинг амри-ю, пайғамбарнинг хоҳиши билан никоҳ ўқилди. Энди кечаси гўшангага кирадиган бўлиб турибмиз. Ошиқ куёвдек бетоқат бўлиб, қоронғи тушишини пойлаяпман. Шу чоқда бирор жойимдан эт қўпорсалар ҳам сезмайдиган ҳолдаман. Кўзим анжирдан бошқа нарсани кўрмайди. Бир авлиё у ёқда турсин, мингги чиқса ҳам парвойимга келмайди, ҳеч ким мени бу йўлдан қайтара олмайди. Кечаси олдин боғ деворининг у ёқ-бу ёғини кузатдик... Сўнг хотиржам бўлиб, ичкарига ўзимизни урдик. Боққа кирдим, ўзимни кўз очиб-юмгунча анжирнинг устида кўрдим. Анжирни еяверибман, еяверибман, йигирматами-ўттизтами, санамадим, роса паққос туширибман. Оқшом ҳам гўзал, кўкда ой порлайди. Шундай ойдин кечаки, суқинг киради. Болалар қолган-қутган анжирларни қоқлаш учун ўша кечаси боққа ҳужум этишга қарор қилишган экан. Улар боққа кирди дегунларича, анжирнинг устида бир нарса қимирлаганини кўриб, кўрқувдан қотиб қолишган. Анжир дарахти муқаддас саналади-ку! Бунинг устига, бу анжир яшил саллал авлиёнинг бош учида. Болалар ой нурида бир кўланка анжирнинг бир шохидан иккинчисига сакраганини кўрди дегунча, мени инсу жинс деб ўйлаб, ўтакалари ёрилган ва думини қисиб, қочиб қолишган.

Мен уларни кўрганим ҳам йўқ. Анжир устидан тушганимда юргулик ҳолим қолмаганди. Ўша ернинг ўзида, мазорлар орасида чўзилиб, ухлаб қолдим.

Жаврия анча жим қолди. Нималарнидир ўйлаётганди. Кейин:

— Ўшандан кейин қабристондан ҳеч кўрқмайдиган бўлдим, — дея мақтаниб қўйди. — Қабристон ниҳоят сокин бўлади. Ўликлар айлангани қабрдан чиқади деган гап бекор гап экан. Ҳаммаси гўё ўлиб ётгандай эмас, тинчгина ухлаб ётгандай туюлади. Мен қабристонда кўп тунаганман, бирорта ўлик кўрганим йўқ.

У қабристонларда тунаб қолиш билан бирга, танасини дуч келганга сотиб ҳам юрар эди. Бироқ қандайдир уят ҳисси бу ҳақда унга оғиз очтирмади. Унга фақат болалик чоғларига оид беғубор ва қизиқ хотираларидан ҳикоя қилаверди.

Болалик давридан сўнг бутунга қадар бўлган хотираларини унга сўзлаб беришни ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Била-кўра эмас, ғайриихтиёрий бир истак билан унга ўзини фақат бу томондан кўрсатишни, оддий, беғубор ва куйди-пишди кўча боласи бўлганлигини англатишни хоҳларди.

Ажабо, бошдан кечирганларини англатаркан, мавзу балоғат даврига бориб тақалармикан? Ўзи истамаган ҳолда унга ўз ҳаётининг чиркин томонлари, паст ва гуноҳ ишлар билан ўтган даври ҳақида ҳам очиқ сўзлаб берармикан?

Жаврия тўхтовсиз ҳикоя қиларди. Энди у бошқа мавзуга ўтган эди.

— Ёлғизлик ёмон эканлиги, айниқса, касал бўлганимда қаттиқ билинар экан. Соғ бўлсанг бас, Истанбулнинг истаган томонида ризқ топиб ейсан. Аммо бир марта касал бўлдингми, ҳолингга вой. Шу падарлаънат хасталик бир ёзда мени оёқдан олди. Иситма ичида ёнардим. Танам у ёқда турсин, ҳатто бош ўгиришга ҳам ҳолим йўқ. Ёз бўлгани учун вақтимизни кўпинча бўғоз томонда ўтказардик. Амиргоннинг устида, бироз ўнг томонида боғчанинг орқасида мўъжазгина бир кўшк бўлгучи эди. У ўт тушиб ёниб кетди. Кейин у ерда бошқа кўшк бино қилдилар. У вақтлари бинонинг тўрт девори кўтарилган эди холос. Кечалари ўша ерда тунаб қолардик. Бир кеча яна ўша ерга бордим. Ётдим. Эрталаб ўрнимдан туролмадим. Ёлғиз эмасдим. Ҳар доим тўрт-беш бола бирга юрардик. Мени туртишди, силкитиб кўришди. Суякларим зирқиллар, кўнглим айнир эди. Араб Жамила: «Ҳой қиз, сенга не бўлди? — деди. — Юзинг саргайибди. Нима, сафаринг қариб қолдими?» Устимга эгилиб, пешонамга тушган сочиларимни тўғрилади. Кичик кўзлари духобадек

қоп-қора, тирноқлари садафдек ялтирайди. «Жамила опа, аҳволим ёмон!» — дедим. Жамила мендан катта эди. «Сен бугун шу ерда қимирламай ёт, — деди. — Биз овга чиқамиз. Тушгача сенга бирон нарса топиб келамиз». Ҳаммаси чиқди кетди. Ерда увадаси чиққан кўрпача. Боғ этагида жойлашган, томи чўккан отхонадан топгандик бу кўрпачани. Кўрпача устида Жамила икковимиз ётардик. Жамила туриб кетгач, кўрпача устида ёлғиз қолдим. Ҳаво иссиқ. Қўнғизлар визиллайди. Папшшлар гузғон ўйнайди. Араб Жамила тушга яқин менга сут опкелди. Ҳатто сутни ҳам ичолмадим. Аҳволим янада огирлашди.

«Жаврия, кўрқма,— деди у. — Мен шу ердаман, ўзим сенга худди онангдек қарайман. Касалхонага юбормайман».

Биз, кўча болалари, ҳукумат қўлига тушишдан кўрқамиз холос. У ерда ҳар хил қаланғи-қасанғилар, жинниларнинг орасига тикишади. Дорулжазога жўнатишади...

Бечора Жамила менга «Сен кўрқма» дерди. Ҳолбуки, ўша пайтлар уни ўзи қамишдек ориққина бир қиз эди. Кейин у тўлишди. Бўйи эркаклардан ҳам баланд бўлиб кетди. Бели хипчагина, болдирлари тикмачокдек, кўкраклари олмадеккина тим-тик бир қиз бўлдики, асти қўяверасиз. Бутун эркаклар унга ошиқу беқарор эдилар. Ўтган йили ҳаром сут эмган бир ҳароми тўсатдан икки курагининг ўртасига пичоқ уриб ўлдирди. Ўшанда неча кун касал ётганим эсимда йўқ. Ёлғон айтсам, тилим танглайимга ёпишсин, ҳеч ким мени Жамиладек парварини қилган эмас. Ҳали ўзи ёш бўлсада, боғлардаги қаҳвахоналарда, казиноларда кинофильмлардан ўрганган кўпшиқларни англизчага тақлидан куйлар, арабча рақс тушарди. Азбаройи худо, тақлидни шунақа қойиллатар эдики, Акажон, кинофильмлардаги занжи артистлар ора йўлда қолиб кетарди. Зотан кейинчалик ўзи ҳам артист бўлди! Мумхона кўчасидаги артистлар қаҳвахонасига бир чўтир йиғит келиб турарди. Ўша чўтир уни бош артист қилди. Онадўлида бормаган қишлоқлари қолмади. Юнонистонну Арабистонга ҳам кетишди. Охирида ўша зоти пастни яхши кўриб қолди. Кошки бу беномус одамбашара бўлса. Кўзининг бири боққа қараса, иккинчиси тоққа боқади, оғзи ўпқондек. Бироқ шопмўйлов. Кеккайиб сўз сўйласа, ҳаммани оғзига қаратади. Ишқилиб, бечора Жамила ўша дарди бедавонинг қўлига тушди қўйди. Артистликни ҳам йиғиштирди. Охир-оқибат қора тупроқ унга пар тўшак бўлди. Нима ҳам дердим? Қўлимиздан нима ҳам келарди? Хуллас, мен касалланганда Жамила кундузлари қаҳвахоналарда ашула айтиб, пул топар, оқшомлари келиб менга қарарди.

Неча кун беҳол ётдим. У менга қаради. Кейинчалик Оллоҳ менга қилган яхшилиги учун мукофотини ҳам берди. Охирида бўлса ўз айби туфайли йўқ бўлди-кетди.

Бироз жим қолди, бир нарсаларни ўйлади, сўнг уҳ тортиб:

— Оҳ, шу кўнгил! — деди. Кейин яна жим қолди. Агар хона ёруғ бўлганида юзи қизаргани кўринган бўларди. Ажойиб туйғулар уни бирдан тўлқинлантириб юборганди. Яна ўтмишга қайтиб, ҳикояни тўхтаган жойидан давом эттириш учун ўйга толди. Каловланиб қолганини ва «Оҳ, шу кўнгил!» сўзини нега айтганини унинг тушуниб қолишидан чўчиётган эди.

Ниҳоят ўзини қўлга олди ва яна аввалгидай сокин сўзлашга уриниб давом этдим. Сўзларкан ўтмиш хотиралари ичига кўмилди ва овозининг оҳангини ўзгартиришга уринишнинг ҳожати ҳам қолмади. Энди у ўз-ўзидан табиий оҳангда сўзлай бошлаган эди.

— Араб Жамилани бир вақтлар ҳақиқатан ҳам бошларига кўтариб юришди. Егани олдида, емагани ортида. Бир марта унинг концертини Тепаустида томоша қилдим. Уларнинг дастаси Тепаустида концерт берди. Худо ҳаққи, умрим бино бўлиб бундай рақсни ҳеч кўрмаган эдим. Унга пичоқ урган ўша лаънатини қаранг. Ўн беш йилга кесилди дейишади. Оллоҳдан илтижо қиламанки, у ўша турмада ириб-чириб кетсин. Ўша ерда тўнгиз кўпсин. Навниҳол, гўзал бир қизни ўлдиришга қандай кўзи қийди унинг?! Бундайлар ҳеч қачон дўст бўлмайди. Оллоҳнинг балоси улар. Ундан бошқага қарамаслиги керакмиш. Гўё Жамилани шу ёшигача ўзи боқиб катта қилган, едириб-ичириб қўйган одамдай уни темир қафасга қамаб қўймоқчи эди. Жамиланинг қўлидан гувоҳномасини тортиб олиб, устига-устак, текин ишлатмоқчи ҳам бўлди. Бекорри айтибди. Артист деб қўйибди буни! Унинг касби шундай — сен билан юриши мумкин, бошқаси билан ҳам. Жамила олифта қиз эди. Кейинги вақтларда фақат Бафра маъдан сувини ичарди. Белидаги камарини, қўлидаги портсигарини айтмайсиэми. Бай-бай. Ўзиям бир қултум сув билан ютадиган пари эди ўша кезлари. Бироқ унда кибр-ҳаво йўқ эди. Қаерда кўрса бўйнимдан кучоқлаб, чўлп-чўлп ўпарди.

Ҳа, улар бир-бирини опа-сингилдек яхши кўришарди. Бир умр бир-бирини қўллаб келишганди. Бироқ Жамила артист бўлиб, гуруҳга кирганидан сўнг анчагача бир-биридан айро тушдилар. Жамила Истанбулга охирги келишида, ўлдирилишидан бир неча кун олдин Жаврия билан кўришган ва икковлон Галатадаги майхонада ҳасратлашишган эди.

Жаврияга: «Жаврия, бошлиғимизга сен түғрингда гапирдим. Гүзал миллий уйинлар уйнай олишингни айтдим. Бир ой ичида сафарга чиқамиз, сени ҳам олиб кетамиз ... » деган эди.

Бироқ Жаврия бу таклифни қабул қилмаганди. Чунки Араб Жамиланинг охирги келишидан олдин Жаврия «у» билан танишган эди.

Шу боис Истанбулдан узоқлашгиси келмасди.

Шунингдек, худди шу боисдан, Сумбул Дуду айтган ўша қишлоқи бойга ўйнаш бўлишдан ҳам воз кечганди.

Ваҳоланки, Сумбул Дуду Жаврияни роса авраган ва:

— Жаврия, бундайлар кўчада ётмайди. Ақлдан озганмисан, нима бало? Ёки эс-хушдан айрилдингми, бир дардга мубтало бўлдингми? Бу йигит сенга Қутулиш томонда бежоглиқ-ясатиглиқ шоҳона уй олиб бермоқчи. Бу уйнинг ертўласи ҳам Қорчааҳмад қабристони, Тошқишлоқдаги уйлардан ўлса ўлиги ортиқ. Бу йигитни нозу карашмаларинг адои тамом қилибди... «Сумбул Дуду, Фосфорлини кўндирасан, фақат Фосфорлини!» дейвериб, кулоғимни қоқиб қўлимга берди. Ўтган куни яна келди. Элликта отгандан сўнг олдиға бироз газак қўйдиқ. Гап ораси айтай, бу йигит шиша кўрса туролмайди. Бирам отади, бирам отадики ... Бўшаган шиганинг сон-саноғи йўқ. Охири сендан сўз очди. Ишқ таърифида Минакян жанобларининг дастасидаги марҳум Бинамежиян ҳам унинг олдида ип эшолмас экан. Сўйлаб жўшаверди, жўшиб сўйлайверди. Рўпарасида ўтиргандим. Энг охирида мени сен деб ўйладими, бўйнимдан кучиб, икки ёноғимдан ўпа кетса бўладими? Тўғриси айтганда, бу бола нариги ишларни ҳам бошлаб юбормасайди деб қўрқиб кетдим.

Жаврия бу сўзларни эшитиб, хандон ташлаб кулганди.

Ўша кишига ўйнаш бўлгиси келмади.

У кишининг ўзи Сумбулнинг мусофирхонасида ўтирган оқшом Жаврияга рўйирост шу таклифни айтганди. Пули борлиги кўриниб турарди. Ўша кечаси унга дасга-даста пул берган ва агар у билан яшашга рози бўлса тилла занжир ва олтин билагузук олиб беришни ваъда қилган эди.

Жаврия бўлса: «Галатада олтин билагузук ёки занжир тақсанг борми, кимдир ё қўлингни, ёки каллангни кесиб кетади», деб ҳазиллашганди. Сўнг:

— Яхшиси, сен билан ҳафтада бир марта кўришақолайлиқ, Ҳожи оға, — деб унинг бўйнига қўл солганди. — Ҳар куни кўришишга не ҳожат? Ўзинг биласан, ҳар куни ош есанг, кўнгилга уради.

Ҳожи оға сархушликдан сузилган кўзларини унга тикиб:

— Жаврия, сен ўлгунга қадар ҳам кўнгилга урмайсан... — деган ва уни бағрига босган эди. Ҳожи оға қишлоқлик бўлгани учун вақтидан илгари кексая бошлаганга ўхшарди. Неваралик бўлса-да, у эндигина қирқ ёшга тўлган эркак эди. Қишлоғида салобатли кўриниш учун мўйлов кўйган. Қалин шопмўйловининг орасида оқ мўйлари ҳам бор эди.

Қишлоқдаги хотинига кўпдан бери қарамай кўйган. Хотини ундан беш ёш катта бўлиб, олдинига акасининг рафиқаси бўлган. Акаси ўлганидан сўнг у келинойисини никоҳлаб олган. Ўша пайтда аёл йигирма, ўзи ўн беш ёшда бўлган. У кўп йиллар бу аёлни худди Жаврияни севгандек севган. Ўн йил. Ўн йилдан кейин ўзи йигирма беш, хотини ўттиз ёшга киргач, хотинини кексайди деган фикрга борган.

Ўша вақтдан бошлаб у хотинига хиёнат қилиб келарди.

Бироқ ҳеч бир хотин унга Жавриячалик ёқиб қолмаганди.

Кейинги вақтларда у иш юзасидан Истанбулга тез-тез келиб турарди.

Сумбул Дуду айтган уй, тўшоғлиқ — бежоглиқ уй иккинчи қаватда эмас, балки биринчи қаватда жойлашган икки хонадан иборат эди. Бу уй бир юнонга тегишли бўлиб, хонада ундан қолган ашёлар бор эди.

Ҳожи оға олдин бу уйга ёнгина бир юнон қизни олиб келди. Олти ой мобайнида Истанбулга ҳар келганида унинг ёнига тушиб юрди. Охирги марта хабар бермай келган кечаси қизни ёш ва келишган бир юнон йигити билан қўлга туширди. Қиз:

— Бу ... бу қариндошим. Мататео акам...— дея уни алдамоқчи бўлди.

Бироқ шаҳарликларга алданиб, «аҳмоқ» деб ном кўтаришни ис-тамаган барча қишлоқилар сингари Ҳожи оға ҳам бу сўзларга ишонмади. Йигитни ҳам, қизни ҳам хумордан чиққунча дўппослаб, ҳайдаб юборди.

Уйнинг бир йиллик ижара ҳақи олдиндан тўлаб кўйилгани учун яна беш ярим ой у ерда ўтирадиган бир аёлга эҳтиёжи бор эди.

Ҳожи оға Жаврия билан беш ярим ой ўша уйида айшу ишрат қилмоқчи эди.

Эҳтимол, бошқа бир пайт бўлганида, Жаврия бошқа кўча қизлари каби, шубҳасиз, бу таклифни жон деб қабул қилган бўларди. Бироқ ҳозир у бунга кўнмади.

Хоҳламади, тамом-вассалом. Агар Ҳожи оға билан бирга яшашга рози бўлса, «у» ни соғинган кечалари қандай қилиб бу «аҳмоқ»

нинг ёнидан чиқиб кета олиши мумкин? Ҳожи оғанинг бўйнига чирмашган қўллари Жаврияга уни занжирбанд этаётган кишан бўлиб қўринарди. Ўз-ўзига: «Бундай хотинбоз ҳайвонлар билан бир марта ётилади. Сўнг қайтиб қорангни кўрсатмайсан. Ахир, ҳар куни бир кишининг ўзи билан ишрат қилишнинг не қизиғи бор?» дер эди.

Йўқ, йўқ, буларни, ҳаётининг бу томонларини унга айтишни ҳеч истамас эди. Бунга ўхшаш воқеаларни хотирлади дегунча уларни дарҳол унутишга ҳаракат қилар, биринчи навбатда уялтирмайдиган хотираларидан ҳикоя қилишга ўтарди.

— Араб Жамилани нақ икки курагининг ўртасидан пичоқлади. Динсиз, имонсиз!— дея давом этди у. Сўнг хўрсиниб қўйди. — Уни туғишган опамдай яхши кўрардим. Пул топсам, бир куни унинг учун мавлуд ўқитаман ...

Кейин:

— Мавлуд ўқитиш яхши иш, тўғрими? — деди. — Мавлуд ўқитилса ўлганлар шод бўлар эмиш. Ўқилган мавлуд уларнинг руҳини алқар эмиш.

— Буларни қаердан билдингиз?

— Буларни Қирқ Ямоқли Домладан ўргандим.

— Ким у?

— Қирқ Ямоқли Домлами? У мулла, Акажон. Султонаҳмадда олмонлар ясаган чашма ёнида тиланчилик қилади. Соқоли сариқ киши. Унча кекса ҳам эмас, бундай қарасанг, тоат-ибодатга ўтадиган ёшга кирмаган. Лекин жуда эътиқодли киши. Бир вақтлар ниҳоятда ёқимли овоз билан Қуръон тиловат қилганини эшитганлар бор. Ҳофиз бўлган экан. Қуръонни шундай қироат билан тиловат қиларканки, таърифига тил ожиз. Ёқимли овози борлигидан хабар топиб, уни ашула айтиш учун казинога таклиф қилишибди. Катта пул беришган. У ҳам рози бўлган. Бироқ Оллоҳнинг ғазабига учрабди. Казинода ашула айтмоқчи бўлган биринчи оқшомдаёқ овози хиппа бўғилибди қолибди. Ҳозир ҳам товуши хириллаб чиқади. Ўзи бу ҳақда оғиз очмайди, пинҳон тутати. Буларнинг барчасини, Оллоҳни ва Оллоҳни севишни менга у ўргатди. У билан суҳбатлашишни яхши кўраман. Қачон кўрсам дарров ёнига ўтираман. Сўзлари юрак-юрагингизга етиб боради. Жамила ўлганида кўп йиғладим. Ўша куни кўз ёшларим дарё бўлиб оқди. Дали-девоналардек тентираб юрганимда олдимдан чиқиб қолди. Ёнига бориб ўтирдим. Менга кўп нарсалар ҳақида гапириб берди. Қирқ Ямоқли Домланинг айтишича, инсон бир марта чин дилдан товба қилса, Оллоҳ барча гуноҳларидан кечар экан. Аммо бунинг учун чин дилдан товба қилиш керак экан.

Ичида: «Мен ҳам бир марта товба қиламан» деб ўйлади, аммо овозини чиқариб айтмади. «Ҳали ёшман. Кексайиб, ажал яқинлашгандан кейин...» Сўнг яна сўзлашда давом этди:

— Қирқ Ямоқли Домла Жамила учун йиғлаётганимни кўриб, «Не бўлди? — деб сўради. — Нега йиғлаяпсан, Жаврия?» Мен унга «Авваллари доим мен билан юрадиган қиз бор эди-ку, исмини Араб Жамила дейишарди. Кўрганмидинг-йўқми, билмайман. Бир имонсиз елкасига пичоқ санчиб ўлдирди...» «Уни жуда яхши кўрармидинг?» деди у менга. Дедимки: «Яхши кўрганда қандоқ! Ўз туққанимдан яқинроқ эди менга. Менга кўп яхшилик қилганди». Қирқ Ямоқли Домлага ҳаммасини айтиб бердим. Танишганимиздан буён Жамиланинг менга қилган яхшиликларини, касалланганимда қандай парвариш қилганини айтиб бердим. «Ундан қарздор экансан, — деди у. — Унинг арвоғига мавлуд ўқит, руҳи шод бўлади, сен ҳам енгил тортасан ...» Мен унга пул бериб турдим, менинг ўрнимга мавлуд ўқиб турсин деб... Оллоҳ барча нарсадан хабардор. У ўқиган дуолар менинг учун ўқилганини билади. Йўлида қурбон бўлай Оллоҳнинг, унга ҳар нарса ошкор...

— Оллоҳни жуда яхши кўрасанми, Жаврия?

Жавриянинг товуши бирдан ўзгача меҳр билан товланди.

— Ундан бошқа севадиганим йўқ, Акажон.

— Уни нега сеvasан?

— Ишонганим учун.

— Унга қаттиқ ишонасанми?

— Албатта ишонаман. Унга ишонмай кимга ҳам ишонай?

Униси жим қолди. Бошининг устида учи-кети кўринмайдиган осмоннинг бир парчаси. У ерда сон-саноқсиз юлдузлар жимирилди.

— Бу дунёда нимамиз бўлмаса уни Оллоҳ у дунёда берар экан. Нариги дунёда. Балки менга у ёқда бир она берар.

У кулди. Бу унга ажабтовур бир фикрдай туюлганди.

— Сўнг, ким билади, балки Оллоҳ Бейўғли дўконлари витриналарида осиглиқ турган, ҳар гал гўштга тикилган мушукдек ўртаниб қарайдиган ўша парли, гулдор телпакчалар, кўрганда ичинг узиладиган ўша ажойиб ипак матолар берар менга. Кўнглинг не истаса шуни берармиш.

Бирдан Қопаличоршидаги бир дўконда кўрган келин кўйлак, гулчамбару ҳарир рўмол кўз олдига келди. Бу либосни кийиб, ўзини кўз-кўз қилаётгандек кўринди.

Ўзини оппоқ келин кўйлак, гулчамбару ҳарир рўмолда, уни бўлса ёнида кўкрак чўнтагида қизил рўмолча, оёқларида яп-янги ялти-

роқ туфли, бўйнига гулдор галстук таққан куёв ҳолида тасаввур қилди. Атир ҳиди уфуриб турган қўлини узатиб, Жаврияни қўлтиқлайди. Эғнида ложувард камзул, кулранг, дазмолланган шим. Қандай келишган бир куёв бўлган бўлурди у. Никоҳ ўқитиш учун балядия биносига киришади, сураткашларга расмларини олдиришади.

Бу гўзал хаёлдан Жавриянинг юраги дук-дук ура бошлади. Сўнг ичида: «Номаъқул бузоқнинг гўштини ебсан, — деди. — Бу дунёда бундай иш ҳеч қачон бўлмайди. Бу иш фақат охиратдагина, барча армонлар ушаладиган жойдагина бўлиши мумкин. Ҳа, фақат жаннатда... »

— Кўнглимизда неки орзумиз бор, ҳаммасига жаннатда қовушамиз.

Овози оҳистагина чиқди.

— Кўнглинг не тиласа ижобат бўларкан. Не ейман, не ичаман, не кияман десанг ҳам ҳамма-ҳаммаси.

У:

— Арвоҳларнинг бадани, жисми бўлмайди-ку, — деди.— Овқат ва кийим-кечакнинг не ҳожати бор?

— Қиёмат куни бирча қайта тириларкан, ўликлар қабрларидан чиқаркан.

— Ким айтди?

— Қирқ Ямоқли Домла. Сен эшитганмисан?

— Йўқ!

Жаврия бироз жим қолди. Сўнг:

— Ё сен Оллоҳга ишонмайсанми? — деб сўради.

— ...

Жаврия чўчиб кетди:

— Оллоҳга ишонмасанг қандай қилиб ишинг ўнгланади? — деди.— Тавба қил. Оллоҳга инонган, жаннатга инонади. Жаннатга инонмасанг бу дунёда яшашнинг не қизиғи бор?

— Мен ҳам жаннатга ишонаман. Бироқ менинг жаннатим Қирқ Ямоқли Домла айтган жаннат эмас.

Жаврия умрида ҳеч қачон ҳеч ким билан бунчалик узоқ суҳбат қурмаган эди.

Жаврия умрида биров билан бунчалик узоқ суҳбатлашганини эслай олмади. Тотли бир чарчоқ ва роҳат оғушида чалқанча ётганча кўкни томоша қиларди.

Йўқ!.. Ораларида ҳеч гап бўлмаган бўлса-да, ўтмишининг энг масъуд дамлари ҳақидаги хотираларини унга тўкиб солган бу кеча-

ни ўлгунича унутмайди, бу оқшом эса унинг қалбида ҳаётининг энг бахтиёр куни бўлиб қолади.

Жаврия вақт ўтган сари ичида «Тавба, тавба!» дер, қалбини у тобора кўпроқ эгаллаб бораётганини ҳис қиларди.

Жаврия уни ҳурмат қилишини, уни севишини, унинг бошқалардан кучлироқ ва яхшироқ эканига ишонч ҳосил қилганини сезарди.

Бу ҳиссиёт уни Оллоҳга боғлаган ҳиссиётга яқин бир туйғу эди. Қирқ Ямоқли Домланинг ўғитлари билан қалбида Оллоҳга нисбатан қандай меҳр-муҳаббат ва ҳурмат уйғонган бўлса, энди бу бегона кишига нисбатан ҳам ана шунга яқин туйғулар уйғонган эди.

Унга бўлган ҳурмат туфайли уни ўзидан шу қадар устун деб билардики, худди муҳаббати, ҳурмати ва эъзози эвазига Оллоҳдан бир нарса кутмагани сингари, ўз туйғуларига жавобан ундан ҳам ҳеч нарса кутмасди.

Қирқ Ямоқли Домланинг таъсирида кечиргувчи, ризқ бергувчи, яратгувчи Оллоҳга нисбатан туғилган ишонч-эътиқод чиркин, гуноҳга ботган ҳаётида барча гуноҳлардан фориг қиладиган, покизалайдиган ўтқир наштага ўхшарди. Унга нисбатан туғилган туйғулари ҳам уни турли-туман ифлос, чиркин нарсалардан, гуноҳкор ҳислардан шу қадар узоқлаштираётган эди.

Бошқа эркаклардан кутган нарсаларнинг бирортасини ундан кутмасди. Бошқа эркаклар Жавриядан кутган нарсаларнинг бирортасини у ҳам Жавриядан кутмасди.

Шунинг учун ҳам у Жавриянинг бутун ҳис-туйғуларининг меҳварига айланганди.

У билан кўришиш, у билан суҳбатлашиш, бир неча соат у билан ҳамнафас бўлиш Жаврия учун дунёнинг энг буюк саодати бўлиб қолганди.

Унинг хонаси Жаврия учун гўё жаннатнинг бир парчасига ўхшарди.

Бу ерда у ҳозирга қадар борлигини ҳатто тасаввур ҳам қилиб кўрмаган бир ҳаёт ичида яшарди.

Севганининг ёнига отланаркан, эгнидаги кундалик либосларини алмаштирган кишидек, фоҳишалигини, кўчаю майхонани, пичоқбозликлар, бақир-чақирлар, уриш-жанжалларни, бутун қабоҳату разолатни унутиб, покизаланар, оғзи шалоқликни четга отар ва тамоман бошқа одамга айланиб, ўша ёққа йўл оларди.

Бутун борлиғи янгиланарди. Шаҳло кўзлари оташларга тўлиб, маънодор боқар, юзлари ёш болаларникидек қирмизи тусга кириб, ол дудоқлари бир иштиёқ оғушида титрарди. Юзидаги беҳаё ва бешарм ифода ўрнини умид, хавотир, бахт, ҳасрат, андиша ва ҳаё эгалларди.

Дуч келган кимсадан баданини аямаган Жаврия уни тўсатдан бокира бир туйғу билан севиб қолган эди. У энди, бу хонага қадам қўйганидан кейин сочлари ҳам ўша кўча чироғи остида мижоз даъват қилган пайтларидаги сингари эмас, балки мутлақо бошқача товланарди.

Қоронғи кечаларда бировларни ўртаб юборадиган ва Истанбулнинг энг пастқам жойларида Фосфорли лақаби берилишига сабаб бўлган сочларининг ёғду сочиши энди гуноҳ ишга даъват этувчи жозибасини йўқотарди. Унинг хонасида, унинг ёнида бўлган чоғларида Жавриянинг сочлари почта откриткаларида тасвирланган гўзал маллакларнинг бошлари атрофида тасвирланган зарҳал нурга ўхшар ва бу сочлар қандайдир илоҳийлик касб этарди. Жаврия «Фосфорли Жаврия»ликдан мутлақо қутулган ҳолда унинг ёнига келарди.

Худди шундай, ётган эркакларининг исмини ҳам, сон-саногини ҳам билмайдиган, афт-башарасини ҳам эслолмайдиган бу кўча қизи, «Фосфорли Жаврия» унга ҳеч қачон кўча аёлига қарагандек қарамаган ёки, буни билса-да, билмасликка олган бу йигит ёнида ҳеч қачон эркакка юзи тушмаган бир бокира ва ифбатли аёлга айланиб қолгандек бўларди.

Жаврия буни бировга тушунтира олмас, тушунтирган тақдирда ҳам унга ҳеч ким ишонмас эди.

Бироқ, не бўлса-да, бу бегона киши унинг бутун борлиғи ана шундай ажойиб бир тарзда ўзгаришига сабаб бўлганди.

Жаврия унинг ёнига руҳияти бутун бу оқавалардан, ифлос ва аралаш-қуралаш ҳирслардан покизаланиб, шаффоф каби тиниқлашиб келарди.

Руҳиятидаги бу ўзгариш жисмини, кўринишини ҳам ўзгартириб юборганди.

Жаврияни пастқам жойларда, майхона, ишратхонаю гадой топмас ерларда кўриб ўрганган кишилар уни бу хонада кўрсалар танимай қолган бўлишарди.

Аввалги елка учириб нозу фироқ қилишлар, юзига тушган сочларини орқага ташлаш учун кескин бош силташлардан энди унда асар ҳам йўқ.

Овозидаги шаллақилик ҳам йўқ бўлган, бутун вужуди оғирвазмин ҳаракат қилади.

У томонга отланаркан, юзидаги ортиқча пардоз-андозларни артиб ташлар, паришон сочларини тартибга келтирар, кўйлагини кир-чирлардан тозалар эди. Ва Жаврия доимо унинг ёнига боришни, ундан айрилмасликни хоҳларди.

Агар имкони бўлган, замин топган тақдирда бу янги фазилатлар Жавриянинг ҳақиқий ва ягона хусусиятига айланган бўлурди.

У ўзининг бу қизга ана шундай таъсир ўтказётганини билар-миди, ажабо?

У не сабабдан бу аёл билан ўзаро муносабатни давом эттираётган эди? Бутун қиш бўйи ва ёзнинг қўпгина кечаларини унинг уйида ўтказган бу аёлга эғалик қилишни нега хоҳламади?

Бу аёл билан бундай муносабатга киришишдан, унга яқинла-шишдан қўрқармиди, ажабо?

Ниҳоят, қолаверса, унинг ўзи якка-ёлғиз, яширин ҳаёт кечи-раётган бир киши эмасми, ахир? Хуллас, булар қандайдир тушуниб бўлмайдиган нарсалар эди.

Ҳатто бошқа ерда бошқа бир аёли бўлган тақдирда ҳам бундай бир қизни ўз сир-асрорига бу қадар ошно этганидан сўнг ҳам ўзи-ни ундан узоқ тутишини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмас эди.

Шундай бўлса-да, бор гап шу эди, холос.

Бу ҳолатни ҳеч ким ўзгартира олмасди.

Баъзан киши кўчада кетаётганида орқасидан озиб-тўзган бир му-шук ёки кучук эргашади. Бу мушук ёки кучукни ҳарчанд қувиб сол-сангиз, ёнингиздан узоқлашмоқчи бўлсангиз ҳам у орқангиздан қол-май, ялтоқланиб келаверади. Аввалига жаҳлингиз чиқади, газаблана-сиз. Сўнг бора-бора юмшайсиз, ҳатто уни уйингизга киритиб, овқат-повқат берасиз, охирида у сизнинг қадрдон дўстингизга айланади.

Эҳтимол, Жаврия ҳам унинг учун шундай бўлган эди. Олдин уни кўришни ҳам истамагани аниқ. Сўнг эса келганидан жаҳли чиқ-қан ва энг охирида унга ён бериб, қабул қилган эди.

У ҳам Жаврия ўзига боғланиб қолганини тушунганди. У Жав-рияга ишониб, хавотирланмайдиган бўлди. «Қариндошим» дейди-ган ва унга егулик келтирадиган киши энди Жаврия борлигида ов-қатни эшик ортига ташлаб кетмайдиган бўлди. Жаврия ичкарида бўлган вақтларида ҳам у ичкарига кирадиган бўлиб қолди. Жаврия энди унинг кимлигини билиб олганди. У омбор қоровули эди.

Жаврия у билан яқинлашгач, унинг яширин ва таҳликали бир ҳаёт кечи-раётганини тушуниб олганди.

Бу қадар таҳликали ва бундай яширин яшаган кишининг сир-доши бўлиш унинг учун ниҳоятда завқли эди.

У бундан завқдан кўра кўпроқ гурурланарди. Жаврия у билан яқин сирдош икки кишининг бири бўлганлигидан гурурланарди.

Иккинчиси, балки, унинг жиноятига шерикдир. Жаврия билладики, бу йигит полициядан қўрққан бир киши. Айби борки, бурга йўталса, тиззаси қалтирайди.

Жаврия у қамоқдан қочган, ҳали қўлга тушмаган бир айбдор ёки ундан ҳам ёмонроқ ишлар қилган ашаддий жиноятчи бўлса керак деб ўйларди.

Бу, эҳтимол, ўзига хос бир контрабандадир. Бу йигит қачон қараса қайиқда у ёқдан-бу ёққа бориб келади, яширин хонасига доим оғир-оғир тугунлар кўтариб келади. Бинобарин, у ё қароқчи, ёки контрабандист.

Худди шундай, унинг яширин жойидан бохабар бўлган, у билан ҳамнафас икки киши бор эди, холос. Улардан бири зарурат юзасидан буни биларди.

Жаврия бўлса бу йигит билан ҳеч қандай иш зарурати юзасидан боғланмаган.

Бу йигит яширин яшаб юрганига қарамай, уни касал ҳолда кўчага ташлаб кетмаган, бундай қилишга виждони йўл қўймаган, бу ёт ва номаълум аёлни бу ерга, яширин уйига олиб келган эди.

Энди Жаврия ҳам унинг ишончига муносиб бўлмоқ, унга фидокор дўст бўлмоқни истарди.

Жаврия унинг ёнида ва ундан четда бир-бирига тамоман зид, бир-биридан фарқли иккита ҳаёт кечиарди.

Бу икки хил ҳаёт бир-бирига мутлақо қовушмас, бири иккинчисига яқин ҳам келмас, кескин фарқланар эди.

Жаврия унинг ёнида ҳам, кўчада ҳам бирдай самимий эди.

Ҳар икки томонда ҳам у ўз борлигини ўзгартириш учун ўз-ўзини мажбурламас, балки табиий, кўнгли қандай тиласа шундай яшар эди.

Унинг ёнига келмаган кезлари яна бояги, ўша Фосфорли бўлиб қолаверар, кўча муволишида туриб, харидор излар, маст-аласт давраларда «Яша Фосфорли!» олқишлари остида чифтателлига рақс тушишда давом этарди.

Яна Галатанинг, Чашмамайдони, Бейўғлидаги тор кўчаларнинг, Тўпхона, Тошқишлоқ, Кумушсуви, Янгишаҳар, Қутулиш, Мажидиякўйнинг ўша ягона Фосфорлисига айланарди.

Яна эркаклар майхоналарда уни деб ёқа бўғишишарди.

Яна у, кўча-кўйнинг Фосфорлиси гоҳида пул эвазига, гоҳида текинга дуч келганга ўзини инъом этишда давом қилаверарди.

Жаврия яна ўша оч қоринга рақини сув қўшмасдан устма-уст симирадиган, оғзини тўлдириб ҳақорат ёғдирадиган, чифтателли ўйнарган, елкасини учириб, қош-кўзини сузадиган фоҳишага айланарди.

Ҳа, унинг аввалги ҳаёти ҳеч қандай ўзгаришсиз, қандай бўлса шундайлигича давом этмоқда эди.

У, ўз таъбири билан айтганда, фақат бир кишининг ўйнашига айланмасликка, кимдир унга бўғов, тушов бўлиб қолмаслигига ҳаракат қилар эди. Тушов бўлмасликлари, «ёпишиб олмасликлари» учун бир марта ётган эркакни иккинчи марта ёнига йўлатмасликка қаттиқ эътибор қиларди.

Жазманлари билан бўлган муносабатлари туфайли катта тажриба орттирган Жаврия такрорланадиган ҳар бир иш мижозни ўзига ўргатиб қўйишини билгани учун улар билан давомли мулоқот қилмасликка уринарди.

Ваҳоланки, у олдинлари дўст орттиришни, балонинг ўқи бўлган номдор бир жиноятчининг ўйнаши бўлишни афзал биларди.

Шу туфайли дугоналари орасида обрў-эътибори баланд бўлар, чўнтаги ҳам муллажирингсиз қолмас эди.

Бироқ энди Жавриянинг ҳеч кимга доимий ўйнаш бўлгиси йўқ эди.

Доимий жазман орттирадиган бўлса, маълум бир муддатга Нажотибей кўчасидаги яширин уйга қатнамаслиги, кимдир у яширин яшаётган уйдан хабар топмаслиги учун ҳатто ўша кўчага қадам ҳам ташламаслиги лозим бўлурди.

Жаврияни энг кўп ташвишлантирган нарса шу эди, холос.

У ҳақда ҳозирга қадар ҳеч кимга лоақал бир оғиз сўз айтгани йўқ. Қандайдир эҳтиётсизлик оқибатида унинг борлигини ва яширин яшаётган жойини ошкор этишдан қўрқиб, доим титраб-қақшаб юрди. Бу сирни сақлаш унинг учун ҳаётининг мазмунига айланди.

У ернинг яширин, номаълум қолиши ва кундалик ҳаётдан тамоман четда туришида, у билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигида ҳам ўзига хос бир гўзаллик ва лаззат бор эди.

Жавриянинг борлигида кўча аёли ва бир эркакнинг дўсти бирлашиб кетган эди. Ҳа, у бир эркакнинг дўсти эди.

Бу эркак уни «сиз»лар, ҳатто қўлини ҳам ушламас, неча кунлаб бирга яшасалар-да, уни қучоғига олишни истамас эди.

Унга ор-номусли хотиндек муомала қилар, бошқалар сингари:  
«Ҳой жонон, қани, бир чифтателлига ташласанг-чи!» деб ҳайвоний ҳирс тўла кўзлар билан тикилмасди.

Бу нарса унинг ҳатто ҳаёлига ҳам келмасди.

У энди Жаврияни очиқ чехра билан, самимий, бир жонажон дўсти каби кутиб оларди.

Ҳа, Жавриянинг икки хил ҳаёти ўртасига гўё қалин девор урилгандай. Зим-зиё кечалар унинг ҳаётини иккига бўлиб ташлаган эди.

Жаврия ҳаммага очиқ-ойдин бўлган кўчадаги чиркин ва ифлос ҳаётидан узилиб, қоронғи кечаларнинг қоп-қора пардаларини йиртиб, унинг сирли-синоатли, бироқ покиза кўринган асрорангиз ҳаётига кириб борарди.

Жаврия бир неча бор унинг бошидан ўтказганларини билиб олишни хоҳлади. Бу хотинларга хос шунчаки қизиқсинишнинг ўзигина бўлиб қолмай, севган қалбнинг севгилисини янада яхшироқ билиб олишдан иборат ички эҳтиёжи ҳам эди. Жаврия уни бундай яширин яшашга мажбур этган, ҳамиппа юрагини пўкиллатиб юрадиган жинояти нимадан иборат эканлигини ва унинг не иш билан шуғулланишини билишни истар эди.

Жаврия полициядан қочиб, яширин яшаган кишиларни кўп кўрган.

Бироқ улар орасида ҳеч ким у қадар эҳтиёткор эмасди.

Қани энди унинг исмини, бошидан кечирганларини билиб олсайди.

Агар унга хавф туғдираётган бирон таҳлика бўлса, биргаликда бу хавф-хатарни бартараф қилса. Ўшанда Жаврия нақадар бахтиёр бўлган бўларди.

Буларни билиб олиш учун берадиган ҳар қандай саволи уни шубҳалантириб қўйишини билгани, янада тўғрироғи, англаб, сезгани учун дамини чиқармас, унинг ҳаёти ва шахсига оид билган нарсалари билан кифояланишни мақбул деб ўйларди.

Бир йил ичида унинг хонасида ўтказган кунларнинг ҳаммасини қўшиб ҳисобласа, икки-икки ярим ойга етиб қолади.

Дарҳақиқат, энди улар бир-бирига жуда ўрганиб қолган эдилар.

Унинг учун ҳам Жаврия ҳаётининг бир парчасига айланганди.

Эҳтимол, яширин ҳаёт кечириётган бу йигитни кўчадан келган, сергап, ҳаёти тубан можароларга тўлиқ бўлишига қарамай, оғиз очган заҳоти болалардек тўғри ва самимий сўзлашга киришадиган кўча қизининг ҳикояси завқлантирар ва чалғитар эди.

Жаврия у билан ўтказган ҳар бир кун, ҳар бир соат ва ҳар бир лаҳзани ҳаётининг энг масъуд куни, соат ва лаҳзаси деб билар, ундан айрилгач эса буларнинг қайси бирини янада яхшироқ деб топишга қийналарди.

Бироқ энди у бу кунлар ичида энг бахтли ва энг бадбахт куни уни сўнгги марта кўрган арафа кечаси бўлганлигига амин эди.

Жаврия ўша куни унинг учун кундузиёқ бир қути ширинлик, бахтиёр ота ва икки болакайнинг рангли расми туширилган, заррин нур сочаётган қуёш расми тасвирланган откритка сотиб олган эди. Шундан кейин у почтахона рўпарасидаги мирзахонага кириб, чиройлироқ кўриниши учун откриткага машинкада «Байрамингиз билан қутлайман, кўлингизни самимият-ла сиқаман» деб ёздирди. Откриткани тумшугида мактуб ушлаган кабутар тасвирланган хат-жилдга жойлади ва хатжилдни ширинлик солинган қути боғланган ялтироқ ва рангдор иплар орасига жойлаштирди. Оқшомгача вақт ўтказиш учун не қиларини билмай, у ёқ-бу ёқни кезишга тушди.

Аввалги пайтлари байрам кунлари роса яйрарди. Байрам кунлари кўча қизлари мўмай пул топиб, катта фойда олишар ва роса ўйнаб, маза қилар эдилар.

Бироқ у бугун ҳеч кимнинг кўзига кўрингиси йўқ, қош қорайиши билан секингина ўша ёққа кетиши керак.

Шуни ўйлаб Бабақ томонга юрадиган трамвай бекатига кетаётганида кимдир қўлидан шаппа ушлади.

— Йўл бўлсин, Фосфорлигинам ... — деди орқадан кимдир.

Ичида: «Э, воҳ, қўлга тушдик!» деб ўйлаганча бош ўтирди ва рўпарасида Ёнғоқли Қаҳвачининг ҳарбий хизматдан таътилга қайтган хизматкори Камолга кўзи тушди.

— Ие, сенмидинг? — деди Жаврия.

Камол:

— Шошиб қаёққа кетяпсан, ажабо? — деб сўради-да, сўнг, таклиф қилди:— Байрам шарафига икковимиз бир кўнги:лухшлик қилайлик. Сенинг Барбанг ёнига борақолайлик. Юзта-юзта отамиз. Қани, кетдик!

— Ишим бор эди.

— Э, беш дақиқалик иш-ку бу, Жаврия.

— Эрталабдан отадиган одатим йўқ.

— Нима бало, тавба-тазарру қилдингми дейман?

Бу сўздан бирдан Жавриянинг ичи ёришгандай бўлди. У:

— Тавба-тазарруми? — дея елкасини қисди. — Ишим бор дедим-ку.

Шундай деркан, кўзини қисиб қўйди.

— Кимгадир ваъда берганлар шекилли! ..

Камолдан қутулиш керак. Бироқ қандай қилиб қутулишни билмади.

Камол энди уни икки қўлидан ушлаб, силташга ўтган эди.

— Сени жуда соғиндим, Фосфорлигинам! — деди у.

Камол унинг эски жазманларидан. Армияга кетишидан олдин Жаврияга ошиқу беқарор бўлган.

Жаврия ҳам хизматга кетмасидан олдин Камолни ёқтирарди. Бугдойранг, новча йигит эди у. Қора, қалин сочлари орқага таралган, хушбичим бурни бор. Катта оғзидан йиртқишларникидек ўткир тишлари ялтираб кўринади.

Ўша пайтлари Жаврияга унинг шу оғзи маъқул тушган.

Айиқполвонга ўхшаш бу йигитни бошқалардан афзал кўрар, у билан тез-тез учрашиб туришни хоҳлар эди.

Камол армияга жўнаётганида уни Ҳайдарпошога қадар кузатиб борди. Ўша куни Камол «Фосфорли Жаврия» ашуласининг ушбу байтларини тўхтамай хиргойи қилган эди:

Кўприк усти бандаргоҳ,  
Аскар бўлдинг баногоҳ.  
Оймас, кунмас, уч йил, оҳ,  
Қандай ўтар Жавриям...

Бу байтларни айтаркан паҳлавонкелбат йигитнинг кўзлари жикқа ёшга тўлганди.

— Жаврия, қайтганимдан сўнг турмуш қурайлик...

— Аввало хизматни битир, қайтиб кел, ундан кейин ўйлаб кўра-миз,— деганди Жаврия шунда.

Йигит жўнаб кетгач, Жаврия киприкларига сизган икки томчи кўз ёштини астагина артди.

Бироқ Жаврия кемага орқа ўтирган заҳотиёқ уни унутди.

Камол таътилга келган вақтлари Жаврияни қидириб топар, бутун таътилни тонгдан шомгача у билан ўтказар эди.

Бу гал ҳам Довул Ойтан унга:

— Ёнғоқли Қаҳвачининг Камоли таътилга келибди. Сени излаб юрибди, — деб хабар берди дегунча юраги орқасига тортиб кетди ва у ўзини топиши мумкин бўлган кўчалардан ўтмай қўйди.

У Камолнинг байрам таътилига келганини, байрамнинг биринчи куни ва тунини у билан ўтказишни хоҳлашини, бундай тақдир-

да бутун режалари барбод бўлишини билгани учун унга дуч кел-масликка ҳаракат қилганди.

Бироқ энди унинг ўзи оёқ остидан чиқиб қолди.

Йигит унинг қўлларини қисиб:

— Сени жуда соғиндим, Фосфорлим, — дерди.

Қўлларини зўрға бўшатган Жаврия деди:

— Ҳой бола, нима бало, куч синашга бошқа нарса топилмади-ми? Қўлларим синиб тушаёзди-ку!

Ҳақиқатан ҳам қўллари қаттиқ оғриган эди.

Қўлларининг қизарганини кўргач, аччиғи чиқди.

— Ҳой бола, айғирга ўхшайсан-а, — деди. — Қўлларимга қара. Бу аҳволда кўрган не дейди?

Жавриянинг ростакамига андишага тушиб, аччиқланганини кўрган Камол ҳам кўпирди:

— Ҳей, манжалақи, — деди у. — Бошқасини топдингми?

Камолнинг жаҳли чиққанини кўрган Жаврия паст тушди.

— Ҳой бола, сен ҳазил-пазил деган нарсани тушунмайдиган бир галча экансан-ку! Нозу карашма қилгандим сенга. Сен бўлсанг нозу карашмани билмайдиган тўнка экансан. Қолаверса, нега рашк қиласан? Фариштамидикки, бир йил давомида емай-ичмай яшасак?! Мунча пашшадан фил ясамасанг. Курсокда бир нарса бўлмаса печа кун чидайсан? Ҳа, баракалла. Отамиздан бизга уй-жой, мол-мулк, Усмонийлар Банкаси мерос қолмаган-ку! Шаҳзодамиз рашк қилар эмишлар. Галатада бу гап кетмайди. Бир йилдан буён таъминлаб қўйган одамдек кекирдак чўзасан, бошқасига ўйнаш бўлган-бўлмаганимни суриштирасан? Менга қара, Камол, мен сенга сўз берганим йўқ. Фоҳиша эканимни яхши биласан. Яшириб ўтиришнинг не ҳожати бор? Бироқ шуни ҳам билиб қўйки, менинг ҳеч қандай ўйнаш-пўйнашим йўқ. Бу оқшом сен билан отамлашсак отамлаш-верамиз. Отамлашганда ҳам хумордан чиққунча, сен айтгандай Барбаникида оёқ устида эмас. Фирт бўлгунча, янада тўғрироғи, фирт эмас, эмаклаб қолгудай бўлгунча ичишамиз. Бизнинг Камолжон ҳар куни келиб ўтирибдими? Таътилинг ва байрам шарафига бир чифтателлига тушиб берайки! Бироқ ҳозир йўлимни тўсма. Бир ишим бор. Кеч соат бешларга қараб Барбаникига бор. У бечора ҳам хийла қартайди. Нарёғи яқинлашиб қолган.

Сўнг унга сўзлашга имкон бермай, кўз қисди-да:

— Байрам совғаси келтиришни унутма лекин, — деди ва лик тўла трамвайга сакраб чиқди. Трамвайда кетаркан, қўл силкиб яна кичқирди:

— Кечки бешда Барбиникида!

Ўша куни яна Камолни учратиб қолишдан қўриқиб, шаҳарга қайтмади. Трамвайдан Бабақда тушди, сўнг соҳил бўйлаб аста-аста юриб, Ҳисорга борди, қалъа девори устига чиқди, кейин шу атрофдаги хангаматалаб қаланғи-қасанғилар кўзига тушмаслик учун буталар орасида ётиб, узоқдан бўғоз сувини томоша қилиб, кунни кеч қилди.

Сўнг трамвайла Галатага борди. Трамвайдан тушди, орқасида ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, хурсанд бўлиб, илдам юриб кетди. Омборнинг пастак эшиги бу кеча ҳам очиқ эди.

Жаврия ширинлик солинган қутини бағрига босганча, зинапоядан астагина кўтарилди.

Юқори қаватдаги хонанинг эшигини оҳиста чертди ва эшик шу заҳоти очилди.

Жаврия ичкарига кирар-кирмас стол устига оппоқ дастурхон ташланганини кўрди.

Хонани мовий чироқ ёритиб турарди. У дарҳол эшикни ёпиб, қулфлади-да, Жаврияга қараб жилмайди.

Дастурхон устида учта ликопча бор эди. У электр тугмасини босиб, катта чироқни ёқаётганида Жаврия:

— Меҳмон кутяпсанми? — деб сўради.

— Ҳа, шундай!

— Ундай бўлса мен сени безовта қилмай, қайтиб кетақолай, — деб лудуқланди.

— Бироқ мен сени кутаётгандим, Жаврия!

Буни эшитган заҳоти Жаврия қувончдан тўлиб-тошди. Қаттиқ ҳаяжондан юраги гурс-гурс урди.

— Мени кутаётганмидинг?

У биринчи марта Жаврияни «сен»лади.

— Ҳа, сени кутаётгандим.

Энди уни «сен» лашга ўтган, айна чоғда уни кутаётганини айтган эди.

Жаврия қўлидаги қутини қасрга қўйишини билмай тик турарди.

— Байрамда келасан, — деб ўйлагандим.

— Тўғри ўйлабсан.

Жаврия ичида: «Шайтон йўлдан уриб, Камол билан кетсам нима бўларди?» деб ўйлади.

Жаврия дастурхонга қараб турар, бахти қулганига ишонгиси келмасди.

Демак, уни келади деб ўйлаган ва ҳатто олдиндан дастурхон ҳам ёзган. Демак, унинг келишини истаган, умид қилган ва бунга тайёроланган.

Буни тушунган Жаврия ҳаяжондан бўғриқиб кетди. Эрталабдан буён кўтариб юргани учун бироз эзилган қутини унга узатди.

У қутига қараб:

— Бу нима? — деди.

— Бу сенга байрам совғаси.

— Бекорга овора бўпсан-да, — дея қўлидан қутини олди.

Оёғида покиза шиппак, устида кулранг шим ва енги катта, ёқаси очиқ кўйлак.

Чироқни ёқиб қўйиш учун деразани зич ёпиб, пардаларни тортганди. Шунинг учун ҳам хона роса исиб кетган эди.

У стол томон юрди. Жаврия ҳам унинг ортидан одимлади. Ҳар иккови дастурхонга тикилиб қолишди. Жаврия ҳаяжонини билдирмаслик учун боши билан дастурхондаги ликопчаларга ишора этиб, секингина сўради.

— Мендан бошқа яна кимни кутяпсан?

Униси боши билан пастки қаватга ишора қилиб:

— Оғайним ҳам кепқолади, — деди.

Жаврия стол ёнига ўтиб ўтираркан, унинг ўзи келтирган қути устидаги хатжилдни олганини кўрди.

— Бир хатжилд ҳам бор экан,— деди у.

— Ҳа, бор!

— У ҳам менгами?

Жаврия ўз-ўзидан мамнун кулимсираб:

— Албатта сенга! — деди.— Кўчада катта бўлган бўлсак-да, биз ҳам анойи эмасмиз.

У хатжилдни қўлига олиб, айлантириб кўрди.

— Ўхў!.. Бу жуда чиройли хатжилд экан-ку!— деди. Сўнг у бир ёш боланинг кўнглини олмоқчи бўлган катта кишидек откриткани ва ундаги ёзувни мақтаб кетди.

— Нақадар гўзал откритка бу! Бай-бай... Бунинг устига машинкада ёзилганини айтмайсанми?— дея Жавриянинг кўнглини олиш учун оғзини тўлдириб мақтади. Сўнг:

— Мен ҳам сени байраминг билан табриклайман! — деди-да, бирдан икки қўлини унга узатди.

Жавриянинг юраги тотли ҳаяжонга кўмилиб, гурс-гурс урди, бахтиёрликдан ўтдек қизиб кетган ва титраётган қўлларини унга чўзди.

Бадани унинг баданига теккан, Жавриянинг қўлларини ўз қўллари орасига олган пайтда қиз ўзида йўқ даражада бахтиёр бўлганди.

Қачондан бери бу ерга неча бор келиб-кетганига қарамай, улар ҳалигача қўл олишиб кўришмаган эдилар. Энди бўлса у бирданига икки қўлини узатган эди.

Жаврия ҳозирга қадар унинг қўли ўзига неча бор текканини аниқ биларди.

Бир гал, уни илк бор кўрган кеча қайиқда томир уришини текшириб кўрганди. Кейин уни қайиқдан туширган, йўлда қўлтиқлаб олиб кетган, зинапоядан бўлса белидан қучиб кўтариб чиққан эди. Беморлигида ҳарорати бор-йўқлигини билиш учун бир неча бор пешонасини ушлаб кўрган, сўнг яна бир неча марта томир уришини текширган. Бор-йўғи шу, холос. Бир йилдан бери улар таниш-билиш бўлсалар-да, бирон марта ҳатто саломлашиш учун қўл олишиб кўришмаган эдилар.

Энди бўлса у қўлини узатиб, кўришиб қўйди.

Унинг ёнида ўзининг ундан жуда кичик, унинг эса жуда катта эканлигини доимо ҳис қилиб келган Жаврия энди ўз қўлининг унинг каттакон ҳовучи ичида нақадар жажжи эканига ҳам ҳайрон қолди.

Бу каттакон, иссиқ, дўст қўл унинг қўлини меҳр билан авайлабгина сиқаркан, Жавриянинг вужуди сархуш бир ҳолатга тушгандай бўлди. У умрида ҳеч қачон ҳис этмаган ажойиб бир завққа тўлиб-тошди.

Ҳозиргача у ҳеч кимдан бу қадар лаззатланмаган эди.

Ва ғайриихтиёрий бир ҳаракат билан Жаврия бу қўлни лаблари томон яқинлаштирди.

Берган нашъу намосига ташаккур билдирмоқчи бўлгандек, у бу қўлни лабларига яқин келтириб, ўпди.

Жаврия бугунга қадар ҳеч кимнинг қўлини ўпмаган эди. Лаблари унинг қўлига теккан онда ичида ибодат қилаётган пайтдагига ўхшаш бир туйғу пайдо бўлди.

Бу туйғу завқ-шавқ, бахтиёрлик ва изтироб туйғуларига қоришиб кетган эди.

Шу қадар бахтиёр эдики, балки нашъу намо, завқ-шавқнинг бу қадар мўллиги унга изтироб каби туюлаётган бўлса ажаб эмасди.

Лаблари унинг қўлига тегар-тегмас, кўзларига ёш қуйилиб келди ва икки томчи ёш унинг қўлига томди. Шу холос. Жаврия ҳўнграб юборишдан ўзини зўрга тийиб турарди. Униси қўлини шарт-

та тортар экан, Жаврия ёшли кўзларини кўрсатмаслик учун бошини ёнга бурди.

У ҳам ўзини аввалига қўлини куйдирган, сўнг қуригач, иккита доғ бўлиб қолган бу кўз ёшларини кўрмаган-билмаганга олди.

Жаврия анчагача сўзлай олмади. Бир оғиз гап айтиш учун оғиз очгудай бўлса, бўғзига тошдек тиқилиб турган бир нарса отилиб чиқиб, хўнграб юбориши мумкинлигини сезиб турарди.

Нега унинг хўнграгиси келарди? Уни йиғлагудек даражада ҳаяжонлантирган миннатдорчилик туйғусимиди?

Ахир, дастурхон ёзилган, унга атаб бир ликопча ҳам қўйилган. Байрам оқшоми уни ўйлаган, уни кутган киши ҳам бўлар экан-ку?

Бироқ бу кеча уни кутган бошқа одам йўқмиди?

Бор эди...

Уни бу оқшом Ёнғоқли Қаҳвачининг шогирди Камол ҳам кутаётган эди.

Барбанинг майхонасида. Ҳа, шундай, байрам ва Фосфорли ша-рафига ким билади қандай дастурхон тузади экан?!

Бунини ўйлади дегунча бурнига майхонадан анқийдиган ичкилик ва таом ҳиди урилгандек бўлди. Орқадаги ўчоқда жазиллаб овқат пишмоқда. Сал нарироқда бўлса шарманка.

Дудоқлари унинг қўлига теккан лаҳзадан кейин Жаврия жуда жўшиб кетганди.

Сеҳрланганга ўхшарди.

У шундай бир ҳолатга тушгандики, фақат кўча қизларига хос жазавага тушибгина таскин ола биларди холос.

Ёноқлари ял-ял ёнаётган Жаврия у қўлини тортиб олганидан буён ҳеч сўзлай олмаётган эди. Шаҳло кўзлари катта-катта очилган, юзлари сўлгин, дудоқлари хиёл очиқ ҳолатда унга термилиб турарди.

Мабодо тилга кирса айтадиган илк сўзи:

«Мени бағрингга ол. Худо ҳаққи, дин ҳаққи, нону туз ҳаққи, мени эркалат ... Мени сев ....» деб ёлвориш бўлурди.

Ҳа, бурнига майхона ҳиди урилганди.

Қаҳвачининг югурдаги бўлган бўлса нима қипти, агар қўли очилса борми сарфу харажатда миллионерлар ҳам унинг олдига тушолмайди.

Жавриянинг ичгиси келаётган эди. Тонггача шарманка чалдиришни истар, қадаҳ устига қадаҳ бўшатиб, бақириб-чақиргиси, гавфо кўтаргиси, жўшгиси, жўшгиси, Галатага овоза бўладиган даражада қайнаб-тошгиси келарди.

Ҳа, худди шундай қилиши, ичидаги ҳовурини тушириш учун полицияга тушиши керак.

Қалби алғов-далғов, ичида қиёмат қойим. Кўзлари юмуқ. Жаврия кўзларини юмиб ўтирар, агар очгудай бўлса, у кўзимдан кўнглимдан ўтаётганларни дарров билиб олади, деб чўчиётган эди. Кўзига Галата кўчалари кўрингандек, майхоналар ҳиди димоғига урилгандек, бўянган қизларнинг бўғиқ товушлари қулоғига чалингандек бўлаверди.

Ичидаги бу хуруж фақат устма-уст рақи отиб, бир бурчакда чўзилиб қолгунга қадар ичган тақдирдагина босилган бўларди холос.

Фақат шундагина холос.

У Жавриянинг бу ҳолатини сезаётганмиди ёки сезмаётганмили?

Ёки буни билишни ҳам хоҳламасмиди?

Жаврия ичидан ўтаётганларни унинг билиб қолишидан жуда кўрқаётган эди.

Бирдан эшик астагина тақиллади. Жаврия кўзларини очди. Кўзини очди дегунча яна бу сокин хона, оппоқ дастурхонни кўриб, кўчани, майхонани, ҳамма-ҳаммасини унутди — шу ерда қолиш, бу ердан ҳеч айрилмаслик иштиёқида ёнди.

Агар у бир мартагина истасайди, бу ердан ҳеч қачон чиқмаган, доимо унинг ёнида қолган, унинг Фосфорлисига айланган бўлурди. Бундай қила олишига ишончи комил эди.

Агар ҳақиқатан ҳам у Жавриядан буни истаса Жаврия шундай қила олармиди?

Бироқ у бу ишни давомли бир шаклда қила олмасди!

Нима бўлгандаям шу лаҳзада уни бу ишнинг кейинчалик Фосфорли Жаврия учун кўп оғир иш бўлишига ишонтириш ғоят мушкул эди.

Бу ишни қила олиши учун Жаврия мутлақо бошқа одамга айланиши лозим эди.

Жавриянинг ўзига хос заиф томонлари бор эди.

Ҳозир бўлса Жаврия ҳамон ўша-ўша — қадимги Жаврия. Айни чоғда у бу бегона йигитни ўлгудек севиб қолган эди.

Ўз ҳаётида у илк бор севиб қолганди. Барча кишиларнинг пешонасига ёзилган бу савдо унинг бошига ҳам тушганди.

Уни кўрди дегунча яна бутун ўтмишини унутди.

Унинг ёнида бўлган вақтида Галатанинг машҳур Фосфорлиси эканига ўзи ҳам ишонмай қоладигандек туюларди.

Ичкарига кирган қоровул эди... У:

— Кечикдинг, Карим! — деди.

Жаврия бу Карим деганни жуда яхши кўрарди. Уни бир неча бор шу ерда кўрган. Биринчи кўрган кунiek уни ёктириб қолган.

Зотан севганининг атрофида неки бўлмасин, унга яқин кимки бўлмасин Жаврияга ниҳоятда қадрли, гўзал, яхши кўринарди.

Карим ҳам Жаврияга инсонларча муомала қиларди.

Карим у каби оғир-вазмин, камгап ва жиддий эмасди. У очиқ юзли, дилкаш одам эди.

Доимо ҳазил-хузул аралаштириб сўзлайди. Бироқ ҳазил-хузули Галатадаги каби шармсиз ва беҳаё эмас.

Қартайган. Аввалги подшоҳлар замонида, биринчи жаҳон уруши вақтида аскар бўлган.

Ажабтовур ҳикоялар сўзлайди. Шундай латифалар айтадики, кулгидан ичак узилади.

Уят гап қўшилмаган латифалар ҳам ичакузди бўлиши мумкинлигини Жаврия ҳатто тасаввур ҳам қилиб кўрмаганди. Карим айтadиган латифалар Галатада эшитадиган бешарм латифаларга ҳечам ўхшамайди.

У кўпинча ўз бошидан ўтказган воқеалар, мушкул вазиятлар тўғрисида ҳикоя қиларди. Жаврия бу ҳикояларни эшитиб, роса завқланарди.

Карим ҳам Жавриянинг сўзларидан завқ оладигандек туюларди.

Жаврия севгилисига айтолмайдиган гапларни у билан бемалол ўртоқлашиши мумкинлигини ҳис қиларди.

Гарчи у шу чоққача ҳеч нарсани ошкор этмаган, қалбининг тўридаги ҳис-туйғулардан оғиз очмаган бўлса-да, бу йигит нимаси биландир Жаврияга кўприк остида ўлган ўша кишини эслатарди.

Каримнинг севгилисини авайлаб-асраши Жаврияга энг мақбул тушган нарсa эди.

Карим уни жуда яхши кўрар, ниҳоятда ардоқлар, асрар, унинг феъли-хўйини билар, унга отасидек меҳрибон эди. Жаврия кўпинча: «Ажабо, отасимикан ё?» деб ўйларди.

Бироқ қочоқ киши ҳеч қачон ўз отаси ёнида яшириниб юрмайди. Бу тўғри бўлмас эди. Нима бўлгандаям Карим унга жуда яқин бир киши. Бир-бирини қаттиқ ҳурмат қилишади, яхши кўришади.

Гоҳ-гоҳ Карим унинг болалик чоғлари ҳақида сўзлаб қоларди.

Унинг болалик даврига оид ҳикояларни эшитиш нақадар мароқли бўларди.

Бу жуда ёқимли эди.

Карим унга ҳеч қачон исмини айтиб мурожаат қилмагани учун Жаврия унинг исмини ҳеч билолмади.

Карим унинг болалиги тўғрисида бир неча бор ҳикоя қилган чоғларда Жаврия гап орасида унинг исмини билиб оларман деб ўйлаганди.

Бироқ ҳар гал умиди чиппакка чиқаверди. Карим ҳеч қачон паришонхотирлик қилмас, унинг исмини зикр этмас эди.

Карим олтмиш ёшларга борган. Сочлари қув оқарган, пешонаси кенг, буғдойранг юзини ажин қоплаган. Лекин кенг елкалари ҳали чўкмаган.

Чап қўлининг икки бармоғи йўқ. Биринчи жаҳон урушида бармоқларидан айрилганини айтган эди.

Салгина қишлоқ лаҳжасида сўзлайди. Бироқ Жаврия унинг қаерлик эканини аниқ билолмади. Жавриянинг улар ота-бола эмас, деган фикрга келишининг боиси ҳам Каримнинг шевада сўзлаши эди.

У бўлса соф Истанбул шеvasида сўзларди.

Унинг истанбуллик эканлигига шубҳа қилмас ҳам бўлаверади.

Сухбатлашаётганларида Жаврия унинг ҳаётига оид бирон тафсилот эшитиш умидида ҳамиша қулоғини динг қилиб ўтирарди.

Бу шунчаки бир қизиқиш эмасди.

Унинг ҳаётининг ҳар бир саҳифасини мароқ билан ўқигиси, ҳар бир хусусиятини алқатгиси келарди.

Ичида катта ва даҳшатли қўрқув ҳам бор эди: Жаврия унинг бошқа хотини бўлиши мумкинлигидан чўчирди.

У ўзини севмаслигини билса-да, англаса-да, унинг бошқа бир аёли бор бўлиб чиқса бу Жаврия учун энг ёмон фалокат бўлган бўларди.

Буни билгиси келарди. Бошқа бир аёли бормикан? Йўқмикан? Тўғрироғи, уларнинг суҳбати асносида бундай бир хотин бор-йўқлигини билиб олишни истарди.

Уларнинг суҳбатига диққат билан қулоқ солишининг сабаби ҳам шу эди.

Дастурхон атрофидан жой олишди. Карим ҳамишагидек хушчақчақ. Ичакузди латифалар сўзлашга киришди.

Жаврия латифа эшитаркан, иштаҳа билан овқат ерди. Чунки кун бўйи овқат емай, оч-наҳор кезганди. Нақадар ҳаяжонланган бўлмасин, иштаҳаси карнай эди.

Яхши таом еб ўрганган кишидек иштаҳаю очкўзлик билан овқат ерди.

Жаврия овқат билан машғул экан, ҳар доимгидек улар суҳбатлашар эдилар. Жаврия бўлса жим ўтирар ва ўз-ўзидан: «Нега шу пайтгача овқатланмаган экан булар?...» деб сўраб кўярди.

«Ажабо, мени кутишганмикан ё?»

Карим узоқдан келган одамга ўхшарди. Хонага кириб келган чоғда ҳорғин кўринган эди.

Энди бўлса унда ҳорғинликдан асар ҳам қолмаган.

Жаврия маза қилиб ўтирарди.

Дастурхонда шароб ҳам бор.

Бироз олдин шишани очар экан, Карим бирданига жиддий қиёфада:

— Бу ерда ҳеч ким маст бўлмаслиги даркор! — деган эди.

Жаврия тушунди. Карим бунинг унга қарата айтганди. «Кайфим ошиб, бақир-чақир қилишимдан кўрқаяпти!» деб ўйлади Жаврия.

Ва у маст бўлмасликка, ичишни билишини унга кўрсатиб қўйишга қарор берди. Карим:

— Ичди дегунча кишининг ақли бошидан кетади, — деди. — Бақир-чақирни бошлаб юборсак аҳволимизга вой!

Жаврия кўз қисиб қўйди-да:

— Акажон! — деди. — Аввало шишани бўшатиб кўрайлик-чи. Керак бўлса тилни тизгинлашни биз ҳам биламиз.

Шундай дейишига қарамай, биринчи қадаҳ тўлдирилган заҳоти:

«Бу оқшом кайфимиз тарақ бўлади, шекилли!» деб ўйлади.

Шундоғам у мастга ўхшаб қолганди.

Бу ҳиссиёт шу қадар кучли эдики, унинг таъсирида Жавриянинг кўп ўтмай «ғирт бўлиши» муқаррардек туюларди.

Унинг ёнида, унинг дастурхони атрофида у билан бирга маст бўлиш гоят завқу шавқли иш бўлишини ҳис қиларди.

Устига ликопча қўйилган дастурхон атрофида, у Жаврияни кутиб ёзган шу дастурхон ёнида ўтириб ичмоқ!

Қирқ Ямоқли Домла ҳам жаннатда бу қадар нашъу намо бўлиши мумкинлигини тушунтириб беролмаган эди.

Карим бардақ ичига қирмизи шароб қуяркан, Жаврия «Ичмасаммикан?» деб ўйлади.

Ичса, шубҳасиз, кайф бўлади. Кайфи тарақ бўлдими, Жавриянинг бир ишқал чиқариши турган гап.

Унинг олати шундай.

Бироқ у бу ерда ҳам ғалта кўтарармикан, ажабо?

«Шароб ичмай қўяқолай. Ичмайман десам тарбиялидек ҳам кўринаман» деган фикр хаёлидан йилт этиб ўтди. Сўнг: «Улар менинг

ким эканлигимни билишмайдами? Шароб деса жонимни беришимни ҳам билишади, бу хотин роль ўйнаяпти, дейдилар... » деган фикрга келди, кейин «Не десалар дейверсинлар, ичаманми ичаман!» деб қарор қилди. Шароб калласига уришини била-кўра туриб, лиқ тўлдирилган биринчи қадаҳни бир кўтаришда охирига қадар бўшатди. Биринчи қадаҳнинг ўзиёқ, ўйлаганидек, унга тез таъсир қилди. Қадаҳ устига қадаҳ, бардақ устига бардақ бўшатадиган, ҳатто шишанинг оғзидан рақи ичиб юрадиган Жаврияга шаробнинг бундай тез таъсир қилиши кутилмаган бир ҳол бўлди.

У бир бардақ шароб ичибоқ кайф бўлиб қолганди.

Маст бўлишдан ҳақиқатан қаттиқ кўрқаётганига қарамай иккинчи бардақни ҳам қайтармади.

Уни ҳам бир кўтаришда бўшатмоқчи бўлди, бироқ ғирт маст бўлиб қолишдан кўрққани учун бундай қилмади.

«Нақадар хира, суюқ эканлигимни кўрсатишнинг не ҳожати бор? — деб ўйлади у. — У, ҳар ҳолда, менинг бу томонимни кўришни хоҳламайди, менга кибор хонимлардек муомала қилади...»

Иккинчи қадаҳни иккинчи кўтаришда яримлатгач, шундай фикр хаёлидан ўтди: «Хўш, менинг бир аслзода хонимдан не фарқим бор? Уни ҳам, мени ҳам Оллоҳнинг ўзи яратган-ку!»

Бироқ кейин: «Оллоҳ яратди, аммо бошқа-бошқа қилиб яратди!— деди қатъият билан. — Бу дунёга мендек бир Фосфорли керак эди, Оллоҳ Фосфорлини яратмаса Галатанинг қаланғи-қасанғилари не қилардилар?»

Ичида қилган бу ҳазилни овоз чиқариб айтгиси келди. Иккинчи қадаҳдан учинчи қултумни ҳам ютди. Бардақда Жаврия учун бир ҳўплам шароб қолган эди.

Кайфи ошганини билиб қолишларидан кўрқиб, жим ўтираверди. Улар ўзаро суҳбатни давом эттираётган эдилар. Нима ҳақида сўзлашаётганларига Жаврия қулоқ ҳам осмаётганди. Бу суҳбат асносида Жаврия фақат бир нарсани, унинг исмини билиб олишни истарди.

Унинг исмини билиб олсайди, унга исмини айтиб мурожаат қилсайди...

Унинг исми нима экан?

Аҳмадмикан?

Аҳмад исми унга маъқул тушмади. Эсига Кўфгачи<sup>1</sup> Аҳмад тушди.

---

<sup>1</sup> К ў ф т а — котлет.

Гоят жирканч бир махлуқ эди ўша Аҳмад.

Балки исми Усмондир? Усмон исми жуда гўзал. Жаврия бу исми яхши кўрарди. Ҳозирга қадар нечта Усмонга дуч келган бўлса ҳаммаси яхши киши бўлиб чиққан. Кўприк остида бирга ўйнайдиган болалар орасида ҳам Лочин Усмон дегани бўлгучи эди.

Эҳ, Лочин Усмон... Жуда жўмард бола эди у...

Бир марта Жаврияни чўкиб кетаётир деб ўйлаб ўзини Галата кўпригидан денгизга отган. Муштдек бўлса-да, арслон юракли бола эди у.

Ёки Шофёр Усмон-чи... Шофёр Усмон унга озмунча яхшилиқ қилдими. Автомобилида уни айтган жойига обориб қўярди. Бунинг устига у худди Барба сингари ҳеч нарса таъма қилмаган, Жаврияга ҳеч қачон ёмон таклиф этмаган. Уни кўрди дегунча: «Кел Жаврия, не гаплар?— дерди.— Қани, ўтир ёнимга, бир айланиб келайлик. Сен менга барака келтирасан».

Жаврия автомобилдан тушаётганида пул ҳам берар эди. Бироқ ҳеч қачон ҳеч нарса тама қилмаган. Фақат икковлон очиқ-сочиқ ҳазил-хузул қилишиб кулишишган, холос.

Кейин Қоровул Усмон, қорақўлдаги комиссар муовини бўлган Усмон. Ҳаммаси ҳам яхши кишилар. Усмон исмлиларнинг барчаси яхши. Шу Қоровул Усмон уни неча марта қочириб юборган.

Комиссар муовини Усмон бўлса Жаврия қўлга тушиб, қорақўлга келтирилганида ҳар гал унга сигарета берар, чой билан сийлар эди.

Хатто бир гал Фосфорлига бир қути сигарета ҳам олиб берган.

«Хитлар орасидаги Усмонлар ҳам яхши-я!» деди.

Ва аввалига унга «Усмон» деб мурожаат қилишга қарор қилди.

Бироқ Шарафиддин, Ҳусомиддин каби улугвор исмлар ҳам бор-ку. Баҳо, Бюлент, Турғут... Йўқ, йўқ... Ҳеч бир исм унга «Усмон» исмидек ярашмайди.

«Агар онаси бўлсам, унга «Усмон» деб от қўйган бўлардим», — деб ўйлади Жаврия.

«Усмон ... Усмон... Усмон!.. » деб такрорлади у.

Ҳар бир кишининг исми, ҳар ашённинг номи бор.

Ашёларга ким ном қўяркан, ажабо?

«Инсонларнинг қиладиган иши йўқмикан, дуч келган нарсага ном қўйишади» деди ичида. Сўнг бирданига хаёли бошқа ёққа кетиб:

— Ажабо, менга ким «Жаврия» деб исм қўйган экан?— деди. — Эсимни таниганимдан буён мени «Жаврия» деб чақиришади...

Бу гапни у овоз чиқариб айтиб юборганди. Унга ҳайрон бўлиб қараб қолишди. Карим кулиб қўйди-да:

— Қалланга бу гап қаердан келди, Жаврия?— деди.— Ҳар бир кишига отаси ёки онаси исм қўяди.

— Менинг на отам бор, на онам.

— Ҳарҳолда қачонлардир бўлган. Инсонлар дунёга бошқа йўл билан келмайдилар-ку.

У ҳозирга қадар ўзига онаси исм қўйган бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Ўз исми ўша номаълум она билан уни боғловчи сирли бир ришта, бир робита бўлиб кўринди унга. Ўз-ўзича: «Менинг ҳам онам бўлган, исмимни онам қўйган!» деб ғурурланди.

Бу ниҳоятда ёқимли фикр эди.

У ҳозирга қадар онаси бўлганлигини ўйлаб ҳам кўрмаган, бунинг ҳатто тасаввур ҳам қилмаганди.

Оналик бўлмоқ!

Ҳаётда онаси бўлганлигига ҳеч ақли бовар қилмас эди.

Қандай туғилганини сўраб қолишса:

— Жоним қурбон бўлсин Оллоҳимга, мени ҳар ҳолда қўзиқорин каби ердан ундирган ёки ёмғир каби кўкдан индирган,— деб елка қисиб қўярди.

Она! Бу унга ғоят узоқ бўлган мавҳум тушунча эди...

Одамлар онасиз дунёга келмасликларини жуда яхши билса-да, ўзининг онаси бўлганлигига кўпам ишонавермасди.

Бир аёл... Ҳақиқатан уни тўққиз ой қорнида кўтариб юрган, унга жонидан жон берган ва унга ҳаёт бахшида этиш учун азоб-уқубат чеккан бир аёл бўлганмикан, ажабо?

Уни бағрида олиб юрган, кўксидан сут берган, эркалатган бир аёл.

— Эҳ, оналик бўлиш нақадар соз бўларди!— деди ва бунинг нақадар ёқимли эканлигини ҳис қилди.

У умрида она меҳр-муҳаббати, она муруввати не эканлигини, онанинг яқинлигини ҳеч қачон билмаган, сезмаган эди. Бирон-бир аёлнинг уни она муҳаббати билан севиши мумкинлигига ҳеч ақли бовар қилмасди.

Кўча қизлари орасида дугоналари жуда кўп. У яхши кўрган ва уни ёқтирадиган қизлар ҳам жуда кўп.

Бироқ уларнинг ҳеч бири она ўрнини босолмас эди.

Унга яқин бўлган бир қиз бор эди:

Араб Жамила!

Араб Жамила билан узоқ йиллар дўст бўлишди.

Аммо Жамила унинг тенгдош дўсти эди, холос.

Унинг меҳр-муҳаббати ва мурувватини фақат опа ёки сингилнинг муҳаббатига ўхшатиш мумкин эди, холос.

«Яхши опа-сингиллардек бир-бирини яхши кўриш учун ҳам бир онадан туғилмоқ керак!» деб ўйлади у.

«Икки дугона бир-бирини нақадар яхши кўрмасин барибир опа-сингил муҳаббатига тенг келолмайди!» деди Жаврия. Хўрсинди.

Ичида ўзи билмаган, ҳис этмаган бу меҳр-муҳаббат ҳисларини бошдан ўтказиш, тотиш иштиёқи жўш урди.

Таърифига тил ожиз бўлган бир аччиқ ҳасрат қалбини ўртаб юборди.

«Йиғлаб юбормасам гўргайди!» дея ўз-ўзидан ҳайратланди.

— Шу падарлаънат шароб бу кеча мени роса маст қилганга ўхшайди-я!— деди. — Байрам ҳам расво бўлди!

Болалик чоғларида онаси бўлганлар учун ким билади бу байрамлар қандай яхши ўтгандир?!

Байрам томошалари ўтказиладиган майдонларга борган кунларини эслади.

Қизил, пушти, жигарранг, сариқ, яшил кўйлак кийган қизалоқлар, эғнида матросча кўйлак, костюм-шим бўлган болакайлар кўз олдида жонланди.

У бу майдонларга ялангоёқларига лой чаплашган, бўйига ҳам етмайдиган калта кўйлак кийган ҳолда борарди... Тенгдошларининг ювиб-таралган сочларига, белларига боғлаб олган ипак рўмолларига, сочларига таққан ленталарига ҳайрат билан боқарди.

Уларга ҳеч қачон ҳасад қилмаган, Жаврия уларни ғайритабиий бир жонзотдек томоша қиларди холос.

Улардек бўлишни ҳеч истамаса-да, уларни кўргиси келарди.

Балки у ўз ҳаётида улардек бўлиши мумкинлиги тўғрисида ҳеч ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Бу ҳақда ўйламагани учун ҳам улардек бўлмаганидан заррача хафа бўлмасди.

Эҳ, у байрам кунлари ...

Жаврия байрамни ўша болалардан кўра кўпроқ сабрсизлик билан кутар, арафа кuni тўплар отила бошлагач, уйқуси қочар, майдонга боришини ўйлаб, юраги гурс-гурс урар, ётган жойида у ёқдан-бу ёққа ағдарилар, интиқ бўлиб тонгни кутарди. Тонг отиши ҳам бирам қийинлашиб кетардики...

Жаврия бир кун олдинданоқ ҳайинчак қураётган ишчиларнинг ишини томоша қилиш учун у ёрларга борар:

— Амакижон, сенга ёрдам берақолай, эвазига мени бир мартагина текинга учирсанг бўлди! — дер, уларга кўмаклашиб, тахта, мих ташир, эртасига ҳайинчак учиш учун қўлдай ишлар эди. Бироқ эртасига ҳайинчакчи болаларнинг кўплигидан шошиб, уни эсидан чиқариб қўярди. Жаврия:

— Амаки, амакижон... Кеча мен сизга ёрдамлашгандим. Кеча эртага текинга ҳайинчак учасан, дегандингиз-ку, дерди. Ҳайинчакчи бўлса:

— Бор кет... Сени кўрганим йўқ! — дерди.

Жаврия шу тариқа неча бор текинга ишлаб берган ва ҳайдалган.

Овқатланиб бўлишгач, Жаврия идиш-товоқларни ювишга киришди. Икки эркак паст товушда гаплашишга ўтишди. Жаврия уларга қулоқ солгиси келмади, чунки бундай қизиқсиниш унинг ҳақлини чиқаришидан жуда кўрқарди. Бироқ, шунга қарамай, унинг ҳаётига тааллуқли бирон нарсани билиб олиш истаги кучайгандан кучайиб борар, бу истакни бостиришнинг иложи йўқ эди.

Улар деярли шивирлашиб гаплашаётган эдилар.

Жаврия унинг Каримдан:

— Йиғладими?— деб сўраганини эшитди, холос.

Каримнинг жавобини эшита олмасди. Сўнг у баланд овозда:

— Бечора хотин!— деди.

Бечора хотин! Кимни назарда тутди у? Бу хотин ким экан?

Идиш-товоқ юваётган қўллари титради, юраги сиқилди.

Эҳтимол, бу хотин унинг онасидир!

Мабодо у хотин унинг севгилиси бўлган тақдирда ҳам Жавриянинг рашк қилишга ё хафа бўлишга не ҳаққи бор?

У Жаврияни бирон марта бўлсин қучдими?

Бу, хотин, балки, Каримга тегишлидир. Ҳа, Каримга тегишли экани турган гап. Илло унинг севгилиси бўлиши шарт эмас-ку!

Жаврия ўзига ўзи таскин бермоқчи эди. Бу оқшомдаги шундай бахтиёр онларига путур етишини истамасди.

У билан дўстликка эришганини ҳис қилиб турарди. У Жаврияга бериши мумкин бўлган, берган, бермоқ истаганидан кўпроғини талаб қилиш ва кутиш тўғри бўлмасди.

Идиш-товоқни ювиб бўлиб, ичкарига қайтиб кирганида унда аввалги хурсандчиликдан асар ҳам қолмаганини кўрди. Йигит ўйга ботиб ўтирарди.

Стол ёнидан кетиб, қат устига ўтиб ўтирганди. Тирсакларини тиззаларига тираб, бошини кафтлари орасига олган. Карим бўлса стол ёнида ўтирарди, олдида шароб тўлдирилган қадаҳ.

Карим хурсанд ва шод. Қаҳқаҳалар орасида йўтала-йўтала унга қизиқ бир нарса тўғрисида ҳикоя қилаётган эди.

У бўлса очилиб кулмасди. Карим ўзи гапириб, ўзи қаҳқаҳа отган чоғда у маъюсгина табассум қилиб қўярди.

Карим чўнтагидан бир нарса чиқарди. Бу тўқ ранг ипак галстук эди. У кулимсираб:

— Унутишимга сал қопти-я. Сенга байрам ҳадяси олган экан, айрилишадётганларингизда беришни унутибди.

Жаврия «Ўша хотин!» деб ўйлади. Галстукни тортиб олиб, парча-парча қилиб йиртгиси келди.

«Демак, у билан кўришиб тураркан!»

Бу номаълум хотин унинг байрам кайфиятини бир пул қилди.

Йигит ўзига узатилган галстукни олди. Унинг юзлари саргайган, кўзлари чексиз ҳасратга тўлган эди. Жаврия оддий бир галстук уни қандай қилиб бу даражада маҳзун этганига ҳайрон қолди.

Ҳадяни кўриб ҳиссиётга берилдими ёки совға жўнатган аёлни эслаб ҳаяжонландими? Билолмади.

У бу кичкина ипак парчасини кўзига суртар даражада эҳтиётлаб ўтирганини кўрди.

— Уни жуда ранжитиб қўяяйман, — деди йигит. — Уни ниҳоятда бадбахт қилдим.

Карим жавоб бермади.

Хурсанд, шўху шодон кўринмоқчи бўлса-да, унинг кўзлари ҳам ўйчан боқарди.

— Бугун байрам, — деди Карим. — Хафагарчилик оқшоми эмас.

— Хафагарчилик оқшоми дедингми?— дея такрорлади у ва секин бош чайқаб:

— Битмас-туганмас кечалар булар! — деди сўнг.

Карим индамади. Жим қолишди. Ниҳоят Карим:

— Худога шукур, эртага байрам, — деди. — Бу кеча кўп ўтириб қолдик. Эртага маза қилиб ухлаймиз.

У Каримдан:

— Дарров кетмоқчимисан?— деб сўради.

Жаврия: «Қани энди, ҳалеб гап сотавермай тезроқ кетақолсайд», деб ўйлади. Каримни қанчалик яхши кўрмасин, шу топда у кўзига ёмон кўриниб кетганди!

Негаки у ўша хотиндан галстук олиб келган эди.

Ё раббий, бу хотин ким бўлди ўзи? Нега у бу ерга келиб у билан бирга яшамайди?

«Агар мен унинг хотини бўлсам, у қаерда бўлса, мен ҳам ўша ерда бўлардим».

Балки бу аёл унинг хотини эмас, фақат севгилисидир. Ундан бошқа турмуши бўлган бир хотиндир.

Жавриянинг ичида чексиз бир қизиқиш ҳисси бор эди. Айни пайтда у ҳайратланарди. Унинг севган аёли фавқулодда бир аёл эканлигини, ўзи ҳеч қачон ўша хотиндай бўлолмаслигини билар эди.

Бу хотин жуда бахтли бўлса керак.

Кўзларига ёш қуйилиб келганини сезди. Қани энди ўзини ерга таппа ташлаб, ер тепиниб ва устма-уст қарғиш ёғдириб, биқириб йиғлайверса, йиғлайверса. Ундан:

— Сенга галстук юборган хотин ким? — деб сўрай олса кошки.

Бироқ унга бу саволни бера олмасди.

Бундай савол беришга ҳаққи йўқлигини биларди.

Унинг рашк қилишга ҳаққи йўқ эди.

Уни бу қадар ўлардай, вафодор итдай севишига қарамай, у уни севмагани, истамаганини тушунар ва рашк қилишга ҳаққи йўқлигини яхши биларди. Бу ниҳоятда алам қиладиган бир иш эди.

Ҳозирга қадар бошидан ўтказмаган бундай изтиробнинг ўзига хос лаззати ҳам бор эди.

Унга тааллуқли барча нарсаларни севарди, ҳатто бу изтиробни ҳам.

«Бу галстукни юборган ким?» деган савол тилининг учида турган, лабларини ёндириб юбораётган бўлса-да, жим ўтирарди.

Жим ўтирганча унга боқар, «Уни севгунча мени севса бўлмасмиди, Оллоҳим?!» деб ўйларди.

Энди улар ёлғиз қолишганди.

Анчагача юзма-юз жим ўтиришди.

У ўз ўй-хаёлларига ботган. Жаврия бўлса жимгина унга тикилиб ўтирарди.

Бир соатча шундай ўтиришди. Сўнг у қаддини ростлади-да:

— Унутишимга сал қопти-я, Жаврия, — деди. — Сенга бир нарса опқўйгандим.

— Менга-я?

— Ҳа!

— Нима экан у?

— Байрам совғаси. Сенга байрам совғаси бор, Жаврия!

— Менга-я?

— Ҳа!

Ўрнидан турди, жавоннинг бир тавақасини очиб, бир жуфт ипак пайпоқ ва шарф олди.

Жаврия шу заҳоти билмаган, танимаган, у билан қандай муносабатда эканлигининг тагига етолмаган бир хотин унга галстук юборганидан ҳис этаётган рашкни унутди-қўйди. Катта ҳаяжон билан:

— Менгами? Менгами? — деб сўради.

Бу совғаларни қўл чўзиб олишга журъат этмади.

— Нима, ёқмадимми? — деб сўради йигит.

— Йўғ-эй, жуда гўзал нарсалар-ку булар.

Жаврия бу нарсаларни бармогининг учи билан силаб-сийпади. Айтишга сўз тополмади. Бундай ҳадя беришган чоғларида ташаккур тариқасида айтиладиган назокатли сўзларни билмасди.

— Буларни мени эслаб олибсан-да?

— Сени эслаганимга нега ҳайрон бўляпсан, Жаврия? — деди.— Нима, биз дўст эмасмизми?

Сўнг овози товланиб:

— Ахир, сен ҳам мени эслабсан-ку! — деди.

Жаврия беихтиёр:

— Сени ҳеч қачон унутмайман-ку... — деди.

Жаврия унга чексиз меҳр тўла кўзлари билан боқди.

Бу сўз унга қаттиқ таъсир қилганди. Бироқ Жаврия бунинг фарқига борадиган аҳволда эмасди. У Жаврияга қараб кулимсиради ва:

— Мен ҳам доимо сени кутиб ўтираман. Келмаган пайтларингда излаб қоламан, — деди.

Жаврия беихтиёр ёш боладек қувониб, унга боқди. Бу кеча кутилмаган бир бахт унга кулиб боққан эди.

Оҳ, шу қимматли байрам совғалари.

У Жаврияни ўйлаганининг далиллари...

«Оҳ, Оллоҳим, қандай ажойиб байрам!» дерди у ичида. Инсон ҳам шу қадар бахтли бўла олишига ҳеч ишонгиси келмасди.

Ўша хотин бўлмасайди...

Ўша хотин унга галстук юбормасайди...

Қандай саз бўларди!

Қандай саз бўларди!

Жаврия ҳадяларни силаб-сийпаркан унга савол беришга журъат қилди:

— Бу чиройли галстукни сенга хотининг юбордимми?

Саволни эшитиб, у бирдан жиддийлашди. Юзи жуда жиддий, маҳзун ва маънодор тусга кирди.

— Менинг хотиним йўқ, Жаврия!— деди. Сўнг янада босиқлик билан: — Энди менинг хотиним йўқ!— деб такрорлади.

— Ундай бўлса севган аёлинг буни юборган бўлса керак.

Жаврия унинг каттакон кафти ёноғига яқинлашганини кўрди. Йигитнинг иссиқ кафти унинг юзини болакай юзини сийпагандек сийпаларкан:

— Ҳа, жигарим, — деди. — Бу галстукни менга жонимдан ҳам ортиқ севадиган бир аёл юборди.

Сўзларкан товуши титради. Кўзлари намланди.

Галстук юборган аёлни у гоят қаттиқ севиши кўриниб турарди.

У кўз ёшини тутишга уринган кишининг товушига ўхшаш титроқ овозда деди:

— Мен у аёлни жуда яхши кўраман. У ҳам мени севади. Бу аёлни жуда бадбахт этганман. Бироқ не бўлса бўлгандир, мен ҳамон севадиган ўша муқаддас аёл юборди бу галстукни, Жаврия. Буни онам юборди.

— Онанг бу ердами? Истанбулдами?

— Ҳа.

— У билан кўришиб турасанми?

— Йўқ.

— Қачонгача бундай бўлади? Яширин яшаш, қочиб юришинг қачон ниҳоясига етади?

У қўлини силкиб, бу жуда узоқ, балки абадий давом этиши мумкинлигини аңлатди.

— Сенинг ишинг жуда чалкаш кўринади, — деди Жаврия.— Қандай иш ўзи бу? Наҳотки бирон чора тополмасак?!

Йигит кулди ва ёноқлари ёнидаги қўли аста-секин елкаси томон сузди.

Ва бирдан уни икки елкасидан тутди.

Жаврия энтикди.

Унинг бу қўллари, бу мушфиқ қўллар елкасидан ҳеч узилмаслигини хоҳларди.

Доим шундай ўтиришса, у доим шундай меҳр билан боқиб тураверса.

— Жаврия, сен кўп яхши қизсан, — деди у.

Жаврия:

— Мен Оллоҳнинг бир ғариб бандасиман,— деб жавоб қилди.— Бу аҳволим сенга кўп маъқулга ўхшайди чоғи.

— Сен менинг энг яқин дўстимсан, Жаврия. Дарддошимсан. Мен сенга ўрганиб қолдим. Тушуняпсанми?

Кўзларига тикилди.

— Бу ердаги ҳаётимни сал бўлса-да, енгиллаштирган ҳам сен бўлдинг, — деди. Сўнг:

— Инсонларни яхши кўрасан-а? — деб сўради.

— Ҳа, бу ёлғончиларни кўп яхши кўраман, — деб жавоб қилди Жаврия. — Нечоғлик пасткаш бўлсалар-да, инсон ахир улар. Ҳаммасининг ҳам қандайдир яхши томони бор.

— Одамлардан узоқ яшаш қийин, Жаврия. Кўпчиликдан четда, ёлғиз яшашга мажбур бўлишдан ёмони йўқ.

— Сени ҳам босган, биламан, — деди Жаврия. — Онанг бор бўлса-ю, ҳатто байрам кuni ҳам ёнига боролмасанг. Уйинг бўлса-ю, боролмасанг. Тушунаман.

Унга боқди.

— Менинг онам ҳам, уйим ҳам йўқ, аммо сени тушунаман. Энди мен кўп нарсани тушунаман.

Бирданига ҳайратга тушди.

Ҳақиқатан ҳам у бошқа бир кишига айланиб қолганга ўхшарди.

Олдинлари ўйлаб ҳам кўрмаган нарсаларни билар, авваллари ҳис қилмаган нарсаларни ҳис қилар, илгари борлигидан мутлақо хабари бўлмаган тушунчаларга ақли етадиган бўлиб қолганди. Ва илгари унга тамоман ёт бўлган беғубор бир ҳиссиёт билан, гўё авваллари биронта эркакка берилмаган покиза бир вужуд билан уни севар эди.

Унинг иссиқ қўллари елкасига теккан лаҳзада қалбида уйғонган ҳаяжонни у ҳозирга қадар ҳечам, бирон марта ҳис қилмаган эди. Уни севмоқ Жаврия учун ўз-ўзини бирданига кашф этмоққа ўхшарди.

— Сен одамларнинг энг яхшисисан, Жаврия, — деди. — Сен жуда яхшисан. Сени хонамда, ўз ёнимда кўрдим дегунча...

Яна бир нарса демоқчи эди.

Ажабо нима демоқчи эди?

Жаврия буни ҳеч қачон билолмади.

Чунки бирданига эшик тақиллаб, сўзи бўлиниб қолди. Бир-биридан сал узоқлашдилар.

У эшик томон йўналиб, очди.

Остонада Карим кўринди.

Жаврияга Каримнинг ранги бироз оқаргандек туюлди.

Карим унинг қулоғига нималарнидир пичирлади. Унинг юз-кўзидаги маъно ўзгармаса-да, ранги ўчди.

— Йўғ-эй, азизим, — деди у.

Карим шивирлашда давом этди.

Жаврия ичкарироққа ўтиб, тўшак устига ўтирди. Бироз гангиб қолган бўлса-да, масъуд эди. Уларнинг пичир-пичиридан бироз хавотирланаётган бўлса-да, қалбини қамраган сўнгсиз бахтиёрлик ҳисси оғушида сармаст эди.

Не бўлди бу кеча, ё Раббим?

Ҳаёт бунчалар гўзал бўлмаса?! Яшамоқ нақадар гўзал.

Дунёда ёмон нарсанинг ўзи йўқдек туюларди унга.

Дунёда барча нарса гўзал ва борлиқ бахту саодат оғушида.

Каримнинг юзи бунча совуқ бўлмаса, у нималар деб пичирляпти, ажабо?

Унинг айтаётган гап-сўзлари Жаврия тушган бу бахтли-саодатли оламга путур етказиши мумкинмиди?

Жаврия бу ҳақда ҳатто ўзи ўзига савол беришдан ҳам қўрқди.

Улар анчагача шивирлашдилар. Кейин у деворга осиглиқ камзулини олиб, индамай кийинди.

Нимаси ўзи бу?

Карим унга не деди? Қаёққа кетяпти?

Не замонлардан боши устида гир айланиб юрган таҳлика бирдан хавф солиб, ўртага чиқдими ё?

Жаврияга юзланди. Бўғиқ товушда:

— Жаврия, сен ёт!.. — деди. — Ташқарига чиқишимга тўғри келяпти. Калитни олиб кетаман. Келгач, эшикни ўзим очаман. Сен ухлайвер.

Чиқиб кетишди.

«Сен ухлайвер!» деди. Уйқу...

Жаврия ҳеч қачон бугунгидай бедор тонг оттиришни истамаган эди. Бахтиёрлик онларини бедор ўтказишни хоҳларди.

Унга қандай гўзал ҳадялар берди. Қандай яхши гаплар айтди.

Қаерга кетди экан?

Жаврия ўрнидан туриб, эшик томонга йўналди. Қулоғини эшикка босиб тинглади. Зинапоядан тушаётган оёқ товушини эшитгиси келди.

Бироқ ҳеч нарса эшита олмади.

Сўзи бўлиниб қолган эди.

Жаврия сўзнинг охирини қачондир эшитадими-йўқми — билмасди.

«Мени севармикан?» деб ўйлаганча, дастурхон томонга юрди.

Шиша тагида қолган озгина шаробни бардаққа қуйиб, бир ҳўплашда ютди.

«Бу кеча керак бўлса тоғларни талқон қила оламан!» деб ўйлади.

«Қўнғироқчаларни тақиб олиб, ажойиб рақс тушишим мумкин!» Қани энди шарманка бўлса... Мажидияқўйдаги казинода ва Галатадаги Йўргининг майхонасида эскироқ шарманка бор. Жаврия кайф қилган чоғларида шарманканинг дастасини айлантираверарди.

Шарманкадан куй эшитиларди.

Саёқлар:

— Яшавор, Фосфорли! — деб қийқиришади.

Қани энди бу кеча шарманкалар чалинса... Қоғоз фонарлар порласа...

У қоғоз фонарларни ва сунъий гулларни жуда яхши кўрарди.

Қани энди Жаврия қадаҳларни уриб синдирса...

— Фонару мушаклар сендан айлансин, яша, Фосфорли! — деб қичқиришса эди саёқлар...

Бугун Жавриянинг байрами. Жаврия учун ҳақиқий байрам бўлди бугун!

— Ёндим-ку, Оллоҳим!— дея ҳайқириб стол устидаги қадаҳни мушт уриб синдиргиси, сўнг неча кунлар давомида яраланган кафтини оппоқ дока билан боғлаб, кезгиси келарди. Кайфи тарақлигидан чап қўлини карнай қилиб, орқага туфургиси келарди.

Чирт этиб бир туфуради-да: «Ҳаммангизга туфурдим. Севгим мени севади. Энди мен унинг жазманиман!» дея қаланғи-қасангиларни лол қолдиргиси келарди.

«Унинг жазмани!»

Мақтангиси келиб қолди.

Ахир унинг елкасидан тутди, ёноқларини силади.

Бу оқшом уни кутган эди.

Унга қандай ширин сўзлар айтди. Шоир бўлиб кетганди у бу кеча.

Шароб тугаб битганди. Пастга тушиб, шароб келтирсаммикан, деб ўйлади. Бироқ буни хавфли деб топди.

Ҳарҳолда улар беҳудага кетгани йўқ. Бир таҳлика борлиги аниқ.

Бу йигитни одамлардан четда якка-ёлғиз яшашига мажбур қилган сир нима эканлигини ҳеч билолмади.

Унга тааллуқли ҳеч нарсани тушунолмай ҳайрон эди.

Шароб ичишдан умиди узилгач, кайфи баланд бўлмаса-да, мастларча чайқалиб, ётоқ томон йўналди.

Тўшакка юзтубан тушиб ётди.

Бошини ёстиққа буркади. Ўзи тушуниб етмаган бир сабабдан, бахтиёрликданми ёки изтиробданми, хуллас, не боисдан эканини ўзи ҳам билмаган ҳолда ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

Жаврияга умрида ҳеч насиб бўлмаган бу бахтиёрлик ҳар ҳолда энг юксак чўққисига кўтарилган эди. Шундан кейин унинг толеи яна пастлашиб кетди.

Фалокат устига фалокат ёғилди, боши изтиробдан чиқмай қолди.

Ўша кечаси у, ўзи айтганидай, тезда қайтиб келгани йўқ. Тонг ёришай деган бир пайтдагина қайтиб келди.

Жаврияга:

— Сен дарҳол ўрнингдан тур-да, кетгин, — деди. — Вазият шуни тақозо этипти.

Юз-кўзи жуда сўлғин эди.

Изоҳ бериб ўтирмади. Жаврия ҳам изоҳ талаб қилиб ўтирмади.

Унинг бутун умри ўғри-каззоб, жиноятчилар, қочоқлар орасида ўтган.

Эркак кишининг қовоқлари уюлиб, ёноқлари уча бошласа фалокат оёқ остида деявер.

Жаврия тўшакдан туриб, шоша-пиша кийинди.

Совғаларни қўлига олиб, эшикдан чиқаётганида у Жаврияга яна қўл узатиб:

— Жаврия, — деди, — бу кеча кўп ёмон иш бўлди. Энди анчагача бу ерга келмагин. Ҳеч ким мени кўрмаслиги лозим.

Жаврия бу шунчаки эҳтиёт чораси эмаслигини тушунди. Бу гал ҳақиқатан ҳам бир таҳлика борлиги аниқ.

— Не бўлди? — деди у. — Менга ишонишинг мумкин. Мени энди яхши биласан-ку.

— Жаврия, оппоғим. Биласанки, мен яширин ҳаёт кечиряпман. Кеча бир эҳтиётсизликка йўл қўйдим. Неча йиллардан бери кўрмаган онамни бориб кўрдим. Мени қўлга тушириш учун унинг орқасига одам қўйишган экан. Бизнинг учрашганимиздан хабар топишган. Мени топа олишмаган, аммо онамни қўлга олишибди. Онамни...

Ранги ўчиб, сомондек сарғайиб кетганди. Давом этди:

— Бу ерга билдирмай кириб-чиқиш энди хавфли. Онам терговдан қутулгунга қадар бу ерга келма

— Мен бундан қандай хабар топаман? — деди. — Энди сени қачон кўришим мумкин?

— Бир ойдан кейин. Роппа-роса бир ойдан кейингина бу ердан ўтгин. Тушундингми? Агар тушдан кейин соат учда Карим эшик олдидаги ўриндиқда ўтирган бўлса яхши, ўша кеча ҳамишагидек бу ерга келавер. Акс ҳолда яна бир ой кут. Ҳар ойнинг ўша кунда ўша соатда бу ердан ўт.

Жаврия йиғидан овози бўғилиб:

— Хўп, шундай қиламан! — деди. — Хавфдан қутулиб, сен билан учрашиш имкони пайдо бўлгунга қадар шундай қиламан...

Сўнг ёлворган нигоҳ билан унга боқиб:

— Нега бундай қилишади? — деб сўради. — Нега сени қидиришяпти? Айбинг оғирми?

— Мен ўлимга маҳкум этилган одамман.

Жаврия аввалига тушунмади. Сўнг аъзойи баданини титроқ босди. Униси:

— Сиртдан ҳукм этилганман! — деди. — Агар қўлга тушсам... Биласанми, нима бўлади?

Жаврия буни жуда яхши тушуниб турарди. Фарёд уриб йиғлагиси келди. Уни қўлидан олиб, дор тагига опкетишади, леб қўркувга тушиди.

— Айбинг нима? — деб сўради.

— Қўй энди бу гапларни. Фақат шуни билки, арзимаган эҳтиётсизлик оқибатида қурбон бўлиб кетишим турган гап.

Жаврия ич-ичидан қайнаб-тоғиш келаётган иқрорини тўхтатишга энди қодир бўлмай қолди. Кўзларидан тирқираб отилиб чиқаётган ёшларни тўхтата олмаганидай, иқрор сўзлари ҳам ўз-ўзидан лабларидан отилиб чиқа бошлади:

— Сени ўлдиришмоқчими? Илоё, сени осмоқчи бўлган қўллар ириб тушсин. Сени қандай севишимни, сенга бир итдек садоқатли эканимни наҳотки сезмаяпсан?! Сени бундан сўнг ҳеч кўрмасам ҳам майлига. Сен тирик бўлсанг бас... Сенинг ўрнингга менинг ўлганим яхши... — дерди у.

У Жаврияга ҳеч нарса демасдан, икки елкасидан тортиб, бағрига босди. Кўксига бош қўйиб ўкраётган қизнинг сочларидан ўпиб:

— Азизим, — деди холос.

Шу орада зинапоядан кимнингдир шитирлаган оёқ товуши сезилди. Кўп ўтмай эшик оҳиस्ताгина тақиллади. Карим остонадан ҳатлар экан:

— Тез чиқиб кетсин! — деди.

Жаврия кафтининг орқаси билан кўз ёшларини артиб:

— Қандай чидаяпсан, портлаб кетмаяпсанми, Карим ака?! — деди-ю эшикдан чиқди-кетди.

Қўлида меҳр билан бағрига босган ҳадялар бор эди.

Бу у билан охирги кўришиши бўлди. Шундан кейин уни кўргани йўқ.

Бир йилдирки, Жаврияни мумдай эритиб битирган бу муносабат шу зайлда ниҳоясига етган эди.

Бир йилдирки, Жаврия жавобсиз севги оташида ёниб, эриб-битишдан ўзгача бир ҳузур топган эди.

Бир йилдирки, унинг ўзини севмаслигини, сева олмаслигини билган, ўзига аёл сифатида қарамаслигини ҳис этган, унга фақат дўст деб қарашини билган ҳолда ишқ оташида ёниб яшади.

Шунга қарамай у қачондир Жавриянинг аёллигини кўришидан, аёл сифатида севишидан умидвор эди.

Гоҳ-гоҳ қутуриб тошган бир жўшқинлик ичида ўзидан кетган, ичкиликка берилган, сарсон-саргардон тентираган, чиркинлигу қабохат кучоғига отилган бўлса-да, асос эътибори билан уни танигани, уни севгани учун руҳини бир нур ёритиб, ором берарди.

Жаврияни унга боғлаган туйғу ҳаётига яшиндек бирдан ёриб кирганди.

Жаврия ҳам тўфонга дуч келиб, эгилиб-букилган кучсиз новдадек, бу ҳиссиётга таслим бўлганди.

У билан танишганидан кейин қалбиниңг тўрида шу чоққача пинҳон ётган, уйқу оғушидаги муҳаббат туйғуси бирдан уйғониб, жўш уриб кетган эди. Бутун туйғулари бирдан кўз очиб, куртак ёзган эди.

Жаврия ҳеч қачон кўрмаган онаси, қалбида ҳамон тирик бўлган отаси, дунёга келмаган, келган бўлса-да, ўзи кўрмаган-билмаган ака-ука, опа-сингиллари, ифбатли қиз бўлмагани учун пешонасига ёзилмаган қаллиғи, ҳеч қачон насиб бўлмайдиган эри ўрнига ҳам уни севарди.

Уни ҳамма-ҳаммаси учун, ҳаммасини нечоғлик севиши мумкин бўлса шунчалик севиб қолганди.

Уни бир ойдан сўнг кўриши мумкин эди.

Бир ой ўтишини кутиш, бунинг устига, унинг ҳаёти қил устида турганини била туриб бу бир ойни ўтказиш Жаврия учун жаҳаннам азобидан ҳам ўтиб тушли.

Қаёққа боришини, не қиларини билмасди.

Истанбул бирдан торайиб қолгандек бўлди. Бу улкан шаҳар тўсатдан кичрайиб қолгандек туюларди унга.

Кўчалар одамни дилгир қиладиган даражада ғамбода. Майхоналардан моғору ахлат ҳиди анқийди.

Денгиз кўрғошин рангига кирган.

Ҳавонинг қовоғи солиқ, гўё шаҳар устига кўрғошин қубба тўнкариб қўйилганга ўхшарди.

Жаврия ўзини қўйгани жой тополмас, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа йўл оларди. Бир соат олдин Эдирнақопида турган бўлса, бир соат кейин уни Мачқада, Тошлиқда кўришарди.

Ёнига келмаслик тўғрисида огоҳлангирганидан бери Жаврия Истанбулда борадиган жой тополмас, қўними йўқ эди.

Оқшом тушди дегунча Нажотибей кўчасидаги омбор томонга боргиси келарди.

Уйидан қувилган мушукдек дарбадар бўлиб қолди.

«Энди уни бир ой кўрмайман ҳарҳолда», дерди. «Бирдан уни тутиб олишса-я...»

Бу фикр хаёлидан ўтиши билан аъзойи бадани музлаб қолгандек бўларди.

Унинг ўлимга ҳукм этилганини билган дақиқадан бошлаб яшаш Жаврия учун дўзах азобига айланди.

— Ҳозиргача тутқич бермапти, бундан кейин ҳам, иншооллоҳ, қўлга тушмас,— дея ўзига таскин берарди. Сўнгра бирдан аччиқланиб: «Бировни пичоқлашнинг нима кераги бор эди?» деб тўнгиллаб қўярди.

— Бироқ у одам ўлдирадиган кишига ўхшамайди ҳеч!..

У бундай иш қилиши мумкинлигига ишонмасди.

— Ажалини сўраб оладиган кишилар ҳам бўлади-ку...

Айби не бўлса бўлсин, не сабабдан ўлимга ҳукм қилинган бўлса бўлсин, Жаврия учун фарқи йўқ.

Жаврия учун бу йигит уни хасталигида кўчага ташлаб кетмаган, ўлимга ҳукм қилинган бир қочоқ бўлса-да, унга ачиниб, ўз уйига олиб келган ва бир ҳафта уни боққан яхши инсон эди.

У оғир-вазмин ва яхши инсон...

Байрам оқшоми...

Уни кутиб, дастурхон тузаган, унга ҳадялар берган бир дўст эди у. Жаврия ҳеч кимдан кўрмаган ҳурмат-иззатни ундан кўрди.

— Қани бир ташла-чи, Фосфорли! — дея унинг қорин ўйнатишини истамаган, рақи анқиган лаблари билан дудоқларини ўпмаган ягона эркак ҳам у эди...

У тамоман бошқача одам. Ҳеч кимга ўхшамайдиган фавқулодда бир киши. У билан яқинлик туфайли Жаврия бошқа кишига айланди.

Жаврия илк бор унинг ёнида ўзининг инсон эканлигини ҳис қилганди. У Жаврияга аслзода хонимлардек муомала қилган эди.

— Гўё мен кўприк остидан чиққан исқирт аёл эмас, балки ота-онаси ҳузурида тарбияланган бойвучча хонимдек!— дерди.

Ундан жуда миннатдор, уни бутун қалби билан севади.

Ажабо, уни яна бир марта кўра олармикан?

«Уни қўлга туширишса нима бўлади?» Бу фикрдан жигари эзилиб кетгандай бўларди.

«Уни турмага тикишса-я!»

Турма бўлса гўрга-я, лекин, ахир, у ўлимга ҳукм қилинган киши-ку.

Жаврия ўлимга ҳукм қилинган кишиларни кўрган.

Ё Раббим, уларнинг кунини ҳеч кимнинг бошига солмагин!

Уларни севган бахти қаро хотинларнинг аҳволини айтмайсизми?!

Жаврия Тентак Марикани эслади.

Унинг ўлимга ҳукм этилганини билган кундан бери кўз олдига нуқул Тентак Марика келади.

У пайтлари унга «Тентак Марика» дейишмасди, исми «Кишмиш Марика» эди. Галатанинг энг шўҳ қизи эди. Жаврия унинг сиртога<sup>1</sup> рақс тушишларини, юнонча айтган қочиримли кўшиқларини ҳеч унутмайди. Марика бир кулса борми, майхона ёрилиб кетгудек бўларди.

Бечора Марика...

Хуллас, у Қатиқчи Атемни ўлдирган Пўрим Умарни яхши кўриб қолган эди. Умар унча келишган йигит бўлмаса-да, ўзига бино қўйган йигит эди.

Қошларини чимириб, костюмини елкасига елгагай ташлаб юарди.

Кафтининг орқаси билан мўйловини силаб кўярди. Марика унинг пўримлигига учган бўлса керак.

У Галатага Бурсадан келган эди. Бу бурсаликлар доим бир балони бошлаб юйшади.

Пўрим Умарни биринчи кўришдаёқ Жаврия:

— Бу молнинг зоти паст!.. — деган эди.

Марика уни қандай қилиб севиб қолган, худонинг ўзи билади.

---

<sup>1</sup> С и р т о — юнонча рақс тури.

Ё раббим, одам ҳам шу қадар ўлардай севадими, ахир?! Ваҳо-ланки, у қачон қарасанг Марикани дўппослагувчи эди. Ўласи қилиб урарди.

Бир куни улфатлар Барбанинг майхонасида отиб ўтиришганди. Тепароқдаги стол ёнида Марика билан Пўрим Умар ўтиришганди.

Ён томондаги столда ўтирган бир маст йигит:

— Барба, бирр жигарр кабоб пиширр!.. — деркан Марикага кўз қири билан тикилди. Пўримнинг қутуриб кетиши учун шу бир қарашнинг ўзи етарли бўлди.

«Жуда бадгумон йигит эди!..» Балонинг пақ ўзи эди.

Пўрим бирдан жигар кабоб буюрган йигитга ўтирилди:

— Сен жигар кабоб деб нимага ишора қилиясан? Мени ҳафта-фаҳм деб ўйладингми? Менинг ланкамга «жигарим кабоб бўлди» деяётганингни билмайди деб ўйладингми?! — деди-ю, сапчиб туриб, у йигитнинг ҳиқилдоғидан бўғиб, ерга таппа босди.

Жаврия у кечани ҳеч унутмайди. Унинг ёнида ўтирганлар ҳам ирғиб оёққа қалқишди.

Бир ола-тасир бошланиб кетса бўладими?!

Қиёмат қойим бўлди... Бу ғавғога ҳеч алоқаси бўлмаганлар ҳам мушплашиб кетишди. Ликопчалар, қадаҳлар ҳавола учди.

Барбанинг ўша пайтдаги кўриниши ҳамон ёдида. Бурни янада узайиб кетганга ўхшарди. Барба, Барба...

Жавриянинг бошига ҳам бир қадаҳ учиб келиб тегди.

Ўнг қоши орасида уша яранинг изи қолган.

Ўша кечаси Пўрим у йигитни чавақлаб ташлаган эди. Ҳаммасини гувоҳликка чақиритди. Судга чақиртиришганида суд раиси унга бир ёмон қараб қўйди-да, қоидага кўра исмини сўради. Шунда у:

— Жанжал чиққан жойда гувоҳнинг исми нима ҳам бўларди, Раисбей?— деган эди.— Исмим Жаврия... Шарифим бўлса Фосфорли... — деди.

Ўша куни судья уни сўкиб берганди.

Марика Пўримга ипсиз боғланган эди. Бу йигит хотинларнинг бошини айлантиришнинг ҳадисини олган эди. Тамом вассалом.

Марика унга пул топиш учун дугоналарига ялиниб, уларнинг мижозларини оларди. Жаврия у ҳақда дугоналарига:

— Бу хотин хотин эмас. У темир хотин, чарчаш нелигини билмайди, — дерди.

Оҳ, бечора Марика. Пўрим Қатикчини ўлдираётганида ўзига ҳам ўлим жазоси беришлари мумкинлигини ҳеч ўйламаганмикан?

Арзимаган бир қиморни деб одам ўлдириш мумкинми, ахир?!  
Қолаверса, беш ярим лирани деб-а?!

Қатикчи қиморбозларнинг энг зўри эди.

Ҳийла ҳам ишлатар, оқибатда ора-чора калтак ҳам еб турарди.  
Пўрим уни ўлдирганини эшитган бутун Галата:

— Ит қавмида кетди бечора... — деган эди.

Ит қавмида ... Ахир, у бу қизиққон Пўримни алдамаслик кераклигини билмасмиди? Қиморда ҳеч ким Пўримнинг олдида ип эшолмасди. Не-не усулларни билмасди у. Шундай уста бўлса-да, Қатикчининг фирибини билмай қолган. Беш ярим «қўқон»... Бор-йўғи беш ярим «қўқон» ютқизган холос.

Дўппи тор келганда беш ярим чақа ҳам асқотиши мумкин. Бироқ...

Беш ярим «қўқон» деб кишининг бу қадар кек сақлаб юриши яхши эмас-да, тўғрими?

Пўрим қамалган кунлари Жаврия Марикани кўриб қолди. Уст-боши, юз-кўзи афтода бир ҳолда у тергов идораси олдида пойлаб ўтирарди.

Бу аҳвол ойларча, балки, бир йилдан кўпга чўзилди.

Бечора Марика.

Охири Пўримни ўлимга ҳукм этишди. Ўша кечаси ҳам у Марикани учратганди. Кўприк устида унга дуч келди. Мариканинг юзи кўкариб кетган. Лаблари қимтилган, кўзлари бежо, бир нуқтага тикилган қўйи кетиб борарди. Жаврияни кўрмай ўтиб кетди.

— Марика... Марика!.. — деб қичқирди.

Бечора Марика. Гулдай бир қиз эди.

Энди бўлса юзлари сўлгин, сўлиб битган, афтода.

— Марика...

— Овозингни ўчир, Жаврия! — жеркиди у. — Ўчир!

— Қаёққа кетяпсан?

— Отамнинг ёнига! — деди у. — Қаердан билай қаёққа кетаётганимни?

— Юр, Барбаникига борайлик, дугонажон, юрақол. Ранг-рўйинг бир ҳолда. Бир нарса ичайлик.

— Ичгим йўқ.

— Юр, дейман сенга. Ёки шу ерда, кўприк остида ўтириб, мени кут. Кут мени, рақи олиб келаман.

Жаврия бориб, бор пулига бир шиша рақи сотиб олди.

Қодикўй бандаргоҳидан Халиж бандаргоҳига ўтиладиган кичик кўприк ёнида Марика оёқда туриб, шишани бир кўтаришда бўшатди. Сўнг Жавриянинг елкасига бош қўйиб, шишани сувга отди.

— Уни ўлимга ҳукм этишди!

Бошини Жавриянинг елкасидан кўтариб, бор овози билан қичқирди:

— Йўқ... Йўқ... Йўқ...

Жаврия кўли билан унинг оғзини ёпди.

— Дугонажон, овозингни ўчир! — деди у. — Полицияга опкетишди бизни. Маст эканингни билиб қолишади.

Жаврия ёмон қиз эмасди. Унга чин дилдан ачинаётган эди, бироқ полиция участкасида тонг оттиришга кимнинг тоби бор дейсиз.

Ўша кечаси уни зўрлаб Барбаникига олиб кетди.

Барба деразаларни зич ёпди. Саҳармардонгача Марикани роса ичиришди.

Шу Барба қандай жўмард одам-а! Гамхўр, бировнинг дардини тез пайқайдиган киши у. «Бу Барба юрак доктори, қалб табиби!» деб ўйлади Жаврия.

Умар қатл этилган кун эсида. Ўша тонг ниҳоятда мудҳиш бўлган эди.

Унинг ўлимга ҳукм этилганини эшитган кундан буён ... ўша Султон Аҳмад майдони... ўша халойиқ... ўша дор кўз олдидан ҳеч кетмайти. Ўша кун томошага чиққандек майдонга одамлар тиқилиб кетганди.

Тешиккулча сотувчи бола:

— Янги тешиккулча... Янги тешиккулча!.. Иссиққина! — дея қичқириб оломонни оралаб юарди.

Жавриянинг димоғига тешиккулча ҳиди урилгандек бўлди. Умарнинг қатл этилишини кутаётган одамлар талаша-талаша хушбўй тешиккулча ер эдилар.

Жаврия ўша манзарани кўз олдига келтирди. Қамоқ аравасининг майдонга кириб келиши кўз ўнгига жонланди.

Пўримни кўриш учун Галатанинг барча қаланги-қасанғилари дорга яқин жойлашиб олишганди.

Пўрим асфальт эди, тамом-вассалом. Ҳатто дор остига опкетишларидан олдин соқолини олган. Сочларини ҳўллаб тараган, ложувард камзулининг кўкрак чўнтагига қирмизи рўмолча тиқиб олган.

Ҳамон ўша-ўша олифталиги ва пўримлиги қолмаган. Жаврия унинг дор остига шаҳдам қадам ташлаб бораётганини худди ҳозир ҳам кўраётгандек бўлди.

Жаврия ундан кейинги воқеани кўришни хоҳламаган, кўнгли айниб, тескари қараган, ерга туфуриб, майдондан чиқиб кетган эди.

Бир неча кундан кейин Марикани Галата соҳилида узала тушиб ётган ҳолда кўрди.

Ўлганмикан деб кўрқиб кетди. Йўқ, гирт маст экан.

Ўзиям унақа-бунақа эмас, мутлақо учиб қолган эди.

Уни ўзига келтиришга уринаётганида полициячилар келиб қолган, икковини бирга деб ўйлаб, Марикани касалхонага, Жаврияни полиция маҳкамасига олиб кетишганди.

Текширишганида у касал чиқди. Бир неча ҳафта таносил касалликлари шифохонасида даволанди.

Бу унча хавфли касаллик эмасди. Доим йўлиқиб турадиган касаллик.

Ундан сўнг на Жаврия, на Истанбулнинг барча полиция маҳкамалари, қорақўллари Марикани бирон марта бўлсин ҳушёр кўрганлари йўқ.

Топса рақи, топса шароб, топмаса қўлбола спирт ичарди.

Ичкилик уни соб қилди, охири ақлига ҳам путур етди. Шу боисдан уни «Тентак Марика!» деб чақирадиган бўлишди.

Тентак Марика!..

Жаврия уни эслади дегунча:

— Йўқ... Йўқ!— деди.— Уни қўлга туширишолмайди!

Унинг қўлга тушишидан жуда кўрққан кезларда шундай умид қиларди. «Нега энди тутилар экан? Модомики, ҳозирга қадар қўлга тушмаган экан...» деб ўйларди.

Унинг қўлга тушишидан ва уни бошқа кўролмаслигидан кўрққани учун ўзини қўярга жой тополмасди.

Бир ойнинг тезроқ ўтиши, Нажотибей кўчасидаги омбор олди-дан ўтиш ва, унинг айтганидай, Каримни эшик олдида курсида ўтирган ҳолда кўриш учун Жаврия азиз умрининг ярмини беришга ҳам тайёр эди.

— Ярми ҳам гап бўптими?— дерди у.— Унга жоним садақа. Унинг дардида адо бўлдим-ку...

Шу орада Барбаникига бир неча бор борди. Барба унинг кўзларидан оғир кунларни бошдан кечираётганлигини англади.

Ҳамма-ҳаммаси Жавриянинг қора, гўзал кўзларилан аён эди.

Кўча хотинларининг балки ҳеч бирида уникадек маънодор, ичидаги дарди-ю, севинчи яққол акс этиб турадиган кўз йўқ эди.

Ҳамма нарса унинг кўзларидан аён бўлиб турарди.

Барба унга:

— Худо ҳаққи, Жаврия, сен ошиқ бўлганга ўхшайсан,— деди.

Отасидек қадрдон бўлган Барбага дардини тўкиб солгиси келди.

Бироқ оғзига қулф урилган. Агар у тўғрисида бировга бир оғиз гап айтса борми, сир очилган ва, эҳтимол, уни бошқа ҳеч кўролмаган бўлурди.

Жаврия у ҳақда оғиз очиш нақадар хавфли эканини биларди.

Уни ҳеч ким билмаслиги лозим. У Жаврия учун Истанбул кечаларининг қоронғи қаърига кўмилган энг тотли бир сир бўлиб қолиши керак эди.

Шу героин балоси ҳеч кутмаган, ҳеч ўйламаган бир пайтда бошига тушди.

Бу қадар бахтсизлик ҳеч кимнинг бошига тушмаган бўлса керак.

Жаврия ҳар куни бармоқ букиб кун санарди. Ниҳоят ўша кунга ҳам оз қолганди.

Нажотибей кўчасидаги омборнинг олдидан ўтишига атиги бир ҳафта қолганди.

Уни излаб борадиган кунлар яқинлашган сайин Жаврия яна умидлана бошлади. Унинг некбин қалби: «У бу хавфдан ҳам эсон-омон қутулар!» дея севинарди.

Ниҳоят уни кўради.

— Мен ўз толеимга ишонаман! Мен омадли одамман,— дерди.

Ҳақиқатан ҳам у ўз-ўзига қаттиқ ишонарди.

Бир ҳафтадан сўнг омбор ёнидан ўтади, шунда Каримни курси устида ўтирган ҳолда кўради.

Оппоқ сочли боши ширакайфликдан ён томонга оғиб тушган, ҳар доимгидай оғзи қулоғида, лабида сигарета...

Кейин...

Оҳ, ундан кейин...

Ўша кечаси қош қорайгач, йўқ, йўқ, тун яримлаганда у ерга боради.

Зинапояга тирмашади, йўқ, йўқ, қанот боғлаб учиб чиқади.

Ажралишларидан олдин, Карим хонага кирмасидан бурун Жаврияни бағрига босиб, «Азизим!» деганди.

Ҳеч қайси эркак унга бундай ширин ва мушфиқ товушда «Азизим» демаган эди.

Эркаклар Жавриянинг ўз ҳирсларини қондиришини исташарди холос. Уларнинг ҳеч бири Жаврияни хурсанд қилишни, бахтиёр этишни, муҳофаза қилишни, ўзлари эмас, Жавриянинг кўнгли учун уни силаб-сийпаб, эркалатишни ҳатто ўйламаган ҳам.

Жаврияга ғоят покиза муносабатда бўлган, унга мушфиқона ён-лошган, уни ўзига яқин олган ва уни самимий эркалатган ягона эркак у бўлди.

Жаврия унинг уйига бориб, уни топса нелар бўлар эди, ажабо?

Жаврия юрагида борини унга аллақачон айтиб бўлган.

Ҳа, Жаврия унга дилда борини айтиб бўлган ва у Жаврияни бағрига босиб, «Азизим» деганди.

Энди унинг ҳаёти тубдан ўзгариб кетса керак.

— Унинг севгилиси бўламан!— дерди у.

Бироқ энг муҳими бу эмас. Унинг Жаврияни қадрлаши дунёдаги энг катта бахт-саодат эди.

У ёқтирган, ўзига яқин олган аёл бўлиш...

Бироқ шу героин иши ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб юборди. Бу фалокат ҳеч қутилмаганда, бевақт юз берди. Шу сабабдан у уни йўқотди, қайтиб кўрмади.

Жаврия ўтган бир ой ичида яшаш учун, яшагани учун, яна нон ва ароққа пул топиш учун баданини унга-бунга сотган эди.

Бир кечаси бир бурчакда яна мижоз пойлаб турган пайтда ўша «ит эмган, номуссиз» қўлига героин пакетларини тутқазиб, «Тезда шуларни ол... Мен сендан кейин оламан», деб кўздан ғойиб бўлган эди.

Жаврия не бўлганини тушуниб ҳам етмай, қўлига тутқазилган пакетчаларда не борлигини билишга улгурмай ҳам туриб, атрофини полициячилар ўраб олди.

Жуда аҳмоқона иш бўлганди бу.

Полициячилар уни ҳовучида пакетча билан ушлаб олишди.

— Бу нима, эй қиз?

У саволга самимият билан:

— Мен ҳам билмайман, Акажон...— деб жавоб берди.

Бироқ полициячиларни танигач, юраги шув этди, қўлидаги пакетчаларда нима борлигини дарҳол тушунди.

Бу героин эди.

Полициячилардан бири ундан:

— Энди героин сотишга ўтдингми, Фосфорли?— деб сўради.

Иккинчиси:

— Ўзини-ку тонналаб сотарди. Энди граммлаб сотишни ўргана бошлабди-да! — дея гўё зўр гап айтгандек мамнун ишпайиб қўйди.

Учинчиси бўлса жаҳлдор экан.

— Хўш, ёнингга келган киши ким эди?

— Қайси киши?

— Сенга бу пакетларни берган киши?..

— Танимайман уни, Акажон!

— Бизда тезда ақлингни киритиб қўйишади, шунда дарров таниб қоласанки...

Қорақўлларни, полиция марказлари, мудириятларни яхши биларди.

У ерга оборишганида ҳеч қачон қўрқмаган. Бироқ бу гал...

Ўз-ўзига:

«Ғарибу бечора Жавриянинг домини ким ҳам эшитарди?» деди.

Бу ишдан қутулиш осон эмасди.

Ҳақиқатан шундай бўлиб чиқди.

Жаврия ёқасига ёпишган бу балодан қутула олмади. У қўчанинг ёзилмаган ахлоқ қоидаларига қаттиқ риоя қиладиганлар тоифасидан эди.

Жавриянинг тушунчасига кўра, қўлига пакет тутқазган «ўша аблаҳ» унга ўз сирини ҳам ишониб топширган ҳисобланарди.

Жаврия ҳозирга қадар ўзига айтилган сирни бошқа ҳеч кимга айтган эмасди.

У ўзига «айтмаслик» шарти билан ошкор этилган сирнигина эмас, ўзи истамаган ҳолда, тасодифан шоҳид бўлиб қолган воқеани ҳам ўзгаларга айтмаган.

Бировнинг сирини махфий сақлай олиш кўчада олган тарбиянинг меваси эди.

Бирор воқеага шоҳид бўлиб, уни ошкор этдингми, тамом, инсоннинг бурди кетарди. Истаган жойга бош ур, истаган кишингга ёлвор, фойдаси йўқ, ишонч-эътибордан қоласан, ҳеч ким дардингни эшитишни хоҳламайди ҳам, сабаб-пабаб билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ, сотқинсан, тамом-вассалом.

Иш полиция маҳкамасида битса қўп аъло бўларди. Акс ҳолда кейин тергов бошланади, камида саккиз марта чақиришади, гоҳ Али билан юзлаштиришади, гоҳ Вали билан. Ундан кейин айбланувчи ёки ноҳақ чиққан кишининг сизга шундай бир тикилиши борки... Бундан кўра ўлган яхши.

«Судьяларнинг олдига бориб кўрсатма берадиган шоҳидлар нуқул гирт ёлғончи, муттаҳам, фирибгар бўлса керак!» деб ўйларди Жаврия.

«Раисбей» ҳам айтилган сўзларга икки дунёда ишонмаса керак.

Гоҳ уни сўрайди, гоҳ буни, у қилади, бу қилади, хуллас, бошни айлантиради, натижада киши аввалбошда нима деганини, ҳатто не кўрганини ҳам эсдан чиқаради.

Тилни тийгандан, сандан бир нарса сўраб қолсалар:

— Кўрмадим, эшитмадим, сезмадим, билмадим,— деб туриб олишдан яхшиси йўқ.

Жаврия азалдан шундай қиларди. Гувоҳ сифатида чақирилган вақтларда суд раиси унга:

— Сен ўша ерда бўлган экансан. Бу одам сенинг кўз олдингда пичоқданибди-ку...— деса борми, Жаврия дарров:

— Нон урсин, Раисбей, кўрганим ҳам, эшитганим ҳам йўқ, сезганим ҳам йўқ!— деб жавоб берарди.

— Ўша жойда эмасмидинг?

— Ўша жойда эдим.

— Олдингда шунча тўс-тўпалон бўлади-ю, сен кўрмайсанми?

Жаврия икки оёғини бир этикка тиқиб, инкор этаверарди. У шундай қилишга одатланган.

Галатада ана шундай қизларни ёқтиришади. Зағизғонга ўхшаб қағиллайверадиганларни ҳеч ким икки пулга олмайди.

Қаланги-қасангиларнинг ҳаммаси билади:

— Жавриянинг тириклай терисини шилсанг ҳам билганини айтмайди. Унга сир ишонса бўлади,— дейишарди улар.

Жаврия буни бировга ёқиш учун қилмасди. У табиатан шунақа. Бундан бошқача бўлолмайди ҳам.

Хуллас, бу иш бошига тушганда ҳам оғзи қулфланди қолди.

— Бу героинларни сенга ким берди?

— Билмайман, Акажон.

— Ёнингдан ўтиб, қочиб кетган кишининг исми нима?

— Билмайман, Акажон.

Аслида бу ахлоқсиз каззобнинг исмини билад туриб айтмаслик кўп қийин иш эди.

Бу ердан тезроқ қутулиш иштиёқида бўлган ҳолда жим туриш кўп қийин.

Жавриянинг ҳолатидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди.

Ҳеч ким уни тушунмасди.

Айтгиси келса-да, у кишининг исмини айтмади.

Балки бунга қандайдир қўрқув сабаб бўлгандир.

Галата безорилари ичида кек сақлаб юрадиган, турмадан чиқар-чиқмас ўзини сотган одамни чавақлаганлар озми?

Қамоққа тушган илк кунларида Жаврия қаттиқ асабийлашди, назоратчи хотинни силтаб ташлар, дуч келганни оғиз тўлдириб ҳақоратлар, ўзини қўйгани жой тополмас эди.

Ҳафта — ўн кун шу зайлда ўтди. Вақтнинг ўтиши жуда қийин, сиқилиб ўлгудай бўлди.

Икки ҳафтадан сўнг сукунат даври бошланди. Тахта кат устида юзтубан ётиб, кўзларини юмганча, уни ўйларди:

— Бўлар иш бўлди, энди уни бошқа кўрмайдиган бўлдим.

— Агар уни ҳеч бўлмаса бир марта кўрмасам ўламан,— дерди.

Тергов турмасига тушганига тўрт ҳафта бўлди деганда Шафиқа исмли ёш қиз билан дўстлашиб қолди.

Бошқа хотинлар унга «Нозли Шафиқа» дейишар, унинг нозу карашмасини масхара қилар эдилар.

Ваҳоланки, бу нозли аёл қотил эди.

Бир кечаси бу ҳақда Жаврияга ўзи сўзлаб берди.

Севгилисини ўлдирган экан.

— Севган кишининг қандай қилиб ўлдирдинг?

— Мени алдаб юрган экан.

— Бор айби шу холосми?

— Ҳа, Жаврия... Аввалига бошимни айлангирди. Мени севади деб ўйлардим. Ваҳоланки, кейин...

Кўзлари ёшланди.

— Номусимга тегди,— деди.

Номус!..

Жаврия номус нелигини билмас эди. Номуси бормидики, биров унга тегса.

«Ажабо, Оллоҳ мени нега беномус қилиб яратди экан?!» деб ўйлаб қолди. Оллоҳ бу қадар қимматли нарсадан уни нега маҳрум қилди экан? Нега унга бу номус деган нарсадан ҳеч бўлмаса жиндай бермаган?

«Ваҳоланки, мен яхши қизман-ку!»

Жаврия яхши қиз эди.

Буни ўзи ҳам яхши биларди.

Беномус кишилар ҳам яхши бўлиши мумкин бўлгани ҳолда нега Нозли Шафиқа номусига теккани учун бир одамни ўлдирди?

«Инсонлар тенг туғилади, — деб ўйлади у. — Ҳарҳолда туғилган пайтимда мен ҳам номусли бўлганман. Хўш, унда менинг номусимни ким поймол қилди?»

Кўчаларни эслади. Кўчалар, турфа одамлар кўз ўнгида жонланди. Ўзининг бундай эканлигидан ҳеч кимга нисбатан кину адоват сезмади.

«Биз кўприк остида ўсган боламиз. Кўприк остида номус не қилсин?!» деди у.

У Шафиқага ўтирилди.

— Уни фақат номусингга теккани учун ўлдирдингми?

— Йўқ, фақат шунинг учунгина эмас, севганим учун ҳам уни ўлдирдим.

Севгани учун?!

Ажабо, у нега ўлимга ҳукм этилган экан? Севган аёлини ўлдиргани учунмикан ё?

Нега?

Шафиқа ҳам «Нозли» деганларича бор. Нав-ниҳол ва кичкинагина бир нарсаси. «У» ҳам юмшоқ ва хушфеъл киши, одам ўлдиришига ҳеч ким ишонмайди.

«Тўғрисини айтганда менинг ўзим ҳатто товуқ ҳам сўя олмайман!» деб ўйлади у.

«Ташқи кўринишдан Нозли Шафиқадан кўра мен қотилга кўпроқ ўхшайман».

Нозли Шафиқа бировни ўлдирган.

Севганини ўлдирган, ҳалигача уни севади.

Ундан сўз бошларкан, йиғлаб юборади. Зиёрат кунлари уни кўришга келган онасидан унга сағана қўрдиришни ўтинади. Мозор қўрдириш учун тақинчоқларини сотишни онасига таъкидларди.

Жаврия Шафиқа билан бирга овқатланар, ишларини қилиб қўйгани учун Шафиқа унга пул бериб турарди.

— Агар ўй-фикрим ташқарида бўлмаганида, бағримни жуводиз титмаганида бу ерда шоҳона яшаган бўлардим,— дерди у.

Тергов турмасида Фолчи Араб Фозилани танимайдиган йўқ.

Ў, бу қандай зўр хотин эди...

У турмага атайлаб тушган. Жиноят устида қўлга тушганлар унга қайтариқ қилдиришарди. Энг кўп пул иштайдиган жой ҳам турма-да!

Бу ерда қизларга севги туморлари тайёрлаб берар, афсунлар ўқир, суддан олдин судянинг оғзини, тилини боғлаш учун не-не дуоларни ёзиб берар, тилсимлашни ўргатарди!..

Қаҳва қуйқасига қараб фол очишда унга тенг келадигани йўқ. Қамоқдагиларнинг ҳаммаси бир нарсага қаттиқ ишонарди: агар у бир эркакни бир хотинга иссиқ-совуқ қилиб берса борми, бу эркак ҳеч қачон, то ўлгунича бу хотиндан ажралмайди.

Жаврия ҳам чўнтагига пул тушди дегунча унинг ёнига чопар, фол очтирарди. Ромчи неча бор унга иссиқ-совуқ қилдиргин деб айтганди.

Бироқ Жаврия ҳар гал қатъият билан: «Севганим мени севади!» деб рад этган эди. «Сеҳр-жодунинг кераги йўқ».

Шундай бўлса-да, у фолга эҳтиёж сезарди.

Араб Фозила Жавриянинг фолини ҳеч ўхшата олмасди.

Жаврия оғзига шунчалик маҳкам эдики, жодугар Араб Фозила унинг сирини билиб олиб, унга кўра қаҳвада фол очиш имконини тополмасди.

— Фозила янга, кўзингни ўйиб оламан, нима, менинг дардимни кўрмайпсанми?!— деб бақирарди Жаврия.

Шунга қарамай яна ҳар куни фол очтиргани унинг ёнига борарди.

Бироқ Фозила бирон марта унинг ташвишли ўй-фикрларига яқин бир гап айтгани йўқ.

Қаҳва финжонининг тубида лоақал бир марта «у»ни кўргани йўқ.

Жаврия ундан хабар топиш учун ёниб-куярди.

Бу ерда ўтираркан, ундан бирор хабар олиш имкони йўқ.

Фақат ичида унинг бир балога гирифтор бўлмаслигини тиларди. Шу холос!..

Олти ой тутқунлик даври бир йиллик ҳукм билан охирига етди. Жаврия маҳбусликнинг қолган даврини ҳам шу турмада ўтказди.

Эркинликдан маҳрум бўлиш Жаврия каби эркин қиз учун чидаб бўлмайдиган бир исканжа эди.

Неча марта бу тамбали эшикларни, баланд деворларни кўпориб ташлагиси, қутурган ҳайвондек деворларга бош ура-ура йиғлагиси келарди.

Шу ёшигача бирон жойда қайд этилмай, эмин-эркин яшаган Жаврияга тергов турмаси интизоми жуда қаттиқ туюлиши турган гап эди. Унга энг қаттиқ таъсир қилган нарса эркинликдан маҳрум бўлгани ҳам эмасди.

Ундан айрилгани, ундан хабар ололмаслиги, ундан хабар олиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлгани Жаврияга қаттиқ ботган, оғир бўлган эди.

Қамоқдан чиққан куни уни ўша жойдан топишига ишончи комил бўлсайди, балки турмада ўтказаётган бу кунлари у қадар азиятли, узун кўринмаган бўлурди.

У қўлга тушмаган бўлса қандай яхши. Аммо унинг қалбини бошқа бир хавотир ўртаётган эди.

Қўлга тушмаган бўлса, Жаврия тўғрисида қандай фикрда экан? Жавриянинг Нажотибей кўчасидаги уйга келмай қўйганини, уни изламай қўйганини қандай изоҳлаётган экан?

«Ҳа, энди бир дайди қиз-да... Не бўларди, жойини топиб кетгандир» деб ўйлармикан?

Ёки ундан ҳам ёмонроқ, яъни: «Менинг ўлимга ҳукм этилганимни билгач қўрқди, бошқа келмади» деган хаёлга борган чиқар.

Жаврия унинг мана шундай фикрга боришидан жуда қўрқарди.

Шу гап хаёлига келди дегунча беҳаловат бўлар, у ёқдан бу ёққа ағанаб, тонггача мижжа қоқмай чиқарди.

Қўлга тушган бўлса-чи?

Буни қандай билади? Эркакларнинг тергов турмаси бу ердан икки қадам... У ердаги эркаклардан фақат бу ердаги ўйнашларигагина хабар келар эди.

Кошки унинг исмини билсайди, бошқа хотинлар воситасида у ердан суриштирган бўларди.

Мудлатини ўтаб, турмадан чиққунига қадар ундан ҳеч хабар ололмади. Бирон нарса ўралган газета қўлига тушиб қолди дегунча саводи борларга кўрсатиб:

— Қани ўқи-чи, азизим, ичида ўлим жазоси ҳақида нелар ёзишган экан?— дерди.

Нозли Шафиқадан ҳам бир марта илтимос қилган.

Жаврия бу хатти-ҳаракати эсга тушди дегунча ҳалигача хижолат бўлади.

Билиши керак эди. Ваҳоланки, у ўйламай-нетмай бировнинг кўнглини оғритиб қўйди. Шафиқа қотилликда айбланиб, «ўлим жазоси» моддасига кўра судга берилган эди. У даъвонинг сўнги нима билан якунланишини, прокурорнинг талабини кутаётган, ўзига ўлим жазоси талаб қилинишидан қаттиқ қўрқаётган эди.

Ана шундай бир одамга ўлим жазоси ҳақида сўз очиш мумкинми ахир? Ҳолбуки, бу Жавриянинг хаёлига ҳам келгани йўқ ва қўлига газета тушган заҳоти уни дарров Нозли Шафиқага кўрсатиб:

— Ўқи! Кўрайлик-чи, ўлимга ҳукм этилганлар тўғрисида бирон гап бормикан?— деган эди.

Ўшанда Жаврия, тўғриси, Шафиқанинг ранги гезариб кетганидан чўчиб кетди.

Жон-пони чиқиб кетган Шафиқа узатилган газетани жаҳд билан Жавриянинг юзига отди ва бўғиқ овозда:

— Сени ўлдираман! — деб бақирди.

Ҳар доим чиройли юзи қўрқинчли тусга кирди. Лаблари қимтилган, кўзлари ҳайвонларникидай бежо, бурун тешиклари керилган.

Худди юзига ниқоб тутиб олгандай бўлди.

Жаврия:

— Ие, сен ғирт аҳмоқ экансан-ку... Сендан қўрқадиган анойи йўқ бу ерда!.. — дея олдиниға бир хурпайди, сўнг жанжал чиқмасин деб нари кетди. Шафиқанинг нега бундай қилганини у тушунмади.

Бироқ у бурилиб кетаркан, Шафиқа ўроқ тушган жўхоридек гуп этиб йиқилди.

Жаврия:

— Эй, мен ҳазиллашдим,— дея орқага қайтди.— Ҳар ҳолда паспортинг бор, сени ҳам олам деб биздан ҳисоб сўраб ўтирмасинлар тагин.

Нозли Шафиқа узала тушиб ётарди.

Безгак тутгандай қалт-қалт титрарди.

Аъзойи бадани таранг тортилган, қўллари мушт бўлиб тугилганча қотиб қолган, кўзлари олайган, тишлари қисилган, бўйин томирлари бўртиб чиққан.

— Ие, рихлатга равона бўлмоқчими, не бўлди бу хотинга? Нима қипмиз, бор-йўғи бир газета кўрсатдик, холос...

Шу ерда ўтирган ўрта ёшли бир аёл:

— Вой, қизим-эй, — деди. — Унинг ўлим ҳукми билан судга берилганини билмайсанми, ахир? Ё унга нисбат беряпсан, ёки ўлим ҳукми чиққан деб ўйлади.

— Қўйсангиз-чи, холажон. Биз қовун туширганмиз шекилли. Агар сиз айтган нарсани ўйлаган бўлсам кўзим оқиб тушсин.

— Ўйлаш керак эди, Жаврия...

Бола тушириш иши юзасидан турмага тушган ўрта ёшли бир аёл ерга чўккалади.

Муштлири билан Нозли Шафиқанинг қорнига босиб-босиб қўяркан, Жаврияга деди:

— Нимага бақрайиб турибсан, ундан кўра чоп-да, озроқ сув билан атир опке!

Жаврия айбдор мушукдек оёқ учида юриб узоқлашди.

Нозли Шафиқа аста-аста нафас ола бошлади. Нафас орасида ҳиқичоқ тутиб турди. Ҳиқичоқ борган сари тезлашиб, шаклан ўзгариб, аччиқ фарёдга айланиб, турмани бошига кўтарди.

Бир жойидан этини қўпориб олгандай устма-уст урилаётган фарёд камера этагидаги беланчақда ётган гўдакни уйғотиб юбор-

ди. Гўдакнинг онаси Чаталжанинг бир қишлоғидан бўлиб, эшак ўғирлаганликда айбланиб, бу ерга келтирилган ва ҳали-ҳануз ҳеч нарса билмаслигини, айбсиз эканлигини даъво этаётган жувон эди.

Нозли ўзига келди дегунча у ҳақорат ёғдирди:

— Гўё этидан эт қўпоришгандек мунча додлайди бу фоҳиша?!

Нозли Шафиқанинг нозу карашмасини ёқтирмайдиганлар қўп эди бу ерда.

Турмала ёлғиз яшаган, ҳеч кимга ёқмаган эди.

Улар орасида Жаврия мустасно: бироқ унга ҳам хизматкоридек муомала қиларди.

Нафақахўр бир амалдорнинг қизи эди у. Бадавлат эмас, ўрта-ҳол.

Ишқ савдоси кўзини кўр қилмаганида ҳеч қачон бу ерга тушмаган бўларди.

Бироқ пешонасининг шўри бор экан, ўз айби билан бу ерга тушиб ўтирибди.

Хужрадош аёлларнинг ҳеч бирини назар-писанд этмасди. Биронтасига кўнглини кўтарадиган бир оғиз илиқ гап айтмаган.

Худди бошқа аёллар билан унинг орасига кўринмас девор урилгандек, ҳеч кимга қўшилолмай якка яшарди. Шу сабабли нариги хотинларнинг ҳеч бири унга ёрдамга шошмади, билъакс, ажойиб томоша кўрсатилаётгандек унга қизиқсиниб қараб туришарди.

Жаврия қилган хатосини тузатиш учун, тезда сув ва атир келтирди. Шафиқанинг қўлларини силай бошлади.

Шафиқани томоша қилиш учун тўпланганларга қарата жаҳл билан:

— Манави каллаварам молларни кўринг! — деб бақирди. — Ҳой, сизларга айтяпман, бу ерда маймун ўйнатишяптими ёки Перуз онамиз мақом айтяптими? Беайб парвардигор... Янглиш бир иш қилдик, йиқилди қолди. Бунинг нимаси қизиқ?

Бир қишлоқи хотин:

— Астафтуруллоҳ, — деди. — Бу хотиннинг жон аччиғида думалаганининг бизга нимаси қизиқ бўларкан? Аксинча, унга ачиниб қараб турибмиз.

Доя хотин ҳам:

— Қани, ўртани очинг. Ҳаммамиз хотинмиз. Тутқаноғи бор экан. Бу ҳар кимнинг бошига ҳам тушиши мумкин, — деди.

Шафиқанинг ўзига келиши, тўғрироғи, оҳу фарёдларнинг тўхташи учун ярим соат-бир соатча кутишга тўғри келди.

Шундан кейин Жаврия Шафиқадан неча бор кечирим сўраган бўлса-да, у қайтиб Жаврия билан эл бўлмади. Жаврияни ўз душмани деб билгани яққол кўриниб турарди.

Асосан ўша куни пайдо бўлган тутқаноқ кейин тез-тез такрорланадиган бўлди. Бу ёш қиз васвасага тушиб қолган эди.

Прокурорнинг айбномаси ўқиладиган куни эрталаб ҳожатхонага кетди ва ўша ерда ўзини осиб ўлдиarmoқчи бўлди.

Зўрга қутқариб қолишди.

Жаврия «Оллоҳ, Оллоҳ, нари борса уни осадилар, балки осмасликлари ҳам мумкин, охирига қадар сабр қилган яхши эмасми?» деб ўйларди.

Жаврия яшашни яхши кўрар, ўлишни ҳеч истамас эди.

Бу ерда ўтирган вақтида, уни йўқотдим деб ўйлаб қаттиқ кўрқиб, изтироб чеккан лаҳзаларида ҳам ҳаётни севарди.

Ҳаёт умид қилмоқ дегани.

Ҳаёт ҳар нарса. Тирик бўлса уни яна топиши мумкин, тирик бўлса уни яна кўриши мумкин, тирик бўлса у билан қовушиши мумкин.

Жаврия ўлимни ҳатто энг сўнгги чора деб билмасди.

Ҳеч нарсаси қолмаган чоғда ҳам нималандир умид қилса бўлади.

Чунки ҳаётда эҳтимол ва имкон беҳисоб.

Қарангки, айбловчи ҳам Шафиқанинг жинойтида енгиллаштирувчи унсурлар топиб, унга ўлим эмас, балки ўн беш йил қамоқ жазосини талаб қилди.

Нозли Шафиқа ўн беш йилни эшитган куни турмага оғзи қулогига етиб қайтди. Ҳамма учун қаҳва буюрди ва биринчи марта ўзидан кичиклар билан сўзлашиб, улар билан дўстлашгиси келди. Шундан кейин у таклиф қилди:

— Бу кеча бир базми жамшид қилайлик.

Фоҳишахона хўжайини Ламия:

— Ичкилик мендан!— деди.

Ўша кечаси базми жамшид бўлди. Рақи ҳам ичилди. Бўккунча ичишди. Рақини фоҳишабоши Ламия топиб келди. Қандай опкелганини ҳеч кимга айтмади.

Нозли Шафиқа ўлим жазосидан қутулганидан суюнган Жавриянинг кўзларига ёш келди. Ўша кечаси Жаврия бир чифтателли ўйнади, бир чифтателли ўйнадики, хотинларнинг ҳаммаси жўшиб кетди. Исловотчи Ламия:

— Жаврия, бу ердан эсон-омон чиқсак, сен менинг бошимнинг тожи бўласан!— деди ва хаёлан уни қандай қилиб кўз-кўз қилишини ўйлай бошлади.

— Ламия опа, бу ердан чиқсам борми, ҳеч кимга қорамни кўрсатмайман!..

— Қаёққа борасан, Жаврия?

— У ёлғиз Оллоҳу ўзимга аён.

Кисавур Малоҳат:

— Вой, — деди, — Оллоҳ билан сенинг ўртангда бир ган борми?

Доя хотиннинг жаҳди чиқди:

— Ҳой қиз, тавба қил! — деди. — Бошимизга не тушган бўлса сизларга ўхшаш бединлар сабабли тушган.

Кисавур Малоҳат:

— Биз туфайлими ёки ўзингиз туфайлими, Доя хоним? — деди. — Оллоҳдан қўрқаман дейсану, ўзинг она қорнидан ҳомиласини қўпорасан.

— Мен бундай қилганим йўқ. Қилсам ҳам савоб учун, текинга қиламан. Бироқ гуноҳ иш деб бунга қўл урмадим.

— Текинга бола туширган дояни ҳам, докторни ҳам ҳеч кўрган эмасман.

— Бошқалар билан менинг ишим йўқ.

— Сен билан бизнинг ишимиз йўқ. Бу ерга бизни мачитда номоз ўқиганимиз, ваъз тинглаганимиз ёки элу юртга садақа улашганимиз учун тиқишгани йўқ-ку! Ҳаммамизнинг ҳам қандайдир айбимиз бор.

— Сизларники бўлса бордир, аммо менинг айбим йўқ.

Сўзга машинкачи Амина аралашди:

— Дояларга раҳмат! — деб бақирди у. — Яхшиямки, улар бор, бўлмаса ҳолимиз не кечарди?

Машинкачи Амина хўжайини билан ишрат қилаётганида хўжайиннинг хотини томонидан ушлаб олинган ва зинода айбланиб, қамоққа ташланган эди.

— Пулга бўлса-да, бизга ёрдам қилганларни ҳурмат қиламан, — деди у. — Уларнинг оёқларига йиқилиб ялиниб-ёлворамиз, қутқаришларини сўраб, ўтинамиз, устига қанча бор бўлса шунча пул ҳам берамиз.

Кисавур Малоҳат:

— Улар ҳеч қачон бизга ачинганидан қилмайдилар бу ишни, — деди.

Доя хотин:

— Кўнглимнинг кўчаси, — деди. — Ҳам устинга масъулият ол, ҳам бу ишни текинга қил. Ол-а! Сизлар йигитлар билан айшу ишрат қилмасдан бурун биздан болани текинга олдириш тўғрисида ваъда олиб қўйганмидиларинг?!

Жавриянинг жаҳли чиқди:

— Ота меросини талашигандек мунча бир-бирингизга ёпишдингиз, ҳой опаларим? — деди у. — Сизнинг хат-саводингиз бор. Биз бу гаплардан тўйганмиз. Шафиқа дугонамиз қутулди. Биз бугун шунга хурсандчилик қиляпмиз-ку, ахир! Тўхтатинг энди гиди-биндини! Яхшиси, сизларга бир «саватчи»га<sup>1</sup> ўйнаб берай, маза қилинг.

Товуқ ўғриси Пушти:

— Яшавор, Жаврия опа! — деб қийқирди. — Шу камонни олиб, сенинг битингни бир тўктирай. Хотинларнинг уни ўчсин!

Шундай деб камон чала бошлади. Жаврия жуда эшилиб хиром этарди.

Жаврия завқ-шавқ билан ўйнардди. Неча ой бўлдики, оғзига шароб тегмаган, бугун бўлса маза қилиб отиб олган эди. Ичган рақиси таъсирида ҳамда бир кишининг ўлим жазосидан қутулганидан суюниб, дунёни пушти рангда кўраётганди.

«Йўқ, азизим, уни тополмайдилар. Яширинишни билади...» деб ўйларди у.

Унинг маҳбуслиги шу тариқа ўтди. Унга энг алам қилгани маҳбуслик эмас, Бўлуга сургун қилингани бўлди.

Агар Бўлуга жўнатишмаганида турмадан қутулиб чиққанига севинган бўларди. Бўлуга юборишаётгани учун бу темир дарвозалардан чиққанига заррача қувонмади. Озодликка чиққандай бўлса-ю, Истанбулга келолмаса, Нажотибей кўчасига боролмаса, ундан хабар ололмаса, бундан ҳам орғикроқ азоб борми дунёда?!

Жаврия Бўлуга борганини, Бўлуда яшаган кунларини ва Бўлуда учратган бир юк машинасининг шофёри билан қайтиб келганини худди рўёдек, даҳшатли бир тушдек эсларди.

Бўлуга келиши билан бу ердан қутулиш режасини туза бошлади.

Ўйлай-ўйлай, ниҳоят Бўлуга келиб-кетган ёки шу ердан ўтадиган юк машинаси ҳайдовчиларидан бирини лақиллатишга қарор берди.

Истанбулга келиши билан қўлга тушгач, яна дарҳол қочиб кетгани унинг учун бир омад бўлди.

«Тўп Малоҳатдан Оллоҳ рози бўлсин» дерди у.

Малоҳат бўлмаганида қутулолмасди. Мудириятдан текшириш учун касалхонага, у ердан яна сургунга жўнатиб юборишган бўларди.

---

<sup>1</sup> С а в а т ч и — туркча рақс тури.

Ўша кечаси Мавронинг қаҳвахонасининг орқа деразасидан тушиб, орқа йўлдан Тўпхонага боргач ва анча санқиб юргач, ғоят табиийки, омбор томон кетишдан ўзини тия олмади.

Орқасида полициячилар йўқ эди.

Яна полиция қўлига тушмасдан олдин унга не бўлганини билишни истарди.

Зим-зиё тунда омбор эшиги олдига етиб келган чоғда юраги кинини ёриб чиққудай бўлиб гурс-гурс урарди.

Агар ҳеч гап бўлмаган бўлса, агар у ҳамон ўша ерда бўлса, беш дақиқа ҳам ўтмай уни кўради. Зинапоядан кўтарилади, эшик ёнига бориб, оҳиста чертади. Балки ичкарида ухлаётгандир. Бироқ у шу қадар эҳтиёткор кишики, шитир этган товушни эшитади. Шу боис Жавриянинг эшик чертганини эшитмай қолиши мумкин эмас. Жаврия унинг эшик ёнига қандай яқинлашганини сезмасди, зотан Жаврия ҳеч қачон унинг оёқ товушини пайқамаган ҳам. У яширин яшашга шу даража кўникиб кетган эдики, товуш чиқармай писиб юрарди. Худди арвоҳларга, шарпага ўхшарди.

Яна бирдан эшик очилади ва у... Жаврияни кўриб севинади.

— Жаврия қиз, сенмисан?— дейди.— Қасрларда қолиб кетдинг?

Эшикни зич ёпганидан кейингина айтади бу гапни. Жаврия қувончдан ял-ял ёниб:

— Асти сўрама!— дейди.— Олдинига турмада, кейин сургунда бўлдим.

— Йўғ-эй, жоним!

Шу қадар ҳайратга тушади, шу қадар ҳайратга тушадики, унинг бу ҳолидан Жаврия суюнади.

Жаврия уни ташлаб кетмагани, унутмагани, турмада ётгани учун келюлмаганини билиб, боши осмонга етади.

— Қани, кўрайлик-чи, ўзгарибсанми?

— Билмасам, — дейди.

— Ранги-рўйинг бироз сарғайгандек шекилли...

Катта чироқни ёқишади. Шунда унинг юз-кўзини атрофидаги майда ажинларигача энди тушида эмас, ўнгида яхшилаб кўриб олади.

— Мен бўлсам сен энди бизни соғинмай қўйдинг деб ўйловдим,— дейди.

Шунда Жаврия:

— Бўлиши мумкин эмас!— деб жавоб қилади.— Сени жуда соғиндим...

Сўнг қўлини ушлайди, қўлини пешонасига босиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлайди.

— Йиглама... Азизим!..— дейди у.

Меҳрибон ва иссиқ қўллари билан елкасини тутди, сўнг ўнг қўли ёноғи томон кўтарилади ва ёноқларини силайди. Юзини силаркан қайта-қайта:

— Азизим...— деб такрорлайди.

Шундай қилиб бу тотли учрашув ўша ярим қолган жойидан бошланади.

Жаврия бу учрашувнинг давоми қандай бўлишини ўйламасди, фақат қандай бошланишини тасаввур этарди холос.

Жавриянинг ширин хаёли эшикка қўли теккан заҳоти сўнди.

Эшикка қулф осиглиқ эди.

Бу нимадан дарак берарди?

Орзуларининг хомхаёллигидан...

Йўқ, ёмонликка йўйиш керакмас, эҳтимол устидан қулфлаб қўйишгандир? Балки буни махсус қилишгандир? Эҳтиёт чораси тариқасида...

Жаврия у ердан зўрға судралиб чиқиб кетди.

Агар уялмаганида бақириб йиглаб, кўчани бошига кўтарган бўлурди.

Истанбулга нега келди?

Энди қаёққа боради?

Эшик қулф эканини кўргач, гўё яна турмага тушгандай ўзини ожиз ва нотавон ҳис қиларди.

«Бўлар иш бўлган!» деб ўйлади.

«Уни тутиб олишган».

Йўқ, нега энди қўлга тушиши керак. Балки бошқа ёққа қочиб кетгандир.

Ҳа, унинг қочиб кетгани рост бўлишини хоҳларди.

«Балки хавфсирашгани учун эшикни устидан қулфлаб қўйишгандир».

Жаврия бошидан ўтказган можаролардан роса ҳориб-чарчаган эди. Кеча совуғидан титрарди.

Бошпана қидириб Тўпхонага кетди. Ўша ерда эски ҳаммом вайронаси эшигини тақиллатди. Ичкарида кимдир йўталди.

— Ким у?

— Сотилмиш борми?

Эркакларникига ўхшаш йўғон овозли хотин:

— Сотилмишни нима қиласан?— деб сўради.

— Ҳанифа Хотун, оч эшикни. Мен... Мен Жаврияман...

Вайрона уй эшиги гижирлаб очилди.

— Жаврияман дейди, қани кўрайлик-чи, ким экан?

Даҳлиздаги чироқ ёруғи Жавриянинг сочига тушди.

— Ҳа, Фосфорли қиз, сенмидинг?— деб хотин уни ичкарига таклиф этди.

— Бу кеча сеникида қолмоқчиман, Ҳанифа хола,— деди.— Сотилмишни шунинг учун сўровдим.

Ҳанифа Хотун:

— Сотилмишни энди изламай кўяқол!— деди.

— Сотилмишга не бўлди?

— Унга не бўлганини энди Гўрков Маҳмуддан сўраш керак!— деди кампир. Бу сўздан Жавриянинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Сотилмиш ўлдими?

— Ҳа, ўлди. Эти ҳам, балки суяги ҳам чириб битгандир.

— Опқочма, Ҳанифа Хотун!— деди.— Уни бир йил илгари кўрган эдим-ку.

— Бир йил дейсанми? Йўқ, жоним... Унинг ўлганига беш йилча бўлиб қолди.

Чироққа яқин келишди.

Шунда Ҳанифа Хотуннинг юзи яхшироқ кўринди.

Бир йил олдин юзлари таранг, кўзлари ёниб, лаблари доим табассум қилиб турарди бу хотиннинг.

Энди бўлса саксон ёшга кирган кампирдек юзлари буришиб қолибди.

Кир рўмол остидан кўриниб турган сочлари қув оқарган. Лаблари қимтилган, қошлари чимирилган, кўзлари жинниларникидай олазарак боқадиған қўрқинчли бир махлуқ эди у.

— Олдин пулини тўла, сўнг ичкарига киравер!— деди у.

— Лекин Ҳанифа Хотун, турмадан чиқиб келаяпман. Чўнтагимда ҳемири йўқ.

— Бу ер хайрия уйими?

— Йўқ, Ҳанифа Хотун... Бироқ сен мени танийсан-ку... Сотилмиш мени бу ерга неча марта опкелган-ку!..

— Сотилмишнинг бошига не келган бўлса ҳам сизларга ўхшаш мочағарлар дастидан келди!

— Ҳанифа Хотун, бугун бу ерга мижоз сифатида келдим... Сен мени унутибсан, шекилли...

— Нега энди унутар эканман, Фосфорлисан.

— Фосфорлиман, тўғри. Бироқ сен ўзингни мен сўзимнинг ус-тидан чиқишимни билмайдигандек тутаяпсан.

— Ҳозир замон ўзгарган. Авваллари сўзининг устидан чиқиб юрганлар энди фириб бериш йўлига ўтганлар. Замона ёмон. Кўрмайсанми, шу ерда неча ойлаб текинга яшаган бир каззоб Сотилмиш-ни бир мочагарни деб пичоқлади.

Ҳанифа Хотун чуқур нафас олди.

— Тўққизта ўғлимнинг энг кенжаси эди у...

Хотин ичкарига очиладиган эшикни тўсиб турар, Жаврияга йўл бермаётган эди.

— Гапнинг қисқаси, муллажиринг бермасам мени ичкарига киритмайсан, шундайми?... Майли, майли... Кетаверайми бўлмасам?..

Хотин миқ этмай Жаврияга тикилди.

— Хўп, майли,— деди у. — Бу кеча тунайқол... Аммо эртага пулини опкеб бермасанг, бу ерга қайтиб қадам бостирмайман.

Ичкари дегани бузилган ҳаммомнинг иссиқхонаси эди. Мармар қопламалари кўчиб тушган собиқ иссиқхонада беш-ўн киши қопларга ўралиб ётарди.

Иссиқхона тутунга тўлган ва иссиққина эди. Тутун бош айлантиради.

— Бир чилим тортасанми?

Ҳиддан кўнгли айниган Жаврия:

— Йўқ, йўқ, истамайман! — деди.

— Ичкарига киришга кирдинг, қарзинг озгина кўпаяди, холос. Яна ўзинг биласан.

— Сен мени ўзингнинг хонангга олиб борақол, — деди Жаврия.— Бу ерни тутун босибди.

— Менинг хонам бундан баттар. У ерни ҳам тутун ва ҳид босган.

— Не бўлди сенга, Ҳанифа Хотун? Сен ҳам наша чекишга ўтдингми?

Елкасини қисди.

— Не қилай, Жаврия? — деди. — Ўғлим ўлгандан бери кўзим илинмайди. Ҳай, майли... Шу ерга чўзилавер, Жаврия.

Қўланса ҳид димоқни ёрай дейди. Кўнгил айнийди. Жаврия ухлай олиш учун бир-иккита тортсам ёмон бўлмасди, деб ўйлади. Бироқ бу ердаги «шериклар» билан бу ишни бошлагудай бўлса, бу такядан қайтиб чиқолмаслигига ақли етарди.

Қанчадан-қанча кишилар бу ишни ана шундай бошлаган.

Жаврия Ҳанифа Хотунга ўгирилди:

— Балки сенинг хонангга борганим яхшироқдир,— деди.— Менга Сотилмиш ҳақида гапириб берган бўлармидинг?

Хотин елкасини қисиб қўйди.

— У ҳақда нима ҳам дердим?— деди.— Ундан оғиз очсам бағрим куяди. Қолаверса ўзим хонамда бемалол ётишни хоҳтайман. Бўлмаса мана бу ерда ётақол.

У Жаврияни эшик ўрнига шол тугилган бир совуқ хонага олиб кирди. Ерга сомон кўрпача ташланган эди.

Жаврия:

— Сотилмиш мени бу ерга опкелган кечалари ўз хонасидан жой берарди. Бунинг устига тунаганим учун пул-мул ҳам олган эмас,— деди.

Кекса аёл чиқиб кетди. Фосфорли «Сотилмиш нега ўлди экан?» деб ўйларди.

Бу азамат йигит нега ўлдийкан?

Ҳали жуда ёш эди. Агар уни пичоқлашмаганида ким билади, неча ёшга кирган бўларди.

Энди бўлса ўлган.

Бир йил ичида йўқ бўлибди кетибди.

Уни йўқ қилишган эди.

Жаврия кўрпачага чўзиларкан шулар ҳақида ўйлар эди.

Бечора Сотилмиш...

Жаврияни бу ерга охирги марта олиб келган кундан кейин ўтган бўлса беш-ўн ойча вақт ўтгандир.

Бир каззоб бир манжалақини деб уни пичоқлаган эмиш.

Омборнинг эшиги ҳам қулфлоглиқ эди. Уни ҳам тутган бўлишлари мумкин.

Қўлга тушган... Ё худойим-эй. Жаврия бу ҳақда кўп ўйлашни хоҳламади.

У сомон тиқилган кўрпача устида ётганча, эшикдаги шол тирқишидан нашавандларни томоша қилди.

Уларнинг ҳаммаси учиб қолган. Хонани бир шам ёритиб турибди. Шамнинг титроқ ёғдуси хонада думалаб ётганлар устида липиллайди. Ораларида бир аёл ҳам бор. Келишган аёл экан. Хотиннинг эғнида жулдур-жулдур, исқирт латта-путта, малларанг сочлари тўзгиган. У ҳам наша тортганмикан ё?

Ҳарҳолда шундай бўлса керак. Лекин наригилари хуррак отиб ётибди, бу хотин бўлса ухламай ўтирибди.

Эшик қулф эканлигини кўргани устига Сотилмишнинг ўлганини эшитгач, Жаврия кўрқув ичида қолди.

«Иншооллоҳ, унга ҳеч гап бўлмагандир» дерди ичида.

Ўлим легани ҳеч гап эмас экан. Сотилмиш ундан анча ёш бўлсада, ўлибди кетибди.

Чарчаганига қарамай кўзларига уйқу келмади. «Тезроқ тонг отса-ю, Карим Амакининг ёнига бориб суриштириб билсам» дер эди.

Бу ернинг ҳавоси кишининг нафасини қайтаради. Бу оғир ҳавода унинг боши айланди.

Бора-бора кўзлари сузилди. Фикрлари чалкашди.

«Кайфим ошяпти, шекилли», деган фикр ҳаёлидан ўтди.

Ваҳоланки, тонг отиши билан бу ердан чиқиб, Каримни топиши, ундан ҳамма гапни билиб олиши керак эди.

Уйғонганида эшикдаги шол йиртиғидан хира нур тушиб турарди.

Жавриянинг боши лўқилларди.

— Шу лаънати ямон кўраман-да! Ҳатто тутуни ҳам одамни ўлдиради-я! — деди.

Шунга қарамай наша тутуни унга ҳам таъсир қилган ва бундан у ҳечам порози эмасди.

Лоақал озгина бўлса-да, ухлаб олди-ку, ахир ... Энди бўлса аъзойи бадани йўл ҳорғинлиги, Истанбулга келиб қўлга тушиш ва қочиш туфайли содир бўлган ҳаяжондан, ҳамма-ҳаммасидан бўшашиб кетган эди.

Жаврия қамоқдалигида, ҳатто сургунга юборишларини билганидан кейин ҳам, турмадан озодликка чиқиш нақадар тотли бир нарса бўлишини ўйлаб, бутун борлиғи ҳаяжондан титраганини ҳис қиларди.

Турмадан чиқиб, бундай балоларга гирифтор бўламан деб ҳеч ўйламаган эди. Жаврия ўрнидан туриб, тапшқарига чиқди. Ҳанифа Хотун ҳовлида эски тунука товада балиқ пишираётган эди.

Балиққа кўзи тушди ва қовурдоқ ҳиди димоғига урди дегунча Жаврия югинди.

Ҳанифа Хотун балиқ ағдараётган қисқич билан товадан балиқ олиб, Жаврияга узатди.

— Ол, шуни ют! — деди. — Дам ололдингми?

— Олдим, кам бўлма Ҳанифа Хотун...

— Сени бу ерга ўғлимиз опкелганди, шундайми? Бечора Сотилмиш...

— Бечора Сотилмиш!.. — такрорлади Жаврия.

Иссиқ балиқни ердан олган қоғоз парчаси устига қўйди. Лабларини куйдиргудек бўлиб, балиқ ея бошлади.

— Садағаси кетай балиқнинг, — деди у. — Балиқ бўлмаса яшашнинг ҳам қизиги бўлмасди...

Ҳанифа Хотун:

— Сотилмиш балиқни яхши кўрмас эди, — деди. — У ўлганидан кейин балиқ пиширадиган бўлдим.

Сўнг илова қилди:

— Балиқ қовурдоқ пишириш осон.

— Ширинлигини айтмайсизми?

— Сотилмиш эркатой эди. Тўққиз ўғлимнинг орасида кенжаси эди. Катталарини олдинроқ қора ер ютди.

Кулди:

— Мен тўйғизмасам бу қора тупроқнинг кўзини не тўйғизарди, ажабо?

Йўқ, бу ерда кўп қололмайди. Дарров ўша томонга бориб, сўраб-суриштириши лозим.

Балиқ чайнаганча эшик томон юрди.

— Ҳой қиз, қаерга?

— Эртага сенга йигирма беш қуруш<sup>1</sup> келтираман, Ҳанифа Хотун.

— Йигирма беш қурушнинг бошингдан ордона қолсин. Сени бу ерга Сотилмиш келтирарди. Сен Сотилмишнинг меҳмонисан.

Ҳанифа Хотун кўзига сизган ёшларни артди. Эҳтимол, ўчоқда ёнаётган ўтиннинг тутуни кўзларини ачиштиргандир...

Жаврия кўчага чиқиб, тараддуланиб тўхтаб қолди. Кўча ботқоққа айланганди. Қаерга борса экан?

Ҳали қош қораймаган. Демак, кеча тонггача мижжа қоқа олмаган Жаврия кундузи оқшомгача ухлапти.

Узоқроқда кўча чироғи ёнмаганида Жаврия оқшом тушганини билмаслиги аниқ эди.

Ҳаво булут бўлгани учун атроф қоронғи деб ўйлаган бўларди.

Агар Жаврия қоронғи тушмай кўчага чиқса шу заҳоти қўлга тушини турган гап. Яхшиси, уйга қайтиб кириш керак.

Орқага қайтди...

Йўқ, Йўқ...

Тўхтамай Сотилмишдан, ўлимдан гапирадиган бу хотинни кўришга энди тоқати йўқ.

Бу ерга қайтиб киролмайди.

Лоп этиб эсига Сумбул Дуду тушди. Унинг ёнига боргани, уни кўргани яхшироқ эмасми?

---

<sup>1</sup> Қ у р у ш — танга, турк пули — лиранинг юздан бири.

Сумбул Дудуникига катта кўчага чиқмай етиб олса бўлади.

Кошкийди, у кеча эсига тушган бўлса.

Ўн дақиқадан сўнг Сумбул Дуду унга эшик очди.

— Жавриям, болагинам... Тушимми, ўнгимми, ўзингмисан...—  
дея қичқира кетди.

— Менман, Сумбул холажон.

— Сумбул холангнинг гунчаси, қани, ичкарига. Ташқари қора совуқ, эт-этингдан ўтади. Иликларимгача музлатиб юборди-я. Ҳой қиз, бунча вақтдан бери қайси жаҳаннамда юрган эдинг?

— Ундан ҳам баттарроқ жойда эдим, Сумбул хола... Қамокда эдим.

— Бошингга нелар тушди, ҳей хотин? Сен унақа нозик масалалар билан шуғулланмасдинг-ку. Нима, ё ўғирлик қилдингми?..

— Сафсата сотма, Сумбул хола...

— Мен қаердан билай... Сенинг касбинг зино... Ўз касби билан шуғулланган кишини ҳам қамайдиларми ҳеч?

— Нималар деб валдираяпсан? Нега энди зино юзидан қамалишим керак экан? Героин билан қўлга тушиб қамалдим, героин билан...

— Вой, тентак қиз-эй, нима қип қўйдинг? Нега героин ишига бурун тикдинг? Жазманларингнинг пули етмай қолди сенга?.. Негача бу ишга бурун тикдинг-а?..

— Мен героин билан шуғулланганим йўқ.

— Тўппа-тўғри, сен шуғулланмагансан. Тушундим... Тушундим... Сени неча ойдан бери дали девона этган ўша хушторингнинг кўйида учрагансан бу балойи азимга.

— Йўғ-эй, Сумбул хола... Бир кўча бошида якка ўзим мижоз пойлаб турганимда бир ит эмган қаршимда пайдо бўлди-да, кўлимга пакетларни тутқазиб, жуфтакни ростлаб қолди. Орқасидан хитлар етиб келди. «Кўлингдагини кўрсат» дейишди, кўрсатдик. Ичидан героин чиқди.

— Ҳайрон қоламан сенга, тўғриси. Бўйларингдан ўрғилай, қоқиндиқ, ҳалиям она сутинг оғзингдан кетмаган... Сен у каззобнинг фирбини сезмадингми?

— Ҳозир айтиш осон, Сумбул хола. Ўша пайтда бу каззобнинг не фириб ўйлаганини қаердан билай?

— Негача энди билмас экансан? Сен шу Галатани билмайсан ўзи. Нима у каззоб жазманингиди?

— Йўғ-эй, жоним, у бир латта ҳариф эди.

— Кўзимга тик қараб айт, Жаврия. Агар мени алдаётган бўлсанг яхши эмас!

— Худо урсин, Сумбул хола, у кўча саяқларидан бири эди. Шундай эканлигига на комиссарни, на бўлим бошлигини, на бошқа бировни ишонтира олдим. Мен айбдор бўлиб чиқдим. Қоронғида ўша каззобнинг ланкасини кўрмаган эканлар. Кўтара сотувчи билан гаплашганини кўришган холос. Бир йил текин томоқ еб ётдик. Энди биз кимсан, полиция бармоқ изини олиб қўйган жиноятчимиз, ҳеч қаёққа қилт этолмаймиз.

— Э, бундан гурурлан, қизим.

— Гурурланамиз ҳам Сумбул Дуду. Бизнинг ота-онамиз, авлодаждодимиз номаълум. Жиноятларимиз кўпайса, обрўмиз ҳам ошиб, янги исму унвонларга эга бўламиз.

— Сен ориятли, ҳамиятли қизсан. Сенда фақат иффат йўқ, холос. Покиза эмассан, холос. Айтганларингга ишондим. Кўпчиликнинг кўз ўнгида бўлдингми, фалокатга тайёр тур. Бало-қазога сабр-чидамли бўлмоқ керак, холос. Менга қолса, шу героин деганинг ҳам, кокаин деганинг ҳам икки пулга қиммат, бефойда нарса. Энди қолаверса, героин мамлакатдан ташқарига сотилаётган эмиш. Бизнинг каззобларни қўлга тушириш учун Америкадан махсус изкуварлар келаётганмиш...

— Вой, холажоним-эй. Ҳадеб оёқ устида гап сотгунча, мени ичкарига бошласанг-чи!

— Оҳ, жигарпорам. Оллоҳ мени бу ёшда тул қолдирди. Болачақа йўқ. Сени ўз қизимдай яхши кўраман. Менинг уйим— сенинг уйинг, Жавриягинам. Келганинг бош устига!

Баравар ён тарафдаги хонага киришди. Жаврия бу хонада ўчоқ борлигини аввалдан тахмин қилгани учун шу ерга киришни хоҳлаган эди.

Ичкарига кирди дегунча бутун вужуди титраб:

— Совуқ иликларимгача музлатиб юборди,— деди.

Сумбул Дуду:

— Америка вискиси ичасанми? — деб сўради.

— Америка вискиси?

— Турмада бир йил ётибсан, Жавриягинам. Бу ерлар ўзгариб кетди. Мижозларнинг диди ҳам ўзгарди. Бунга қара, шу Ҳожи оға деганимиз дунёнинг нариги четидан келади, аммо дарров ҳе йўқ, бе йўқ, Америка вискиси, жин талаб қилади. Кеча бир шиша опкелишувди. Ҳожи оға мол олиб-сотишга ўтган. Энди даллолнинг номи ҳам ўзгариб, қорамол тужжори бўлди. Шу Сумбул Дудунг замонавий хотин. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейдиганлар тоифасиданмиз. Шу даллолларни биз ҳам мол тужжори дейдиган

бўлди... Ҳа, нима деяётган эдим... Ҳа, бунинг устига шундай бир тужжорки... Бу каззобни яйловларга жўнатиб кўр, ундан яхши айғир тополмайсан. Аслида уни ҳайвон наслини яхшилаш ишига қўйиш керак. Ундан тарқалган ҳўкизлар халқаро мол кўргазмаларида олтин медал олмаса отимни бошқа қўяман. Бизнинг шу Филай Сора ни айтмайсанми? Сочларини сариққа бўяди, оёғида куёвларнига ўхшаган паст пошна туфли, эғнида этаги кент юбка... Елкасида лўлиларнинг тўрвасига ўхшаш сомон сумка... Бир пайт эшикни тақиллатдилар. Эшикни очар-очмасимдан Филай Сора «Хаварюи хелло...» дейди дегин. Тушундингми? Сумбул Дуду ҳам бўш келадиганлардан эмас... Пинагимни ҳам бузмадим, дарров «О кей» деб олдига уюб ташладим.

— Сумбул Дуду, демак, сен ҳам америкапараст бўлиб қолибсан-да?

— Филай Сора америкапараст бўлгандан кейин биз қараб турармидик... Қолаверса у ким бўпти?... Уни қўй, ҳатто мол тужжори ҳам кетаётганида менга «Сумбул Дуду, бай-бай» дейди... Чўнтагидан бир доллар чиқариб, қўлимга тутқазиб: «Бу сенга эсдалик учун» дейдиган ҳам бўлиб қолди... Туриб-туриб менга алам қилди. Чунки Сумбул Дуду шу ёшигача ифлос ишга қўл урмаган тоза хотин. Менга долларнинг нима кераги бор, эзибички қиламанми?... Ёки бир доллар учун чайқов бозорида валюта ўғриси бўлиб чиқайми?... Бу муттаҳам пул сочган бўлса, мен ҳам қараб турганим йўқ, пулига яраша хизматини қилдим. Ҳа, хизматини қилдик... Жаноби Ҳақ шоҳид. Бирдан миямга қон урса бўладими?

Шундай деркан қўли билан тиззалари томон эгилган бошини кўрсатди.

— Бечора Сумбул Дуду...

— Сумбул Дудунинг кўзичоғи... Биз унақа олифалик қилмаймиз. Галнинг пўсткалласини айтсак, биз мол тужжори қиёфасидаги юрадиган ҳайвонлардан, сочини бўятиб, сақич чайнаб туриб «Хаварюи» дейдиган Филай Сора сингари ҳашаротлардан эмасмиз... Сен, Фосфорли, жигарпорамсан. Сени бир муштариёга таништирган пайтимда кўксим ифтихорга тўлиб тошади... Галатамиз, Чашмамайдонимиз, Эдирнақопи, Тўпқопи, Янгишаҳарнинг етиштирган энг қўҳли қизи сенсан.

— Кам бўлма, Сумбул хола.

— Ҳой қиз, бу ишга киришганимдан бери не-не жононларни кўрдим, бироқ ҳеч қайсиси сенинг олдинга тушолмайди. Уларнинг бирортасини сенчалик яхши кўрмаганман.

Бирдан кўнгли юмшаб кетган Жаврия қўлини узатиб, Сумбул Дудунинг қўлини ушлади. Уни лабига яқин келтириб, меҳр билан ўпди, сўнг юзига босди ва бирдан ўкраб юборди.

— Оҳ, йиғлама, Фосфорлим... Юрагимни тилка-пора этма... Қўзичоғим...

Сумбул Дуду иккинчи қўлини кўтариб, кўзларига яқинлашгирди, учи дўмбоқ бармоқлари билан Жавриянинг кўзларидаги ёшни арта бошлади.

— Не гап ўзи, қани бир ёрил-чи... Нега йиғлайсан, Жаврияжоним?..

Бу меҳр-муҳаббат ҳавосида бирдан унга ҳамма-ҳаммасини ай-тиб, юрагини бўшатгиси келди. Бироқ ўзини босди.

Йўқ, йўқ, «у»ни асрашга мажбур, акс ҳолда «унга» таҳлика ту-филади. Бунинг яхши билади.

— Бир йил турмада ётиш осонми, Сумбул хола?— деди Жав-рия.— Бир йилдирки, ҳаммангиздан узоқда, ёлғиз қолдим... Бу гўзал Истанбулдан узоқда яшаш...

— Осон эмас, қизим... Сени ҳам жуда соғинганман...

— Мен ҳаммангизни соғиндим... Айниқса, сени жуда соғиндим, Сумбул Дуду.

— Кўз ёшингни арт, Жаврияжоним. Мен ичкарига кириб, сен-га овқат тайёрлай. Кейин бирга биир нўўш этайлик. Лекин бизга Америка вискиси қор қилмаса керак-ов.

Кулди.

— Букрини гўр тузатади дейишади, тўғрими?

— Тўғри, Сумбул Дуду...

— Бояқиш Майриқ раҳматли бўлганидан бери мен ҳеч қачон унингдек ширин таом пишира олмадим... Бунинг устига ҳиддан кўнглим айнийди дегин...

Жаврия бирдан чўчиб тушди.

— Нима дединг, Сумбул Дуду?— деди у.— Майриқ ўлдимми?

— Оҳ, болагинам, хабаринг йўқмиди? Айтганча, сен у пайтлари нарийёқда эдинг-ку. Бечора Майриқ... Тўғри жаннатга кетди у. Жа-ноби Оллоҳим уни аросатда қолдирмаган бўлса керак. Бир кечаси ёстиққа бошгинасини қўйди де. Тонгда турсам, у ҳали уйғонмапти. Ҳолбуки, ҳар тонгда азон вақти бўлмай ошхонасига тушарди. «Май-риқ» деб овоз бердим. Бироқ ҳар доимгидай «Лаббай, қўзичоғим!» деб жавоб қилмади. Хонасига кириб қарасам, тўшакда узала ётиб-ди, қўли юрагининг устида... Тўшакка яқин бордим... Худди ухла-ётгандек кўзлари юмуқ, бироқ оғзи беўхшов очилиб қолган. Қара-

сам, қўлида Биби Марям онамизнинг ҳазрати Исони кучоқлаб ўтирган расми бор экан. Эҳтимол, ўлганидан кейин фаришталар қўлига бу расмни тутқазиб кетган бўлса керак. Ёки мазаси қочган бўлса, мадад бўлсин деб ўзи расмни юрагининг устига қўйгандир балки. Билмадим. Аммо, худо ҳаққи, айтайки, худди бир фаришта сингари бегуноҳ ва покиза ўтди дунёдан.

Овози ғамгинлашди:

— Мен уни жонимдан ҳам яхши кўрардим. Ундан бошқа ҳеч кимим йўқ эди. У менинг қайнонам эмас, ўз онамдек эди.

Жавриянинг сўз сўйлашга ҳоли йўқ, титроқ овозда:

— Бояқиш... Бояқиш хотин...— деб шивирларди.— У ҳам бу дунёдан кетди дегин!..

Гўё Азроил уни қадам-бақадам таъқиб қилаётганга ўхшарди.

Бу ўлимларнинг, бу йўқ бўлишларнинг қатъий ва қайғули маъносини тушуниб етгани учун қалбини кўркүв қамраб олган эди. Устма-уст эшитаётган ўлим хабарлари бу ваҳимани янада кучайтирарди.

Сумбул Дуду давом этди:

— Унинг учун шундай катта жаноза маросими қилдирдимки, асти қўяверасан, худо ҳаққи, агар у Америка подшосининг хотини бўлганида ҳам бунчалик даблаба билан кўмилмаган бўлурди. Жанозасига бутун Ғалата келди. Баққол, қассоб деганлар бағритош бўлади, тўғрими? Бироқ ким бўлса-да, инсон боласида барибир юрак бор. Одамларнинг тили бошқа холос. Сулаймон пайғамбар ҳайвонлару қушларнинг, жамики наботот ва ҳайвонотнинг тилини билгани сингари мукаммал яратилган инсон ҳам барча юракларга йўл топа олиши лозим. Менинг қайнонам ҳамманинг тилини топган экан. Бечора Майриқнинг тобутини олиб ўтишаётганида дўкондорлар дўконларнинг панжаларини ёпиб, югуриб чиқиб, тобут кўтаришди. Қассоб Расим афанди бутхонадан у ёғига тобуткаш бўлиб борди. Йиғламаган киши қолмади. «У бир муқаддас аёл эди» дедилар. Ҳақиқатан ҳам у табаррук аёл эди.

Жаврия ҳам кўзёшларини артиб:

— Худо ҳаққи, мен ҳам уни жуда яхши кўрардим,— деди.

Сумбул Дуду:

— Йиғлама, Жаврияжоним,— деди,— йиғлаганнинг фойдаси йўқ. Оллоҳ сабр берсин, у боқий дунёга кетди. Бу фоний дунёда яшаш бир ҳавас холос. Модомики жисмимизда жон омонат экан, бир куни фаришта Азроил уни биздан олади... Ундан у ёғи эса фалсафа. Гўри нурга тўлгур биринчи эрим Суфлёр Ҳочиқ афанди бу масалада менга

Сукротдан гапириб берарди. Неча йил ўтди, уни унутдим. Ўзингдан қолар гап йўқ, сену мен каби шўх хотинларга ғам-ҳасрат ярашмайди ҳам, ёқмайди ҳам. Энди сенга озроқ таом билан рақи опке-лай. Ўтмишинг мозий, емишинг қўзи бўлсин дейишади.

Сумбул Дуду эшикдан чиқаркан:

«Кетган келмади, оҳ бу не савдодир!» дея бир ашулани хиргойи қилиб кетди.

Жаврия ўчоқ томонга назар ташлади: қора ялқов мушук ўша ерда. Ётган жойида кериша-кериша ухларди.

Бирдан умид пайдо бўлди. Қора мушук ўчоқ ёнида. Балки у ҳам бу кеча ўчоқ ёнида хушҳол ўтирса ажаб эмас.

Галатада энг севган жойи Сумбул Дудунинг уйи эди.

Бу ерни ўз ота уйидек яхши кўрарди. Шу боисдан ичкари кирган заҳоти бу уй ҳавоси унга ҳар доимгидай иссиқ туюлган эди.

Кекса аёл ўлганини эшитгандан сўнг эса бу уй бирданига хувиллаб қолгандек, кимсасиз ва ташландиқ аҳволга тушгандек туюла бошлади.

Ҳеч кўзга ташланмайдиган ўша кекса аёл гўё бу уйни обод қилиб турган ягона кимса эди. Кирар-кирмас димоққа уриладиган овқат ҳиди бу уйга ўзига хос оила ҳавосини бериб турарди. Димоққа овқат ҳиди урилди дегунча кўп ўтмай оила аъзолари дастурхон атрофига тўпланадигандек туюларди кишига.

Ўлимни эшитган ондан эътиборан бу уй хувиллаб қолгандай бўлди.

Жаврия ўчоқ ёнидан туриб, кўрпача устига бориб ўтирди. Айни шу лаҳзада патнис кўтарган Сумбул Дуду ичкарига кирди.

— Мана сенга арслон сути! — деди у.

Сўнг вискини эслаб, илова қилди:

— Бу сенга анави тахта ёғи эмас!

Патнисни ўртага қўйишди.

— Энди тез-тез келиб тур, Жаврия, — деди у. — Доим банд бўлмассан. Тез-тез келиб тур.

— Хўп бўлади, Сумбул Дуду.

— Лекин сен бир саёқ қизсан... Сенга ишониш қийин.

— Сен билан ишлаган вақтимизда сени бирон марта доғда қолдирганмидим?

— Йўқ, доғда қолдирмагансан. Сен билан ишласа бўлади, сўзининг устидан чиқадиған қизсан. Майриққа ҳам доим айтардим: Жаврия яхши қиз, ориятли деб. Унда фақат бокиралик йўқ, холос, дердим.

Жаврия бу сўзнинг маъносига ҳам эътибор бермай, тасдиқ маъносида бош ирғади.

Биринчи қадахни баробар бўшатишди.

Сумбул Дуду:

— Марҳум қайнонамнинг руҳи учун ичайлик, — деди.

Жаврия ҳам:

— Жойи жаннатда бўлсин, — деди.

Сумбул Дуду:

— Ғўри нурга тўлсин, — деб илова қилди.

Ул-бул еган бўлишди... Жаврия ичида: «Омади чопган қизман, — деб ўйлади. — Қаерга бормай Оллоҳ ризқ беради».

Бугун ўзининг омадли эканига ишониши учун катта эҳтиёжи бор эди.

У омади чопган қиз эди... У толеи кулган бир қиз эди.

Бу кеча тун ярмидан оққач, яна ўша ерга боради, энди эшик очик бўлади.

Ҳа... Бир йилдан кўп бўлдики, кўп уқубат тортди.

Бу ҳадеб шундай давом этавериши мумкин эмас. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, ахир!

Хуллас, энди қора кунлар ўтиб кетди.

Қамоқ тугади, сургундан қочди. Истанбулга келар-келмас қўлга тушди, бироқ дарров қочиб қутулди.

Инсон ҳаёти силлиққина ва осон кечмайди, ахир!..

Биринчи кун и борганида эшик қулф эди. Бироқ бу гал эшик албатта очик бўлади...

— Сен учун, ғўзалим, Сумбул холажоним...

— Бир вақтлар ғўзал эдик. Энди тасқара бўлдик, аммо шаънимиз, ориятимиз бор, бриллиантдек тоза... Шаънимизга ҳеч қачон доғ туширмадик.

— Яша, Сумбул Дуду!..

Иккинчи қадахдан сўнг ҳаёт Жаврияга бироз яхшироқ кўрина бошлади.

— Сумбул Дуду, сенга жоним фидо, керак бўлса оёқларингга поёндоз бўлай!

— Кам бўлма!

Учинчи қадахни кўтаришгач, Жаврия:

— Сумбул Дуду, — деди. — Мен турмадан чиқдим, лекин полициядан бутунлай қутулганим йўқ. Шунинг учун кўча кезолмайман. Чўнтак ҳам бўм-бўш. Сен менга иш топиб берсанг яхши бўларди, мен кўча кезмай қўяқолай. Мени кимларгадир таништириб қўя олмайсанми?

— Денгизда кум кўп, менда мижоз, Фосфорлигинам... Эртага кечаси...

— Кундузи бўлгани яхшироқ.

— Кундузими?

— Кечаси бироз ишим бор...

— Сенга бир бало бўлган, Фосфорлигинам... Пинкертонмисан ёки Шерлок Холмсмисан? Изқуварликка ишга ўтдингми?

— Мендан изқувар чиқармиди? Суф-эй сенга!

— Инсон хом сут эмган банда. Хом сут меъдасининг ўртасида туриб қолган. Бу сут гоҳ-гоҳ айниб, меъдани бузади, меъдадан қонга, қондан мияга ўтади, миядан бутун аҳволи-руҳиясига таъсир этади... Фаҳмлаяпсанми?

— Тушундим, Сумбул Дуду... Аммо мен бундай ишлардан йироқман... Менинг калламда бир ташвиш бор холос. У ҳам бўлса фоҳишалик...

— Омон бўл, Фосфорлим...

— Бошимга бало келишидан қўрқаман, полициячилар мени кундузи кўришини истамайман. Яширадиган жойи йўқ; очигини айтсам, мен бир йил турмадан сўнг, яна бир йилга Бўлуга бадарга қилинган эдим.

— Бўлуда ўтиримли қилишди, дегин. Бу гапни айтсанг, сенинг ҳурмат-этиборинг ошади.

— Бу сафсатани йиғиштир. Мен Бўлуга боришга бордиму у ерда кўп қололмадим, яширинча бу ерга қайтдим.

— Ё Оллоҳ, Оллоҳ... Нима, Бўлуда исловотхона йўқми? Бўлу эркакларининг мижози сустми ё? Менга қара...

Жаврия:

— Мен Истанбулдан узоқда яшай олмайман,— деди.

— Яшаб бўлмайди, Жаврия... Бир гал, биринчи жаҳон уруши вақтида келишган бир олмон матроси мени Олмонияга олиб кетмоқчи бўлди... Ўша пайтда кетиб қолишим ҳам мумкин эди... Ҳамбург шаҳрида онасининг исловотхонаси бор экан... Ўзиям зўри экан... Мени ўша ёққа олиб кетмоқчи бўлди... Ие, дедим, саматялик Сумбул Дуду молмидики, четга обориб сотсалар... Ўлсам ҳам Галатада ўла қолай, дедим. Шу Галатада бир қўланса ҳид йўқми, мабодо?

Худди хушбўй ҳид искамоқчи бўлгандек, чуқур нафас олди.

— Агар шу қўланса ҳид жигаримдан урмаганида эди, аллақачон тўрдан қутулган балиқдай бош олиб кетган бўлардим.

Жаврия бошини эгди:

— Оҳ, Сумбул хола,— деди у.— Хафа бўлмагин лекин, гап келганда айтиш керак. Сен насронийсан... Насроний бўлмаганинг-да ҳам, ҳар ҳолда ажнабийсан. Шунга қарамай бу Истанбулни шунчалик яхши кўрасан. Мен-чи... Мен-чи...

— Вой, вой. Бугун куларман деб ўйламагандим, Жаврияжоним... Ҳечам кулгим йўқ эди... Бироқ сен... Эй, кўп яша. Менинг насронийлигим билан сенинг мусулмонлигинг тўғрисида гапиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Мен-ку, ҳеч бўлмаса, ибодатхонада чўқинтирилганман. Сенда лоақал шу даража ҳам мусулмончилик йўқ. Сен мусулмон эмишсан, мен насроний. Эшитган қотиб-қотиб кулмаса мен ўлай. Агар гапнинг пўсткалласини айтадиган бўлсак, биз аслида инсон ҳам эмасмиз.

Жаврия:

— Кўнглингга оғир олма, Сумбул Дуду,— деди. — Ҳа, оғир олма, мен камситиш ниятида айтганим йўқ. Аҳмоқона бир валдирадим кўйдим-да. Истанбулни қанчалик яхши кўришимни сенга тушунтирмакчи эдим. Мени Бўлуга олиб боришганидан кейин...— бир чуқур нафас олди-да, давом этди. — Худо ҳаққи, ақлдан озиб қолаёздим!

Кўзлари қисилди. Қадаҳни кўтариб, рақини ичди.

— Жоним қурбон бу Истанбулга,— деди у. — Истанбул учун бир кўтарайлик.

— Ичайлик, Жаврияжоним...

Сумбул Дуду қадаҳини бўшатди. Жаврия жўшиб кетди.

— Яшил денгиз устида чиқаётган қуёш қирмизи рангга кирди, деб ўйлардим. Кўз олдимда яшил пўчоқ ёрилиб, ичидан қирмизи тарвуз чиқиб келгандек бўларди. Оҳ, шу денгиздан баъзи-баъзида ажойиб тарвуз ҳиди уфуради. Биласанми, Сумбул Дуду, Истанбулнинг нимасини кўзим қиймайди: шу тош кўчаларини! Куз кунлари ёмғир шивалади дегунча, кўчалар холдор газламага ўхшаб қолади. Ўлардай яхши кўраман шу Истанбул кўчаларини. Ёмғир ёғди дегунча хушбўй бир ҳид таралади. Ё шундай эмасми?

— Эй Оллоҳнинг суюкли Жаврияси, чунки у сени ўша кўчаларда дунёга келтирган, кўчада вояга етказган, тирикчилигинг ҳам кўчада...

— Омадли хотинман, тўғрими Сумбул Дуду?.. Оллоҳ севган бандаман.

— Албатта Жаврияжоним, акс ҳолда бунча кўппакка, бу қадар очлигу совуққа бардош бера олармидинг... Агар сени севмасайди бунга чидай олмасдинг...

— Чидаб бўлмасди, Сумбул Дуду...

— Чидаб бўлмасди, ҳа!..

— Жоним қурбон Оллоҳимга, мени севади у... У менинг бадбахт бўлишимни истамайди, нима тиласам беради.

Шундай дер экан Оллоҳ бу оқшом ҳам ўзини истаганига қовуштиришидан умид қиларди.

Бироқ бу гал ҳам эшик қулфлоглик эди. Энди умидни узса ҳам бўлаверади. У бу ерда йўқ.

«Ё уни қўлга туширишган, ёки у қочиб кетган...» деб ўйлади.

Энди бундай хавотир ичида яшашга бардош бергулик ҳоли қолмаган эди.

Не қиларини билмасди.

Не бўлса бўлсин, эртага кундузи у ерга бориб, Каримни топмаса бўлмайди.

Каримни топиши, нима ҳодиса юз берганини ундан билиб олиши керак.

Унга не бўлганини билмай туриб ўзи қўлга тушиб қолишдан қаттиқ кўрқарди. Кўча-кўйда кезишдан қочарди.

Бор орзуси— не бўлганини билмоқ.

Агар у бу ерда бўлса, уни кўриш эҳтимоли бор бўлса, ўзини жуда эҳтиёт қилиб, яшириниб юрмоғи керак.

Мабодо, у йўқ бўлса, «Ҳаммасига тупурдим!» деб елка қисишдан бошқа чора қолмайди.

Унда не бўлса бўлар, унга барибир.

Тунни қаерда яримлашни билмай ҳайрон.

Барба эсига тушди. Барбанинг деразасига бир нечта майда тош отди.

Бу Барба билан Жаврия ўртасидаги пароль эди.

— Қайси шамол учирди сени?

— Қўявер, асти сўрама. Бугун сўзлагим келмаяпти. Эртага кечки бешга қадар ёнингдман. Яхшиси, ҳозир мени тинч қўй, бироз ухлаб олай! — деб жавоб қилди Жаврия.

Бироқ Барба берган тўшак устида тонгтача ағанаб чиқди, мижжа қоқмади.

Учинчи кун оқшом соат бешда Нажотибей кўчасига кетди. Қалбида гоҳ умид порлайди, гоҳ сўнади.

Каримни кўрса уни топишини, Каримни топмаса барчаси барбод бўлишини ўйлаб кетаверди.

Уни танимаган ва севамаган пайтлари ҳаётининг мазмуни нимадан иборат эди, ажабо?

Энди нимаики ўйламасин, ўйлари унга туташади.

Нажотибей кўчасидаги омбор қоровулхонаси каттагина ва саранжом-саришта бир хона экан.

Карим тўрда чалқанча ётган эди.

Қўлларини боши остига ёстиқ қилиб қўйган.

Унга кўзи тушганданоқ Жаврия ҳаяжондан ҳушдан кетиб қолаёзди.

Ҳа, Карим шу ерда экан!..

Кичкина лампочканинг хира ёруғида Жаврия хона ўртасига яқинлашаркан, Карим ҳайрат билан қаддини ростлади.

Мамнуниятдан юзи ёришиб кетди.

— Ие, бизнинг Жаврия-ку бу!.. — деди у.

Жаврия қалбида қўрқув, лабида табассум билан Каримнинг илтифотига жавоб қилди.

— Ҳа, бу менман, сен ким деб ўйловдинг?

— Ҳой қиз, бунча вақт қаерларда қолиб кетдинг? — деркан Карим оёқларини ерга узатди. — Нега келмай қўйдинг? Не бўлди?

— Сен сўрама, мен айтмай, Акажон, — дея хўрсинди Жаврия. — Бир бадбахт каззобнинг дастилан бир йил қамоқда ётдим.

— Ҳеч эшитмадик.

«Эшитмадик» деркан унинг номидан ҳам сўзлаётган эди.

— Қаердан ҳам хабар топардингиз? Бу ғариб Жавриянинг исми ва расми газеталарнинг биринчи саҳифасида эълон этилмади-ку!

— Қачон чиқдинг?

— Ўн беш-йигирма кунча бўлди, Акажон.

— Э, қойил, ўн беш-йигирма кундан бери бизни ҳеч изламапсан-да.

«Бизни деяпти!— дея ич-ичидан суюнди.— Демак, унга ҳеч гап бўлмаган».

— Озодликка чиқиб, Истанбулга келганимга энди уч кун бўлди. Лекин бунга «озодлик» деб ҳам бўлмади!

— Тушунмадим.

— Тушунмайдиган жойи йўқ, Акажон. Мени бир йил Бўлуда ўтқазишди.

Сумбул Дудунинг сўзларини хотирлаб, киборларча: «ўтиримли қилишди» демоқчи бўлган, бироқ шошилганидан, «ўтқазишди» деб юборган эди.

— Бу нима деганинг?

— Яъни сену менинг тилимда айтганда, сургун қилишди Бўлуга.

— Хўш, унда нега бу ердасан?

— Қочдим.

— Қочдингми?

Каримнинг юзи жиддийлашди.

Жаврия, гўё бир ишни қойиллатгандек, тиржайди.

— Албатта қочдим. Турма дегани турма, баланд девори, темир эшиги, ҳужраси-ю, ҳовлисида соқчиси бор. Аммо Бўлу бир чет жой. Ўша жойдан ҳам жуфтак ростлай олмасак, суф бизга.

Қилган ишидан фахрланар, гурур билан кўкрак кериб мақтангиси келаётган эди.

— Уч кундан буён сизларни изладим, аммо тополмадим. Кечалари эшик доим қулф бўлади. Ҳозир совуқ тушиб қолди, ҳар ҳолда совқотаётган бўлсангиз керак...

Карим кулимсиради.

— Энди эшикларни қулфлаб қўядиган бўлганман, — деди у.

Каримнинг юзига шундай бир маъно қалқдики, Жавриянинг юраги орқасига тортди ва эти увишиб:

— Нега? — деб сўради.

— Энди очиқ эшикдан кирадиган одам йўқ, шунинг учун.

— Тушунмадим, Акажон.

Жаврия олдидаги столга тиралиб турар, ўзини қаттиқ чарчагандек ҳис қилар эди.

«Эрталабдан туз тотмаган бўлсам-да, кўнглим айинияпти!» деб ўйлади.

— У қаерда?

— Уми? — деди Карим. Бир оз жим қолди. Бор гапни айтсам-микин ёки йўқми деб иккиланарди.

Сўнг бирдан қарор бергандек қисқа қилиб деди:

— Қўлга тушди.

— Демак, онаси айтиб қўйибди-да? — деган Жаврия турган жойига беҳол чўнқайди.

Тиззаларидан дармон кетган эди.

«Мен омадли қиз эдим-ку, омадли эканим қаерда қолди?» деб ўйларди у.

Бу гапга ишониб бўлмайди. Ишониб бўлмайдиган, даҳшатли бир воқеа содир бўлган. Уни полициячилар тутган. Энди...

Йўқ... йўқ... Бунга дош бергулик ҳоли йўқ.

Дод солиб, фарёд ургиси келарди. «Қамоқхонада ўтирган ва бундай гапни эшитмаган бўлсам кошкийди», деб ўйлади.

Карим:

— Онаси чурқ этмаган, — деди. — Шундан кейин онасини тинч қўйишди. Ўзини бўлса бошқа бир иш устида ушладилар. Бу энди бошқа бир иш.

Жаврия:

— Бу иши ҳам катта жиноятми? — деб сўради ва ўзининг унинг олдинги айбини ошкор этиб қўйганини тушуниб уялди.

— Йўқ, бу унча катта иш эмас. Бироқ унинг кимлигини аниқлашса...

Жаврия:

— Унинг ким эканлигини ҳали билишмайдими? — деб сўради.

— Йўқ!.. Бироқ азият йўли билан, қийноққа солиб билиб олишлари мумкин.

— Агар унинг ким эканлигини билишмаса, енгил бир жазо билан қутулиб чиқиши мумкин, шундайми?

— Ҳа.

— Бироқ аксинча бўлса!..

Энди у полиция қўлида. Ким эканлигини аниқлашса, олдинги жинояти ҳам қўшилиб, уни қатл этишади. Қийнаб ва азоблаб, уни иқрор қилдиришлари мумкин.

Жаврия овозининг борича ўкраб юборай деб турарди. У ҳануз чўнқайиб ўтирарди.

Юзи сокин. Фақат боши айланар, Карим ўз жойида турмаётгандек кўринарди. Унинг юзига диққат билан разм соламан деб Жаврия қаттиқ чарчади.

— Карим ака, — деди. — Бир йўлини топайлик. Уни қутқарайлик. Қутқарайлик уни, қочирайлик. Улар раҳм-шафқат нелигини билишмайди, биламан, охир-оқибат уни иқрор қилдиришади.

— У иқрор бўладиган хилидан эмас.

Жаврия бирдан оғзидан қочирди:

— Бироқ аввалги жинояти юзасидан полициячилар уни таниб қолишлари мумкин. Ахир, у ўлимга ҳукм этилган-ку!

— Уни сиртдан ўлимга ҳукм этишган. Ўша пайтда ҳам у қўлга тушмаганди, фақат дўстларини ушлашганди.

— Энди улар билан юзлаштирадилар.

— Тириклари қолмади ҳисоб, борлари ҳам оғзига маҳкам.

— У яширин яшарди, аммо, ким билади, балки уни танийдиганлар бордир.

— Уни танийдиганлар жуда оз. Бу гал ундан бошқа ҳеч ким қўлга тушмади. Мен у бўйнига олади, деб ўйламайман.

Жаврия инграб юборди:

— Оҳ, пешонам мунча шўр бўлмаса...

Қаддини ростлади. Бутун бошли Истанбул унга энди турмадай тор ва ғамбода бўлиб қолган эди.

Жаврия бўғилиб кетаётгандек бўлаверди.

Унинг бир ёқдан ўлим хавфи остида эканлигини, иккинчи ёқдан турмада эканлигини билиш Жаврияни қаттиқ азобга солиб қўйган эди.

Ўзи турма азобини бир йил тортди. Темир эшиклару темир панжаралар ортидаги ғамни ўзи тотиб кўрган. У бу уқубат не эканлигини яхши билади.

Ўз эркига ўзи ҳўжайин бўлмаслик аламини тотиб кўрган. Ўзгалар томонидан белгилаб берилган чегарадан чиқмай яшашга мажбур бўлиш нақадар оғир машаққат эканлигини тушунар эди.

Турманинг тўрт девори ортида ётган чоғларида у тақиқларсиз, жандармсиз, соқчисиз, деворсиз ва эшиксиз бир дунёда роҳат қилиб юриш иштиёқида ёнган, эмин-эркин, хоҳлаганини қилиш истагида ўртанган эди.

Орзусини рўёбга чиқариш учун ёниб-куйган, аммо ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очолмаган эди. Турмада арзимаган бир истагини рўёбга чиқариш учун ҳам назоратчилардан рухсат сўрашга тўғри келарди. Шунинг учун у ҳатто энг майда, арзимаган, оддий хоҳиш-истакларидан ҳам воз кечганди.

Жаврия унинг нелар тортаётганини яхши биларди. Бу ҳам етмагандай, унинг ҳаёти ҳам хавф остида эди.

Уни сўзлатиш учун, ким билади, қандай қийноқларга гирифтор этишади...

— Ога, мен хитларни биламан, — деди. — Уларда дин, имон деган нарсани кундуз кунни чироқ ёқиб тополмайсиз. Балки қийноққа солиб, уни сўзлатишлари мумкин. Уни қутқарайлик. Қўл қовуштириб ўтирмай, бирон чорасини топайлик.

Жаврия Каримнинг «Қўлимиздан не ҳам келарди?» демоқчидай ёзилган қўллари орасига ўзини ташлаб, елкасига бош қўйганча ҳўнг-ҳўнг йиғлади.



## IV

### «СЕНДА ҚОРАСАВДО БОР»

Удчи куйлашда давом этарди:

*«Сенда қорасавдо бор»*

Ҳа, унда қорасавдо бор эди.

Жаврия буни чуқур ҳис қиларди. Жаврия «Ҳозиргача шу дунёда ҳеч ким бировни мен уни севганчалик севган эмас» деб ўйларди.

Ғоят тушқунликка тушган, ичини қутурган ит таталаётгандек бўларди.

Кўча-кўйда фарёд ургиси, уни қутқариш учун бутун дунёни оёққа тургизгиси келарди.

Каримдан жинояти не эканлигини сўрамади. Бунчалик яхши киши қандай қилиб ўлим жазосига лойиқ жиноят қилганини ҳеч тушуниб етолмасди.

Дунёда унга ўхшайдиган, унингдек хушфеъл, жиддий, раҳмдил, меҳр-мурувватли бир киши кўрмаган.

Ким бўлса бўлсин, қандай жиноят қилган бўлса бўлсин, исми ҳам нима бўлса бўлсин, унинг тирик қолишини истарди.

Бир неча бор полиция мудириятига бориб, уни кўргиси келди. Бироқ унинг исми нима? Исмини билган тақдирда ҳам уни излаб бориш хавfli. Уни танийдиган, биладиган бирор кишини топиш учун полициячилар, ким билади, нелар қилаётган экан. Ўзини ҳам Бўлуга жўнатиб юборишлари мумкин. Орқасидан биров сўраб, излаб келмайдиган маҳбус дунёдаги энг ғариб маҳбус.

Гоҳ-гоҳ Каримнинг ёнига бориб турди. Бир гал ундан:

— Онаси бор-ку, уни излаб боряптимиз? — деб сўради.

— Қандай қилиб борсин?! Борса унинг кимлигини дарров билиб олишади-ку! Бечора она ўғлининг уйда бор барча суратларини ёқиб ташлади. Мабодо уни юзлаштиришган тақдирда ҳам бу менинг ўғлим эмас деб тонади.

Турмада ўтирганида боғдаги чоғроққина ҳовуз сувига тикилиб, денгизни тасаввур қилар эди. Энди бўлса, Мармар денгизига тикилиб, турма ҳовузини эсларди.

Истанбулда юриш ҳам энди унга завқ-шавқ бағишламай қўйди. Бу кўчалар турма ҳужрасидан баттароқ ғамбода.

Ора-сира Каримга учраб ундан хабар олиб туриш ва Бўлуга жўна-тиб юбормасликлари учун полициядан қочиб, яширинча яшаб юрди.

Бу ҳам Жаврияни жуда эзиб, сиқиб юборди.

Яшаш учун пул ҳам топиши керак.

Кундузлари гоҳ Барбаникида, гоҳ Сумбул Дудуникида ухлар, сўнг тонггача кўча кезарди.

Пули бўлган тақдирда ҳам шундай қилган бўларди. Чунки кечалари ичини куйдираётган ғам-аламга чидай олмай лойга ботган кўчаларда юргуси, ловуллаб ёнаётган юзларини ёмғирда совутгиси келгандай телбаларча у ёқдан бу ёққа чопгиси келарди.

Ана шундай кечалардан бирида Галатанинг энг машҳур санчма расм устасига икки билагига кишан расмини санчтирди. Ичига чироқ ёқса ёришмас, ҳеч қаёққа сизмас эди. Полициядан қочиб юрганига қарамай кечаларни кўпинча ғавғо-жанжал билан охирига етказарди.

Бирор эркани йўлдан оздирар, кейин у билан ичкиликбозликни бошлаб юборарди. Бўкиб ичар, оқибатда ўзини қўлга ололмас, қадаҳларни уриб синдиришга ўтар, ғавғо кўтарар, ёнидагиларга тирғилар, ҳудабехудага бошқа столларда ўтирганларга шиша ота бошлар эди. Баъзан кимнингдир бошини ёрар, баъзан ўзи калтак ер ёки ким биландир ёқалашарди. Хуллас, ўзини билмай, йиқилиб қолгунча тинчимасди.

Севгилиснинг кишанбанд эканлигини эслаб туриш ва эслаб азобланиш учун билакларига кишан расмини солдирганди.

Билагига кишан расмини солдиргач, Жаврияга сеvgилисининг азобини бироз енгиллаштиргандек, маҳбуслик азобини баҳам кўрган-дек туюларди.

Уни қутқариш учун ҳеч нарса қилмай ўтиришдан қаттиқ азобланарди.

Шу кишан расмларига боқиб, уни бу балодан қутқаришга кучи етмаслигини кўргиси ва бундан янада баттарроқ аҳволга тушгиси келарди.

Сумбул Дуду унга:

«Қорасавдолигинам» дерди.

Банги Шавқи унинг аҳволини билар, тушунарди. Унга:

— Опажон! Кел, мана шу жаннат мойидан бир татиб кўрсанг-чи, — дея қорадори таклиф қиларди. — Худо ҳаққи, бу жудаям кетворган нарса. Ғам-ҳасрат деганинг тарқайди кетади. Соғлиқ учун ҳам фойдали, — шундай деб у қўлидаги мошдеккина қорадорини алқаб, давом этарди:

— Қоражоним менинг, ҳаётда икки нарсам бор: бири Гуллим, иккинчиси, мана шу қоражоним... Бошқа ҳеч нарсам йўқ...

Жаврия гиёҳванд бўлиб қолишдан қаттиқ кўрқарди. Гарчи бир-икки марта тортиб кўрган бўлса-да, қорадорига берилмади.

— Бундан арслон сути минг марта яхши. Кўз очиб кўрганимиздан айирмасин! — дерди.

Каримнинг кўкрагига бош қўйиб тўйиб йиғлаган ўша кундан сўнг Жавриянинг кўзи нам кўрмади. Кўзлари ҳам, дудоқлари ҳам, томоғи ҳам қуриб қолганга ўхшарди.

Айтармикан, айтмасмикан? Кимлигига иқрор бўлармикан? Олдинги ўлим ҳукмини ҳам қайтадан бўйнига олишармикан?

Жаврия мана шундан кўрқиб, шу ваҳима ичида яшарди. Тонг қоронғусида Султон Аҳмад майдонига тикилган дор ва маҳкум кўз олдида кетмас эди.

Унутганига неча йил бўлган ўша қатл манзараси бутун икир-чикиригача кўз олдида гавдаланарди. Юзлари кўкарган, дадил нигоҳли ўша киши кўз олдида пайдо бўлар, бироқ сиртмоқ бўйнига тушди деганча, бирданига чехраси ўзгариб, «у»нга айланиб қоларди.

Унинг юзи... у сиртмоқда... шундай пайтларда Жаврия ҳеч қачон сизмай қолар, кўчаларга отилар, майхоналарда улфат қидиар, ўзини дуч келган бирининг қучоғига ташлар, унутмоқ, унутмоқ, унутмоқ, бу манзарани кўз ўнгидан йўқотмоқ истарди.

Бироқ белига икки қўл чирмашиб, ичкиликнинг бадбўй ҳиди анқиган сўлжайган бир оғиз ҳансираб дудоқларини излаб қолган чоғда, кўпинча Жаврия бирданига у кишини итариб ташлаб, бу қўллардан сирғалиб чиқар, ҳақорат сўзлари ёғдириб, қочиб қолар эди.

Ибодатдан сўнг киши қалби ажойиб бир нурли туйғуларга тўлгани сингари Жавриянинг қалбига ёпирилиб кирган бу тоғли севги туйғулари энди уни ғам-ҳасрат қучоғига ташлаб, бир офат каби қовурмоқда эди.

Хуллас, стол ёнида ўтирган Жаврия анча пишиб қолганди.

Кичик майхона унга тор кўринаётган, бу қўшиқ, Зомби Ражабнинг қучоқлашлари, ишқилиб, ҳамма-ҳаммаси унинг учун чидаб бўлмайдиган бир азобга айлана бошлаган эди.

Доим шунақа қиларди. Зомби ҳам ўрнидан туриб, унга эргашди.

Ташқарида ҳаво совуқ, осмонда тўлин ой сузади, юлдузлар порлайди.

Жаврия совуқ ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганча, юриб кета бошлади. Зомби Ражаб дағал товушда:

— Хўш, қаёққа кетяпсан? — деб орқасидан чақирди. Катта-катта қадам ташлаб, унга етиб олди-да, белидан кучди. Жаврия нима деяётганини ўзи ҳам билмас эди.

— Кўйвор, — деб гўлдиради у. — Кўйвор дейман, мени тинч кўй.

— Нима, нима? Охирида думингни тутказмай қочиб кетишинг учун сенга дастурхон ёздикми? Ёки ўн олти ёшлик бокирадай ноз қилишга ўтдингми?

Жаврия уйқусирагандай одим отди. Ён-верида не бор-йўқлигини кўрмаётгандек кетиб бораётган эди.

У оғзини тўлдириб, сўкинди:

— Торт аравангни, бор йўқол!

Зомби кучли кўллари билан белидан тортиб, уни тўхтатди.

— Орқага қайт, манжалақи, бошқаларга қиладиган ўйиннинг менга ўтмайди, билдингми?..

Жаврия ярим инсон, ярим ҳайвонга ўхшаш бу қўрқинчли одамга тикилди, бироқ мастликдан ғилайлашган кўзи олдида Зомбининг юзи гоҳ сузилар, гоҳ буришар, ё каттайиб, ё кичраяр, ажабтовур шаклларга кирарди. Жаврия зўрға бош кўтариб ундан:

— Мендан не истайсан? — деб сўради.

Зомби Ражабнинг белига чирмашган кўли энди уни тобора қаттиқроқ тортаётган эди.

— Мендан не истайсан? — деб такрорлади.

Кўз олдида Ражабнинг юзи шундай алкаш-чалкаш бўлиб кетдики, ортиқ қараб тура олмади. Юзини унинг кўксига босди.

Мастона гўлдираб:

— Кўрмаяпсанми? — деди. — Ҳолимни кўрмаяпсанми?

Майхонанинг очик эшигидан удчининг овози эшитиларди.

«Кўзларингдан аёндир, Жаврия,  
Сенда қорасавдо...»

Жаврия:

— Менда қорасавдо бор! — деди. — Кўрмаяпсанми, менда қорасавдо бор!

Ва бирданига ҳўнграб юборди.

Қанчалик отмасин, бўкиб қолгунча ичмасин ҳеч унута олмас, унинг ўлимга ҳукм қилинганини, унинг ҳаёти шу онда хавф остида эканлигини, у туфайли қаттиқ изтироб чекаётганини ҳеч унута олмас эди.

Зомби Ражаб уни кўксига босиб, қаттиқ сиқди.

Кўкда ой совуқ нур сочади. Ер совуқдан тарс ёрилган. Удчи бўлса кўшиқ куйлашда давом этмоқда:

«Оҳ менинг Фосфорлим,  
Воҳ менинг Фосфорлим».

Жавриянинг кулоқлари остида қўшиқ сўзлари тўхтовсиз жаранг-ларди:

«Яша жоним Фосфорлим,  
Оҳ менинг Фосфорлим».

Ҳа, Истанбул кўчалари, кулбалари ва майхоналарининг Фосфор-лиси, ўша машҳур Фосфорли Жаврияси энди чексиз қўрқув гирдо-би ичида қалтираётган мана шу қизмиди? Ўтиришларнинг гули бўлган шўху шодон Жаврия шуми? Зомбининг елкасига бош қўйган-ча хўнграётган бечора қиз ўша Фосфорли Жавриямиди?

Жаврия бирданига Зомбининг кўкрагидан бош кўтарди. Бу кес-кин ҳаракат туфайли сочлари жимирлаб кетди. Муштумчалари би-лан кўзларини, кафтининг орқаси билан бурнини артди-да:

— Кетдик ичкарига! — деди. — Ичкарига кирамиз... Бир ўйна-моқчиман.

Йигитни қўлидан ушлаб, эшиги очик майхона томон судради.

Жаврия энди майхонанинг ўртасида туриб олганча, қўшиқ ай-тишга киришган эди:

«Кўприк усти бандаргоҳ,  
Аскар бўлдинг баногоҳ.  
Оймас, йилмас, уч йил оҳ  
Қандай ўтар, Жавриям...»

Бошқалар қарсак уриб, бир овоздан жўр бўлишди:

«Оҳ менинг Фосфорлим,  
Воҳ менинг Фосфорлим».

Фосфорли улчига:

— Ҳой Абдўш, «Чодиримнинг устига»ни чал! — деб бақирди.

Улчи оҳангни ўзгартирди. Жаврия ўртада ҳам қўшиқ айтар. ҳам ўйнар эди.

Гир айланиб хиромон этар экан, дуч келган стол ва курсиларни бир тепиб ағдариб кетаверарди. Ҳеч ким унингдек гўзал рақс туша олмас эди.

Бутун вужуди куй оҳангига уйғун ҳаракат қилар, елкалари тит-рар, бели буралар, оёқлари худди ердан узилгандек, учиб хиромон

этарди. Зомби эшик олдида туриб ҳиссизларча унга бақрайиб турарди.

Бошқалари қарсак уришарди.

Банги Шавқининг боши Гуллининг тарвуздай кўкраклари устида, кўзлари ғилайлашган. Гулли қарсак уриб:

— Яша Фосфорли! — деб қичқирарди.

Абжир Шараф:

— Опажон... жоним қурбон сенга, сен учун ўлмаган номард! — деб қийқирарди.

Жаврия ўйнайверди, ўйнайверди.

— Кетини узма, Абдўш! — деб қичқирарди у. — Бўлмаса, кўр кўзингни пичоқ билан ўйиб оламан! Энди «Сени менга берсалар вой-эй»ни чал!.. Узма!

Абдининг саси майхонадагиларни борган сари жўштириб борарди.

«Сочлари қорагинам, вой-эй,  
Сени менга берсалар, вой-эй,  
Қулинг бўлиб ишларам, вой-эй».

Сўқир удчи сел бўлиб қўшиқ айтарди:

«Дедилар: ёринг хаста, вой-эй,  
Етишдим сўнг нафасда, вой-эй».

Жаврия ҳеч қутилмаганда бақириб берди:

— Овозингни ўчир! Жим бўл, Абдўш! Қаллангни ёраман бўлмаса!

Ўртада аъзойи бадани қалт-қалт титраб турарди.

Столдан бир шишани олди-ю, азот кўтарди.

«Етишдим сўнг нафасда...» Ўлим... Сўнгги нафас... Дор майдони... Тонг қоронғуси...

Боши айланди... Майхона гир айланиб кетди... Дунё гир айланди... Қиёмат қойим бўлган эди.

Абжир Шараф ўқдай отилиб бориб, шишага чанг солди.

— Опажон... Ёндирдинг, адо қилдинг. Эй, яша Фосфорли!.. — деди у.

Жаврия шишани бермаслик учун анчагача Абжир Шараф билан юлқилашди. Бироқ ҳар ҳолда у эркак, у бўлса аёл, бунинг устига оёқда турулмайдиган даражада маст эди.

Абжир Шараф қўлидаги шишани тортиб олиши билан, ўроқ тушган жўхоридек ерга гуп этиб йиқилди. Ерга думалаб, ўкраб йиғлаб юборди.

Банги Шавқи:

— Бўкиб қопти-ку бу! — деди.

Абжир Шараф:

— Бўкканда ҳам роса ғирт бўлгунча... — деди.

Зомби бўлса салмоқлаб:

— Ғирт эмас, тамом бўлган бу, — дея унга яқинлашди. Елкаси-дан тортиб, ердан азот кўтарди, сўнг белидан қучоқлаб, стол томонга олиб борди-да, зўрға ёнига ўтқазди.

Гулли:

— Ҳой Фосфорли, не бўлди сенга? — деди. — Не бўлди?

Жаврия ҳиқиллай-ҳиқиллай:

— Менда қорасавдо бор, — деб ингради. — Менда қорасавдо бор.

Унинг қорасавдо касали энди ўлгунига қадар тузалмайдиганга ўхшарди.

Бу дарддан қутулишга ҳеч қандай умид йўқ.

На ичкилик, на айш-ишрат, на сайру томоша, ҳеч нарса Жаврияга татимас, уни лоақал бир дақиқага унуттира олмасди. Жавриянинг бутун фикри-зикри унинг бошига келган хавф-хатарда эди.

Жаврия энди олдингидек даврон суриши, аввалгиси каби ўз ҳаётидан завқланиши мумкин бўлмай қолганди. Аҳволи, вазияти ҳам ночор.

Полиция кўлига тушиб қолса Бўлуга жўнатишлари аниқ. Кайфи тарқалгандан кейин кеча ғавғо кўтарганидан уялар, қилмишига пушаймон бўлар, ўзига-ўзи: «Худо бир сақлабди-да, бўлмаса қорақўлга тушиб қоладиган иш қилган эканмиз-да!» деб қўярди.

Кундузи пастқам кўчалардан ошиб, Сумбул Дудунинг эшигини тақиллатарди.

Сумбул Дуду уни ҳар доим очиқ чеҳра билан кутиб оларди:

— Оҳ! Ягонагинам ўзингсан! — деб илтифот қилар, сўнг: — Бир кун келмай қолсанг, Дурдонам қаерда қолди экан, деб сиқилиб ўламан, — деб илова қилиб қўярди.

Жаврияга қаҳва қайнатиб берар, қаҳвани охиригача ичишга ундар, фол очар, пастки қаватдаги хонада оқшомга қадар ухлаб олишга рухсат берарди. Жаврия сўзласа суҳбатга қўшилар, сўзламаса овозини чиқармас эди.

Одатдагидай келган меҳмонларга хизмат қилар, юқорига таом ва рақи келтиришни буюришса, улардан орттириб Жаврияга ҳам бир патнис тузаб келарди.

Қаҳвага қараб фол очишга Жаврия жуда қизиқарди.

— Қани, Сумбул Дуду, финжонни битирдик, бир кўриб қўйчи, — дея сас берарди.

Кекса аёл дераза олдига келиб ўтирар, ўзини бир оз орқага ташлаган кўйи фол очишга киришар эди.

— Жавриям, Жавриям, бошингга нелар тушибди-я?! Юрагинг зулматдек қорайиб кетибди. Юрагингнинг устига тегирмон тоши бостиришибди. Ҳали кўп кўзёши тўкадиганга ўхшайсан, Жавриям... Бироқ ёшсан, ўзингни ўтга-чўққа уриб, майиб бўлма. Не бўлса Ол-лоҳдан. Қўлингдаги ҳунарингдан топганинг етиб ортади...

Жаврия унга умидвор тикилади:

— Яна не бор, Сумбул Дуду?

— Яна не ҳам бўларди... Яна нелар йўқ дейсан... Бир жойда бир йигит қўлини иягига тираган ҳолда ўтириб, чин кўнгилдан, юрак-юракдан сени ўйламоқда... Борим ҳам Фосфорлим, йўғим ҳам Фосфорли деяпти... Аммо ораларингизда тўсиқлар бор. Аммо бу тўсиқдан ўтишларингиз мумкин. Икковлон бир бўлса, бўлмагани бўлдиар...

Сумбул Дуду Жавриянинг кўзларидан, ўзи фарқига бормай, ошиқ эканлигини билдириб қўйган сўзларидан гап нимада эканлигини тусмоллаб, унга ёқадиган гаплар тўқир ва тасалли берар эди.

— Жавриям, Жаврияжоним... Хотиржам бўл!.. Яқинда юлдузинг туғади. Тумшугида қисмат тутган мана бу товус сен гўё Искандар Зулқарнайннинг қизидек, оёқларинг остига ўзини ташлагай. Омадинг бор, толеёинг ёр... Бироқ сен уларни кўролмаяпсан. Сенга қандай тушунтирсам экан?.. Оҳ, менинг мусичагинам... Сени гўё жаҳаннамнинг қоқ ўртасига отишибди... Қанча қанот қоқсанг-да, учолмаяпсан... Учолмаяпсан, Жаврияжоним! Инсон юраги мисоли булбул, фарёд урмаса қоқ ўртасидан ёрилади. Ишқ дегани ҳам бир оташ, унга тушган ёниб, кабоб бўлади. Сенда қорасавдо бор, Жаврияжоним... Сен бу савдодан кеч... Ваз кеч ундан, қара, сенга роҳат-фароғат йўли очилиб турибди. Олдинга боқ, орқага қайрилма... Ўтмишинг мозий, еганинг кўзи бўлсин, дейдилар... Фолингга кўринган ишоратларни тушунган бўлсанг, ҳаёт сенга ҳўмрайиб эмас, кулиб боқади... Аммо сенда қорасавдо бор!..

Жаврия гапни ҳазилга бурмоқчи бўлади:

— Сумбул Дуду, қара-чи, хушторимни яна бир марта кўрарми-канманми ёки йўқми?

— Кетган қайтганида Ипакчи Артин Истанбулга волий бўлар эди... Кетганининг қайтганини ҳеч кўрганмисан?.. Қўлингдан неча-неча хуштор ўтди. Омад келганда отиб қол. Жаврияжоним, ишқ дегани қовурилган балиққа ўхшайди, иссиғида мазали... Совидими, мазаси қочади. Биринчи жаҳон уруши вақтида бир олмон матроси билан ошиқ-маъшуқ бўлгандик. У машҳур бир олмон шоирининг файласуфона сўзларини айтиб юргувчи эди. Трамвайга

чиқиб, кетиб қолган севгилингнинг орқасидан кўзёши тўкиб ўтирма, кўп ўтмай бошқа трамвай келади, дегувчи эди.

Жаврия унга тикилиб, такрорларди:

— Демак, ҳеч қандай ишорат йўқ, дегин. Уни ҳеч қачон кўрол-майманми?

— Кўрасан, Жаврияжоним, кўрасан, лекин сенга не десам экан, бир ой десамми, бир йил десамми... Бир кун эмас, бир ҳафта эмас, анча вақт ўтади, — деб уни овутарди.

— Мени ўйлармикан?

— Фосфорлини бир кўрган уни унуга оларми ҳеч?!.. Сен ўзингни кўпам ерга урма, кўзичоғим. Сен билан таништириб қўйган мижозларимнинг биронтаси ҳануз шикоят қилганича йўқ. Ҳаммаси сен учун ўлишга ҳам тайёр. Қайси бирига қарама: «Жавриям қаерда? Уни топиб бер!» деб эшигимнинг турумини бузиб ётишиптику! Ўша ўзимизнинг Ҳожи оғани айтмайсанми? Яна Истанбулга келибди, сени излаб юрибди. Не бўлса бўлсин, сенга уй ижарага олмақчи, сени бошдан-оёқ ясантирмоқчи.

Жаврия, волиданг бўлмасам ҳам, сенга опанг ўрнидаман. Ишқ дегани бир яра, малҳами топилмайдиган бир чипқон, ёшлик дегани бўлса гунчага ўхшайди, гуллагандан сўнг сўлиши ҳам бор. Кўзингни оч, Жаврияжоним! Сўнгги пушаймон ўзингга душман. Кемага кечиксанг, бандаргоҳда йиғлаб қолаверасан. Бир вақтлар бир файласуф бир зўр гап айтган:

«Ёшликнинг қадрини бил,  
Кексалик етмай туриб.  
Йигитлик қадрини бил,  
Қувватинг кетмай туриб».

Оҳ, ҳозир билмайсан, Жаврияжоним, ёшсан. Бироқ бу ишқ дегани инсонни покизалайди ҳам. Эски китобларни ўқисанг, эҳ-ҳе, нелар ёзилмаган дейсан?! Биз ҳам бир вақтлар марҳум Абдураззоқ афандининг театрида «Эрнани», «Золим чўпон»ни ўйнаганмиз... Ана уларда кўр ишқ деганини. Отеллонинг қўлини қон қилган, Дездемонани ўн гулидан бир гули очилмай сўлдирган, Офелияни ақлдан оздирган не эканини биласанми? Ўша ишқ, ўша савдо эмасми?... Ишқдан фойда кўрган борми ўзи?... Искандар Зулқарнайн ҳам ишқ балосидан ўлиб кетган. Мен тарихни яхши биламан, ёшлигимни беҳуда ўтказмадим. «Лайли ва Мажнун»ни ўқиганмисан?... Шоир айтганки,

«Ишқдир мени ўлдирган,  
Воҳ, шундан бир қутулсам...»

Зўр гап айтган. Тушундингми, зўр гап-а?!.. Бу ҳақда катта одамлар айтган гаплар ҳамон қулоғим остида жаранглайди. Биз ишқ не эканлигини сал-пал биламиз, Жаврияжоним. Бу чеки-чегараси, соҳили бўлмаган бир денгиз, тушсанг ўртасида чўкасан, соҳилига етолмайсан. Бир вақтлар Холдор Ҳойганўш дегани бор эди. Галатада машҳур эди. Севилиб, севмаслик энг катта бахт, дегувчи эди. Олтин қидириб, Американинг шимолига кетган жанубликлар ўзлари олтин устида ўтирганларидан беҳабар бўлганлар. Христофор Колумб тухум савдоси деб океандан ошди, ўз ҳаётини хавф остига қўйди. Ваҳоланки, севдириб севмаган ўша маъданнинг устида ўтирган экан у ҳам.

Сумбул Дуду сўзлар экан, Жавриянинг кўзлари оҳиста-оҳиста сузилиб кетар, уйқу истаги қовоқлари устига бостириб келарди.

Бир-икки ой ана шундай ўтди.

Гоҳ-гоҳ Каримга учраб турса-да, Жаврия ундан тайинли бир хабар ололмади.

Омбор қоровулхонасида, ўчоқ ёнида ўтириб суҳбатлашишарди.

Карим унга чой дамлаб берарди. Икковлон чой ҳўплаб, у ҳақда сўз юритиш Жаврия учун бениҳоя мароқли эди.

Бир оқшом у титроқ товушда:

— Қандай жиноят қилганки, уни ўлимга ҳукм этдилар?... — деб сўрашга журъат қилди. Бироқ Карим жавоб бермасданоқ йиғлаб юборди.

— Нега йиғлаяпсан? — деди Карим унга яқинлашиб.

Ёноқларини қафтлари орасига олди. Сўнг бошини кўкрагига босди.

— Уни жуда севасанми? — деб сўради.

Бу Жаврия учун ҳаётининг энг масъуд лаҳзаси бўлди. Уни севишини кимгадир айтиш эҳтиёжи лабларини ёндираар, севишини айтиб майдонларда бақиргиси келарди. Бу ишқ Жавриянинг гурури, ифтихори эди. Уни севиб қолгандан сўнг улғайдим, ҳозирга қадар эришмаган баланд мартабага эришдим, деб ўйларди Жаврия.

Кўзлари жиққа ёшга тўлиб унга қаради.

— Уни жуда севасанми?

— Ўлгудек!.. — деди Жаврия. — Уни ўлгудек яхши кўраман.

Елкасидан тоғ ағдарилгандек, чуқур нафас олди.

Карим унга меҳр-шафқат билан боққанини кўриб турарди.

Бир томонда ўчоқда ўт чирсиллаб ёнади, ўчоқ устида қирмизи қумғон қайнайди, қумғон устидаги чойнакка чой дамланган.

Нимқоронғи хонани чойнинг хушбўй ҳиди тутган.

Карим унинг елкалари ва ёноқларини силади:

— Бечора бола!..

Жаврия энди ўзини босолмай қолди. У ҳозирга қадар ўйлаган, ҳис қилган ва тушуниб етмаган нарсалари тўғрисида сўзлай бошлади:

— Уни ўлардай яхши кўраман, Акажон. Балки, ишонмассан. Мени кўчада юрган бир ирkit, шилқит қиз, ёлғон айтяпти, деб ўйлашинг мумкин. Аммо, худо урсин, тўғриси айтяпман. Ёлғон айтсам, еган нон-тузим мени кўр қилсин, унинг ёнига келганимда ўзимни эркак зоти қўлини ушламаган ўн олти яшар бокира қиздек ҳис қиламан. Унинг ёнида ҳатто сўзлашга тортинаман. Унга ҳеч нарса дея олмасдим. Ўйлаб кўргин-а, Акажон, астаффуруллоҳ, инсон Оллоҳни қандай севгани ва бу севгисига жавоб кутмагани сингари севаман уни. Хоҳласа мени севсин, хоҳламаса севмасин. Не бўлса бўлсин, унинг тирик юришини истайман. Мабодо унинг бошига бир бало келса... Нима десам экан... Тушунтиролмайман... У қўлга тушганини билганимдан буён барча одамлар кўзимга душман бўлиб кўриняпти. Уни ўлдиришлари мумкинлигини ўйладим дегунча оламга ўт қўйгим, одамларни уриб-йиққим, деразаларни синдиргим, қутурган итга ўхшаб улигим келади. У тирик қолсин, мен ўлсам майлига. Яхшиси мен ўлай... Ёш чоғимда ва ҳаётга тўймай турибоқ ўлақолай... Бу азиз жонимни Оллоҳ танамдан олса ҳам парвойимга келмайди. Парвойимга келмайди, Акажон... Турманинг не эканини мен яхши биламан. Оғир, қулфлог эшиклар, темир панжаралар, кишанлар не эканини ўз кўзим билан кўрганман. Соқчиларнинг қўпол муомаласи-ю, бир бардақ сув учун бировга мўлтираш азоби не эканини биламан. Ташқарида ранг-баранг олам, кўча-кўйлар, эмин-эркин инсонлар, очиқ ҳаво, куёш, осмону денгиз бўлса-ю, сен бу ёқда, ёпиқ дарвозалар, баланд деворлар ортида ўтирсанг. Тутқунлик не эканини яхши биламан. Кишан тақмаган қўллар унинг оғирлигини қайдан билсин?! Қамоқда ўтирганимда, Акажон, кўчалар ҳаёлимдан кетмасди. Ёмғир ботқоққа белаган, совуқ ва балчиқ кўчаларни ўйлаб, оёқларимга тикилардим. Оёқларимга тикилиб ўтириб, ўша лой кўчаларда ялангоёқ бўлиб юравергим, сўнг чопгим келар эди. Лой кўчаларда, қоронғу кечаларда сайр қилишни, ёмғирда ивишни, кўприк остида тунашни, ҳатто ҳаво ёмон бўлган тақдирда ҳам соҳилда ўтириб, оёқларимни соллантирганча, денгизни томоша қилишни, Гулхона боғида бир чеккала ўтирволиб, елкамни офтобга солишни орзу қилардим. Шуларни ўйлаб ғамга ботардим. Кетаверсам, кетаверсам, олшимда девор ҳам, эшик ҳам бўлмаса, ҳеч ким: «Тўхта! Ўтма, тақиқланган!» демаса, узоқ-узоқларга кетаверсам дердим ичимда. Ҳориб-чарчаб йиқилгунга қадар

кишансиз, соқчисиз юришни истардим. Ҳозир унинг бошига нелар тушганини билмайманми?.. Ҳозир у тор бир жойда учи-кети кўринмайдиган чексиз, нурга тўла йўллари йўлаб, қафасдаги арслондек у ёқдан бу ёққа бориб келаётганини шундоқ кўриб турибман-ку! Унга урилган кишанлар худди менинг билакларимга урилгандек, қўлларим қақшаб кетаётир. Қани энди, бир зилзила бўлса-ю, у ўтирган қамоқнинг темир эшиклари-ю, деворлари қулаб тушса. Ўлишни хоҳлайман. Тушунтира олмайман буни... Мени бўғизлашаётганга ўхшайди. Бор овозим билан бақришни, майдонларга чиқиб ҳайқаришни, бошимни тошларга уриб ёришни, дуч келган бири билан ёқа бўғишишни истайман.

Уни қутқаришни хоҳлайман. Унинг қутулиб чиқиб, бошқалардек кишансиз, атрофида жандармсиз юришини истайман. Унинг юришини, одим отган оёқларини кўришни хоҳлайман. Узун бир йўл бўйлаб унинг юриб кетаётганини кўриш мен учун Оллоҳнинг энг катта мукофоти бўлган бўлурди.

Бир оз жим қолди. Сўнг:

— Уни қутқарайлик, Карим ака, — деди.

Карим олдинга қараб ўтирар, қошлари чимирилган эди. Ниманидир ўйлаётгани кўриниб турарди. Бир қарорга келган одамдай бирдан бошини кўтарди ва:

— Унинг кимлигини билдирмаслик уни бу балодан қутқариш йўлидир. Сен унга ёрдам қилишинг мумкин, — деди.

— Ростданми, Карим ака? — дея кулимсиради. Кўз ёшлари ҳали қурмаган эди.

— Ўтган кеча яна икки кишини тутишибди. Улардан бири мени танийди. Унинг бу ерда бўлганлигини тахмин қилиши мумкин. У валдираб қўйса, иш чатоқ бўлади. Полициячилар унинг юқоридаги баъзи нарсаларини топса, ким эканлигини билиб олишлари мумкин. У нарсаларни ёқиб, йўқ қилиб бўлмайди, темир нарса. Уларни денгизга ташлаб юбориш керак. Уларни ташиб, денгизга ташлашда менга ёрдам бера оласанми?

— Албатта.

— Ундай бўлса, қош қорайгач, бу ерга кел. Сенга бир тугун бераман. Бу анча оғир тугун. Мен ҳам иккита тугун олволаман ва...

Карим бу кеча қаердан қайиққа чиқишларини яхшилаб тушунтирди. Улар тугунларни денгизнинг энг чуқур жойи бўлган Қизқалъа яқинида сувга отадиган бўдилар.

Карим унга тушунтириб бўлгач, қўлидан ушлади:

— У қутулиб чиққанида сенинг бу ёрдамингни эшитиб, сендан гурурланади, — деди.

Жаврия:

— Фахрланадими?.. — дея сўради. Хаяжондан кўзлари ёшга тўлди. — Агар унга кўнгил қўймаганимда ҳам бу ишни қилган бўлардим. Умримда фақат угина менга хонимлардек муомала қилди. Мени инсон деб билди.

Февраль ойи бўлишига қарамай кеча анча илиқ. Бу ёлғончи ҳавога алданиб, бодомлар гуллаган пайт эди.

Уйларнинг ичи ҳали совуқ бўлса-да, ташқарида баҳор ели юзларни силаб-сийпайди.

Келишилган пайтда Жаврия Каримнинг ёнига бориб, тутунни олди.

Режани пишириб олишган. Келишувга мувофиқ, Финдиқли соҳилида боғлаб қўйилган қайиққа олдинига Жаврия чиқадиган ва Каримни кутадиган бўлди. Сўнгра денгизга чиқиб, тутунларни чўктирадиган, иш битгач, бошқа жойдан соҳилга чиқадиган ва бошқа-бошқа томонга кетадиган бўлишди. Эсон-омонликни билиш учун эртасига қоқ туш маҳали Қорақўйда калла-поча сотадиган қассобхона олдида учрашадиган, бироқ бир-бирини танимайдиган кишилардек ўтиб кетадиган бўлишди. Бир ойдан сўнг Жаврия Каримни бориб кўрадиган бўлди.

— У сен билан фахрланади, — деган эди Карим.

Жаврия бу оғир тутунни кўтариб, хилват кўчалардан кетиб бораркан, хаёли фақат шу сўзда эди.

Қутулиб чиқса ва яна дийдор кўришишса у:

— Сен билан фахрланаман, — деган бўлур эди.

Бунинг учун эса зиммасига олган ишни удаллаши, олган топшириқни бажариши керак.

Агар уни танийдиган бир полициячига дуч келиб қолса ишлар пачава бўлурди. Уни дарҳол қамоққа олишади, бу тутун ҳам ўртага чиқади. Бунга эшитса у Жаврия уни сотди деб ўйлаши мумкин.... «Бундай бўлса уятдан ўлсам керак», деди Жаврия ичида. Бундай эмаслигини билган тақдирда ҳам не фойдаси бор. Бу нарсаларнинг полиция қўлига тушиши унинг учун жуда хавфли эди. Хавфлигина эмас, бу муқаррар ўлим дегани.

Жаврия бу жуда хавфли иш эканини билса-да, уларни катта таҳлика остида тутган ва доимо яширин ҳолатда бўлишга мажбур этган фаолиятлари нимадан иборат эканлигини тушуниб етолмасди.

Шунинг учун ҳам жуда эҳтиёткор бўлмоғи даркор.

Жаврия орқасига одам тушган-тушмаганини диққат билан кузатиб кетиб борарди.

У, умуман, Бўлудан қайтганидан буён мана шундай эҳтиёткор бўлиб қолган эди.

Унинг ўрнида бошқа биров бўлганида ҳам у бир умр полиция билан бекинмачоқ ўйнаган бўлурди.

Эҳтиёткорликда Жавриянинг етарли малакаси ва маҳорати бор эди.

Бироқ у ҳеч қачон бу қадар муҳим бир иш юзасидан полициячилардан бекинмаганди.

Уни қутқариш учун бу ишга бел боғлаган ва шунинг учун чумчуқ пир этса, юраги шир этарди. Орқадан ҳуштак чалиб келган ўткинчидан, девордан сакраб, рўпара томонга югуриб ўтган мушукдан, кўча чироғида бирдан олдига тушган ўз соясидан ҳам қўрқиб кетарди.

Кимсасиз йўллар тугади. Энди кўчага чиқиши керак. Энди биронта таниш-билишига, полициячига дуч келиб, қўлга тушиш ва уни тутиб бериш эҳтимоли кучайган эди.

Эски этигининг пошнаси бу тош йўлларда бунчалик қаттиқ тақилламаса?! Ҳеч қачон унинг этиги бу қадар қаттиқ тақилламасди-ку!

Кўча бошига чиқиб, нафасини ростлади. Кўча бу соатларда у қўрққанчалик гавжум эмасди.

«Қўрққанга кўша кўринар, дейишади. Шу маҳалда ким ҳам кўчага чиқар эди?!»

Ёруғ кўчада анча юрди, бир чашма ёнидан денгиз томонга қайрилди. Йўлда унга бир эркак дуч келди. У маҳалла қоровули эди. Жавриянинг юраги кўксини ёриб чиқар даражада потирлади. «Булар хитлардан ҳам ёмон, — деб ўйлади у. — Бемаҳалда каттакон тугун кўтариб, соҳил томонга бораётган кишидан шубҳаланишлари турган гап. Яна бунинг устига кимсасиз, хилват жойда...»

Қоровул қўлидаги фонарни ёқиб, унинг юзига тўғрилади. Қўрқувдан Жаврия ҳушидан кетаёзди. «Бу томонларга кўп келмайман-ку, иншооллоҳ, мени танимас», деб ўйлади ва мадорсизгина одим отиб, йўлида давом этди.

Қоровул ҳамон қоққан қозикдай қаққайиб турар эди. Жаврия орқага ўгирилиб қарамаса-да, унинг жойидан жилмай қотиб турганини ҳис қиларди. Жавриядан гумонсирагани аниқ.

Шу ёғоч уйдан ўтиб кетса бас, унинг кўз олдидан ғойиб бўлади, эллик-олтмиш қадам нарида кичик бандаргоҳда боғлиқ турган қайиққа етиб олади.

Ичиди: «Эшкакни эркаклардан яхшироқ эшаман, қоровулнинг кучи етса орқамдан сузиб етиб олақолсин» деди. Иншооллоҳ, Карим ундан олдинроқ соҳилга келиб, уни қайиқда кутаётган чиқар.

Жаврия муюлишдан ўтиши биланоқ чопа кетди. Қоровул уни кўролмаслигини ҳисобга олган, бироқ чопган пайти тақиллаган оёқ

товушини эшитиши мумкинлигини ҳечам ўйламаган эди. Қоровул каттакон тугун қўлтиқлаган бу кўча қизининг ташқи кўринишини ёқтирмаган ва унга дуч келганидан сўнг югуришга бошлаганини эшитар-эшитмас, дарҳол ўша томонга чопган эди. Энди у Жавриянинг орқасидан қичқира бошлади:

— Ҳой... Ҳой, тўхта!.. Тўхта дейман!.. Қочма!..

Унинг овозини эшитди дегунча Жаврия янада тезроқ чопди. Ичига мудҳиш бир кўркув тушган, ўз-ўзига: «Ё Оллоҳ... Ё Оллоҳ, мени ўзинг асра! — дерди. — Қўлга тушсам унга ёмон бўлади, устига-устак, у мени сотди деб ўйлаши мумкин...»

Каттакон тугун кўтариб қочиб кетаётган хотиннинг ё ўғри, ёки контрабандист эканлигига кўзи етган қоровул бесўнақай гавдаси билан уни қувиб етолмаслигини англади ва ҳуштагини чуриллата бошлади.

Жаврия қоровулнинг ҳуштагига бошқа бир ҳуштак жавоб берганини эшитди. Қадам товушлари... чопиб келаётган қадам товушлари қулоғини қоматга келтиргандек бўлди.

Тугун жуда оғир, бу оғир тугунни қўлтиқлаб чопиш ундан ҳам оғир эди. Эҳ, қани энди йигирма-ўттиз қадам отса, шунда қайиқ боғланган соҳилга етиб олган бўлурди. Қочиб бораркан, бир неча бор қоқилиб, мункиб кетди, бироқ ўзини ўнглаб олди. Ниҳоят қирғоққа етди. Орқадан: «Тўхта!» деган қичқирикларга парво ҳам қилмай, қайиққа сакраб чиқди. Карим ҳали келмаган эди. Энди не қилади? Қайиқ боғланган арқонни бўшатди. Бу ерни полициячилар ва қоровул босганини сезса Карим асло яқинлашмайди, қочиб кетади, албатта. Истар-истамас, эшкак отиб, соҳилдан узоқлаша бошлади.

Бутун кучини ишга солиб, эшкак эшиб кетаверди. Денгиз хувиллаб ётган уйдек тинч ва осуда. Чор тарафда сукунат ҳукмрон, сас-садо эшитилмайди. Фақат у эшаётган эшкакнинг шалоплаши эшитилар ва жуда кўрқинчли туюлар эди. Қирғоқдан хийла узоқлашди. Бу кеча омади чопди: бўғоз суви ҳам унга қўл келиб, тез оқар ва уни соҳилдан узоқлаштирарди. Жаврия: «Мушукдек томдан тўрт оёғим билан тушаман-а», деб омади чопганига яна бир бор ҳайрон бўлди. Бироқ уни хавотирга солаётган бир нарса ҳам бор эди: «Шу тунука эшкакларнинг падарига лаънат, шалоплашини қаранг-а», деб сўзланди у. Шалоплатмай эшмоқчи бўлса-да, шошгани учун эшкакларни сувга янада қаттиқроқ урар ва шалоплаган товуш соҳилда кучлироқ акс-садо беряпти, деб тахмин қиларди.

Орқасидан қувиб келган одамлар бу зим-зиё тунда уни кўролмасалар-да, эшкак товушларини эшитиб, унинг сузиб кетганини билиб олишлари турган гап. Жаврия соҳилдан анча узоқлашган бўли-

шига қарамай, оёқ ва хуштак товушларини, эркаларнинг бақир-чақирларини эшитиб борарди.

Ҳар доимгидай некбинлик билан: «Етиб келишолмайди! — деб ўйлади. — Бандаргоҳда бошқа қайиқ йўқ эди». Шунини ўйлаб, ғайрат билан эшакка эша кетди. Эшакка эшаркан, ўз-ўзидан: «Тугунни ҳозироқ сувга ташласаммикан? — деб сўрарди. — Карим ака соҳилдан узоқларга ташлаш кераклигини айтганди... Не қилсам экан?.. Сувга ташласам қидириб топармикан бу золим хитлар?..»

Бирдан қўрқиб кетди. Не бўлди ўзи?.. Тескари оқимга дуч келиб қолдими ёки ваҳима босиб, қўрқиб кетдими? Гўё денгиз бирданига қуюқлашиб, оғирлашгандай бўлди, эшакка эшиши ҳам оғирлашди. Жаврия худди денгизда сузиб бораётгандек эмас, ботқоқлик қаърига чўкиб кетаётгандек қўрқувга тушди.

Жаврия нафасини ичига ютганча, қирғоқда у ёқдан бу ёққа чопган электр фонарларни ва фонарлар нури остида югуришаётган кўланкаларни кўрди. «Бутун умрим давомида хитлардан қўрқиб яшадим, аммо ҳеч қачон бунчалар қўрқарман деб ҳеч ўйламагандим», дея ҳаёлидан ўтказди у.

Совуқ қиш кечалари, пулсиз қолган вақтлари уни тутиб, қорақўлга олиб боришларини хоҳлар, ҳатто қорақўлларни ўз бошпанасидек хуш кўрарди... Айниқса Бейўғлидаги қорақўл. Ўша томонларда қўлга тушса Жаврия:

«Қорақўлда ойна бор...»

деб хиргойи қиларди. Жаврия ўзини бу қорақўлнинг ойнасига солишни ва ўзига оро беришни жуда ёқтирарди. Аввалги вақтларда унинг учун буларнинг ҳаммаси бир ўйин эди, аммо энди... энди уни кўрганлар:

«Қиз қўлида тамға бор!»

дейишарди... Ҳа, Жавриянинг қўлида тамға бор эди... Игна санчиб туширилган кишан тасвири эди бу тамғалар... Жаврия унинг маҳбуслигини баҳам кўриш учун қўлларига кишан расми санчтирган эди.

Жавриянинг қўлларида тамға бўлганидек, кўзлари ҳам чеккан азоб-уқубатларини ошкор этиб турарди. Шунинг учун бу Сумбул Дуду унга ҳамиша:

— Сенда бир гап бор, Жаврия, — дерди.

«Кўзларингдан аёндир Жаврия,  
Сенда қорасавдо бор...»

Унга бўлган муҳаббати ошиқликдан ҳам кучлироқ бир нарса эди... Бу бир қорасавдо эди... Бемор бўлган ўша кечаси уни уйига олиб келган ва ундан бугунгача бошқа эркаклар истаган нарсани истамаган, бу бояқишнинг фоҳиша эканлигини пайқамагандек кўринган, уни ҳурмат қилган, унга инсонлик ғурурини қайтариб берган бу кишини, бу бечора маҳбусни Жаврия қорасавдони эслатадиган бир муҳаббат билан севарди.

Унинг бошига таҳлика тушганини билганидан бери уни қорасавдога чалинган одамдай севарди.

«Мени «сиз»лаган биринчи ва охириги киши ҳам у эди, — дерди Жаврия. — Жоним садақа унга... Фосфорли Жаврия полициячи, қоровул деганларидан ҳеч кўрққан эмас». Фақат қорасавдога чалингани учун бўлса керак, шошқалоқлик қилди. Қоровул юзига тикилган пайтда ҳамишаги совуққонлигини йўқотиб, югуришга тушиб қолди.

«Ишнинг пачавасини чиқардим, қутурган кўппак тўдаси изимга тушди», деб ўйларди у.

Учларида сув томчилари жимираётган бу эшкаклар тобора оғирлашиб бораверди. Шу лаънати эшкаклар. Қатрон денгизига тушиб, қайтиб чиқмаётган шу эшкаклар...

Жавриянинг билаклари зирқираб оғрий бошлади. Мармар денгизда сузиб катта бўлган, яхши эшкакчи бўлган бу қиз толиққан... кўрқаётган эди... У шошқалоқлик ва кўрқув ичида эшкак эшишни унутиб қўйган ва қўлларини бир-бирига ураётган эди. Чунки денгиз устида эшкак, мотор ва одам овозлари эшитила бошлаган эди.

Бармоқлар тош қотди, билаклари тош босгандай оғирлашди. Билакларидagi тамғалар ҳақиқий кишандек қўлларини қисаётганга ўхшарди.

Денгизни прожектор нурлари тилимлади. Кўп ўтмай Жаврия ўзини нур ичида кўрди.

— Энди ўлдим! — дея инграб юборди у.

Кўлга тушган эди. Мотор товуши тобора яқинлашиб келаверди. Бир-икки сониягача эшкакларни ташламай қотиб қолди, сўнг нурга дуч келган парвонадай прожектор нури остида тўлғанди. Бирдан эшкакларга ёпишиб, бу нур остидан қочиб, зулмат қаърига кириб йўқолишни истади. Ҳа, зулмат, фақат зулматга қочишни хоҳлар

экан, денгиз устидан келаётган овозларни: «Ҳа, уни бу ерда... тутдик» деган сўзларни эшитгандек бўлди.

Бир йўлини топиши, қўлидаги тугунни йўқ қилиши лозим. Ўридан сакраб турди-да, тугунни азот кўтариб, денгизга улоқтирди. Бироқ у бу ҳаракатни шу қадар кескин бажардики, қайиқ мувозанатини йўқотди. Қайиқ ағдариларкан, Жаврия ўзининг денгизга қулаётганини ҳис қилди. Жаврия балиқдек суза оларди, шунинг учун бе-хосдан сувга тушиб кетганидан қўрқмади, фақат бу кеча денгиз суви жуда совуқ бўлишини ўйлади ва хаёлидан: «Бу оқшом бўлар иш бўлди, муздек сувга чўмилиб оладиган ҳам бўлдик» деган фикр йилт этиб ўтди.

Бу унинг охириги ўйи бўлди: Жаврия денгизга учиб тушаётганида ағдарилаётган қайиқ четига боши зарб билан урилиб, ҳушдан кетган эди.

Ғарқ бўларкан, қўрқувдан қалтираб, ўз-ўзидан: «Шу кўкка осилган, кўксимга тақмоқчи бўлган лаънати юлдузим учдими ё?» деб сўрашга улгурмади ҳам.

Ҳолбуки, ўша юлдуз учиб сувга тушганга ўхшарди, чунки Жаврия ғарқ бўлган жойда сув худди устига юлдуз тушиб, парчалангандек жимирлар эди.

Денгиз устида моторнинг гуриллаши, ҳуштак товушлари ва одамларнинг ҳайқириқлари бир-бирига қоришиб кетди. Денгизга лангар ташлаган кичкина кема устида ёлғиз ўтирган бир денгизчи тепаликлар ортидан бирдан кўтарилган қип-қирмизи ойни томоша қилганча, жура<sup>1</sup> чалар ва бир вақтлар тилдан тилга кўчиб машҳур бўлиб кетган бир қўшиқни куйлар эди. Бу қўшиқ ўзини қорақўлдаги ойналарга солган, қўллари тамғали, қорасавдоси борлиги кўзларидан аён бўлиб турадиган бир фосфорли гўзал ҳақида эди. Қоронғи кечада кўкдан тушиб, парчаланган юлдуздек сув устида нурли из қолдириб ғойиб бўлган Фосфорли Жаврия ҳақида эди бу қўшиқ...

«Мен денгизнинг қуми-ю,  
Балиқларнинг тангаси.  
Оч қўйнингни, Жаврия,  
Мен ҳам Оллоҳ бандаси».

---

<sup>1</sup> Ж у р а — торли мусиқа асбоби.

*Адабий-бадий нашр*

**Суот Дарвиш**

**ФОСФОРЛИ ЖАВРИЯ**

*Роман*

*Муҳаррир Шойим Бўтаев*

*Бадий муҳаррир Шухрат Мирфаёзов*

*Техник муҳаррир Татьяна Смирнова*

*Мусахҳиҳ Доно Тўйчиева*

*Компьютерда саҳифаловчи Сурайё Раҳмедова*

Нашр. лиц. № 154. 14. 08. 09. Босишга 22. 03. 2011 й. да рухсат этилди.

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Таймс гарнитураси. Офсет босма.

12,09 шартли босма тобоқ. 12,8 нашр тобоғи. Адади 3000 нусха.

17 – 2011 рақамли шартнома. 103 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: [www.iptdgulom.uz](http://www.iptdgulom.uz)

E-mail: [iptdgulom@sarkor.uz](mailto:iptdgulom@sarkor.uz)

Суот ДАРВИШ

# ФОСФОРЛИ ЖАВРИЯ

356 10



ISBN 978-9943-03-348-1



9 789943 033481